201__ A | Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK

Inson manfaatlari — oliy qadriyat

# ADOLAT

O`zbekiston «Adolat» sotsial-demokratik partiyasi

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

info@adolatgzt.uz ● www.adolatgzt.uz ● www.adolat.uz ● Maxsus son ● 2019-yil, 26-noyabr, seshanba




**22 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига САЙЛОВ КУНИ**

ADOLAT

HAR BIR

INSON UCHUN

O'ZBEKISTON ADOLAT SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

## NOMZODLARIMIZGA OVOZ BERING!

**ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СДПдан ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛИГИГА КЎРСАТИЛГАН НОМЗОДЛАРГА ОВОЗ БЕРИНГ!**

Номзодларимиз билан 2-26 саҳифаларда танишинг

# ЎЗБЕКИСТОН “АДОЛАТ” СДП НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

## Қорақалпоғистон Республикаси бўйича

### ДАЛЬЖАНОВ БЕРДИМУРАТ МАТЖАНОВИЧ

#### 1-Нукус сайлов округи

**Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**



Дальжанов Бердимурат Матжанович 1978 йили Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳрида туғилган, Миллати — қорақалпоқ. Маълумоти — олий.

2003 йилда Тошкент педиатрия тиббиёт институти Нукус филиалини тамомлаган. Ихтисослиги — суд тиббий эксперт.

Илмий даражаси — тиббиёт фанлари номзоди.

Меҳнат фаолиятини 2003 йилда Тошкент педиатрия тиббиёт институти суд тиббиёт ва тиббиёт ҳуқуқи кафедраси клиник ординатори вазифасидан бошлаган.

2005-2007 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси П.Суюнов номидаги Республика суд тиббий экспертиза бюроси суд тиббий эксперти, 2007-2008 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси П.Суюнов номидаги Республика суд тиббий экспертиза бюроси суд тиббий амбулатория бўлими бошлиғи, 2008-2009 йилларда суд тиббий экспертиза бюроси вақтинча бошлиғи вазифасини бажарувчиси лавозимларида ишлаган.

2009 йилдан ҳозирги кунга қадар мазкур муассасада раҳбар лавозимида фаолият олиб бормоқда. Олий тоифали Давлат суд тиббий эксперти. 2011-2012 йилларда "Ўта оғир жиноятларни очишда фаол иштироки учун" Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ томонидан Фахрий ёрлиқ билан тақдирланган. 2014 йилда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 23 йиллиги муносабати билан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси қарорига биноан "Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган тиббиёт ходими" унвони билан тақдирланган. 140 дан ортиқ илмий мақолалар ва учта ўқув қўлланмаси муаллифи ҳисобланади.

Номзоднинг дастуридан замонавий, юқори технологияли, самарали тез тиббий ёрдам хизматини шакллантириш чораларини кўриш, шошилинч тез тиббий ёрдам хизматининг тезкорлиги халқаро эътироф этилган талабларга мос бўлиши, уни бошқаришнинг ахборот тизимини жорий қилиш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, мактаблар ва мактабгача таълим муассасаларида болаларга тиббий хизмат кўрсатиш таъминоти тизимини мустаҳкамлаш, ҳар бир мактабда малакали тиббий хизматни жорий этиш, болаларга бепул стамотология хизмати кўрсатилишини таъминлаш, болаларни бепул дори воситалари билан узлуксиз таъминлаш, ҳар бир болада сил касали бор-йўқлигини аниқлаш учун манту синамаси ўтказиш, болалар орасидаги юқумли касалликларга қарши эмлашлар ўтказиш, тиббий фаолият устидан давлат-санитария назоратини кучайтириш, дориларни врач рецепти асосида берилишини йўлга қўйиш ҳамда дорилар рекламасини чеклашга қаратилган қонунларни қабул қилиш каби муҳим масалалар ўрин олган.

Оилали. Тўрт нафар фарзанди бор.

### КАДИРОВ КУВОНДИК АЙИТБАЕВИЧ

#### 2-Тўрткўл сайлов округи

**Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Кадиров Кувондик Айитбаевич 1967 йили Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл туманида туғилган. Миллати — ўзбек. Маълумоти — олий.

1998 йилда Нукус давлат педагогика институтини тугатган. Мутахассислиги — ўзбек тили, адабиёти ва одобнома ўқитувчиси. Филология фанлари номзоди, доцент. 2011 йилда Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими аълочиси, 2014 йилда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими аълочиси, шунингдек, 2016 йилда "Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигига 25 йил", 2017 йилда "Ўзбекистон Республикаси Конституциясига 25 йил" эсдалик кўкрак нишонлари билан тақдирланган.



Меҳнат фаолияти: 1993-1998 йилларда Нукус давлат педагогика институти талабаси, 1998-2000 йилларда Қорақалпоқ давлат университети "Ўзбек филологияси" кафедраси стажёр ўқитувчиси, 2000-2005 йилларда Қорақалпоқ давлат университети "Ўзбек тилшунослиги" кафедраси ассистенти, 2005-2006 йилларда Қорақалпоқ давлат университети "Ўзбек филологияси" кафедраси ассистенти, 2006-2008 йилларда Қорақалпоқ давлат университети "Филология" факультети декани муовини, 2009-2011 йилларда Қорақалпоқ давлат университети "Филология" факультети декани, 2011-2019 йилларда Нукус давлат педагогика институти Маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори, Нукус давлат педагогика институти Ёшлар билан ишлаш бўйича проректори сифатида фаолият юритиб келмоқда.

Номзоднинг дастуридан Таълим олиш ва унинг сифатини ошириш стратегиясини қабул қилиш, амалдаги қонунлар, қарорлар, кўрсатмалар ва бошқа меъёрий ҳужжатларни тизимлаштирган ҳолда "Таълим тўғрисидаги кодекс"ни қабул қилиш, олий таълим тизимини тубдан такомиллаштиришга қаратилган тизимли ишларни давом эттириш, олий таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш, олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини такомиллаштириш, уларни замонавий ўқув-илмий лабораториялар ва ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) билан таъминлаш, халқаро таълим стандартларига асосланган ўқув-услубий материаллар ва ўқув дастурлари, етакчи педагогик технологияларни ўқув жараёнига кенг жорий қилиш орқали ўқув сифатини ошириш, Давлат ва нодавлат олий таълим муассасалари сони ва самарадорлигини ошириш ҳисобига олий таълим билан қамров даражасини 2030 йилга қадар 50 фоиздан ошириш каби муҳим масалалар ўрин олган.

Оилали. Тўрт нафар фарзанди бор.

### ИБРАГИМОВА ЗУХРА АМЕТОВНА

#### 3-Элликқалъа сайлов округи

**Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**



Ибрагимова Зухра Аметовна 1965 йили Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл туманида туғилган, Миллати — ўзбек. Маълумоти — олий.

1991 йилда Тошкент педиатрия тиббиёт институтини битирган. Ихтисослиги — педиатр шифокор.

Зухра Аметовна меҳнат фаолиятини 1991-1992 йилларда Беруний тумани Марказий шифохонаси шифокор-интернаси, 1992-1996 йилларда Элликқалъа туманидаги "Қирққиз" қишлоқ врачлик пункти педиатр шифокори, 1996-2002 йилларда Элликқалъа туманидаги "Гулдурсин" қишлоқ врачлик пункти педиатр шифокори, 2002-2003 йилларда Элликқалъа туманидаги "Қумбасқан" қишлоқ врачлик пункти педиатр шифокори, 2003-2004 йилларда Элликқалъа тумани Марказий шифохонаси бош шифокорининг Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича ўринбосари, 2004-2010 йилларда Элликқалъа тумани ҳокими ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси, 2010 йилдан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси лавозимида ишлаб келмоқда.

Номзоднинг дастуридан жамиятнинг сиёсий ҳаётида хотин-қизлар фаоллиги ва ролини оширишда давом этиш, уларни ижтимоий ҳимоя қилишни мустаҳкамлаш бўйича кенг миқёсдаги ислоҳотларни изчиллик билан амалга ошириш, ҳар бир аёл пассив кузатувчи эмас, балки мамлакатда рўй бераётган демократик ўзгаришларнинг фаол ва ташаббускор иштирокчиси бўлишини таъминлаш, жамият ва давлат ҳаётининг барча жабҳаларида гендер тенг ҳуқуқлигига эришиш, хотин-қизларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг ижтимоий ҳаётдаги ролини, сиёсий, ижтимоий мақомини янада ошириш, иқтидорли ҳамда юқори малакали хотин-қизларни давлат бошқаруви ва сиёсатга фаол жалб этиш, аёллар ва болаларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш, муҳожирларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилишни такомиллаштириш каби муҳим масалалар ўрин олган.

Зухра Аметовна болалар ва мактабгача таълим муассасалари фаолиятининг мониторингини ўтказиш, уларни назорат остига олиш, болалар учун таълим-тарбия ишларини, тиббий хизматни талаб этилаётган стандартлар даражасигача кўтаришдек эзгу мақсадларни кўзламоқда. Дори-дармонга эҳтиёж сезаётган беморларга енгилликлар яратишга қаратилган тизимни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш борасида ҳам муайян ишларни амалга оширмоқчи.

Оилали. Икки нафар фарзанди бор.

### ЗАРИПОВА ГАУХАР САРСЕНБАЕВНА

#### 5-Хўжайли сайлов округи

**Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**



Зарипова Гаухар Сарсенбаевна 1978 йили Қорақалпоғистон Республикаси, Қораўзак туманида туғилган, Миллати — қорақалпоқ. Маълумоти — олий.

2001 йилда Қорақалпоқ давлат университетини битирган. Ихтисослиги — ҳуқуқшунос. 2015 йилда "Шуҳрат" медали билан мукофотланган.

Меҳнат фаолияти: 1997-2001 йилларда Қорақалпоқ давлат университети талабаси, 2002-2006 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик судида суд мажлиси котиби, 2006-2017 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик суди судьяси, 2017-2019 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодий суди судьяси, 2019 йилдан Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодий суди раиси в.б. бўлиб ишлаб келмоқда.

Номзоднинг дастуридан Олий суд, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ билан ҳамкорликда суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар натижасини, айниқса, соҳада аҳолининг норозилигига сабаб бўлаётган омилларни танқидий ўрганиб чиқиш, ўрганишлар натижаси бўйича амалдаги қонунчиликка киритиш учун аниқ таклифлар тайёрлаш, Суд тизимини комплекс ривожлантириш ва мавқеини ошириш, судьяларнинг дахлсизлигини таъминлаш, адолатли жамият қуриш, одамлар сарсонгарчилигининг олдини олиш ва суд фаолияти сифатини ошириш мақсадида амалдаги "Судлар тўғрисида"ги қонунни такомиллаштириш орқали фуқаролик, жиноий, иқтисодий ва маъмурий ишлар бўйича туман, шаҳар ва вилоят судлари негизида умумий юрисдикция судлари ташкил қилиш, уларга "халқ судлари" мақоми бериш, вилоят ва унга тенглаштирилган судларга назорат инстанцияси ваколатини юклаш, жамоат жойлари тушунчасининг ҳуқуқий асосини яратиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини, жиноятчиликка қарши курашиш ва жамоат тартибини сақлаш бўйича ички ишлар тизимининг фаолиятини тубдан такомиллаштириш ва аҳолининг хоҳиш-истакларини рўёбга чиқариш мақсадида уларнинг сонини мақбуллаштириш ҳамда ички ишлар органларига "халқ полицияси" деб ном бериш каби муҳим масалалар ўрин олган.

Номзод Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясининг Сайловолди дастурида белгиланган ижтимоий адолат, қонун устуворлигига асосланган, барча фуқаролар қонун олдида тенг бўлган ва ўз конституциявий ҳуқуқ ҳамда эркинликларини бемалол амалга ошира оладиган ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш ғоясини, адолатлилик ғояси, барчанинг қонун олдида тенглиги, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш каби режаларини қўллаб-қувватлайди.

### ДИЛАНОВ БЕКМУРЗА ГУЛИМБЕТОВИЧ

#### 6-Чимбой сайлов округи

**Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**



Диланов Бекмурза Гулимбетович 1980 йили Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой туманида туғилган, Миллати — қорақалпоқ. Маълумоти — олий.

2004 йилда Қорақалпоқ давлат университетини тамомлаган. Ихтисослиги — лингвистика (қорақалпоқ тили).

Илмий даражаси — филология фанлари номзоди.

Меҳнат фаолиятини 2002 йилда Нукус давлат педагогика институти қошидаги 1-сон Нукус академик лицейи ўқитувчиси вазифасидан бошлаган. 2004-2005 йилларда Қорақалпоқ давлат университети давлат тиллари кафедраси ассистенти, 2005-2008 йиллари Ўзбекистон Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Н.Довқараев номидаги тил ва адабиёт институти аспиранти, 2008-2013 йилларида Нукус давлат педагогика институти қошидаги 1-сон Нукус академик лицейи ўқитувчиси, 2013-2018 йилларида Нукус давлат педагогика институти ректор ёрдамчиси, Қорақалпоқ тили ва адабиёти факультети декани, институтнинг Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари билан ишлаш бўйича проректори, 2018-2019 йилларда Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти ҳузуридаги Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази директори.

2019 йилдан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази директори бўлиб ишлаб келмоқда.

Номзоднинг дастуридан ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ёш авлоднинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш тизимини тубдан қайта шакллантириш, ёшларнинг энг долзарб муаммоларини фаол ва самарали ечиш, уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш, ёшлар ташкилотлари фаолияти самарадорлигини ошириш, ёшларнинг уй-жой ва маиший шароитларини яхшилаш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарлари томонидан ёшлар билан очиқ ва доимий мулоқот ўтказиб бориш, давлат ва жамоат бошқарувига оид масалаларни устоз-шогирд анъаналарига риоя қилган ҳолда замонавий ва креатив фикрловчи, ҳаракатчан ва ташаббускор ёш кадрларга ишониб топшириш, ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиб, уларни миллий ва умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаб, уларнинг қалбида Ватанга муҳаббат ва унинг тақдирига дахлдорлик ҳисси, фидокорлик каби туйғуларни уйғотиб, турли мафкуравий таҳдидлардан ҳимоя қилиш каби муҳим масалалар ўрин олган.

Оилали. Тўрт нафар фарзанди бор.

### КАИПБЕРГЕНОВ НУРЛЫБАЙ ТУЛЕПБЕРГЕНОВИЧ

#### 7-Орол сайлов округи

**Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Каипбергенов Нурлыбай Тулепбергенович 1962 йили Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳрида туғилган. Миллати — қорақалпоқ. Маълумоти — олий.

1984 йили Нукус давлат университетини, 1992 йили Тошкент сиёсатшунослик ва бошқарув институтини битирган. Ихтисослиги — ўқитувчи, сиёсатшунос.

Меҳнат фаолиятини 1984 йилда Нукус туманидаги 18-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси вазифасидан бошлаган. 1984-1986 йилларда ҳарбий хизматда бўлган, 1986-1988 йилларда Нукус туманидаги 18-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси, 1988-1989 йилларда Нукус қурилиш техникуми ёшлар қўмитаси котиби, 1989-1991 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси Ёшлар қўмитаси ўқувчи ва талаба ёшлар бўлими инструктори, мудири, 1991-1992 йиллари Тошкент сиёсатшунослик ва бошқарув институти тингловчиси, 1992-2003 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси котибияти Хатлар ва фуқароларни қабул қилиш бўлими катта референти, Ташкилий-назорат бўлими катта референти, 2003-2010 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Котибият, Аппарат раҳбари, 2010-2011 йилларда Ўзбекистон Республикаси "Маҳалла" хайрия жамғармаси Қорақалпоғистон бўлими раиси, 2011-2012 йилларда Ўзбекистон "Адолат" СДП Қорақалпоғистон Республика Кенгаши раиси ўринбосари, 2012-2019 йилларда Нукус шаҳридаги 10-сонли кўзи ожиз ва заиф кўрувчи болалар учун ихтисослаштирилган давлат мактаб-интернати директори, 2019 йилдан бошлаб Ўзбекистон "Адолат" СДП Қорақалпоғистон Республика Кенгаши раиси бўлиб ишлаб келмоқда.



Номзоднинг дастуридан мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг тизимлилигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш орқали уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, коррупцияга қарши кескин чоралар кўриш, илм-фан ва таълимни ривожлантириш, соҳага инновацияларни жорий этиш орқали мамлакат иқтисодий ўсишига ҳисса қўшиш, ёшларни олий таълимга қамраб олиш даражасини кенгайтириш орқали уларнинг етук мутахассис бўлишига эришиш, аҳолининг сифатли тиббий хизматлардан фойдаланишини таъминлаш, Ўзбекистоннинг эркинлик, имкониятлар тенглиги, адолатлилик, бирдамлик, ижтимоий ҳимоя ва масъулият тамойиллари ҳукмронлик қиладиган, инсонларнинг кескин табақаланишига йўл қўйилмайдиган кучли "ижтимоий давлат" сифатида аҳолининг юқори турмуш даражасига эга ривожланган давлатлар қаторига қўшилишига эришиш, жамият ва мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланишини таъминлаш, жамиятимизнинг инновацион, интеллектуал салоҳияти ва инсон капиталини ривожлантириш каби муҳим масалалар ўрин олган.

Оилали. Тўрт нафар фарзанди бор.

# ЎЗБЕКИСТОН "АДОЛАТ" СДП НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

## Андижон вилояти бўйича

## АТАБАЕВ АЛЫМБАЙ САПАРБАЕВИЧ

### 8-Ақманғит сайлов округи

**Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Атабаев Алымбай Сапарбаевич 1972 йили Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳрида туғилган. Миллати — ўзбек. Маълумоти — олий.

1995 йили Қорақалпоқ давлат университетини, 2008 йили Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясини тамомлаган. Мутахассислиги — ҳуқуқшунос.

Меҳнат фаолиятини 1988 йилда Нукус шаҳар 63-сонли қурилиш-таъмирлаш бошқармасида ишчи вазифасидан бошлаган.

1989-1995 йилларда Қорақалпоқ давлат университети талабаси, 1995-1996 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди суд мажлиси котиби, 1996-1997 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди архив мудири, 1997-2003 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди катта маслаҳатчи, катта маслаҳатчи вазифаси юклатилган суд мажлиси котиби, суд статистикаси ва суд амалиётини тизимли таҳлил қилиш бўйича етакчи мутахассиси, 2003-2007 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Кегейли туман суди раиси, 2007-2008 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида тингловчи, 2008-2009 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Кегейли туман суди раиси, 2010-2016 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси "Nizam ustinligi" адвокатлар ҳайъати адвокат — стажери, адвокати.



2016 йилдан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси "Nizam ustinligi" адвокатлар ҳайъати бошқарувчиси лавозимида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бошқармаси ҳузуридаги малака комиссияси аъзоси сифатида фаолият юритиб келмоқда.

Номзоднинг дастуридан «Адолат ҳамма ерда ва ҳар бир инсон учун! Қонун ва адолат устуворлигига эришиш — ҳаракатларимиз мезонидир!» каби шиорларга амал қилиш ўрин олган.

Шунингдек, унинг суд ҳокимияти мустақил, судлар адолат қўрғонлари бўлиши, Олий суд, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ билан ҳамкорликда суд-ҳуқуқ тизимидаги islоҳотлар натижасини, айниқса, соҳада аҳолининг норозилигига сабаб бўлаётган омилларни танқидий ўрганиб чиқиш, ўрганишлар натижаси бўйича амалдаги қонунчиликка киритиш учун аниқ таклифлар тайёрлаш, суд тизимини комплекс ривожлантириш ва мавқеини ошириш, судьяларнинг дахлсизлигини таъминлаш, адолатли жамият қуриш, одамлар сарсонгарчилигининг олдини олиш ва суд фаолияти сифатини ошириш мақсадида амалдаги "Судлар тўғрисида"ги қонунни такомиллаштириш орқали фуқаролик, жиноий, иқтисодий ва маъмурий ишлар бўйича туман, шаҳар ва вилоят судлари негизида умумий юрисдикция судлари ташкил қилиш, уларга "халқ судлари" мақоми бериш, вилоят ва унга тенглаштирилган судларга назорат инстанцияси ваколатини юклаш таклифини бериш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилиш ва амалга оширишда жамоат ташкилотларини кенг жалб этиш каби муҳим масалалар ўрин олган.

Оилали. Беш нафар фарзанди бор.

## МАМАДАЛИЕВ МУЗАФФАР ИБРАГИМОВИЧ

### 9-Андижон сайлов округи

**Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Музаффар Ибрагимович Мамадалиев 1980 йилда Андижон шаҳрида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий. 2002 йилда Тошкент давлат юридик институтини тугатган, мутахассислиги — ҳуқуқшунос.

Меҳнат фаолияти: 2002-2007 йилларда Андижон шаҳар прокуратурасининг иш ўрганувчиси, прокурор ёрдамчиси, прокурор катта ёрдамчиси, 2007-2008 йилларда Андижон муҳандислик иқтисодиёт институти академик лицейининг ўқитувчиси, 2008 йилда "Микрокредитбанк" Андижон вилояти, Куйганёр бўлимининг етакчи ҳуқуқий маслаҳатчиси, 2008-2012 йилларда Андижон шаҳар "Адвокат" адвокатлик фирмасининг адвокати, 2012-2017 йилларда Фуқаролик ишлари бўйича Андижон вилояти Избоскан туманлараро судининг судьяси, 2018 йилдан бошлаб Андижон шаҳар "Адолат" адвокатлик фирмаси адвокати, ЧЭКИ "Ҳамкорбанк" АТБ амалиёт бошқармаси Жалақудуқ бўлинмаси ҳуқуқшуноси сифатида фаолият юритиб келмоқда.



У меҳнат фаолияти давомида фаол жамоатчи, билимдон, замонавий дунёқараш эгаси, миллий қадриятларни яхши ўзлаштирган, ҳуқуқий, сиёсатшуносликка оид билимларни пухта эгаллаган, масъулиятни чуқур ҳис қиладиган, мушкул вазиятларда доимо аниқ ва реал фикр юритиб, муаммони ҳал қилишда ўз лойиҳасини тақдим эта оладиган шахс бўлиб шаклланди.

Адолат қарор топишида суд ҳокимиятининг ўрни катта. Суд ҳокимияти мустақил, судлар адолат қўрғонлари бўлиши, Олий суд Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ билан ҳамкорликда суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар натижасини, айниқса, соҳада аҳолининг норозилигига сабаб бўлган омилларни танқидий ўрганиб чиқиб, ўрганишлар натижаси бўйича амалдаги қонунчиликка киритиш учун аниқ таклифлар тайёрлаши керак.

Унинг дастуридан суд тизимини комплекс ривожлантириш ва мавқеини ошириш, судьяларнинг дахлсизлигини таъминлаш, адолатли жамият қуриш, фуқаролар сарсонгарчилигининг олдини олиш ва суд фаолияти сифатини ошириш мақсадида амалдаги "Судлар тўғрисида"ги қонунни такомиллаштириш орқали фуқаролик, жиноий, иқтисодий ва маъмурий ишлар бўйича туман, шаҳар ва вилоят судлари негизида умумий юрисдикция судлари ташкил қилиш, уларга "халқ судлари" мақоми бериш, вилоят ва унга тенглаштирилган судларга назорат инстанцияси ваколатини юклаш таклифини бериш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилиш ва амалга оширишда жамоат ташкилотларини кенг жалб этиш, шунингдек, Андижон шаҳрининг мавқеини янада кўтариш каби муҳим масалалар ўрин олган.

Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

## АЛИМОВ АКМАЛБЕК АБДУМАЖИДОВИЧ

### 10-Олтинкўл сайлов округи

**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Акмалбек Абдумажидович Алимов 1987 йилда Андижон вилояти, Олтинкўл туманида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий. 2013 йилда Тошкент давлат шарқшунослик институти Жаҳон сиёсати ва тарих факультети диншунослик йўналишини тугатган. Мутахассислиги — сиёсатшунос-диншунос.

У 2005 йили Олтинкўл туманидаги "Биллур қурилиш" хусусий корхонасида иш юритувчи вазифасида меҳнат фаолиятини бошлаган. 2009-2013 йилларда Тошкент давлат Шарқшунослик институти талабаси, 2013-2014 йилларда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Маънавият ва маърифат марказида жамоатчи тарғиботчи, 2014-2017 йилларда Республика Маънавият тарғибот марказида Ҳуқуқий тарғибот бўлими етакчи мутахассиси, 2017-2018 йилларда Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши Ижтимоий-ҳуқуқий бўлими мудири, 2018 йил 1 февралдан Марказий Кенгашнинг Ижтимоий-ҳуқуқий масалалар ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлими мудири, 2019 йил 15 июлдан Марказий Кенгашнинг Ёшлар жиноятчилигининг олдини олиш ва ҳуқуқий тарғибот бўлими бошлиғи лавозимларида ишлаган.

2019 йил 30 сентябрдан ҳозирга қадар Марказий Кенгашнинг Ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар бўлими бошлиғи лавозимида ишлаб келмоқда. Шунингдек, лавозимига қўшимча равишда 2019 йилнинг 20 сентябридан Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши касаба уюшмаси раиси сифатида фаолият олиб бормоқда.

А.Алимовнинг 30 дан ортиқ мақолалари нуфузли илмий-амалий конференция тўпламлари ва журналларда чоп этилган. Маънавий-маърифий ва тарбиявий масалалар, ёшларга оид давлат сиёсати, ёшлар ўртасида жиноятчилик ва суицидларнинг олдини олиш юзасидан 20 дан зиёд қўлланмалари чоп этилиб, республика миқёсида мутахассисларга тарқатилган.

Ташаббускор, талабчан, қатъиятли ходим. Фаолияти давомида "Биз келажакка ишонамиз!" республика форуми, "Юксак маънавиятли авлод" республика танлови, "Конституция тарғибот ойлиги", "Ёшлар коррупцияга қарши", "Барчаси ўз қўлингда!" тарғибот декадаси, "Ёшлар ва қонун" республика танлови, "Ёш сайловчи-2019" тарғибот лойиҳаси, "Синовдан юксалишга қатъий қадам", "Жиноят ва жазо" тарғибот лойиҳаси, "Ҳуқуқингни англа!" каби ўндан ортиқ лойиҳалар ташаббускори бўлган.



У меҳнат фаолияти давомида фаол жамоатчи, билимдон, замонавий дунёқараш эгаси, миллий қадриятларни яхши ўзлаштирган, ҳуқуқий, сиёсатшуносликка оид билимларни пухта эгаллаган, масъулиятни чуқур ҳис қиладиган, мушкул вазиятларда доимо аниқ ва реал фикр юритиб, муаммони ҳал қилишда ўз лойиҳасини тақдим эта оладиган шахс бўлиб шаклланган.

Номзоднинг дастуридан партиянинг Сайловолди дастурида илгари сурилган ғояларга мос равишда, аҳоли, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий, сиёсий саводхонлигини ошириш, таълим тизимини такомиллаштиришда мактабгача таълим, умумтаълим ҳамда олий таълим тизимидаги ислоҳотларни жадаллаштириш каби муҳим масалалар ўрин олган.

Оилали. Икки нафар фарзанди бор.

## АБДУРАХМОНОВА КОММУНАХОН ПУЛАТОВНА

### 11-Бўз сайлов округи

**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Абдурахмонова Коммунахон Пулатовна 1965 йилда Андижон вилояти, Шаҳрихон туманида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий. 1989 йилда Андижон давлат тиббиёт институтини тамомлаган. 2014 йилдан бошлаб халқ депутатлари Бўз тумани Кенгаши депутати. Олий тоифали шифокор.

У меҳнат фаолиятини 1990 йилда Андижон вилояти, Бўз тумани марказий шифохонасида бошлаган. 1990-1993 йилларда Бўз тумани марказий шифохонасида врач-педиатр, 1993-1998 йилларда Бўз тумани марказий шифохонаси оналар ва болалар бўлими мудири бўлиб ишлаган. 1998 йилдан бошлаб Бўз тумани тиббиёт бирлашмаси юқумли касалликлар бўлими мудири лавозимида ишлаб келмоқда.

К.Абдурахмонова меҳнат фаолияти давомида фаол жамоатчи, билимдон, замонавий дунёқараш эгаси, тиббий билимларни пухта эгаллаган, масъулиятни чуқур ҳис қиладиган, мушкул вазиятларда доимо аниқ ва реал фикр юритиб, муаммони ҳал қилишда ўз лойиҳасини тақдим эта оладиган шахс бўлиб шаклланган.



Номзоднинг дастурида фуқароларнинг ҳуқуқий ва тиббий маданиятини ошириш, уларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилиш ва амалга оширишда жамоат ташкилотларини кенг жалб этиш масалаларига кенг ўрин берилган.

Шунингдек, унинг дастурида хизмат кўрсатиш тизимини янада ривожлантириш, ёш авлодни соғлом ва баркамол қилиб тарбиялаш ҳамда тиббиётга янги инновацон технологияларни олиб кириш ва улардан самарали фойдаланиш, фуқароларнинг жамиятдаги фаоллигини, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш ҳамда шу йўл билан аҳоли ўртасида тарқалаётган турли касалликларнинг олдини олиш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини бартараф этиш, ўқитувчиларнинг ҳуқуқий мақомини янада кўтариш, мактаб ва мактабгача таълим муассасаларида тиббий хизмат кўрсатиш таъминоти тизимини мустаҳкамлаш, ҳар бир мактабда малакали тиббий хизматни жорий этиш, болаларни бепул дори-дармонлар билан таъминлаш ва уларга стоматология хизмати кўрсатилишини йўлга қўйиш, тиббий фаолият устидан давлат санитария назоратини кучайтириш, аҳолини ижтимоий аҳамиятга эга, юқори самарали хавфсиз дори-дармон ва тиббий воситалар билан арзон нархларда таъминлаш, қалбакилаштирилган ва сифатсиз дори-дармонлар айланмасига чек қўйишга алоҳида эътибор қаратилган.

Номзод кадрларга бўлган бугунги ва истиқболдаги эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда Олий ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизимини ривожлантириш, соҳада тайёрланаётган мутахассислик йўналишларини босқичма-босқич қайта кўриб чиқиш, хизмат кўрсатиш соҳаси, аграр сектор, ишлаб чиқариш тизими, уй-жой, коммунал хўжалиги учун мутахассислар тайёрлашни кенгайтириш масаласига ҳам эътибор бермоқда.

Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

## МАДЯРОВА ФЕРУЗА РАХМИДДИНОВНА

### 12-Шаҳрихон сайлов округи

**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Мадярова Феруза Рахмиддиновна 1967 йилда Андижон вилояти, Андижон шаҳрида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий. 1990 йилда Андижон давлат тиббиёт институтини тугатган. Мутахассислиги – даволаш иши. 2014 йилдан бошлаб халқ депутатлари Асака тумани Кенгаши депутати.

У меҳнат фаолияти давомида 1990-1991 йилларда Андижон вилоят клиник шифохонасида интернатура, 1991-1998 йилларда Асака туманидаги марказий шифохона болалар бўлими педиатр шифокори, 1998-2009 йилларда Асака тиббиёт бирлашмаси поликлиникаси эндокринолог шифокори, 2009 йилдан Асака туманидаги тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси эндокринолог шифокори вазифаларида ишлаб келмоқда.

Ф.Мадярова фаол жамоатчи, билимдон, замонавий дунёқараш эгаси, миллий қадриятларни яхши ўзлаштирган, ҳуқуқий, сиёсатшуносликка оид билимларни пухта



эгаллаган, масъулиятни чуқур ҳис қиладиган, мушкул вазиятларда доимо аниқ ва реал фикр юритиб, муаммони ҳал қилишда ўз лойиҳасини тақдим эта оладиган шахс бўлиб шаклланган.

Номзоднинг дастуридан фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилиш, замонавий, юқори технологияли, самарали тез тиббий ёрдам хизматини шакллантириш чораларини кўриш, шошилинч тез тиббий ёрдам хизматининг тезкорлиги халқаро эътироф этилган талабларга мос бўлиши, уни бошқаришнинг ахборот тизимини жорий қилиш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлашда жамоат ташкилотларини кенг жалб этиш каби муҳим масалалар ўрин олган.

Номзод соғлиқни сақлашнинг давлат секторини мустаҳкамлаш, айниқса, мактаб ва мактабгача таълим муассасалари доирасида болаларни сифатли тиббий хизматлар билан таъминлаш тизимини кучайтириш, фуқаролар тиббиёт муассасаларида йўлга қўйилган даволаш амалиёти, хизматнинг самарали, сифатли эканига ишонч ҳосил қилиши учун шароит яратишни мўлжаллаяпти. У, айниқса, фертил ёшидаги хотин-қизларнинг саломатлигини яхшилаш бўйича қабул қилинаётган давлат дастурларини астойдил қўллаб-қувватлайди. Хотин-қизларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳамда тиббий саводхонлигини оширишга хизмат қилувчи марказларни ташкил этиш, олий ҳамда ўрта махсус касб-ҳунар таълим муассасалари битирувчиларининг назарий билимларини амалиёт билан мустаҳкамлаш механизмини такомиллаштириш масалаларга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

## МУРОДБЕК ҒАНИЕВИЧ ҒОФУРОВ

### 13-Асака сайлов округи

**Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Муродбек Ғофуров 1972 йилда Андижон вилоятида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий. 2000 йилда Қирғизистон Республикасининг "Қирғиз-Ўзбек" дўстлик университетини, 2009 йилда Андижон давлат университетини тугатган. Мутахассислиги — журналист, тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси.

У меҳнат фаолиятини 1989 йилда Андижон давлат тиббиёт институти шифохонасида санитар сифатида бошлаган. 1992-1997 йилларда Андижон туманидаги 5-умумтаълим мактабида расм-чизмачилик фани ўқитувчиси, 1997-2018 йилларда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг Андижон вилоят телерадиокомпанияси радио бўлими сухандони, "Тараққиёт" телерадиокомпанияси бош муҳаррири, Андижон вилоят телерадиокомпанияси телевидение гуруҳининг махсус мухбири, ижодий муҳарририят гуруҳининг бош муҳаррири, телерадиокомпания директорининг ўринбосари лавозимларида ишлаган. 2018 йилнинг май ойидан Республика Маънавият ва маърифат маркази Андижон вилояти бўлими раҳбари лавозимида фаолият олиб бормоқда.

Муродбек Ғофуров 23 йиллик ижодий фаолияти давомида "Андижон ахбороти", "7 кун" каби информацион дастурлар ҳамда "Дилдаги гаплар", "Андижон йигитлари", "Умр манзаралари", "Муносабат" кўрсатувларининг муаллифи ва бошловчиси сифатида минглаб мухлисларга эга бўлди. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси томонидан 2017 йилда ўтказилган "MTRK sovrini" республика кўрик-танловининг энг яхши кўрсатувлар муаллифи номинацияси бўйича ғолиби, 2017 йилда ўтказилган "Энг улуғ, энг азиз" республика кўрик-танловининг вилоят босқичи ғолиби бўлган.

М.Ғофуров миллий истиқлол ғояси ва маънавият асосларини кенг жамоатчилик, аҳолининг турли қатламлари ўртасида тарғиб этиб келади. У ўзининг меҳнатсеварлиги, ҳалоллиги, камтарлиги билан вилоят фаоллари ўртасида ҳурмат қозонган маърифатпарвар маънавият тарғиботчиси ҳисобланади.



Номзоднинг дастуридан бюджет соҳаси ходимлари учун бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан идоравий уй-жойларнинг қурилиш ҳажмини кенгайтириш, қурилаётган уй-жойларнинг сифатини ошириш, аҳолини, айниқса, ёшларни иш билан банд этиш, янги иш ўринлари яратиш, ишсизликка қарши курашиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш, миллий ҳунармандчиликни қўллаб-қувватлаш, "Устоз-шогирд" анъаналарини тиклаш, аҳолини сифатли тиббий хизмат билан таъминлаш, тиббий маданиятни ошириш, тиббиёт ходимлари манфаатларини ҳимоя қилиш, хотин-қизларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг ижтимоий ҳаётдаги ролини, сиёсий, ижтимоий мақомини янада ошириш, иқтидорли ҳамда юқори малакали хотин-қизларни давлат бошқаруви ва сиёсатга фаол жалб этиш, аёллар ва болаларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш, муҳожирларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилишни такомиллаштириш каби муҳим масалалар ўрин олган.

Оилали. Икки нафар фарзанди бор.

# ЎЗБЕКИСТОН "АДОЛАТ" СДП НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

### Андижон вилояти бўйича

## МИРЗАЕВА ЭЪТИБОР ҚОДИРОВНА

### 14-Марҳамат сайлов округи

**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Мирзаева Эътибор Қодировна 1963 йилда Андижон вилояти, Хўжаобод туманида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий. 1987 йилда Тошкент давлат тиббиёт институтини битирган. Мутахассислиги – даволаш иши.

1980-1987 йилларда Тошкент давлат тиббиёт институти талабаси бўлган, 1987-1988 йилларда Андижон вилояти клиник касалхонасида интернатура ўтаган, 1988-2008 йилларда Булоқбоши тумани марказий касалхонасига қарашли Ширмонбулоқ қишлоқ врачлик пунктида терапевт-шифокор бўлиб фаолият юритган, 2008 йилдан бошлаб Булоқбоши тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли 21-сонли қишлоқ оилавий поликлиникаси мудири лавозимида ишлаб келмоқда.

Э.Мирзаева меҳнат фаолияти давомида фаол жамоатчи, билимдон, замонавий дунёқараш эгаси, миллий қадриятларни яхши ўзлаштирган, ҳуқуқий, сиёсатшуносликка оид билимларни пухта эгаллаган, масъулиятни чуқур ҳис қиладиган, мушкул вазиятларда



доимо аниқ ва реал фикр юритиб, муаммони ҳал қилишда ўз лойиҳасини тақдим эта оладиган шахс бўлиб шаклланган.

Э.Мирзаева юртимизда олиб борилаётган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда, айниқса, тиббиёт, аҳоли соғлиғини сақлаш йўлидаги ислоҳотларни ҳаётга татбиқ этишда фидойилик билан хизмат қилиб келмоқда.

Номзоднинг дастуридан самарали тез тиббий ёрдам хизматини шакллантириш чораларини кўриш, шошилинч тез тиббий ёрдам хизматининг тезкорлиги халқаро эътироф этилган талабларга мос бўлиши, уни бошқаришнинг ахборот тизимини жорий қилиш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва амалга оширишда жамоат ташкилотларини кенг жалб этиш, шунингдек, аҳолига сифатли ижтимоий хизмат кўрсатиш тизимини янада ривожлантириб бориш, фуқароларнинг жамоат ташкилотларидаги иштирокини фаоллаштириш, шу йўл билан жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни бартараф этиш масаласига жалб этиш ўрин олган У нодавлат нотижорат ташкилотларининг соғлиқни сақлаш, таълим, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳаларидаги долзарб муаммоларни ечишга қаратилган дастурларда кенг иштирок этишини таъминлайдиган шарт-шароитлар яратилишига ҳам хайрихоҳлик кўрсатмоқда.

"Адолат" СДПнинг адолатли ғоялари, дастурий вазифалари сафдошимизни янада фаол бўлишга, ташаббус кўрсатиб ишлашга руҳлантиради. Хотин-қизлар, айниқса, ёшлар учун янги иш ўринлари яратиш ишига муносиб ҳисса қўшишни ўзининг бурчи, деб билади.

Оилали. Икки нафар фарзанди бор.

## УСМОНОВА САЙЁРА НАБИЖОНОВНА

### 15-Хўжаобод сайлов округи

**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Усмонова Сайёра Набижоновна 1967 йилда Андижон вилояти, Хўжаобод туманида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий. 1988 йили Наманган давлат педагогика институтини тугатган. Мутахассислиги – педагог.

У меҳнат фаолиятини 1988 йилда Андижон вилояти, Хўжаобод туманида кутубхона мудири вазифасида бошлаган. 1989-1993 йилларда Хўжаобод туманида совхоз директори ўринбосари, 1993-1995 йилларда Хўжаобод туманидаги "Иттифоқ" ширкат хўжалиги 1-МТТ мудираси, 1995-2000 йилларда ширкат хўжалиги хотин-қизлар қўмитаси раиси, 2000-2003 йилларда ширкат хўжалиги раиси муовини, 2003-2008 йилларда Хўжаобод туманидаги 11-умумий ўрта таълим мактаби она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, 2008 йилда 11-умумий ўрта таълим мактабининг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари, 2009 йилдан 11-умумий ўрта таълим мактаби директори лавозимида ишлаб келмоқда.



С.Усмонова ташаббускор, талабчан, қатъиятли, масъулиятни чуқур ҳис этади. Партиянинг «Архив сиёсатида – қонун устуворлиги», «Таълим тизимида – тиббий хизмат», «Ички йўллар жамоатчилик назоратида», «Адолат билимдони», «Адолатли қайнона», «Сиёсий-ҳуқуқий билимларни мустаҳкамлаш – демократик жамият пойдевори», «Тозалик йўлида бирлашайлик» каби ўндан ортиқ лойиҳаларида фаол иштирок этиб келади.

Номзоднинг дастуридан кучли ижтимоий сиёсатни мамлакатимизнинг келажаги буюк бўлишини таъминловчи инсон капиталига қаратиш, таълимга инвестиция киритиш – бу келажакка сармоя киритиш, халқ фаровонлигини ошириш, узлуксиз таълим тизимини мунтазам такомиллаштириб бориш, сифатли таълим-тарбия бериш, юқори малакали кадрларни тайёрлаш каби муҳим масалалар ўрин олган.

"Адолат" СДП мамлакатимиздаги ўзгаришларнинг ҳаракатлантирувчи кучи меҳнаткаш инсон, деб билади ва шундай бўлиб қолади, деб ҳисоблайди. Айнан юқори малакали мутахассислар, бюджет соҳаси ходимлари, педагоглар, шифокорлар, муҳандис-техник ва илм-фан вакиллари, хизмат кўрсатиш соҳалари ходимларида социал-демократлар ўзларининг бош ижтимоий таянчини кўрадилар. Уларнинг орасида Сайёра Усмонова ҳам бор. Тажрибали сафдошимиз бу улкан ишларга муносиб ҳисса қўшиш билан бирга аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, фуқароларнинг ижтимоий ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқий муаммоларни бартараф этишда жамоат ташкилотларини ҳам кенг жалб этиш зарур, деб ҳисоблайди.

Оилали. Тўрт нафар фарзанди бор.

## ОСТАНОВ ОЙБЕК АБДУСАМАТОВИЧ

### 16-Пахтаобод сайлов округи

***Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.***

Ойбек Абдусаматович Останов 1983 йилда Андижон вилоятида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий.



2007 йил Андижон давлат тиббиёт институтини тугатган. Мутахассислиги – травматолог-ортопед. Ижтимоий йўналиши бўйича врач-эксперт.

Меҳнат фаолиятини 2007 йилда Андижон вилояти Избоскан тумани У.Мансуров қишлоқ врачлик пунктида шифокорликдан бошлаган. 2007-2010 йилларда Избоскан туман Шошилинч тиббий ёрдам бўлими тез ёрдам бўлинмаси навбатчи шифокори, 2010-2014 йилларда 10-сонли Андижон вилоят бош ТМЭК эксперт-жарроҳи, 2014-2015 йилларда 15-сонли Қўрғонтепа туманлараро ТМЭК раиси, 2015-2017 йилларда Андижон вилоят бош тиббий-меҳнат эксперт комиссияси раиси вазифаларида ишлаган. 2018 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги Андижон вилоят бош тиббий-меҳнат эксперт комиссиясига раҳбарлик қилиб келмоқда.

Ташаббускор, масъулиятли, талабчан, қатъиятли мутахассис. Партиянинг «Архив сиёсатида – қонун устуворлиги», «Таълим тизимида – тиббий хизмат», «Ички йўллар жамоатчилик назоратида», «Адолат билимдони», «Сиёсий-ҳуқуқий билимларни мустаҳкамлаш – демократик жамият пойдевори» каби ўндан ортиқ лойиҳаларнинг фаол иштирокчиси.

Номзоднинг дастуридан аҳолининг соғлом турмуш тарзи, ёш авлоднинг сифатли билим олиши, халқ фаровонлиги йўлида адолат билан хизмат қилиш, аҳоли ҳуқуқлари ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилиш ва амалга оширишда жамоат ташкилотларини кенг жалб қилиш каби муҳим масалалар ўрин олган.

Шунингдек, "Адолат" СДП соғлиқни сақлаш соҳасида ислоҳотларни изчил давом эттириш, аҳолининг кенг қатламларига кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини янада ошириш тарафдоридир. Партия бу борада ўз саъй-ҳаракатларини соғлиқни сақлашнинг давлат секторини мустаҳкамлаш, мактаб ва мактабгача таълим муассасалари доирасида болаларни тиббий хизматлар билан таъминлаш тизимини кучайтиришга йўналтиради. Ойбек Абдусаматович бу жараёнларда фаол иштирок этишни ўзининг фуқаролик бурчи деб билади. Номзод фуқароларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг давлат бошқарувидаги иштирокини таъминлаш бўйича амалий чора-тадбирларни қўллаш, айниқса, хотин-қизлар ва ёшларнинг ташаббусларини амалга оширишда уларга кенг имкониятлар яратиб беришдек долзарб масалаларга катта эътибор қаратмоқда.

Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

## МУМИНОВА ХУЛКАРОЙ НУМАНОВНА

### 17-Қўрғонтепа сайлов округи

***Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.***

1970 йилда Андижон вилояти, Қўрғонтепа туманида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий.



1992 йилда Тошкент давлат Маданият институтини тугатган. «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 25 йил» кўкрак нишони билан тақдирланган.

Меҳнат фаолиятини 1992-2000 йилларда Андижон вилояти, Хонобод шаҳар маданият бўлими бош мутахассиси, 2000-2003 йилларда Андижон вилояти, Хонобод шаҳар маданият бўлими бошлиғи, 2003-2006 йилларда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Хонобод шаҳар Кенгаши бошлиғи, 2006-2010 йилларда Андижон вилояти, Хонобод шаҳар ҳокимлиги Маънавият тарғибот маркази бошлиғи, 2010-2011 йилларда Андижон вилояти, Хонобод шаҳар маданият ва спорт ишлари бўлими бошлиғи, 2011 йилдан "Хонобод садоси" газетаси бош муҳаррири, 2019 йилдан Ўзбекистон "Адолат" СДП Хонобод шаҳар Кенгаши раиси лавозимида ишлаб келмоқда.

Ўз меҳнат фаолияти давомида фаол жамоатчи, билимдон, замонавий дунёқараш эгаси, миллий қадриятларни яхши ўзлаштирган, ҳуқуқий, сиёсатшуносликка оид билимларни пухта эгаллаган, масъулиятни чуқур ҳис қиладиган, мушкул вазиятларда доимо аниқ ва реал фикр юритиб, муаммони ҳал қилишда ўз лойиҳасини тақдим эта оладиган шахс бўлиб шаклланган.

Ташаббускор, талабчан, қатъиятли ходим. Партиянинг «Архив сиёсатида – қонун устуворлиги», «Таълим тизимида – тиббий хизмат», «Ички йўллар жамоатчилик назоратида», «Адолат билимдони», «Адолатли қайнона» каби ўндан ортиқ лойиҳаларнинг фаол иштирокчиси

"Адолат" СДП мамлакатимиз келажаги соғлом ва ҳар томонлама уйғун ривожланган ёшлар қўлида, деб ҳисоблайди. Дунёнинг турли минтақаларида зиддиятлар, беқарорлик кучайган, ихтилофлар давом этаётган бир шароитда янги авлод вакилларини турли зарарли таъсирлардан ҳимоя қилишни ҳам қарз, ҳам фарз, деб билади.

Партия ҳуқуқий демократик давлат, бозор иқтисодиётига асосланган ижтимоий йўналтирилган кучли адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш мақсадларини кўзламоқда. Ўзбекистон ҳудудида яшаётган барча миллат ва элатларнинг умумий манфаатларига мос келадиган, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, бирдамлиги, конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланган, маънавий жипслашган жамиятни шакллантиришда фаол иштирок этишни ўзининг бош мақсадига айлантирмоқда. Бу жараёнларда, табиийки, Ҳулкарой Муминова ҳам қизғин иштирок этади.

Оилали. Икки нафар фарзанди бор.

## ҲАМРАҚУЛОВ АЪЗАМЖОН ШЕРМУХАМАДОВИЧ

### 18-Избоскан сайлов округи

**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Ҳамрақулов Аъзамжон Шермухамадович 1981 йилда Андижон вилояти, Пахтаобод тумани, "Маданият" қишлоғида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий.

2002 йил Андижон давлат университети ўзбек филологияси таълим йўналишини, 2005 йилда адабиётшунослик мутахассислиги бўйича магистратурани тамомлаган. Мутахассислиги – филолог, ўзбек адабиётшунослиги. Филология фанлари номзоди, доцент в.б. «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 25 йил» кўкрак нишони билан тақдирланган. Республика "Маърифат" тарғиботчилар жамияти, шунингдек, "Юксалиш" умуммиллий ҳаракатининг фаол аъзоси.

Меҳнат фаолиятини 2002 йилда Андижон давлат университетининг лицей-интернатида ўқитувчиликдан бошлаган. 2003-2005 йилларда магистратурада таҳсил олган. 2005-2006 йилларда сиртқи бўлимда методист, 2006-2009 йилларда аспирантурада илмий изланишлар олиб борган. 2009-2011 йилларда кабинет мудири, 2011-2012 йилларда ўзбек адабиёти кафедрасининг ассистенти, 2012-2013 йилларда ўзбек адабиёти кафедрасининг катта ўқитувчиси вазифаларида ишлаш билан биргаликда талабаларга таълим берган. 2013-2016 йилларда Андижон давлат университетининг ўзбек адабиёти кафедраси мудири вазифасини бажарувчи, шунингдек, ўзбек тили ва адабиёти кафедрасининг мудири бўлиб ишлаган.

2016-2018 йилларда Андижон давлат университети Маънавият ва маърифат ишлари бўйича проректор вазифасида ишлаган. 2018 йилдан университетнинг Ёшлар билан ишлаш бўйича проректори лавозимида ишлаб келмоқда.

Ўз меҳнат фаолияти давомида кенг жамоатчиликнинг эътирофини қозониб, муаммоли вазиятларда масалага ижодий ёндаша оладиган, инновацион ғояларни қўллаб, ўзининг шахсий ташаббусини дадил илгари сурадиган қатъиятли шахс сифатида шаклланган.

Номзоднинг дастуридан қишлоқ ҳудудларини ижтимоий ободонлаштириш, йўл инфратузилмасини, айниқса, маҳаллалар ичидаги кўчаларни таъмирлаш ва реконструкция қилиш, аҳолига кафолатли тиббий хизмат кўрсатиш, бепул таълим сифатини яхшилаш, муқобил энергия манбалари, хусусан, қуёш энергиясидан фойдаланишни ривожлантириш, каби муҳим масалалар ўрин олган.



Таълим замонавий демократик ва бағрикенг жамият тараққиётининг ҳал қилувчи омилидир. Шу жиҳатдан "Адолат" СДП Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси сифатли ва бепул умумий таълим олиш, яхши ҳақ тўланадиган муносиб иш топиш, яхши мутахассис бўлиш ва истаган пайтида ўз ишини ташкил этиш имкониятига эга бўлиши лозим, деб ҳисоблайди. Зеро, бугунги таълим – аввалгиларидан тубдан фарқ қилади. А.Ҳамрақулов дастурида ана шу ғоялар ҳам ифодасини топган.

Оилали. Тўрт нафар фарзанди бор.

## АДХАМЖОНОВА МАВЛУДАХОН ХАМЗАЕВНА

### 19-Хортум сайлов округи

**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Адхамжонова Мавлудахон Хамзаевна 1974 йилда Андижон вилояти, Андижон туманида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий.

1997 йилда Андижон давлат тиббиёт институтини, 1998 йилда Андижон давлат тиббиёт институти интернатурасини тугатган.

1998-1998 йилларда Андижон шаҳар 3-сонли туғруқ уйида врач, 1998-2002 йилларда Андижон тиббиёт коллежи ўқитувчиси, 2002-2006 йилларда Андижон шаҳар 3-туғруқ уйида акушер-гинеколог, 2006-2010 йилларда Андижон тиббиёт коллежи бўлим бошлиғи, Андижон туман кўп тармоқли марказий поликлиникаси врач акушер-гинекологи бўлиб ишлаган. 2010 йилдан бугунги кунгача Андижон туман кўп тармоқли марказий поликлиникаси мудири сифатида фаолият юритиб келмоқда.

Меҳнат фаолияти давомида фаол жамоатчи, билимдон, замонавий дунёқараш эгаси, миллий қадриятларни яхши ўзлаштирган, ҳуқуқий, сиёсатшуносликка оид билимларни пухта эгаллаган, масъулиятни чуқур ҳис қиладиган, мушкул вазиятларда доимо аниқ ва реал фикр юритиб, муаммони ҳал қилишда ўз лойиҳасини тақдим эта оладиган шахс сифатида шаклланган.

Номзоднинг дастуридан аҳолига кафолатли тиббий хизмат кўрсатиш, тиббиёт ходимлари меҳнатини рағбатлантириш, замонавий технология ва даволаш усулларини кенг жорий қилиш, соғлиқни сақлаш тизимини қайта шакллантиришни давом эттириш, замонавий, юқори технологияли, самарали тез тиббий ёрдам хизматини шакллантириш чораларини кўриш, шошилинч тез тиббий ёрдам хизматининг тезкорлиги халқаро эътироф этилган талабларга мос бўлиши, уни бошқаришнинг ахборот тизимини жорий қилиш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш каби муҳим масалалар ўрин олган.

Бўш вақтларида ёш мутахассислар билан яқиндан ишлаб, уларни астойдил қўллаб-қувватлайди. Зеро, ёшлар билан ишлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг асосий вазифаларидан биридир. Бу мақсадларга эришишда партия, албатта, давлат ва



нодавлат ташкилотлари билан ижтимоий шерикчилик тизимини ривожлантиришга, партия мафкурасини қабул қилган сиёсий етук ёш авлоднинг шаклланишига кўмаклашишга катта эътибор қаратмоқда. Партиянинг Сайловолди дастурида мамлакатимиз келажаги соғлом ва ҳар томонлама уйғун ривожланган ёшлар қўлида эканлиги алоҳида эътироф этиб ўтилган. Бу М.Адхамжонованинг ҳам асосий мақсадларидан бирига айлпнган

Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

# ЎЗБЕКИСТОН "АДОЛАТ" СДП НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

## ЎРОҚОВА ОЙСУЛУВ ЖАМОЛИДДИНОВНА

### 20-Чинобод сайлов округи

**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Ўроқова Ойсулув Жамолиддиновна 1978 йилда Андижон вилоятида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий.

2000 йилда Ўзбекистон Миллий университетини тугатган. Мутахассислиги – файласуф. Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).

Меҳнат фаолияти давомида 1999-2000 йилларда Тошкент шаҳар, Яккасарой туманидаги 73-умумтаълим мактаби тарих фани ўқитувчиси, 2000-2005 йилларда Андижон вилояти, Булоқбоши туманидаги 17-умумтаълим мактаби маънавият асослари фани ўқитувчиси, 2005-2007 йилларда Ўзбекистон Миллий университети магистири, 2007-2013 йилларда Андижон давлат тиббиёт институти «Ижтимоий гуманитар фанлар» кафедраси ўқитувчиси, 2013-2018 йилларда катта ўқитувчи вазифаларида ишлаган. 2018 йилдан бошлаб Андижон давлат тиббиёт институти Ижтимоий гуманитар фанлар кафедраси мудири лавозимида ишлаб келмоқда. Иккита монография ва бир қатор ўқув-услубий қўлланмалар муаллифи. Республика ва хорижий давлатларда элликдан ортиқ илмий мақолалари чоп этилган.



Меҳнат фаолияти давомида ўзини масъулиятли, ҳалол ходим сифатида намоён этди. Ҳар бир ишга ва ўзига юклатилган топшириқларга жиддий ёндашади, уларни ўз вақтида ҳамда сифатли бажаришга ҳаракат қилади. Ҳамкасблари ва институт жамоаси орасида ҳурмат қозонган. Сиёсий ва ҳуқуқий билимларга эга.

Номзоднинг дастурида таълим, илм-фан, тиббиёт каби соҳалар, шунингдек, зиёлиларнинг ижтимоий нуфузи ва мақомини ошириш ва уларни ҳимоя қилишнинг механизмларини яратиш каби муҳим масалалар ўрин олган.

Маълумки, социал-демократия ижтимоий адолат ва ижтимоий ҳамкорликка асосланувчи сиёсий йўналиш экани билан ҳам эътиборни тортади. Бундай мафкуранинг бош негизини ижтимоий ҳимоя ташкил этади. Шундай экан, унда инсоний меҳр-оқибат ва мурувват марказий ўринда туради. Ушбу мафкура дунё мамлакатлари, хусусан, Европа давлатлари тажрибасида муваффақиятли синовдан ўтган бўлиб, ҳозирги замонавий жамиятлар тараққиёти йўлида ўзининг ҳар томонлама самарали эканини кўрсатмоқда. Ўзбекистон "Адолат" СДП Устави ва Сайловолди дастурида социал-демократиянинг асосий тамойиллари ўзининг тўлақонли ифодасини топган. Бу мафкура хорижий мамлакатлар амалиётида тўпланган илғор тажрибалар ҳамда буюк аждодларимиз яратган миллий-фалсафий мерос билан уйғунлашган ҳолда ишлаб чиқилгани билан ҳам аҳамиятлидир.

Ойсулув Жамолиддиновна ҳам бу ишларда фаол иштирок этиб, партиянинг дастурий вазифаларини ҳаётга татбиқ этишда фидойилик кўрсатишни ният қилган.

## АБДУЛЛАЕВА МАВЖУДА ЭРГАШЕВНА

### 21-Истиқлол сайлов округи

**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Абдуллаева Мавжуда Эргашевна 1966 йилда Андижон шаҳрида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий. Тиббиёт фанлари номзоди, доцент.

1989 йилда педиатрия мутахассислиги бўйича Андижон давлат тиббиёт институтини тугатган.

У ўз меҳнат фаолиятини Андижон вилоят болалар клиник шифохонасида бошлаган. 1990-1994 йилларда аллерголог мутахассиси сифатида Андижон вилоят болалар клиник шифохонасида, 1994-1997 йилларда Андижон давлат тиббиёт институти субординатура кафедрасида ассистент сифатида фаолият юритган. 1997-2000 йилларда Андижон давлат тиббиёт институти аспирантура босқичининг кундузги бўлимида педиатрия мутахассислиги бўйича таҳсил олган ва 2003 йилда номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган.

2000-2004 йилларда Андижон давлат тиббиёт институти «Умумий педиатрия» кафедрасида ассистент лавозимида меҳнат фаолиятини давом эттирган.



2004-2013 йилларда Андижон давлат тиббиёт институти «Умумий педиатрия» кафедрасида бакалавриатура ва магистратура йўналишларида доцент лавозимида фаолият юритган. 2013-2016 йилларда Андижон давлат тиббиёт институти врачлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш факультети «Педиатрия» кафедраси мудири лавозимида, 2016-2018 йилларда Андижон давлат тиббиёт институти «Шошилинч педиатрия ва анестезиология-реанимация» кафедраси мудири лавозимида, 2018 йили «Поликлиник педиатрия» кафедраси мудири лавозимларида ишлаган.

2018 йил ноябрь ойидан ҳозирги вақтга қадар Андижон давлат тиббиёт институти «Болалар касалликлари пропедевтикаси ва поликлиник педиатрия» кафедраси мудири лавозимида ишлаб келмоқда.

Мавжуда Абдуллаева берилган топшириқ ва вазифаларни ўз вақтида ва тўлақонли бажаришга масъулият билан қарайди, ташаббускор, ҳамкасблар ва талабалар ўртасида обрў-эътибор қозонган. Фаол жамоатчи, билимдон, замонавий дунёқараш эгаси, миллий қадриятларни яхши ўзлаштирган, мушкул вазиятларда доимо аниқ ва реал фикр юритиб, муаммони ҳал қилишда ўз лойиҳасини тақдим эта оладиган шахс бўлиб шаклланган.

Номзоднинг дастуридан инсоннинг шахсий ҳуқуқ ва эркинлиги, социал-ижтимоий ҳуқуқларини таъминлаш, таълим ва соғлиқни сақлаш амалиёти сифатини кўтариш, социал ва маданий модернизация, қонун, дастур ва лойиҳаларни фаол амалга ошириш сингари йўналишлар ўрин олган.

Оилали. Икки нафар фарзанди бор.

## МАМИРОВА ОЛТИНОЙ ТЎЛАНБОЕВНА

### 22-Жалақудуқ сайлов округи

***Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.***

Олтиной Тўланбоевна Мамирова 1980 йилда Андижон вилоятида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий.



2001 йилда Андижон муҳандислик иқтисодиёт институтини, 2015 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясини битирган. Мутахассислиги – менежмент, давлат бошқаруви.

Меҳнат фаолиятини 2001 йилда Андижон вилояти, Жалақудуқ тумани иқтисодиёт бўлими етакчи мутахассиси сифатида бошлаган. 2010-2013 йилларда Андижон вилояти, Жалақудуқ тумани иқтисодиёт бўлими бош мутахассиси, 2015 йилда Андижон вилояти, Жалақудуқ тумани ҳокимлиги бош мутахассиси, 2015-2017 йилларда «Ўзагросуғурта» акциядорлик жамияти Жалақудуқ тумани бўлими менежери, 2017-2018 йилларда Жалақудуқ тумани иқтисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бўлими бош мутахассиси, 2018-2019 йилларда Жалақудуқ тумани бандликка кўмаклашиш маркази директори, 2019 йилдан бугунги кунга қадар Андижон вилояти бандлик бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари – ишга жойлаштириш ва аҳолини ижтимоий қўллаб- қувватлаш бўлими бошлиғи лавозимида фаолият юритиб келмоқда.

Ташаббускор, масъулиятли, талабчан, катъиятли ходим. Партиянинг «Архив сиёсатида – қонун устуворлиги», «Ички йўллар жамоатчилик назоратида», «Адолат билимдони», «Сиёсий ҳуқуқий билимларни мустаҳкамлаш – демократик жамият пойдевори», «Тозалик йўлида бирлашайлик» каби ўндан ортиқ лойиҳаларининг фаол иштирокчиси.

Маълумки, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етказиб берадиган тузилмаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган сиёсатга кўмаклашиш, оддий қишлоқ меҳнаткашларини самарали ҳимоя қилиш, қишлоқда ижтимоий инфратузилмани ташкил этиш Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг устувор вазифасига айланган. Шу мақсадда партия ернинг ҳосилдорлигини ошириш, бунинг учун барча агротехник тадбирларни ўтказиш, замонавий агротехнологияларни жорий этиш, уруғчилик ва селекция ишларини ривожлантириш, ходимлар меҳнатини самарали ташкил этиш ва рағбатлантиришдек хайрли мақсадларни мўлжалламоқда. Бу ишда Олтиной Тўланбоевна ҳам фаол иштирок этмоқда. Унинг асосий мақсади – қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етказиб берадиган тузилмаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган сиёсатга кўмаклашиш, қишлоқ меҳнаткашларини қўллаб-қувватлаш, ҳудудларда қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш ва қишлоқларда янги иш ўринлари яратишга муносиб ҳисса қўшишдан иборат.

Табиийки, бу жараёнлар партия олдига қўйган бош мақсад – аҳоли турмуш фаровонлиги ва даражасини оширишга ҳам ҳамоҳангдир.

Оилали. Икки нафар фарзанди бор.

## Бухоро вилояти бўйича

## ХОЛОВА НОДИРА ФАЗЛИДДИНОВНА

### 23-Бухоро сайлов округи

***Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.***

Холова Нодира Фазлиддиновна 1974 йилда Бухоро вилояти, Вобкент туманида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий.



1997 йилда Бухоро давлат тиббиёт институтини тугатган. Мутахассислиги – акушер-гинеколог.

У меҳнат фаолиятини 1999 йилда Бухоро шаҳар касалхонасидаги 3-сонли аёллар маслаҳатхонасида акушер-гинеколог вазифасидан бошлаган. 2003-2004 йилларда Бухоро тиббиёт коллежи ўқитувчиси, 2004-2009 йилларда Бухоро "Она ва бола" скрининг маркази акушер-гинекологи вазифаларида ишлаган. 2013 йилдан буён Республика репродуктив саломатлик маркази Бухоро вилояти филиали директори лавозимида ишлаб келмоқда.

Н.Холова заммасидаги вазифасига нисбатан жуда эътиборли бўлиб, уни жамоадошлари масъулиятли раҳбар сифатида қадрлашади. Унинг ташаббуси билан вилоятда туғиш ёшидаги аёлларни соғломлаштириш, соғлом оилани шакллантириш, бирламчи тиббиёт муассасаларини замонавий контрацептив воситалар билан таъминлаш, тиббий ҳужжатларни тартибга солиш ва репродуктив саломатлик соҳасида олиб борилаётган ишларни янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича бир қатор ишлар олиб борилмоқда.

У Бухоро вилояти телевидениеси орқали намойиш этиб бориладиган "Саломат бўлинг" кўрсатувига бошловчилик қилиб, тиббиётдаги хавфли касалликлар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ҳамда олдини олиш, шунингдек, бу борада Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси томонидан олиб борилаётган ўрганишларни таҳлил этган ҳолда тиббий маслаҳатлар беришда ҳам жонбозлик кўрсатиб келмоқда. "Оила" илмий-амалий марказида маҳалла мутахассислари ўқувлари ҳамда ёш оила қурувчилар мактабида тренер сифатида фаолият олиб бормоқда.

Номзоднинг дастуридан аёллар саломатлигини мустаҳкамлаш, скрининг ва перинатал марказлари, аёллар тиббий маслаҳатхоналари, туғруқ комплекслари, гинекологик ва патронаж хизматлари фаолиятини янада яхшилаш каби муҳим масалалар ўрин олган.

Номзод тиббий фаолият устидан давлат-санитария назоратини кучайтириш, дориларни врач рецепти асосида берилишини йўлга қўйиш, аҳолини хавфсиз дори-дармон ва тиббий воситалар билан арзон нархларда таъминлаш, қалбакилаштирилган ва сифатсиз дори-дармонларнинг ноқонуний айланмасига чек қўйиш, нафақат ҳаётий зарур медикаментлар айланмаси ва сифати, балки чакана савдога тушувчи барча дорилар устидан қатъий давлат ва жамоат назоратини ўрнатиш, дориларнинг ягона электрон базасини шакллантириш ва унда барча дориларнинг номи, нархи, ишлаб чиқарувчиси ва савдога чиқарувчиси, чет элдан келтирилган дори-дармонлар учун эса импорт қилувчининг маълумотларини кўрсатадиган электрон тизимни татбиқ қилиш, ҳар бир мактабда малакали тиббий хизматни жорий этиш, болаларга бепул стоматология хизмати кўрсатилишини таъминлаш масалалари тарафдоридир.

Оилали. Икки нафар фарзанди бор.

## БУРХАНОВА НОДИРА ИСМАИЛОВНА

### 24-Когон сайлов округи

**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Бурханова Нодира Исмаиловна 1969 йилда Бухоро вилояти, Бухоро шаҳрида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий. 1993 йилда Самарқанд давлат тиббиёт институтини битирган. Мутахассислиги – болалар шифокори.

У меҳнат фаолиятини 1993 йилда Бухоро вилояти болалар касалхонасида бошлаган. 1994-2000 йилларда мазкур касалхонада анестезиолог-реаниматолог шифокор, 2000-2009 йилларда даволаш ишлари бўйича бош шифокор ўринбосари лавозимларида фаолият олиб борган. 2009 йилдан буён Бухоро вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бош шифокор ўринбосари вазифасида ишлаб келмоқда.

Н.Бурханова фаолияти давомида малакали мутахассис, масъулиятни чуқур ҳис қиладиган ходим эканлигини кўрсатиб, юклатилган вазифаларни вақтида бажариб, бошқаларга ўрнак бўлиб келаётган раҳбарлардан бири ҳисобланади. 2005 йилда Украинанинг Харков шаҳрида, 2010 йилда Туркиянинг Анқара шаҳрида тажриба алмашиб келган. Унга 2014 йилда "Болалар нефрологияси" мутахассислиги бўйича олий малака тоифаси берилган. У Бухоро вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказида даволаш ва ташхис қўйиш, стационар шароитида беморларга узлуксиз шифокор назоратини таъминлаш, ташхисни ўз вақтида аниқлаб, малакали тиббий ёрдам кўрсатиш масалаларига алоҳида эътибор қаратади. Вилоят аҳолиси орасида соғлом турмуш тарзини тарғибот қилишга ҳам ўзнинг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Номзод партия лойиҳалари, хусусан, "Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур", "Саломатлик йўлида бирлашайлик", "Соғлом турмуш тарзи йўлида бирлашайлик" лойиҳалари асосида жойлардаги тиббиётга оид муаммоларни ўрганди ва уларни бартараф этиш юзасидан таклифлар билдирди.

Н.Бурханова ҳар бир мактабда малакали тиббий хизматни жорий этиш, болаларга бепул стоматология хизмати кўрсатилишини йўлга қўйиш, болаларни бепул дори воситалари билан узлуксиз таъминлаш, ҳар бир болада сил касаллигини аниқлаш учун манту синамаси ўтказиш, болалар орасидаги юқумли касалликларга қарши эмлашлар ўтказиш каби масалаларни илгари суради. Шунингдек, болалар тиббиёт бирлашмалари тизими(мактаб тиббиёти)ни тубдан яхшилашга қаратилган "Соғлом болалик" лойиҳасини амалга ошириш тарафдори.

Нодира Бурханова дастурида соғлиқни сақлаш тизимида сифатли хизмат кўрсатишни янада ривожлантириб бориш, қишлоқ ҳудудларида истиқомат қилувчи аҳоли учун ижтимоий хизматларни такомиллаштириш, ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини кенг миқёсда тарғиб қилиш масалаларига алоҳида урғу берган. Шунингдек, тиббиёт муассасалари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, уларда васийлик кенгашларини ташкил этиш бўйича махсус дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда дори-дармонга муҳтож бўлганлар учун дори воситаларини олишдаги енгилликларга қаратилган давлат тизимини сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш масалаларига ўз эътиборини қаратган.



Оилали, икки нафар фарзанди бор.

## ҲОМИДОВ МАҚСУД АМОНОВИЧ

### 24-Шохруд сайлов округи

**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Ҳомидов Мақсуд Амонович 1961 йилда Бухоро вилояти, Вобкент туманида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий. 1985 йилда Тошкент давлат тиббиёт институтини битирган. Мутахассислиги – врач-стоматолог.

У меҳнат фаолиятини 1985 йилда Бухоро вилояти стоматология поликлиникасида врач-интерна вазифасида бошлаган. 1986-1987 йилларда Вобкент марказий касалхонасида стоматолог, 1987-1989 йилларда Вобкент тумани стоматология поликлиникаси врач ортопеди, 1989-1992 йилларда Вобкент тумани Харгўш қишлоқ участка касалхонаси стоматологи, 1992-1997 йилларда Вобкент тумани Хайрабод участка касалхонаси бош шифокори, 1997-2016 йилларда Вобкент тумани стоматология поликлиникаси бош шифокори, 2009-2017 йилларда Ўзбекистон "Адолат" СДП Вобкент туман кенгаши раиси, 2016-2017 йилларда Вобкент тумани "Вобкент Дента Сервис" масъулияти чекланган жамияти раҳбари (ўриндошлик асосида), 2017 йилдан бошлаб халқ депутатлари Вобкент туман Кенгаши раиси ўрибосари (ўриндошлик асосида), 2017-2018 йилларда Ўзбекистон "Адолат" СДП Бухоро вилоят кенгаши раиси вазифасини бажарувчи лавозимларида фаолият олиб борган. 2018 йилдан бугунга қадар Ўзбекистон "Адолат" СДП Бухоро вилоят кенгаши раиси бўлиб ишлаб келмоқда.

Мақсуд Амонович соғлиқни сақлаш соҳасидаги йигирма йилдан ортиқ фаолияти давомида мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, тиббиёт соҳасида юқори малакали кадрларни тайёрлаш ишларига муносиб ҳисса қўшиб келди. Ўз соҳасини мукаммал билиши, ташаббускорлиги билан ажралиб туради, ёш мутахассис кадрларга услубий ва амалий ёрдам кўрсатиб келмоқда, раҳбарлик фаолияти давомида кўплаб шогирдлар тайёрлади.

Унинг раҳбарлиги даврида партиянинг вилоятдаги мавқеи ошди, партия аъзоларнинг сони кўпайди. Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи фаолиятининг самарадорлиги таъминланди. Номзод халқ депутатлари Бухоро вилояти Кенгашининг Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари масалалари бўйича доимий комиссияси аъзоси бўлиб, сайловчилар билан тизимли учрашувлар ўтказилиши натижасида аҳолини қийнаётган ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга молик масалаларни ҳал этишга қаратилган бир қатор депутат сўровларини ижро органларига юборган, сўровлар натижасига кўра аксарият муаммолар ечимини топган.



М.Ҳомидов ташкилотчи, ташаббускор, ўзига ва ходимларига нисбатан талабчан раҳбар. 2018 йилда "Шуҳрат" медали билан тақдирланган. 2019 йилда эса "Адолат" кўкрак нишони билан мукофотланган.

Маълумки, Ўзбекистон "Адолат" СДП Сайловолди дастурида тиббиёт тизимида мавжуд муаммоларнинг олдини олиш, кадрлар тизимини такомиллаштириш, сифатли ва самарали тиббий ёрдам кўрсатиш масаласи илгари сурилган. Бу масалалар ҳам номзод дастуридан ўрин олган.

Оилали, уч нафар фарзанднинг отаси.

# ЎЗБЕКИСТОН "АДОЛАТ" СДП НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

## ЧОРИЕВ ТАВАККАЛ РАВШАНОВИЧ

### 26-Ибн Сино сайлов округи

**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Чориев Таваккал Равшанович 1967 йилда Бухоро вилоятида туғилган. Миллати – тожик. Маълумоти – олий. 1991 йилда Самарқанд давлат педагогика институтини тугатган. Мутахассислиги – тожик тили ва адабиёти ўқитувчиси, филология фанлари номзоди, профессор. 2016 йилда Ўзбекистон Республикаси "Халқ таълими аълочиси" кўкрак нишони, 2018 йилда Тожикистон Республикаси «Дўстлик» ордени билан тақдирланган.

У иш фаолиятини 1991 йилда Пешку тумани 10-умумтаълим мактаби ўқитувчиси вазифасидан бошлаган. 1993-2001 йилларда Бухоро давлат университети "Тил назарияси ва методикаси" кафедраси ўқитувчиси, 2001-2007 йилларда "Тиллар" кафедраси ўқитувчиси, 2007-2008 йилларда "Тил ва адабиёт" кафедраси доценти, 2008-2011 йилларда "Тил ва адабиёт" кафедраси профессори, 2011-2018 йилларда "Бошланғич таълим асослари" кафедраси профессори, 2017-2018 йилларда «Педагогика» факультети маънавий-маърифий ишлар бўйича декан ўринбосари лавозимларида ишлаган. 2019 йилдан бошлаб "Ўзбек тилшунослиги" кафедраси профессори лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Ўзбек ва тожик тилшунослик илмининг тадрижий ривожланишига



ҳисса қўшиб келаётган зуллисонайн тилшунос олим 200 дан ортиқ илмий, илмий-услубий мақола, 9 та дарслик, 3 та ўқув қўлланма, 10 та ўқув-услубий қўлланма ва 2 та монография муаллифидир. У университетлар ва педагогика институтларининг бошланғич таълим ва спорт, тарбиявий иш ҳамда филология ихтисосликлари йўналишида ўқиётган талабалар учун «Тил ва нутқ ўстириш», «Нутқ маданияти», «Ўзбек тили», «Ҳозирги тожик адабий тили», умумий ўрта таълим мактаблари учун «Сотим Улуғзода ҳаёт ва ижодини мактаб таълими жараёнида ўрганиш» ўқув қўлланмаларини ишлаб чиққан.

Номзоднинг дастурида Мактабгача таълим, Халқ таълими ва Олий таълимни ривожлантиришнинг концепциясида илгари сурилган таълим тизимини тубдан такомиллаштиришга қаратилган тизимли ишларни давом эттириш соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш, таълим муассасаларининг моддий-техник базасини бойитиш, халқаро таълим стандартларига асосланган ўқув-услубий материаллар ва ўқув дастурлари, етакчи педагогик технологияларни ўқув жараёнига кенг жорий қилиш орқали ўқув сифатини ошириш масалалари кўтарилган бўлиб, номзод олий ва профессионал таълим муассасаларининг босқичма-босқич ўзини-ўзи молиялаштириш тартибига ўтишини таъминлашга қаратилган меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, олий ўқув юртларига кириш квоталарини босқичма-босқич ошириб бориш ва келгусида имтиҳонларни фақат бюджет (давлат гранти) асосида кирадиганлар учун қолдирган ҳолда, контракт асосида ўқишни истайдиганлар учун имтиҳон ва синовларсиз ўқишга қабул қилишни йўлга қўйиш, сиртқи ва кечки таълим шаклини кенг жорий этиш тарафдоридир. Шунингдек, ТОП-1000 га кирган нуфузли хорижий таълим муассасалари билан халқаро ҳамкорлик ўрнатиш, қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, профессор-ўқитувчи ва талабаларнинг ўзаро тажриба алмашинувини ташкил этишни қўллаб-қувватлайди.

Оилали, уч нафар фарзанди бор.

## РАХМАТОВ АНВАР ИСЛОМОВИЧ

### 27-Варахша сайлов округи

**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Рахматов Анвар Исломович 1982 йилда Бухоро вилояти, Ромитан туманида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий. 2003 йилда Тошкент давлат юридик институти, 2009 йилда Бухоро давлат университети (сиртқи), 2010 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси(кундузги)ни битирган. Мутахассислиги — ҳуқуқшунос, касб таълими (ижтимоий-иқтисодий соҳа) бозор иқтисодиёти асослари ва тамойиллари. Биринчи даражали адлия маслаҳатчиси.

У меҳнат фаолиятини 2003 йилда Когон шаҳар марказий касалхонасида ҳуқуқшунос вазифасида бошлаган. 2004 йилда Деҳқон, фермер хўжаликлари уюшмаси Бухоро вилояти вакиллиги ҳуқуқшуноси, 2004-2005 йилларда Бухоро вилояти адлия бошқармаси ҳуқуқий маърифат тарғиботи бўйича етакчи маслаҳатчиси, 2005-2006 йилларда Бухоро вилояти адлия бошқармаси Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими катта маслаҳатчиси, 2006-2009 йилларда Адлия вазирлиги ҳузуридаги Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалга оширилиши устидан мониторинг қилиш маркази бош маслаҳатчиси, 2009-2010 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси, 2010-2011 йилларда Навоий вилояти адлия бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари, 2011 йилда Адлия вазирлигининг Қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш бош бошқармаси Давлат бошқаруви органлари ва ма-



ҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятида қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш бошқармаси бошлиғи, 2011-2013 йилларда Адлия вазирлигининг Қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш бош бошқармаси Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари фаолиятида қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш бошқармаси бошлиғи, 2013-2019 йилларда Бухоро вилояти адлия бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари лавозимларида ишлаб келган. 2019 йилдан бугунги кунга қадар Адлия вазирлиги юридик таълим ва суд-экспертиза фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи бўлиб фаолият олиб бормоқда.

Ўзбекистон "Адолат" СДП Сайловолди дастурида Олий суд, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ билан ҳамкорликда суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар натижасини, айниқса, соҳада аҳолининг норозилигига сабаб бўлган омилларни танқидий ўрганиб чиқиш масаласи алоҳида эътиборга олинган. Анвар Рахматов ҳам суд тизимини комплекс ривожлантириш ва мавқеини ошириш, судьяларнинг дахлсизлигини таъминлаш адолатли жамият қуришнинг муҳим шарти эканлиги тарафдоридир. Шунингдек, у сарсонгарчиликларнинг олдини олиш ва суд фаолияти сифатини ошириш мақсадида амалдаги "Судлар тўғрисида"ги қонунни такомиллаштириш орқали фуқаролик, жиноий, иқтисодий ва маъмурий ишлар бўйича туман, шаҳар ва вилоят судлари негизида умумий юрисдикция судлари ташкил қилишни, уларга "халқ судлари" мақоми беришни, вилоят ва унга тенглаштирилган судларга назорат инстанцияси ваколатини юклаш, адвокатларнинг мақомини янада кўтариш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш механизмларини кучайтириш, ҳар бир адвокат малакали ҳуқуқий хизмат кўрсатиши учун зарур чораларни кўриш, бу борадаги амалдаги қонунлар ижроси юзасидан кучли ва самарали назорат ўрнатиш, суд жараёнида адвокатура ва прокуратура ҳуқуқлари тенглигини таъминлаш, барча ижро билан боғлиқ ваколатларни ва жазони ижро этиш муассасаларини суриштирув ҳамда тергов ваколатига эга бўлмаган, холис орган – адлия идоралари бошқарувига бериш, айниқса, "прописка" тизимига янгича ёндошиш, фуқароларнинг ўз хоҳиш-истакларидан келиб чиқиб, доимий яшаш жойини ўзи белгилаш ҳуқуқини таъминловчи ҳуқуқий асосни босқичма-босқич такомиллаштириб бориш тарафдоридир.

Оилали, уч нафар фарзанди бор.

## БОЗОРОВ ДИЛШОД ТУЙҒУНОВИЧ

### 28-Пайкент сайлов округи

**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Бозоров Дилшод Туйғунович 1983 йилда Бухоро вилояти, Шофиркон туманида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий. 2005 йилда Бухоро давлат университетини бакалавр, 2007 йил магистратура йўналиши бўйича тамомлаган. Мутахассислиги – амалий математика ва ахборот технологиялари.



У меҳнат фаолиятини Бухоро давлат университети ҳузуридаги академик лицейда информатика фани ўқитувчиси вазифасидан бошлаган. 2006-2008 йилларда академик лицейнинг "Информатика ва ахборот технологиялари" кафедраси мудири, 2007-2008 йилларда академик лицейининг ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари вазифасини вақтинча бажарувчи, 2008-2011 йилларда Бухоро вилоят ҳокимлиги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармасида девонхона мудири, ахборот-комуникация технологиялари бўйича бошлиқ ёрдамчиси, 2011-2012 йилларда Бухоро вилоят ҳокимлиги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармасида ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ўқув методик таъминлаш бўлими бошлиғи, 2014-2016 йилларда ўриндошлик асосида Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Бухоро шаҳар кенгаши раиси бўлиб фаолият олиб борган. 2012 йилдан бугунги кунга қадар Бухоро енгил саноат ва педагогика касб-ҳунар коллежи директори вазифасида ишлаб келмоқда.

Д.Бозоров тажрибали ва изланувчан педагог, самимий инсон, фидойи ва жонкуяр устоз, ташаббускор, талабчан раҳбар сифатида таълим жамоатчилиги ва вилоят фаоллари ҳурматини қозонган.

У Бухоро вилояти касб-ҳунар таълими муассасалари директорлар Кенгаши раиси бўлиши билан бир қаторда халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати сифатида бугунги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий соҳадаги ислоҳотларнинг фаол тарғиботчиси ва ижрочисидир. Айниқса, партия тарғибот-ташвиқот ишларида ташаббус кўрсатади. Қатор лойиҳалар доирасида аҳоли мурожаатларини ўрганиб, уларнинг амалий ечимларига кўмаклашиб келади.

Ўзбекистон "Адолат" СДП Сайловолди дастурида таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, имкониятларни кенгайтириш, шароитлар кўламини юқори даражага кўтариш масалалари асосий ўринда қайд этилган. Номзод ҳам ушбу фикрларни қўллаб-қувватлаган ҳолда болаларнинг мактабгача таълим муассасаларига қамраб олиниш даражасини икки баробарга, яъни ҳозирги 30 фоиздан 60 фоизгача кўтариш тарафдоридир. У шундан келиб чиқиб, аҳолининг олий таълим билан қамраб олинишини кенгайтириш, қолаверса, таълим ва тарбия соҳасида узвийликни таъминлаш мақсадида мактабгача таълим муассасаларида овқатлантириш тизимини янги инновациялар асосида янгидан ташкил этиш, бунда калорияли овқатлар ҳамда мия фаолиятининг яхши ишлашида керак бўладиган витаминларга бой озиқ-овқат маҳсулотлари ўрин олишига алоҳида эътибор бериш, умумтаълим мактабларида ижтимоий адолат ва тенглик тамойилларининг қарор топишига эришиш, эркак ўқитувчилар сонини 2030 йилгача 50 фоизга етказиш, синфларда ўқувчилар сонини оптималлаштириш, электрон ўқув-таълим дастурлари ва мультимедиа маҳсулотлари миқдори ва сифатини ошириш, ижтимоий-гуманитар йўналишдаги ўқув предметларини оптималлаштириш ҳисобига инсон ҳуқуқлари предметини жорий этиш, касб-ҳунар таълимининг меҳнат бозори билан алоқасини янада мустаҳкамлаш, мутахассисларни мақсадли тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш масалаларини ҳам қўллаб-қувватлайди.

Оилали, икки нафар фарзанди бор.

## АХМЕДОВА ДИЛБАР РУСТАМОВНА

### 29-Жилвон сайлов округи

**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Ахмедова Дилбар Рустамовна 1973 йили Бухоро шаҳрида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий. 1997 йил Бухоро давлат тиббиёт институтини битирган. Мутахассислиги – акушер-гинеколог.



У меҳнат фаолиятини 1997 йилда Бухоро вилоят туғруқхонаси шифокор акушер-гинеколог интернатураси вазифасидан бошлаган. 1998-2006 йилларда Бухоро шаҳар туғруқхонаси шифокор акушер-гинекологи, 2006 йилдан бошлаб Бухоро вилояти "Она ва бола" скрининг маркази директори бўлиб ишлаб келмоқда.

Д.Ахмедова ўз ишининг малакали мутахассиси бўлиш билан бирга, билимли ҳамда масъулиятли раҳбарлардан биридир. У малакасига таянган ҳолда марказда ҳомиладор аёлларни перенатал ультратовуш ва биокимёвий текширувлардан ўтказиш, туғма ва ирсий касаллик билан туғилган беморларга, оилаларга тиббий-генетик маслаҳатлар бериш ишларини амалга ошириб келмоқда.

Унинг ташаббуси билан ҳомиладорликнинг биринчи уч ойлигида аёлларнинг оммавий тарзда ультратовушли текширувини ўтказиш учун шаҳар ва туманлар марказий кўп тармоқли поликлиникаларида 13 та перенатал ташхис хоналари ташкил этилган.

Дилбар Ахмедова "Интилганга толе ёр" шиорига амал қилган ҳолда доим олдинга интилиб, тарғибот ишларида ҳам фаоллик кўрсатиб келмоқда. Хусусан, унинг раҳбарлигида ОИТС касаллигига қарши кураш маркази, Репродуктив саломатлик маркази очилди, вилоят силга қарши курашиш диспансери ходимлари билан ҳамкорликда ҳар ойда "Соғломлаштириш ҳафталиги" доирасида аҳоли орасида тиббий маданиятни ошириш, ирсий касалликларнинг олдини олиш бўйича давра суҳбатлари ўтказиб келинмоқда.

У ўзининг меҳнатсеварлиги, талабчанлиги, ташкилотчилик қобилияти ва ширинсўзлиги билан ҳамкасблари ҳамда маҳалладошлари орасида ҳам ҳурмат-эътибор қозонган.

Партия дастурида соғлиқни сақлашнинг давлат секторини мустаҳкамлаш, соҳада юқори малакали хорижий мутахассислар сонини ошириш ва хорижий инвестицияларни кенгайтириш, кадрлар малакасини ошириш ва тайёрлашнинг самарали тизимини шакллантириш сингари масалалар таъкидланган бўлиб, номзод ҳам тиббий хизматлар экспортини ривожлантириш, замонавий, юқори технологияли, тез тиббий ёрдам хизматини шакллантириш чораларини кўриш, шошилинч тез тиббий ёрдам хизматининг тезкорлиги халқаро эътироф этилган талабларга мос бўлиши, уни бошқаришнинг ахборот тизимини жорий қилиш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ихтисослаштирилган ва малакали тиббий хизмат кўрсатиш тизими самарадорлигини таъминлаш, касалланиш йўналишларини ўз вақтида аниқлаш мақсадида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимига охирги илмий-тадқиқот ютуқларини фаол жорий қилишни қўллаб-қувватлайди.

Оилали, икки нафар фарзанди бор.

## ЮСУПОВА ГУЛМИРА РАМАЗОНОВНА

### 30-Ғиждувон сайлов округи

**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Юсупова Гулмира Рамазоновна 1975 йилда Бухоро вилояти, Ғиждувон туманида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий. 1998 йили Навоий давлат кончилик институти (сиртқи), 2009 йили Бухоро давлат университети (сиртқи) бўлимларини битирган. Мутахассислиги — машинасозлик иқтисодиёти ва бошқаруви, педагог.

У иш фаолиятини 1998 йилда "Ғиждувон пахта тозалаш заводи" ҳиссадорлик жамиятида агроном-назоратчи вазифасидан бошлаган. 2001-2004 йилларда Ғиждувон туман молия бўлими иш юритувчиси, 2004-2007 йилларда Ғиждувон қурилиш ва коммунал хўжалик касб-ҳунар коллежи махсус фан ўқитувчиси, 2007-2008 йилларда коллеж услубшуноси, 2008-2009 йилларда Ғиждувон агросаноат касб-ҳунар коллежи ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари, 2009-2010 йилларда Ғиждувон агросаноат касб-ҳунар коллежи директори вазифасини бажарувчиси, 2010-2019 йилларда Ғиждувон агросаноат касб-ҳунар коллежи директори вазифаларида ишлаган. 2019 йилдан бошлаб Ғиждувон тумани мактабгача таълим бўлими мудири вазифасини бажарувчиси лавозимида ишлаб келмоқда.

Г.Юсупова раҳбарлик фаолияти билан биргаликда халқаро ҳамда республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда бир қатор маърузалари билан қатнашган, илмий рисолалари чоп этилган.

Маълумки, Ўзбекистон "Адолат" СДП Сайловолди дастурида мактабгача таълим муассасалари тизимини салмоқли кенгайтириш ва уларда болаларнинг интеллектуал, эстетик ва жисмоний ривожланиши учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш, болаларни мактабгача таълимга қамраб олишни сезиларли равишда ошириш масалалари қайд этилган. Номзод ҳам мактабгача таълим билан бир қаторда мактаблардаги маънавий-тарбиявий ишларни янгича асосда ташкил этиш, «Миллий ғоя», «Одобнома», «Динлар тарихи», «Ватан туйғуси» каби фанларни бирлаштирган ҳолда, ягона «Тарбия» фанини жорий қилиш ҳамда мактабларга буюк алломалар, давлат ва сиёсат арбоблари, машҳур саркарда аждодларимизнинг номларини бериш, умумий ўрта таълим сифатини тубдан яхшилаш, умумтаълим мактабларини ҳақиқий билим масканларига айлантириш, болалар спорти ҳамда мусиқа ва санъат мактабларини сон ва сифат жиҳатдан янгилаш, болаларнинг мутолаа маданиятини ривожлантириш, таълим олиш ва унинг сифатини ошириш стратегиясини қабул қилиш, амалдаги қонунлар, қарорлар, кўрсатмалар ва бошқа меъёрий ҳужжатларни тизимлаштирган ҳолда "Таъ-



лим тўғрисидаги кодекс"ни қабул қилиш масалалари тарафдоридир.

Гулмира Юсупова ҳар қандай соҳанинг тараққиёти инновацион илмий фаолиятга боғлиқлигини алоҳида таъкидлайди.

— Депутат этиб сайлансам, инновацион фаолиятнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, шу жумладан, илмий фаолиятни ривожлантириш соҳасида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишга, инновация ва инновацион инфратузилмаларнинг ягона ваколатли органини таъсис этишга оид таклифларни илгари суришга ҳаракат қиламан, — дейди у.

Оилали, уч нафар фарзанди бор.

## ДЖУРАЕВ ҚОДИР АСАДОВИЧ

### 31-Вобкент сайлов округи

**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Джураев Қодир Асадович 1972 йилда Бухоро вилоятининг Вобкент туманида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий. 1995 йил Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетини тугатган. Мутахассислиги – халқаро муносабатлар. Сиёсий фанлар доктори, доцент.

У меҳнат фаолиятини 1995-2000 йилларда ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси катта эксперти вазифасидан бошлаган. 2000-2006 йилларда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг катта ўқитувчиси, доцент вазифасини бажарувчиси, факультет декани, 2001-2004 йилларда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети докторанти, 2006-2010 йилларда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг "Фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш бўйича илғор мамлакатлар тажрибасини ўрганиш" лойиҳаси раҳбари, 2006 йилдан бошлаб Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети "Ижтимоий-гуманитар фанлар" кафедраси доценти, 2010 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасининг аъзоси, 2010-2014 йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг раиси вазифаларида ишлаб келган. 2015 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати сифатида фаолият олиб бормоқда.

Номзод малакали мутахассис сифатида мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш, ташқи сиёсат, мудофаа ва хавфсизлик соҳасидаги миллий қонунчиликни такомиллаштириш, юридик ва жисмоний шахсларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий саводхонлигини оширишда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Қодир Джураев 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 1-устувор йўналиши бўйича тузилган Давлат комиссиясининг аъзоси сифатида қонунлар қабул қилинишига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Номзоднинг дастурида Ўзбекистон Республикасининг халқаро институтларни интеграциялашуви ва модернизацияси, халқаро ва минтақавий хавфсизликнинг янги тизимини шакллантириш, хусусан, ШҲТ давлатларининг иқтисодий, гуманитар ва ижтимоий соҳаларида ҳамкорликни кенгайтириш бўйича ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва амалга ошириш, оммавий қирғин қуроллари тарқалиши, халқаро терроризм ва экстремизм, гиёҳванд моддалар контрабандаси, ноқонуний миграция, экология муаммоларини ҳал этишда фаол иштирок этиш, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг



чет элда ҳам ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш чоралари тўғрисидаги масалалар акс эттирилган. Шунингдек, таълим тизимида ҳам бир қатор имкониятларни кўпайтириш, олий таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш, олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини такомиллаштириш, уларни замонавий ўқув-илмий лабораториялар ва ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) билан таъминлаш, халқаро таълим стандартларига асосланган ўқув-услубий материаллар ва ўқув дастурлари, етакчи педагогик технологияларни ўқув жараёнига кенг жорий қилиш орқали ўқув сифатини ошириш масалалари тарафдоридир.

Оилали, уч нафар фарзанди бор.

# ЎЗБЕКИСТОН "АДОЛАТ" СДП НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

**Жиззах вилояти бўйича**

## МАМАТКУЛОВ ИЛХОМ АБДУРАХМОНОВИЧ

### 32-Жиззах сайлов округи

**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**



Маматкулов Илхом Абдурахмонович 1973 йили Жиззах вилояти, Бахмал туманида туғилган. Миллати — ўзбек. Маълумоти — олий. 1997 йилда Тошкент давлат аграр университетини, 2012 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши академиясини тамомлаган. Мутахассислиги — иқтисодчи-ташкилотчи.

И.Маматкулов 1990-1993 йилларда Жиззах вилояти, Зомин тумани "Ғалаба" ижара ширкатлар бирлашмаси ҳисобчиси ёрдамчиси, 1993-1998 йилларда Зомин тумани "Ғалаба" ижара ширкатлар бирлашмаси режа бўлими иқтисодчиси, 1998-2005 йилларда Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари Жиззах вилоят бошқармаси мониторинг ва таҳлил бўлими етакчи мутахассиси, бош мутахассиси, 2005-2010 йилларда Жиззах вилояти монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш худудий бошқармаси иқтисодий ночор корхоналарнинг молиявий-иқтисодий аҳволини таҳлил қилиш ва таркибий ўзгартириш бошқармаси бошлиғи ўринбосари — бўлим бошлиғи, 2010-2011 йилларда Жиззах вилояти монополиядан чиқариш, рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармаси бошлиғи ўринбосари — иқтисодий ночор корхоналарнинг молиявий аҳволини таҳлил қилиш бўлими бошлиғи, 2011-2013 йилларда Жиззах вилояти монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармаси бошлиғи, 2013-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Жиззах вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи ўринбосари, бошқарма бошлиғи, 2015-2017 йилларда Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Жиззах вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи ўринбосари, 2017-2018 йилларда Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Жиззах вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи ўринбосари, бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчиси ва бошқарма бошлиғи лавозимларидан фаолият олиб борган. 2019 йилдан Монополияга қарши курашиш қўмитаси Жиззах вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи вазифасида ишлаб келмоқда.

У меҳнат фаолияти давомида фаол жамоатчи, билимдон, замонавий дунёқараш эгаси, миллий қадриятларни яхши ўзлаштирган, ҳуқуқий, сиёсатшуносликка оид билимларни пухта эгаллаган, масъулиятни чуқур ҳис қиладиган, мушкул вазиятларда доимо аниқ ва реал фикр юритиб, муаммони ҳал қилишда ўз лойиҳасини тақдим эта оладиган шахс бўлиб шаклланган.

Номзоднинг дастуридан фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилиш, замонавий юқори технологияли, самарали тез тиббий ёрдам хизматини шакллантириш чораларини кўриш, шошилинч тез тиббий ёрдам хизматининг тезкорлиги халқаро эътироф этилган талабларга мос бўлиши, уни бошқаришнинг ахборот тизимини жорий қилиш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва амалга оширишда жамоат ташкилотларини кенг жалб этиш каби муҳим масалалар ўрин олган.

Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

## ТУРЛИБЕКОВА ГУЛЧЕХРА НАРЗУЛЛАЕВНА

### 33-Дўстлик сайлов округи

**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**



Турлибекова Гулчехра Нарзуллаевна 1974 йилда Сирдарё вилояти, Сирдарё туманида туғилган. Миллати — ўзбек. Маълумоти — олий. 1995 йилда Жиззах давлат педагогика институтини тамомлаган. Мутахассислиги — биология фани ўқитувчиси.

У меҳнат фаолиятини 1995 йилда Жиззах вилояти, Арнасой туманидаги 5-умумтаълим мактабида ўқитувчи сифатида бошлаган. 2000 йилдан буён Арнасой туманидаги 5-умумтаълим мактаби директори лавозимида фаолият олиб бормоқда.

Г.Турлибекова ташаббускор, талабчан ва қатъиятли раҳбар. У умумтаълим мактабларида замонавий технологиялардан фойдаланиш, олий таълим муассасаларига қабул квоталарини бекор қилиш тарафдори.

Номзоднинг дастуридан фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилиш, таълимга инвестиция киритиш, узлуксиз таълим тизимини мунтазам такомиллаштириб бориш, сифатли таълим-тарбия бериш, юқори малакали кадрларни тайёрлаш ва таълим муассасаларини замонавий, юқори технологиялар билан таъминлаш, уларнинг халқаро эътироф этилган талабларга мос бўлишига эришиш, таълим муассасаларини бошқаришнинг ахборот тизимини жорий қилиш ва моддий-техника базасини ривожлантириш, шунингдек, умумтаълим мактабларида тиббий хизмат сифатини янада ошириш, уларда махсус фанларни чуқурлаштириб ўтиладиган синфларни жорий қилиш ҳамда ўқувчиларни соғлом овқатлантиришни тизимли йўлга қўйиш каби муҳим масалалар ўрин олган.

Тажрибали педагог партиямизнинг инновацион фаолиятнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, шу жумладан, илмий фаолиятни ривожлантириш соҳасида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш, инновация ва инновацион инфратузилмаларнинг ягона ваколатли органини таъсис этиш борасидаги таклифлари амалга ошишида илмий салоҳияти ва қонун ижодкорига хос маҳоратини сафарбар эта оладиган етук мутахассисдир. У давлат олий таълим тизимини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантиришда фаол иштирок этишни мақсад қилган.

Шу билан бирга, мамлакатимиз таълим тизими фуқароларнинг комил шахслар бўлиб шаклланишига йўналтирилган, инсон омилини намоён этадиган, меҳнат бозори талабларига жавоб берадиган мутахассисларни етиштиришда энг яхши анъаналарини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга жиддий ёндашади, чунки таълим замонавий демократик ва бағрикенг жамият тараққиётининг ҳал қилувчи омилидир.

Оилали. Тўрт нафар фарзанди бор.

## ИСРОИЛОВА МАХФУЗА НЕМАТОВНА

### 34-Зомин сайлов округи

**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**



Исроилова Махфуза Нематовна 1969 йили Жиззах вилоятида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий. 1990 йилда Тошкент халқ хўжалиги институтининг қишлоқ хўжалигини режалаштириш факультетини тамомлаган. Мутахассислиги – иқтисодчи.

У меҳнат фаолиятини 1990 йилда Зарбдор туманидаги "Шарқ юлдузи" хўжалигида меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича иқтисодчи лавозимидан бошлаб, бош иқтисодчи лавозимигача кўтарилган. 2001-2009 йилларда Зарбдор туманидаги "Ораста" фермер хўжалиги раиси, 2009-2019 йилларда Зарбдор ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежи иқтисод фани ўқитувчиси, касбий таълим бўйича директор ўринбосари вазифасини бажарувчи ва директор ўринбосари, Зарбдор ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежи директори лавозимларида фаолият юритиб келган. 2019 йил сентябрь ойидан буён Зарбдор туманидаги 31-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби директори лавозимида фаолият олиб бормоқда.

У фаолияти давомида фаол жамоатчи, билимдон, замонавий дунёқараш эгаси, миллий қадриятларни яхши ўзлаштирган, ҳуқуқий, сиёсатшуносликка оид билимларни пухта эгаллаган, масъулиятни чуқур ҳис қиладиган, мушкул вазиятларда доимо аниқ ва реал фикр юритиб, муаммони ҳал қилишда ўз лойиҳасини тақдим эта оладиган шахс бўлиб шаклланган.

Номзод дастурида ҳар бир минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг аниқ ва самарали бажарилишига, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳалардаги ислоҳотлар жараёнининг ўзаро боғлиқлигига алоҳида эътибор қаратиш, давлат бюджетининг ижтимоий йўналтирилганини сақлаб қолиш зарурлигига эътибор қаратилган. М.Исроилованинг асосий мақсади — аҳоли учун, биринчи навбатда, ёшлар учун янги иш ўринлари яратиш. Модернизацияга асосланган янги иқтисодиёт ва янги технологиялар инсонга ва ижтимоий соҳага инвестиция киритиш вазифасини қўйишдан иборат. Буларнинг барчаси фуқароларга янги иш ўринларини яратиш, янги касб-ҳунарларни ўрганиш, янги корхоналарни очиш ва кенгайтириш имкониятини беради.

Номзод хусусий секторнинг ўрнини мустаҳкамлаш, корхоналарнинг равнақ топишидан корхона эгаларининг манфаатдорлигини ошириш масалаларига доимий эътибор қаратиб келмоқда. Унинг таъкидлашича, ҳар бир корхонанинг ривожланиши унинг фойда беришига боғлиқ ва, айниқса, унинг зарар билан ишлашининг олдини олиш лозим, деб ҳисоблайди.

Шунингдек, Махфуза Исроилова ўз дастурида корхоналарга уларнинг социал ва ижтимоий жиҳатдан фойдали эканлигидан келиб чиқиб, солиқ имтиёзлари бериш зарурлигини илгари суради.

Оилали. Уч нафар фарзанднинг онаси.

## ЗИЯДУЛЛАЕВА МАЛОХАТ ЭГАМБЕРДИЕВНА

### 35-Ғаллаорол сайлов округи

**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**



Зиядуллаева Малохат Эгамбердиевна 1971 йили Жиззах вилояти, Бахмал туманида туғилган, Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий. 1993 йили Самарқанд давлат университетини тамомлаган. Мутахассислиги – физика фани ўқитувчиси.

У меҳнат фаолиятини 1993 йилда Бахмал туманидаги 5-умумтаълим мактабида физика фани ўқитувчиси сифатида бошлаган. 2017 йилдан Бахмал туманидаги 5-умумтаълим мактаби директори лавозимида ишлаб келмоқда.

М.Зиядуллаева фаолияти давомида фаол жамоатчи, билимдон, замонавий дунёқараш эгаси, миллий қадриятларни яхши ўзлаштирган, ҳуқуқий, сиёсатшуносликка оид билимларни пухта эгаллаган, масъулиятни чуқур ҳис қиладиган, мушкул вазиятларда доимо аниқ ва реал фикр юритиб, муаммони ҳал қилишда ўз лойиҳасини тақдим эта оладиган шахс бўлиб шаклланган.

Номзоднинг дастуридан фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилиш ва амалга оширишда жамоат ташкилотларини кенг жалб этиш, шунингдек, ҳудуднинг мавқеини янада кўтариш, коммунал хизматлар сифат даражасини ошириш, ҳудудни иқтисодий-сармоявий, ижтимоий, маданий жиҳатдан замонавийлаштириш, сиёсий фаол, республика бошқарувида бевосита иштирок этадиган, жамиятимизда демократлашув жараёнларини илгари сурадиган ҳудудлардан бири сифатида шакллантириш каби муҳим масалалар ўрин олган.

Номзоднинг асосий мақсади – фуқароларнинг сиёсий фаоллигини ошириш ва уларнинг давлат бошқарувидаги иштирокини кенг таъминлаш бўйича амалий чора-тадбирларни қўллаш, фуқароларнинг, айниқса, хотин-қизлар ва ёшларнинг ташаббусларини амалга оширишда кенг имкониятлар яратиб беришдир. Таълим соҳасида дастурий маҳсулотларнинг миллий стандартларини ишлаб чиқиш, электрон ўқув-таълим дастурлари ва мультимедиа маҳсулотлари миқдори ва сифатини оширишдир.

У социал-демократиянинг шиорларидан бири – "Бирдамлик". Ўзбекистондаги турли фуқаролик институтлари, бир томондан, мамлакатимизнинг барқарор ривожланишига, иккинчи томондан эса барча ижтимоий гуруҳларнинг миллий жипслиги ва тотувлигига хизмат қилади. Номзод уларнинг хилма-хиллигини муштарак ҳолда сақлаш ва ривожлантириш лозим, деб ҳисоблайди.

Шу билан бирга, мамлакатимиз таълим тизими фуқароларнинг комил шахслар бўлиб шаклланишига йўналтирилган, инсон омилини намоён этадиган, меҳнат бозори талабларига жавоб берадиган мутахассисларни етиштиришда энг яхши анъаналарини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга жиддий ёндашади.

Оилали. Тўрт нафар фарзанди бор.

## МУСТАФАЕВА МАЛОХАТ ЭРГАШЕВНА

### 36-Пахтакор сайлов округи

**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Мустафаева Малохат Эргашевна 1972 йилда Жиззах вилояти, Жиззах туманида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти — олий. 1997 йилда Самарқанд давлат тиббиёт институтини тамомлаган. Мутахассислиги – даволаш иши.

У меҳнат фаолиятини 1997-1998 йилларда Жиззах вилояти оналик ва болаликни муҳофаза қилиш марказида интернатурада, 1998-2001 йилларда Жиззах вилояти акушерлик комплекси акушер-гинекологи, 2001-2009 йилларда Акушерлик ва гинекология илмий-текшириш институтининг акушер-гинекологи ва кичик илмий ходими, 2009-2011 йилларда Жиззах вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари, бош акушер-гинекологи, 2011-2014 йилларда Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази Жиззах филиали бўлим бошлиғи, 2014-2017 йилларда Жиззах шаҳар акушерлик комплекси бош шифокори, 2017-2018 йилларда Жиззах шаҳар тиббиёт бирлашмаси бош шифокори лавозимларида олиб борган. 2018 йилдан Жиззах шаҳар тиббиёт бирлашмасига қарашли шаҳар акушерлик комплекси бош шифокори вазифасида ишлаб келмоқда.

М.Мустафаева ташаббускор, талабчан, қатъиятли, шу билан бирга, зиммасидаги масъулиятни чуқур ҳис этади. У эрта турмушга чиқишнинг салбий оқибатларини бартараф этиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, шунингдек, репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш борасида мақсадли таклифлар ташаббускори.



Номзоднинг дастуридан фуқароларнинг ҳуқуқий ва тиббий маданиятини ошириш, уларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилиш ва амалга оширишда жамоат ташкилотларини жалб этиш масалалари кенг ўрин олган. Шунингдек, хизмат кўрсатиш тизимини янада ривожлантириб бориш, ёш авлодни соғлом ва баркамол қилиб тарбиялаш ҳамда тиббиётга янги инновацон технологияларни олиб кириш ва улардан самарали фойдаланиш, фуқароларнинг жамиятдаги фаоллигини, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш ҳамда шу йўл билан аҳоли ўртасида тарқалаётган турли касалликларнинг олдини олиш, жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни бартараф этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратган.

Унинг асосий мақсадларидан яна бири, дори воситаларининг ноқонуний айланиши, қалбакилаштирилган ва сифатсиз дори воситалари сотилишининг олдини олиш, давлат дорихона муассасалари тармоғини кенгайтириш ҳамда соғлом рақобат муҳитини яратиш ва дори-дармонлар нархини пасайтириш омили сифатида улар учун минимал рентабеллик даражасини ўрнатиш борасида зарур ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этилишига эришишдир.

Оилали. Икки нафар фарзанди бор.

## ХАКИМОВА ДИЛБАР АРТИКБАЕВНА

### 37-Шароф Рашидов сайлов округи

**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Хакимова Дилбар Артикбаевна 1969 йилда Жиззах вилояти, Зомин туманида туғилган. Миллати — ўзбек. Маълумот — олий. 1992 йилда Жиззах давлат педагогика институтини тамомлаган. Мутахассислиги — тарих фани ўқитувчиси.

У меҳнат фаолиятини 1986 йилда Зомин туманидаги "Шодлик" болалар боғчаси тарбиячиси сифатида бошлаган. 1986-1990 йилларда Зомин туманидаги 37-умумтаълим мактаби етакчиси ва ўқитувчиси, 1990-1992 йилларда Зомин туманидаги 67-умумтаълим мактаби тарих фани ўқитувчиси, 1992-1996 йилларда Зомин туманидаги 37-умумтаълим мактаби тарих фани ўқитувчиси, 1996-1998 йилларда Сирдарё вилояти, Сардоба туманидаги 14-умумтаълим мактаби тарих фани ўқитувчиси, 1998-1999 йилларда Жиззах шаҳридаги 19-умумтаълим мактаби тарих фани ўқитувчиси, 1999-2000 йилларда Жиззах политехника институти тарих ўқитувчиси, 2000-2016 йилларда Жиззах давлат педагогика институти қошидаги "Сайилжойи" академик лицейи тарих фани ўқитувчиси вазифаларида ишлаган. 2016 йилдан буён Жиззах давлат педагогика институти қошидаги "Сайилжойи" академик лицейи кафедра мудири лавозимида фаолият юритиб келмоқда.

Номзоднинг дастуридан фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларнинг хуқуқлари ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилиш, таълимга инвестиция киритиш, унда узлуксиз таълим тизимини мунтазам такомиллаштириш, сифатли таълим-тарбия бериш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш, таълим муассасаларини замонавий, юқори технологиялар билан тўлиқ таъминлаш, таълим муассасаларининг халқаро эътироф этилган талабларга мос бўлиши, уларни бошқаришнинг ахборот тизимини жорий қилиш ва моддий-техника базасини ривожлантириш каби муҳим масалалар ўрин олган.



Шунингдек, номзод Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликда 2020 йилдан ҳар бир олий таълим муассасаларига давлат буюртмаси асосида ўқишга қабул қилиш параметрларини белгилаш билан бирга, олий маълумотли кадрларни кўпайтириш ва улар ўртасида рақобатни кучайтириш, олий маълумотли кадрлар сони бўйича мамлакат даражасини кўтариш мақсадида олий ўқув юртларига кириш квоталарини босқичма-босқич ошириб боришни кенг жорий этиш тарафдори.

У оилалар мустаҳкамлиги, ёшлар тарбиясида муҳим ҳаётий ўрин тутадиган аҳиллик, ўзаро меҳр-оқибат каби синашта қадриятларимизни фарзандларимиз онг-шуурига сингдиришни фаол тарғиб этиб келади. Келгусида фарзандлар тарбиясида масъулиятни кўпроқ зиммасига олишини назарда тутиб, қизларни илм-маърифатли қилиб камол топтириш ҳар бир ота-онанинг вазифасидир. Партиямизнинг жонкуяр фаоли Дилбар Хакимованинг фикрича, ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаолликлари уларнинг ўзига нисбатан масъулиятини оширади, мустақил фикрлаш кўникмасини мустаҳкамлайди.

Оилали. Икки нафар фарзанди бор.

# ЎЗБЕКИСТОН "АДОЛАТ" СДП НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

## Навоий вилояти бўйича

## КОРЖИКОВА ИННА ИВАНОВНА

### 38-Навоий сайлов округи

**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Инна Ивановна Коржикова 1968 йилда Навоий вилоятида туғилган. Миллати – рус. Маълумоти – олий. 1991 йилда Тошкент давлат педагогика институтини тугатган. Мутахассислиги – бошланғич синф ўқитувчиси.

Меҳнат фаолияти: 1986-1988 йилларда «Навоийазот» АЖга қарашли 3-сонли мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси; 1988-1990 йилларда Навоий шаҳар 15-сонли мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси; 1990-1992 йилларда «Навоийазот» АЖга қарашли 11-сонли мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси; 1992-1999 йилларда Қурувчилар касаба уюшмаси кутубхоначиси; 1999-2016 йилларда "Фарҳод" маданият саройи маънавият тарғиботи масалалари бўйича услубчиси; 2016 йилдан ҳозирги вақтгача Навоий вилояти Рус миллий маданияти маркази раҳбари.

И.Коржикова вилоятда миллатлараро дўстлик ва тотувликни мустаҳкамлаш, турли миллат ва элат вакиллари ўртасида ҳукм сураётган ўзаро ҳамжиҳатлик ва меҳр-оқибат муҳитини асраш, ёш авлодни она-Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш ишларига муносиб ҳиссаси қўшиб келмоқда.



Унинг раҳбарлигидаги маданий марказ аъзолари сони бугунги кунда 400 нафардан ортиқ кишини ташкил этади.

У ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, уларнинг ҳуқуқий, тиббий ва маънавий саводхонлигини ошириш мақсадида тегишли ташкилотлар мутахассислари билан ҳамкорликда мунтазам равишда «Биз одам савдосига қаршимиз», «Соғлом ҳаёт – бизнинг шиоримиз», «Конституция – бош қомусимиз» мавзуларида учрашув ва давра суҳбатлари ҳамда «Рус адабиёти намоёндалари», «Абай – буюк қозоқ шоири», «Ч.Айтматов – асрнинг машҳур одами» номли бадиий кечалар ўтказиб келади.

И.Коржикованинг ташкилотчилигида ҳомийлар ёрдамида ҳашар йўли билан ўзи яшаб турган «Ғалаба» маҳалла фуқаролар йиғинида болалар спорт майдончалари ташкил этилган.

У ҳар бир марказ аъзосининг яшаш шароитни яхши билади. Уларнинг фикр-мулоҳазалари билан яқиндан танишиб, ҳар бирининг қалбига йўл топиб, муаммоларини ҳал этиб келмоқда.

И.Коржикова Халқаро интеллектуал ўйинлари ассоциацияси аъзоси сифатида марказ аъзоларининг бўш вақтларини самарали ташкил этиш ва иқтидорини ривожлантириш мақсадида ҳар ҳафтада «Заковат» интеллектуал ўйинини ўтказиб келади.

Номзоднинг дастуридан партиянинг Сайловолди дастурида илгари сурилган ғояларга мутаносиб тарзда шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар, иқтисодий-ижтимоий ҳуқуқларга оид қонунлар, дастур ва лойиҳалар ижросида фаол иштирок этиш; иқтисодий-ижтимоий ва бошқа масалаларга оид давлат дастурларининг туман кесимидаги ижроси юзасидан депутатлик ва жамоатчилик назоратини ташкил этиш; аҳоли саломатлиги ва фаровонлигига йўналтирилган қонунлар ижросига доир лойиҳаларни амалга ошириш, кўнгиллилик институтини кенг тарғиб қилиш; сайловчиларга ҳуқуқий маслаҳатлар бериш каби муҳим масалалар ўрин олган.

Оилали. Икки нафар фарзанди бор.

## ШАМСИЕВА ДИЛОРОМ МАРДОНОВНА

### 39-Қизилтепа сайлов округи

**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Шамсиева Дилором Мардоновна 1975 йилда Навоий вилоятида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий.

1997 йилда Навоий давлат педагогика институтини тамомлаган.

Меҳнат фаолияти: 1995-1999 йилларда Навоий шаҳридаги 10-умумий ўрта таълим мактабида ўқитувчи; 1999-2009 йилларда Навоий шаҳридаги 10-МТМда тарбиячи; 2009-2010 йилларда Навоий шаҳар 2-академик лицей ўқитувчиси; 2010-2015 йилларда Навоий давлат педагогика институти рус тили ва адабиёти кафедраси катта ўқитувчиси; 2015 йилдан бошлаб ҳозирги кунга қадар Навоий давлат педагогика институти Чет тиллар факультети ўқув ишлари бўйича декан муовини, рус тили ва адабиёти кафедраси катта ўқитувчиси. Республика ва хорижий давлатларда 45 дан ортиқ илмий мақолалар, ўқув-услубий қўлланмалар чоп эттирган. Истиқболли бошқарув кадрларини танлаб олиш бўйича 2019 йилда ўтказилган "Тараққиёт" Республика танлови ғолиби.



У меҳнат фаолияти давомида фаол жамоатчи, билимдон, замонавий дунёқараш эгаси, миллий қадриятларни яхши ўзлаштирган, дунёвий, ҳуқуқий, адабиётшуносликка оид билимларни пухта эгаллаган, масъулиятни чуқур ҳис қиладиган, таълим ва фан соҳасида аниқ фикр юритиб, муаммони ҳал қилишда ўз лойиҳасини тақдим эта оладиган шахс бўлиб шаклланган.

Номзоднинг дастуридан фуқароларнинг таълим ва тарбиявий соҳага оид билим ва маданиятини ошириш, уларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилиш ва амалга оширишда жамоат ташкилотларини кенг жалб этиш каби муҳим масалалар ўрин олган.

Номзод жойларда, таълим муассасалари, маҳаллаларда ёшлар билан икки томонлама мулоқотга асосланган учрашув, тадбирларнинг фаол иштирокчиси, ташаббускоридир. Бу каби суҳбатларда у республикамизда ёшларга оид давлат сиёсатининг моҳияти ҳақида батафсил маълумот бериши билан бир қаторда "Адолат" СДПнинг таълим соҳасида дастурий маҳсулотларнинг миллий стандартларини ишлаб чиқиш, электрон ўқув-таълим дастурлари ва мультимедиа маҳсулотлари миқдори ва сифатини оширишга қаратилган ғоялари билан ҳам таништиради.

Дилором Мардоновнанинг сайловолди дастурида кадрларга бўлган бугунги ва истиқболдаги заруратни ҳисобга олган ҳолда ўрта махсус касб-ҳунар мутахассислик йўналишларини босқичма-босқич қайта кўриб чиқиш, хизмат кўрсатиш соҳаси, аграр сектор, ишлаб чиқариш соҳаси, уй-жой-коммунал хўжалиги учун мутахассислар тайёрлашни кенгайтириш масалалари устувор аҳамият касб этган.

Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

## РАХМАНОВ ОЙБЕКЖОН ЭБАДУЛЛАЕВИЧ

### 40-Зарафшон сайлов округи

**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Ойбекжон Эбадуллаевич Рахманов 1984 йилда Навоий шаҳрида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий.



2005 йилда Навоий давлат педагогика институтининг бакалавр босқичини ҳамда 2007 йилда Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт институтининг магистратура босқичини тугатган. Спортнинг юнон-рум курашы бўйича спорт устаси. Халқ таълими тизимида жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун «Халқ таълими аълочиси» кўкрак нишони билан тақдирланган.

Меҳнат фаолияти: 2002-2005 йилларда Навоий шаҳридаги 8-сонли умумий ўрта таълим мактабида жисмоний тарбия фани ўқитувчиси, 2007-2009 йилларда Навоий вилояти маданият ва спорт ишлари бошқармасига қарашли олимпия захиралари ихтисослашган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби катта методисти, 2009-2011 йилларда бошқарманинг оммавий спортни ривожлантириш ва спорт тадбирларини ташкил этиш бўлими бошлиғи, 2011-2013 йилларда Навоий вилояти халқ таълими бошқармаси тасарруфидаги футбол (спорт) бўйича давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернати директори, 2013-2015 йилларда Тошкент шаҳар 14-сон олимпия захираларига ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби услубчиси, 2015-2017 йилларда Ўзбекистон "Ёшлик" жисмоний тарбия ва спорт жамияти Навоий вилояти минтақавий бўлими раиси ўринбосари, 2017-2018 йилларда Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасида Ахборот таҳлил ва АКТ бошқармаси бошлиғи ўринбосари лавозимида фаолият юритган. 2018 йилдан ҳозирги вақтгача Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги Ахборот-таҳлил бошқармаси бошлиғи ўринбосари лавозимида фаолият юритиб келмоқда.

Номзоднинг дастуридан олий таълим тизимини тубдан такомиллаштиришга қаратилган тизимли ишларни давом эттириш, олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини такомиллаштириш, халқаро таълим стандартларига асосланган ўқув-услубий материаллар ва ўқув дастурлари, етакчи педагогик технологияларни ўқув жараёнига кенг жорий қилиш орқали ўқув сифатини ошириш масалаларига кенг эътибор қаратилган. Спорт мусобақаларини мунтазам ўтказиш орқали иқтидорли ёшларни саралаб олиб (селекция қилиш), уларни ихтисослаштирилган спорт мактабларига йўналтириш, шунингдек, Ўзбекистон миллий терма жамоасининг асосий таркиби ва захира таркибига киритиш, Республика даражасидаги мусобақаларнинг қуйи босқичларини, шунингдек, маҳалла, мактабгача таълим муассасаси, мактаб ҳамда барча турдаги корхона ва ташкилотлар ўртасида оммавий спорт мусобақаларини, олис ва чекка қишлоқларда ҳам жисмоний тарбия ва спорт тадбирларини тўлиқ ташкил этиш, Навоий вилоятида олимпия ва миллий спорт турларига ихтисослаштирилган мактаб-интернати фаолиятини йўлга қўйиш каби масалалар ўрин олган.

Оилали. Икки нафар фарзанди бор.

## ХУДАЙБЕРДИЕВА ГУЛНАФИС АБДИМУҲИТДИНОВНА

### 41-Хатирчи сайлов округи

**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Гулнафис Абдимуҳитдиновна Худайбердиева 1978 йилда Навоий вилоятида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий.



2000 йилда Тошкент давлат юридик институтини тугатган. Мутахассислиги – ҳуқуқшунос.

Меҳнат фаолияти: 2000-2002 йилларда Навоий вилоят хўжалик суди катта статисти; 2002-2003 йилларда Навоий вилоят хўжалик судида суд мажлиси котиби; 2003-2009 йилларда Навоий вилоят хўжалик суди катта маслаҳатчиси; 2009-2012 йилларда Фуқаролик ишлари бўйича Кармана туманлараро суди судьяси; 2012-2017 йилларда Фуқаролик ишлари бўйича Навоий вилоят суди судьяси; 2017 йилдан ҳозирги вақтгача Фуқаролик ишлари бўйича Навоий вилоят суди судьяси.

Ўз меҳнат фаолияти давомида фаол жамоатчи, билимдон, замонавий дунёқараш эгаси, миллий қадриятларни яхши ўзлаштирган, ҳуқуқий, сиёсатшуносликка оид билимларни пухта эгаллаган, масъулиятни чуқур ҳис қиладиган, мушкул вазиятларда доимо аниқ ва реал фикр юритиб, муаммони хал қилишда ўз лойиҳасини тақдим эта оладиган шахс сифатида шаклланган.

Номзоднинг дастуридан Судлар фаолияти сифатини ошириш ҳамда фуқаролар сарсонгарчилигининг олдини олиш мақсадида "Судлар тўғрисида"ги қонунни такомиллаштириш, суд қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида қонунчиликка ўзгартириш киритиш орқали ижро механизмини қайта кўриб чиқиб, алоҳида МИБларда суд қарорлари ижросини таъминловчи бўлимларни ташкил қилиш ва "оила-маҳалла-жамият-давлат" бўғинлари орасида ҳамкорликни кучайтириш масалалари ўрин олган.

— Депутат этиб сайлансам, суд жараёнида томонларнинг тенглиги ва холис тортишув тамойилларини кучайтиришга, судларнинг масъулиятини оширишга, суд фаолиятига доир маълумотларга эга бўлишнинг аниқ механизмини белгилашга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишга бор куч-ғайратимни сафарбар қилишга интиламан, — дейди у. — Шу билан бирга, қабул қилинган қонунларнинг ижросини назорат қилиш, фуқароларнинг мурожаатларини ўрганиш асосида қонунчиликдаги бўшлиқларни тўлдиришга ҳаракат қиламан.

Шунингдек, номзод ўз сайловолди дастурида жамиятда жиноятчиликнинг олдини олиш, ҳуқуқбузарликни профилактика қилишга хизмат қиладиган фуқаролик жамияти, нодавлат нотижорат ташкилотларини муносиб рағбатлантириш механизмини назарда тутувчи дастур, лойиҳаларни ишлаб чиқиш ҳамда жамоатчилик эшитувига ҳавола этишни илгари сурмоқда.

Оилали. Икки нафар фарзанди бор.

## РАХИМОВ БЕКТОШ ЭРГАШОВИЧ

### 42-Нурота сайлов округи

**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Бектош Эргашович Рахимов 1971 йилда Навоий вилоятида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий.

2009 йилда Самарқанд давлат архитектура қурилиш институтини тугатган.

Меҳнат фаолияти: 2006-2010 йилларда "Олтин Водий" масъулияти чекланган жамияти муҳандиси; 2011 йилда "Озодбек Нодирбек Нур транс" масъулияти чекланган жамияти муҳандиси; 2011-2012 йилларда "Озодбек Нодирбек Нур транс" масъулияти чекланган жамияти раҳбари; 2012-2015 йилларда "Кармана Бек транс" масъулияти чекланган жамияти раҳбари; 2015-2016 йилларда Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги Навоий вилоят бўлими сектор мудири; 2016-2017 йилларда Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги Навоий вилоят бўлими етакчи мутахассиси; 2017-2018 йилларда Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги Навоий вилояти бошқармаси Автомобилларда ташувлар хавфсизлигини таъминлаш юзасидан назорат шўъбаси бош мутахассиси-катта инспектор; 2018 йилда Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлиги Навоий вилояти бошқармаси Автомобиль ташувларини мувофиқлаштириш ва диспетчер назорати бўлими бошлиғи; 2019 йилдан ҳозирги вақтга қадар Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги Навоий вилояти транспорт бошқармаси бошлиғи ўринбосари.

У меҳнат фаолияти давомида фаол жамоатчи, билимдон, замонавий дунёқараш эгаси, миллий қадриятларни яхши ўзлаштирган, ҳуқуқий, сиёсатшуносликка оид билимларни пухта эгаллаган, масъулиятни чуқур ҳис қиладиган, мушкул вазиятларда доимо аниқ ва реал фикр юритиб, муаммони хал қилишда ўз лойиҳасини тақдим эта оладиган шахс сифатида шаклланган.

Номзоднинг дастуридан чекка ҳудудларини туман ва вилоят марказлари билан боғловчи янги йўналишлар ташкил этиш ва йўлга қўйиш, туризм соҳасини янада ривожлантириш ҳамда ички туризмни ривожлантириш мақсадида Нурота — Тошкент автобус йўналишини очиб, доимий замонавий автобуслар қатновини йўлга қўйиш каби муҳим масалалар ўрин олган.

Номзод ўз сайловолди дастурида иқтисодиётнинг инновацион йўналишда ривожланишининг қонуний ва



меъёрий-ҳуқуқий асосларини яратиш, қишлоқ қиёфасини ўзгартириб, шаҳар билан тенглаштириш, қишлоқ аҳолисининг турмуш даражаси ва маданиятини ошириш бўйича ишлар олиб бориш, ҳудудда саноат ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга қаратилган давлат ва маҳаллий дастурларни қабул қилиш, шунингдек, таълим тизимини босқичма-босқич такомиллаштириш ва унинг сифатини оширишда фаол иштирок этиш мақсадини илгари сурган.

Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

## Наманган вилояти бўйича

## ИСМАИЛОВ ДИЛМУРОД МАХМУДОВИЧ

### 43-Дўстлик сайлов округи

**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Дилмурод Исмаилов 1980 йилда Наманган вилоятининг Наманган шаҳрида туғилган. Миллати — ўзбек. Маълумоти — олий. 2001 йилда Тошкент давлат юридик институтини битирган. Мутахассислиги – ҳуқуқшунос.

У меҳнат фаолиятини 2001 йилда Наманган вилояти адлия бошқармасининг Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими катта маслаҳатчиси сифатида бошлаган, сўнгра ушбу бўлим бош маслаҳатчиси вазифасини бажарувчи, бўлим бош маслаҳатчиси бўлиб ишлаган. 2011-2014 йилларда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш бош бошқармаси Наманган вилояти ҳудудий бўлими бошлиғи, 2014-2017 йилларда Наманган вилояти адлия бошқармасининг Жамоат, нодавлат нотижорат ва диний ташкилотлар бўлими бошлиғи, 2017 йилда Наманган вилоят адлия бошқармаси Давлат хизматлари кўрсатишни мувофиқлаштириш ва ривожлантириш бўлими бошлиғи, 2017-2018 йилларда Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги Наманган вилояти бошқармаси бошлиғи ўринбосари, бошқарма бошлиғи вазифасини вақтинча бажарувчи лавозимларида ишлаган. 2018 йилнинг февраль ойидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги Наманган вилояти бошқармаси бошлиғи лавозимида ишлаб келмоқда.

Д.Исмаилов мазкур тизимда муваффақиятли меҳнат қилиб, етарли тажриба орттирган ҳамда ўзини етук ҳуқуқшунос, хизмат вазифасига масъулият билан ёндашадиган, меҳнатсевар ва талабчан раҳбар сифатида кўрсатган. Ўзининг фазилатлари билан вилоят адлия бошқармаси ва унинг тизимидаги ходимлар ўртасида катта обрў-эътибор қозонган.

— Суд жараёнида томонларнинг тенглиги ва холис тортишув тамойилларини кучайтиришга, судларнинг масъулиятини оширишга, суд фаолиятига доир маълумотларга эга бўлишнинг аниқ механизмини белгилашга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишга бор куч-ғайратимни сафарбар қилишга интиламан, — дейди у. — Шу билан бирга, қабул қилинган қонунларнинг ижросини назорат қилиш, фуқароларнинг мурожаатларини ўрганиш асосида қонунчиликдаги бўшлиқларни тўлдиришга ҳаракат қиламан.

Шунингдек, номзод ўз сайловолди дастурида жамиятда жиноятчиликнинг олдини олиш, ҳуқуқбузарликни профилактика қилишга хизмат қиладиган фуқаролик жамияти, нодавлат нотижорат ташкилотларини муносиб рағбатлантириш механизмини назарда тутувчи дастур, лойиҳаларни ишлаб чиқиш ҳамда



жамоатчилик эшитувига ҳавола этишни илгари сурмоқда.

У Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармонлари ва ҳукуматимиз томонидан қабул қилинаётган қарорларни мунтазам равишда ўзлаштириб боради ҳамда мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий ҳамда ҳуқуқий ислоҳотларнинг моҳиятини тўғри тушунган ҳолда уларни ҳаётга татбиқ эта билади. Шу билан бирга, адлия органлари олдига қўйилган вазифаларни бажаришда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

# ЎЗБЕКИСТОН "АДОЛАТ" СДП НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

### Наманган вилояти бўйича

## АБДУЛЛАЕВА НИГОРА ХАБИБУЛЛАЕВНА

### 44-Сардоба сайлов округи

**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**



Нигора Абдуллаева 1973 йилда Наманган вилоятининг Наманган туманида туғилган. Миллати — ўзбек. Маълумоти — олий, 1995 йилда Наманган давлат университетини битирган. Мутахассислиги — физика-кимё фани ўқитувчиси.

Меҳнат фаолиятини 1995 йилда Наманган туманидаги 34-умумтаълим мактабида физика-кимё фани ўқитувчиси сифатида бошлаган. 2006-2009 йилларда шу тумандаги 21-ихтисослаштирилган мактаб-интернатида физика-кимё фанлари ўқитувчиси, 2009-2012 йилларда 34-умумий ўрта таълим мактабида физика ва кимё фанларидан дарс берган, 2012-2016 йилларда мазкур мактаб директори, 2016-2017 йилларда Наманган шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли 79-умумий ўрта таълим мактаби директори лавозимида ишлаган. 2017 йилдан буён Наманган шаҳар ҳокимининг ўринбосари —хотин-қизлар қўмитаси раиси бўлиб ишлаб келмоқда. Ўтган давр мобайнида у Наманган шаҳар ҳокими ўринбосари сифатида ўз касбий ва бошқарув маҳоратига эга эканлигини кўрсата олди. Жамият ва давлат бошқаруви соҳасидаги шиддатли ислоҳотларда фаол иштирок этиб келмоқда.

Н.Абдуллаева хотин-қизлар қўмитаси фаолиятига сидқидилдан ёндашиб, раҳбарлик этикаси талабларига қатъий риоя этади. Хотин-қизлар қўмитаси раиси сифатида ажрим ёқасига келиб қолган 1996 та оилаларни яраштириш, 151 та оилаларнинг нотинчлигига барҳам бериш, 2492 нафардан ортиқ хотин-қизларни ишга жойлаштириш, 66 нафар муҳтож оилаларни уй-жой билан таъминлаш, 165 нафар оғир турмуш шароитида яшаётган хотин-қизларга ҳомийлик асосида моддий ёрдам кўрсатиш, қонуний никоҳдан ўтмай яшаётган 791 та оиланинг никоҳини расмийлаштиришга кўмаклашгани бунинг яққол ифодаси.

Нигора Хабибуллаевна хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш ишларида фаол қатнашиб, ижобий натижаларга эришмоқда. Айниқса, аёллар ҳуқуқини ҳимоя қилиш, уларни иш билан таъминлаш, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва касаначилик фаолиятига жалб этиш, ёшларни оилага тайёрлаш, хотин-қизлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш, аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилишига эришиш, баркамол авлодни камол топтириш борасидаги ишларда унинг фаол иштироки кўзга ташланмоқда. Шунингдек, номзод дастурида мактабгача таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича тегишли қонунчилик, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга таклифлар тайёрлаш, тиббиёт муассасалари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш, уларда васийлик кенгашларини ташкил этиш бўйича ҳам амалий таклифларни илгари суришни ҳам режалаштирган.

Оилали, 3 нафар фарзанди бор.

## ТАЖИБАЕВА ГУЛЧЕХРА САДРИДДИНОВНА

### 45-Тошбулоқ сайлов округи

**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**



Гулчехра Садриддиновна Тажибаева 1981 йилда Наманган вилоятининг Наманган шаҳрида туғилган. Миллати — ўзбек. Маълумоти — олий. 2002 йилда Наманган давлат университетини битирган. Мутахассислиги — ҳуқуқ фани ўқитувчиси.

У меҳнат фаолиятини 2003 йилда Наманган давлат университети девонхонаси мудирлигидан бошлаган. 2008-2009 йилларда Наманган туманидаги 13-мактабгача таълим муассасаси мудираси бўлиб ишлаган. 2009-2015 йилларда Тепақўрғон педагогика ва сервис касб-ҳунар коллежида, 2015-2016 йилларда Наманган шаҳридаги 66-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабида, 2016-2017 йилларда Наманган туманидаги 18-умумтаълим мактабида ҳуқуқ фанидан дарс берган. 2017 йилдан ҳозирги пайтгача Наманган туманидаги 4-умумтаълим мактабининг директори бўлиб ишлаб келмоқда.

Г.Тажибаева ўтган давр давомида ўзини изланувчан ва ижодкор педагог сифатида кўрсата олди. У ҳамкасблари ўртасида билимга чанқоқлиги, малакасини ошириб боришга интилиши билан ажралиб туради. Шунингдек, одамлар билан ишлашда етарли тажрибага эга, бошқаларни ортидан эргаштира олади.

Г.Тажибаева мамлакатимизда мустақиллик йилларида таълим соҳасида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти ва унинг амалий самарадорлигини тарғиб қилишга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Малакали педагог, ташаббускор раҳбар, фидойи ва жонкуяр инсон сифатида ҳамкасблари ва маҳалла аҳли ўртасида ҳурмат қозонган.

Номзоднинг дастуридан аҳоли саломатлиги ва фаровонлигига йўналтирилган қонунлар ижросига доир лойиҳаларни амалга ошириш, умумтаълим мактабларида тиббий хизмат сифатини янада яхшилаш, умумтаълим мактабларида махсус фанлар чуқурлаштириб ўтиладиган синфлар очилишини ташкил этиш, бошланғич синфларда куни узайтирилган гуруҳларини жорий қилиш, ўқувчиларни соғлом овқатлантиришни тизимли йўлга қўйиш кабы муҳим масалалар ўрин олган.

Гулчехра Садриддиновна ўзининг меҳнатсеварлиги, тиниб-тинчимаслиги, тиришқоқлиги билан ажралиб туради. Фидойи педогог айниқса, ёшларга билим беришда илм-фан ютуқларидан кенг фойдаланишга интилади. Ҳар бир дарснинг ўқувчилар қалбидан мустаҳкам ўрин эгаллаши учун бор маҳоратини ишга солади. Шу билан бирга, ёшларга таълим бериш жараёнида у Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Юртбошимиз фармонлари ва қарорлари, бошқа қонун ҳужжатларидан аниқ банд ва мисоллар келтириб дарс ўтишга одатланган.

Оилали, тўрт нафар фарзанди бор.

## ИБРАГИМОВ АВАЗ КАМБАРОВИЧ

### 46-Косонсой сайлов округи

**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Ибрагимов Аваз Камбарович 1970 йилда Наманган вилояти, Наманган шаҳрида туғилган. Миллати — ўзбек. Маълумоти — олий.



1995 йилда Наманган саноат технологиялари институтини битирган, мутахассислиги — муҳандис-педагог.

Меҳнат фаолиятини 1987 йилда Намангандаги 501-хўжаликлараро ихтисослашган механизациялашган кўчма колоннада ишчи сифатида бошлаган. 1990-1991 йилларда Қишлоқ қурилиш конструкциялари комбинати арматура цехи устаси, арматура цехи бошлиғи, техника хавфсизлиги бўйича муҳандис, 1992-1994 йилларда «Тимур» кўп тармоқли хусусий брокерлик кичик корхонаси директори, 1994-1994 йилларда Республика кўчмас мулк биржаси Наманган филиалида брокерлик ва маклер бўлими бош мутахассиси, 1994-2000 йилларда Наманган вилояти Қишлоқ қурилиш бирлашмасининг савдо-ишлаб чиқариш таъминот базасида режа-иқтисод ва технологик жиҳозлар таъминоти бўлим бошлиғи, 2000-2004 йилларда «Қувасойцемент» АЖ савдо бўлимига қарашли 32-дўкон мудири, 2004-2013 йилларда Наманган вилояти бўйича Давлат архитектура-қурилиш назорати инспекцияси стандартлаштириш мутахассиси, шу инспекция қошидаги қурилишда стандартлаштириш ва сертификатлаш бошқармаси бош мутахассиси, қурилиш-синов лабораторияси бошлиғи, инспекция назорат гуруҳи бошлиғи бўлган. 2013 йилдан ҳозиргача «TEXNO STANDART TEST» қўшимча масъулиятли жамият қурилиш маҳсулотларини сертификатлаштириш идораси раҳбари бўлиб ишлайди. Бу вазифалардан келиб чиқиб, аҳолига сифатли ижтимоий хизмат кўрсатиш тизимини янада ривожлантиришни асосий мақсадига айлантирмоқда. Фуқароларнинг жамоат ташкилотларидаги иштирокини фаоллаштириш ҳамда шу йўл билан уларнинг жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларини бартараф этиш масаласига эътибор қаратмоқда.

Аваз Ибрагимов 2014 йилда "Адолат" социал-демократик партиясидан халқ депутатлари Наманган вилояти Кенгашига депутат этиб сайланган эди. У сайловчилар ишончини оқлаш учун сайлов округи ҳудудини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари билан жиддий шуғулланди. Ҳозир бу ерда "Юксалиш" кичик саноат зонаси ташкил этилган ва у тобора ривожланиб бормоқда.

Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг янги Сайловолди дастурида иқтисодиётнинг барқарор суръатларда ривожланиши аҳоли турмуш фаровонлиги ўсишининг муҳим кафолати эканлиги мустаҳкам белгилаб қўйилган. У бозор иқтисодиётининг ижтимоий йўналтирилиши тарафдори бўлган "Адолат" СДП иқтисодий ўсиш натижалари аҳолининг турли ижтимоий гуруҳ ва қатламларининг турмуш сифати ва даражасини оширишга хизмат қилиши лозим, деб ҳисоблайди.

Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

## ХАЙРУЛЛАЕВА ОЗОДА НУРИЛЛАБЕКОВНА

### 47-Поп сайлов округи

**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Озода Нуриллабековна Хайруллаева 1979 йилда Қозоғистон Республикасининг Павлодар вилоятида туғилган. Миллати — ўзбек. Маълумоти — олий.



2002 йилда Наманган давлат университетини битирган. Мутахассислиги – бошланғич таълим ўқитувчиси.

У 1998 йилда Чуст педагогика билим юртини тамомлаб, меҳнат фаолиятини Поп туманидаги 65-умумтаълим мактабида бошланғич синф гуруҳ тарбиячиси лавозимидан бошлаган. 2001-2014 йиллари 37-умумтаълим мактабида бошланғич синф ўқитувчиси, 2014-2017 йиллари шу мактаб директори ўринбосари, 2017 йилдан Поп тумани мактабгача таълим бўлими мудири лавозимида ишлаб келмоқда.

О.Хайруллаева мактабгача таълим муассасаларида таълим-тарбияни замонавий усуллар асосида йўлга қўйишни биринчи даражали вазифа деб билади. У раҳбарлик қилаётган жамоа тумандаги 3-7 ёшли болаларни мактабгача таълимга тўлиқ камраб олиш учун тинмай изланиш олиб бормоқда.

Номзоднинг дастуридан фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилиш, таълимга инвестиция киритиш, узлуксиз таълим тизимини мунтазам такомиллаштириш, сифатли таълим-тарбия бериш, юқори малакали кадрларни тайёрлаш ва таълим муассасаларини замонавий, юқори технологиялар билан таъминлаш, таълим муассасаларини бошқаришнинг ахборот тизимини жорий қилиш ва моддий-техника базасини ривожлантириш, шунингдек, мактабгача таълим сифатини ошириш каби муҳим масалалар ўрин олган. Шунингдек, унинг дастурида коммунал хизматлар сифат даражасини ошириш, ҳудудни иқтисодий-сармоявий, ижтимоий, маданий жиҳатдан замонавийлаштириш, сиёсий фаол, республика бошқарувида бевосита иштирок этадиган, жамиятимизда демократлашув жараёнларини илгари сурадиган ҳудудлардан бири сифатида шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Озода Нуриллабековна мактабгача таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича тегишли қонунчилик, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга таклифлар тайёрлаш, тиббиёт муассасалари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш, уларда васийлик кенгашларини ташкил этиш бўйича ҳам амалий таклифларни илгари суришни мўлжаллаяпти. Дори-дармонга катта эҳтиёж сезаётган беморларга енгилликлар яратишга қаратилган давлат тизимини сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш борасида ҳам муайян ишларни амалга ошириш ниятида.

Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

## БУРХАНОВ АКМАЛ ЭШОНДЕДАЕВИЧ

### 48-Тўрақўрғон сайлов округи

**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Акмал Эшондедаевич Бурханов 1981 йилда Наманган вилояти Наманган шаҳрида туғилган. Миллати — ўзбек. Маълумоти — олий.

2001 йилда Тошкент давлат юридик институтини (бакалавр), 2003 йилда Тошкент давлат юридик институтини (магистратура) тамомлаган, ҳуқуқшунос. 2007 йилда Нагоя давлат университетини (Япония) (магистратура) тамомлаган, 2007 йилдан Нагоя давлат университетининг докторантурасида таҳсил олган. 2018 йил "Шуҳрат" медали билан тақдирланган.

Меҳнат фаолияти: 2001-2002 йилларда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Идоравий-меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси катта маслаҳатчиси; 2002-2007 йилларда Адлия вазирлиги Қонун ҳужжатларини туркумлаш ва ҳуқуқий ахборот бошқармаси бўлими бошлиғи; 2003-2009 йилларда Нагоя университети (Япония) магистранти, докторанти; 2009-2015 йилларда Нагоя университетининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ижрочи директори; 2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси «Давлат тузилиши ва бошқаруви асослари» кафедраси катта ўқитувчиси; 2015-2018 йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси аъзоси; 2017-2019 йилларда "Тараққиёт стратегияси" маркази ижрочи директори; 2018 йилдан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш масалалари қўмитаси аъзоси; 2019 йилдан бошлаб, "Юксалиш умуммиллий ҳаракати раиси сифатида фаолият юритиб келмоқда.

Давлат ва ҳудудий дастурларнинг ижро ҳолати ва сифатини ўрганиш мақсадида 50 дан ортиқ мониторинг тадбирларини амалга оширган ҳамда натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Олий Мажлис палаталари ва Вазирлар Маҳкамасига мунтазам равишда таҳлилий маълумотлар киритиб борган.

Ўз меҳнат фаолияти давомида фаол жамоатчи, билимдон, замонавий дунёқараш эгаси, миллий қадриятларни яхши ўзлаштирган, ҳуқуқшунослик, сиёсатшуносликка оид билимларни пухта эгаллаган, масъулиятни чуқур ҳис қиладиган, мушкул вазиятларда доимо аниқ ва реал фикр юритиб, муаммони ҳал қилишда ўз ғояси ва лойиҳасини тақдим эта оладиган шахс бўлиб шаклланган.



Номзоднинг дастуридан фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилиш ва амалга оширишда жамоат ташкилотларини кенг жалб этиш, шунингдек, ижтимоий адолатни қарор топтириш, аҳолига бепул, малакали тиббий хизмат, мактабгача таълим, олий таълимга бўлган имкониятларини янада кенгайтириш, коммунал ва бошқа ижтимоий инфраструктурани янада ривожлантиришга эътибор қаратиш каби муҳим масалалар ўрин олган.

Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

## СУЛАЙМАНОВ АНВАР ИЛЁСХАНОВИЧ

### 49-Уйчи сайлов округи

**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Анвар Сулайманов 1964 йилда Наманган вилоятининг Наманган шаҳрида туғилган. Миллати — ўзбек. Маълумоти — олий. 1993 йилда Наманган саноат технологиялари институтини, 2003 йилда Наманган давлат университетини битирган. Мутахассисликлари – муҳандис-қурувчи, ҳуқуқшунос.

У меҳнат фаолиятини 1981 йилда Наманган шаҳридаги 16-махсус механизация кўчма колоннасида чилангарликдан бошлаган. 1985-1989 йилларда Наманган шаҳридаги 347-махсус механизация кўчма колоннада чилангар, уста ва катта уста, 1989-2004 йилларда "МЖК Оромгоҳ" бошқарувчиси — бошқарув раиси, 2004-2010 йилларда "Стандарт қурилиш таъминоти" МЧЖ раиси, 2010-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати, 2015-2017 йилларда Поп туман ҳокимининг биринчи ўринбосари, 2017-2018 йилларда Наманган вилояти ҳокимлигининг Коммунал соҳада ислоҳотларни амалга ошириш департаменти бошлиғининг биринчи ўринбосари, бошлиғи лавозимларида ишлаган. 2018 йилдан Наманган вилояти ҳокимлиги уй-жой, коммунал хўжалигида ислоҳотларни амалга ошириш департаменти давлат корхонаси бошлиғи лавозимида ишлаб келмоқда.

А.Сулайманов Наманган вилояти ҳудудидаги давлат тасарруфида бўлган хонадонлардан фойдаланиш ва хонадонларда яшовчи фуқаролар номига хонадонларни расмийлаштириш тизимини такомиллаштириш борасида самарали тартибларни жорий қилди. Мазкур йўналишда Наманган шаҳар ва туманлар ҳокимликлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Номзоднинг дастуридан фуқароларнинг ҳуқуқий ва тиббий маданиятини ошириш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилиш ва амалга оширишда жамоат ташкилотларини жалб этиш масалалари кенг ўрин олган. Шунингдек, хизмат кўрсатиш тизимини янада ривожлантириб бориш, уй-жой, коммунал хўжалигига янги инновацон технологияларни олиб кириш ва улардан самарали фойдаланиш, фуқароларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш, ижтимоий-иқтисодий муаммоларини бартараф этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Маълумки, "Адолат" СДП ўз фаолиятида муқобил энергия манбаларини ёқлаб келмоқда. Партиянинг бу



дастурий вазифаси Анвар Сулаймановнинг ҳам асосий мақсадига айланган. Яъни, у муқобил энергия манбалари, хусусан, қуёш энергиясидан фойдаланишни ривожлантириш бўйича қонунчилик ҳужжатларини ишлаб чиқиш, соҳадаги зарур стандарт ва меъёрларни тасдиқлаш, уй-жой-коммунал соҳаси ва кундалик турмушда қуёш энергиясидан ҳамда бошқа қайта тикланувчи энергия манбаларидан кенг фойдаланишга эришиш тарафдоридир.

Оилали. Тўрт нафар фарзанднинг отаси.

# ЎЗБЕКИСТОН "АДОЛАТ" СДП НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

## ОТАХАНОВА ФАРИДАХОН ДАДАХАНОВНА

### 50 -Учқўрғон сайлов округи

**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Фаридахон Отаханова 1972 йилда Наманган вилояти, Уйчи туманида туғилган. Миллати — ўзбек. Маълумоти — олий. 1995 йили Наманган давлат университетини тамомлаган. Мутахассислиги – ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси.

У касбий фаолиятини Уйчи туманидаги 38-умумий ўрта таълим мактабда она тили ва адабиёти фани ўқитувчилигидан бошлаган. 2008 йилдан 2016 йилгача шу мактабда маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари лавозимида ишлаган. 2017-2019 йилларда Ўзбекистон "Адолат" СДП Уйчи туман кенгаши раиси, 2019 йилдан Уйчи туман тарғибот гуруҳи раҳбари, 38-умумтаълим мактаби ўқитувчиси бўлиб ишламоқда.

Ф.Отаханова меҳнатсеварлиги, билими ва ташаббускорлиги, янгиликка интилувчанлиги билан ажралиб турди. У ёшларга чуқур билим бериш билан бирга уларда ҳаётий кўникмаларни шакллантириш, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик ва инсонпарварлик, юксак инсоний фазилатлар эгаси этиб тарбиялашга ҳаракат қилади.

2014 йилда бўлиб ўтган сайловда у 17-Боғкўча сайлов округидан халқ депутатлари Уйчи тумани Кенгаши депутати этиб сайланган. Депутатлик фаолияти давомида ҳудуддаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда фаоллик кўрсатди. У халқ депутатлари туман Кенгашида нодавлат-нотижорат ташкилотлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари масалалари бўйича доимий комиссия раиси вазифасини бажарди ҳамда айрим соҳаларда учраётган муаммолар бўйича сессияга масалалар киритишда фаоллик кўрсатди.



Ф.Отаханова 2017 йилда Ўзбекистон "Адолат" СДП Уйчи туман кенгаши раиси этиб сайланди. Кенгаш раиси ва депутат сифатида туманда мавжуд маҳаллаларда, таълим ва тиббиёт муассасаларида, корхона ва ташкилотларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарор ва фармонлари, давлат дастурларининг мазмун-моҳиятини аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида тарғиб қилишда фаоллик кўрсатди.

Фаридахон Дадахановна ўзи сайланган ҳудудда маҳаллаларда истиқомат қилаётган фуқароларнинг хонадонларига ташриф буюриб, юзма-юз мулоқотлар ўтказди ҳамда улар томонидан билдирилган муаммоларни тегишли ташкилотлар томонидан бартараф этилишига алоҳида ҳисса қўшди. У туман ҳокимлиги ва хотин-қизлар қўмитаси томонидан берилган топшириқларни ҳам сидқидилдан бажаришга ҳаракат қилади.

Партиянинг бош вазифаси мамлакатимиз таълим тизими фуқароларнинг комил шахслар бўлиб шаклланишига йўналтирилган, инсон омилини намоён этадиган, меҳнат бозори талабларига жавоб берадиган мутахассисларни етиштириб берадиган энг яхши анъаналарини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришдан иборат. Шундай экан, Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси сифатли ва бепул умумий таълим олиш, яхши ҳақ тўланадиган муносиб иш топиш, яхши мутахассис бўлиш ва истаган пайтида ўз ишини ташкил этиш имкониятига эга бўлиши лозим. Ф.Отахонова ана шу мақсадни кўзлаган.

## КАСИМОВА ОЙШАХОН АХМАДОВНА

### 51-Чортоқ сайлов округи

**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Ойшахон Касимова 1968 йилда Наманган вилояти, Наманган шаҳрида туғилган. Миллати — ўзбек. Маълумоти — олий. 1991 йилда Андижон тиббиёт институтини битирган. Мутахассислиги — шифокор акушер-гинеколог.

У 1991-1993 йилларда Наманган вилоят туғруқхонасида интернатура ўтаган. Кейин шу туғруқхонада акушер-гинеколог вазифасидан иш бошлаган. Ўтган чорак асрдан зиёд вақт давомида мазкур туғруқхонанинг аёллар маслаҳатхонасида, 2-акушерлик ва гинекология бўлимларида ишлаган. 2010 йилдан туғруқхона негизида ташкил этилган Наманган вилояти перинетал маркази директорининг акушерлик ва гинекология ишлари бўйича ўринбосари сифатида фаолият юритиб келмоқда.

О.Касимова олий тоифали мутахассис сифатида ўз касбининг устаси. Ёш касбдошларига иш тажрибасини ўргатади, маслаҳатлар беради, уларнинг малакасини оширишга кўмаклашади. Жамоатчилик фаолияти ҳам таҳсинга сазовор. Бир неча йилдан бери Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг бошланғич ташкилоти раиси.



Номзоднинг дастуридан фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилиш, замонавий юқори технологияли, самарали тез тиббий ёрдам хизматини шакллантириш чораларини кўриш, шошилинч тез тиббий ёрдам хизматининг тезкорлиги халқаро эътироф этилган талабларга мос бўлишини таъминлаш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш каби масалалар кенг ўрин олган. Шунингдек, у хизмат кўрсатиш тизимини янада ривожлантириб бориш, ёш авлодни соғлом ва баркамол қилиб тарбиялаш ҳамда тиббиётга янги инновацон технологияларни олиб кириш ва улардан самарали фойдаланиш, фуқароларнинг жамиятдаги фаоллигини, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш ҳамда шу йўл билан аҳоли ўртасидаги тарқалиши мумкин бўлган турли касалликларнинг олдини олиш, жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни бартараф этишга алоҳида эътибор қаратган.

Ўз саъй-ҳаракатларини соғлиқни сақлашнинг давлат секторини мустаҳкамлаш, айниқса, мактаб ва мактабгача таълим муассасалари доирасида болаларни сифатли тиббий хизматлар билан таъминлаш тизимини кучайтиришга йўналтираётган Ўзбекистон "Адолат" СДП фуқаролар ўзлари мурожаат қилаётган тиббиёт муассасасида йўлга қўйилган даволаш амалиёти, хизматнинг самарали, сифатли эканига ишонч ҳосил қилиши учун шароит яратишни мўлжаллаяпти. Партия бу борадаги ишларни изчил давом эттириб, миллат саломатлиги янада яхшиланишига хизмат қилаверади. Айниқса, фертил ёшидаги хотин-қизларнинг саломатлигини яхшилаш бўйича қабул қилинаётган давлат дастурларини астойдил қўллаб-қувватлайди. О.Касимова бу борада катта режаларни амалга оширишни ният қилган.

Оилали. Икки нафар фарзанди бор.

## УМАРХОНОВ САЪДИЛЛАХОН ИСМАТИЛЛАЕВИЧ

### 52-Чуст сайлов округи

**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Саъдиллахон Умархонов 1975 йилда Наманган вилояти, Чуст туманида туғилган. Миллати — ўзбек. Маълумоти — олий.



1997 йилда Наманган саноат-технология институтини битирган. Мутахассислиги — саноат ва фуқаро қурилиши муҳандиси. Техника фанлари номзоди.

С.Умархонов олий ўқув юртини тамомлагач, Ўзбекистон Республикаси ФА М.Ўрозбоев номли механика ва иншоотларнинг зилзилабардошлиги илмий-тадқиқот институтида аспирант, 2000-2001 йилларда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти қурилиш механикаси кафедраси лаборатория мудири, 2001-2005 йилларда Механика ва иншоотларнинг зилзилабардошлиги илмий-тадқиқот институти кичик илмий ходими, катта илмий ходими, 2005-2006 йилларда Ўзбекитсон Республикаси Олий аттестация комиссияси раисининг ёрдамчиси, 2006 йилда Механика ва иншоотларнинг зилзилабардошлиги илмий-тадқиқот институти катта илмий ходими сифатида фаолият кўрсатган. 2006-2011 йилларда Наманган муҳандислик-педагогика институтининг материаллар қаршилиги ва қурилиш механикаси кафедраси доценти, 2011-2012 йилларда Германиянинг Бохум ва Австриянинг BOKU университетларида стажировкадан ўтди. 2013-2014 йилларда Наманган муҳандислик-педагогика институти муҳандислик коммуникациялари қурилиши кафедраси доценти, бино ва иншоотлар қурилиши кафедраси мудири, 2014 йилдан бери Наманган муҳандислик-қурилиш (аввалги муҳандислик-педагогика) институтининг илмий ишлар бўйича проректори вазифасида ишлаб келмоқда.

Саъдиллахон Исматиллаевич институтда билимли ва изланувчан, ўз малакасини ошириш устида мунтазам ишлайдиган олим сифатида танилган. 2005, 2008 йиллар ҳамда 2011-2013 йиллар мобайнида Германия академик алмашинув хизмати ва Европа Иттифоқи таълим дастурлари доирасида Германия, Австрия давлатларининг университетларида илмий-тадқиқот ишлари олиб борган. 2018-2019 йилларда Австрия ва Польша университетларида малака оширишда бўлган ва маърузалар ўқиган. У инглиз тилини мукаммал эгаллаган. Ахборот-технология воситаларини ўзлаштирган ва иш фаолиятида самарали фойдаланади.

2013 йилда Бош илмий методик марказида "Таълим сифати менежменти" ихтисослиги бўйича малака оширган. 7 та хорижий давлатларда илмий-педагогик стажировкада бўлган. 2007-2019 йилларда давлат грантлари доирасида 1 та фундаментал ва 2 та амалий лойиҳаларда раҳбар ва ижрочи сифатида илмий-тадқиқот ишларини бажарган.

Номзод партия Сайловолди дастуридан келиб чиқиб, 2020 йилдан ҳар бир олий таълим муассасаларига давлат буюртмаси асосида ўқишга қабул қилиш параметрларини белгилаш билан бирга, олий маълумотли кадрларни кўпайтириш ва улар ўртасида рақобатни кучайтириш, олий маълумотлилар сони бўйича мамлакат даражасини кўтариш мақсадида олий ўқув юртларига кириш квоталарини босқичма-босқич ошириб бориш бунда ўқув юртлари учун умумий қабул квоталарини белгилаш тажрибасидан воз кечиш, сиртқи, кечки ва масофавий таълим шаклини кенг жорий этиш чораларини амалга оширишни асосий мақсад қилиб белгилаган.

Институтда давлат гранти лойиҳалари доирасида фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар тизимли амалга оширилмоқда.

Оилали, 2 нафар фарзанди бор.

## АСКАРОВА ДИЛБАР ТУХТАСИНОВНА

### 53-Янгиқўрғон сайлов округи

**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Дилбар Аскарова 1962 йилда Наманган вилоятининг Янгиқўрғон туманида туғилган. Миллати — ўзбек. Маълумоти — олий.



1991 йилда Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)ни тамомлаган. Мутахассислиги — ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси.

У меҳнат фаолиятини 1984 йилда Янгиқўрғон тумани "Меҳнат байроғи" газетаси таҳририятида мухбирликдан бошлаган. 1986-2007 йилларда ушбу газетанинг бўлим мудири ва масъул котиби бўлиб ишлаган. 2007-2009 йилларда Наманган вилояти ёшлар газетаси – "Камолот"да мухбирлик фаолиятини давом эттирган. 2009-2010 йилларда "Туркистон" газетасининг Наманган вилояти бўйича мухбири, 2010 йилдан ҳозиргача Янгиқўрғон тумани ҳокимлигининг нашри – "Янгиқўрғон ҳаёти" газетасининг бош муҳаррири лавозимида ишлаб келмоқда.

Дилбар Аскарова журналистика соҳасида катта тажриба ва юқори билим-кўникмага эга. Ўз касбига фидойилик ва ўта масъулият билан ёндашади. Соҳага оид қонунчилик талаблари ва меъёрий ҳужжатларни чуқур ўзлаштирган. Бой дунёқараши, мулоҳаза билан иш кўриши, шунингдек, самимий инсон сифатида жамоадошлари орасида ва жамиятда обрў-эътибор қозонган. Уни нафақат туманда, балки вилоят ва республикада ҳам иқтидорли ижодкор сифатида билишади. Ўзининг долзарб мавзудаги материаллари билан маҳаллий ва марказий матбуотда мунтазам қатнашади.

Мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий-маънавий ҳаётидаги ўзгаришларни теран баҳолайди. Юртимизда ва жаҳонда юз бераётган воқеа-ҳодисалардан доимо хабардор ва улар бўйича холис муносабат билдира олади.

Д.Аскарова жамоат ишларида ҳам фаол қатнашади. У 2014 йилда халқ депутатлари туман Кенгаши депутати этиб сайланган эди. Беш йил давомида мазкур Кенгашдаги "Адолат" СДП депутатлик гуруҳига ҳам раҳбарлик қилиб келмоқда.

Номзоднинг дастуридан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлар, иқтисодий-ижтимоий ҳуқуқларга оид қонунлар, дастур ва лойиҳалар ижросида фаол иштирок этиш, иқтисодий-ижтимоий ва бошқа масалаларга оид давлат дастурлари ижроси юзасидан депутатлик ва жамоатчилик назоратини ташкил қилиш, аҳоли саломатлиги ва фаровонлигига йўналтирилган қонунлар ижросига доир лойиҳаларни амалга ошириш каби муҳим масалалар ўрин олган.

Дилбар Тухтасиновнанинг асосий мақсади қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етказиб берадиган тузилмаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган сиёсатга кўмаклашиш, қишлоқ меҳнаткашларининг манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқда ижтимоий инфратузилмани ташкил этиш. Қишлоқ ҳудудларини ижтимоий ободонлаштириш, йўл инфратузилмасини, айниқса, маҳаллалар ичидаги кўчаларни таъмирлаш ва реконструкция қилиш, мавжудларини модернизациялаш ва янги ижтимоий объектлар қуриш бўйича ишлар давом эттирилишига депутатлик фаолияти орқали ҳисса қўшишдан иборат.

Оилали, уч фарзанди бор.

## МАВЛАНОВ АБДУВАЛИ ХАЙРУЛЛАЕВИЧ

### 54-Норин сайлов округи

**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Абдували Мавланов 1966 йилда Наманган вилояти, Норин туманида туғилган. Миллати — ўзбек. Маълумоти — олий. 1992 йилда Андижон тиббиёт институтини битирган. Мутахассислиги — даволаш иши.

У олий ўқув юртини тамомлаб, жарроҳлик мутахассислиги бўйича икки йил клиник ординатурани ўтаган. 1994-1999 йилларда Норин тумани марказий шифохонасининг жарроҳлик бўлимида жарроҳ, 1999-2002 йилларда Норин тумани болалар поликлиникаси мудири, 2002-2003 йилларда Норин тумани марказий шифохона шошилинч тиббий ёрдам бўлимида жарроҳ, 2003 йил март-ноябрь ойларида Норин тумани марказий шифохона шошилинч тез тиббий ёрдам бўлими мудири вазифасида, 2003 йилдан 2008 йилгача Норин тумани ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бўлими бошлиғи, 2009-2013 йилларда шошилинч тез тиббий ёрдам бўлимида жарроҳ, 2013-2017 йилларда Норин тумани тиббиёт бирлашмаси бошлиғи, 2017-2018 йилларда Наманган вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари, 2018 йилда Наманган шаҳар тиббиёт бирлашмаси бошлиғи, 2018 йилдан бошлаб Норин тумани тиббиёт бирлашмаси бошлиғи вазифасида ишлаб келмоқда.

А.Мавланов ўз фаолиятида жамоадаги ижтимоий муҳитни яхшилаши, кадрларни танлаб жой-жойига қўйиши, ижобий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш, хизмат кўрсатиш маданиятини юксалтириш, амбулатор-поликлиника ва стационар шароитда узлуксиз шифокор назорати ва малакали тиббий ёрдам ташкил этганлиги боис касалланиш, ногиронлик ва болалар ўлими кўрсаткичлари камайди. Даволаш ва ташхис қўйиш стандартлари асосида тиббий ёрдам кўрсатиш ҳамда реабилитация ишларини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Абдували Мавланов 2014 йилда халқ депутатлари Наманган вилояти кенгашининг депутати этиб сайланган эди. Бу вазифани бажаришда ҳам ташаббускорлик кўрсатиб ишлади. Сайлов округи ҳудудида ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ўрганиш ва ҳал қилиш юзасидан изчил фаолият кўрсатди.



Номзоднинг дастуридан фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилиш ва амалга оширишда жамоат ташкилотларини кенг жалб этиш, шунингдек, коммунал хизматлар сифат даражасини ошириш, ўзи сайланган ҳудудни иқтисодий-сармоявий, ижтимоий, маданий жиҳатдан замонавийлаштириш, сиёсий фаол, республика бошқарувида бевосита иштирок этадиган, жамиятимизда демократлашув жараёнларини илгари сурадиган ҳудудлардан бири сифатида шакллантириш каби муҳим масалалар ўрин олган.

Оилали. Тўрт нафар фарзанди бор.

## ХАМДАМОВ БЕКЗОД ИСМОИЛЖОНОВИЧ

### 55-Мингбулоқ сайлов округи

**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Бекзод Хамдамов 1979 йилда Наманган вилояти, Мингбулоқ туманида туғилган. Миллати — ўзбек. Маълумоти — олий. 2001 йилда Наманган муҳандислик-иқтисодиёт институтини, 2008 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Солиқ академиясининг магистратура босқичини тамомлаган. Мутахассислиги – молия-кредит, солиқ-иқтисодчи.

У 2003-2006 йилларда Мингбулоқ тумани давлат нав синаш участкаси бош ҳисобчиси, ҳисобга олиш, таҳлил қилиш ва солиқ статистикаси бўлимининг муддатида тўланмаган тўловларни ундириб олиш бўйича бош инспектори сифатида фаолият кўрсатди. 2006-2008 йилларда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Солиқ академиясининг магистратурасида ўқиди. 2008-2009 йилларда Мингбулоқ тумани давлат солиқ инспекцияси бошлиғининг биринчи ўринбосари, 2009-2015 йилларда Мингбулоқ тумани ҳокимининг иқтисодиёт ва ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари, туман ҳокими вазифасини бажарувчи вазифаларида ишлади. 2015-2017 йилларда Мингбулоқ тумани «Момохон Олтин Чашмаси» фермер хўжалиги раҳбари, 2017-2018 йилларда Наманган вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғининг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари, 2018-2019 йилларда Наманган вилояти ҳокимлигининг иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари котибияти мудири бўлди. 2019 йилдан "Юксалиш" умуммиллий ҳаракати Наманган вилояти бўлими раҳбари, вилоят ҳокими маслаҳатчиси вазифасида ишлаб келмоқда.

Б.Хамдамов ҳар бир юклатилган вазифа-топшириққа масъулият билан ёндашади, қатъиятли, талабчан. Ўз ишини танқидий таҳлил қилиб бориш ва камчиликларни бартараф этиш қобилиятига эга. Қайси лавозим, вазифага қўйилишидан қатъи назар, тез муддатда ишга кириша олади. Жамоада ҳам, яшаш ҳудудида ҳам, ўз ҳурматига эга инсон.

Б.Хамдамовнинг характери қатъий, принципиал, жамоани бошқариш, аниқ мақсад сари йўналтириш, ички резервларни излаб топиш хислатлари яхши шаклланган.



Номзоднинг сайловолди дастурида иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда инновацион тараққиётни кучайтириш, яратилган моддий бойликларни адолатли тақсимлаш, қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига амал қилиш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг очиқлиги ва ҳисобдорлигининг фаол тарафдори бўлиш, ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуришга йўналтирилган кенг кўламли ислоҳотларни амалга ошириш, қонун устуворлигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат олиб бориш, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошириш каби муҳим масалалар ўрин олган.

Оилали, 5 нафар фарзанди бор.

# ЎЗБЕКИСТОН "АДОЛАТ" СДП НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

## Самарқанд вилояти бўйича

## ХАБИБУЛЛАЕВ ДИЛШОД ИСМАИЛОВИЧ

### 56-Регистон сайлов округи

**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**



Дилшод Исмаилович Хабибуллаев 1979 йилда Самарқанд шаҳрида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий.

1998 йилда Самарқанд молия коллежини, 2003 йилда Самарқанд давлат университетини тугатган.

Меҳнат фаолияти: 1999-2005 йилларда Булунғур туман ҳокимлиги Молия бўлимида бош иқтисодчи, бўлим бошлиғи-мудир муовини; 2005-2018 йилларда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Самарқанд вилоятидаги Назорат-тафтиш бошқармасида 1-тоифали назоратчи-тафтишчи, бош назоратчи-тафтишчи, бўлим бошлиғи; 2018 йилдан бугунга қадар Самарқанд вилоят Давлат молиявий назорати бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари лавозимида фаолият юритиб келмоқда.

Ўз меҳнат фаолияти давомида жамият ва давлат манфаатларига садоқатли, талабчан, фидоий, фаол жамоатчи, иқтисодий соҳада етарли тажриба ва билимга эга, масъулиятни ҳис этадиган, муаммоли вазиятларни ҳал этишда ўз лойиҳаларини тақдим эта оладиган шахс бўлиб шаклланган.

Номзоднинг дастуридан фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишида давлат ва жамоатчилик назоратини янада кучайтириш, меҳнат қилиш ва муносиб иш ҳақи олишнинг ҳуқуқий асосларини ривожлантириш, ёшларнинг олий таълим олиш ҳуқуқидан кенгроқ фойдаланиш, таълим ва тиббиёт соҳаси хизматларининг сифатини ошириш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш, шунингдек, ҳудудни иқтисодий, ижтимоий ва маданий жиҳатдан замонавийлаштириш, сиёсий фаол, республика бошқарувида бевосита иштирок этадиган, жаҳонда маданий мерослари билан янада машҳур ҳудудлардан бири сифатида шакллантириш каби муҳим масалалар ўрин олган.

Дилшод Исмаилович аҳолининг турмуш даражасини янада яхшилаш, яшаш шарт-шароитларида муҳим бўлган қулайликлар яратиш борасида ҳуқуқий-меъёрий асосларни янада мукаммаллаштиришни назарда тутади. "Адолат" СДПнинг Сайловолди дастури ҳамда амалий тажрибаларидан келиб чиқиб, мушоҳада юритади. Номзоднинг асосий мақсади — давлат бюджетининг ижтимоий йўналтирилганини сақлаб қолиш, ҳар бир минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг аниқ ва самарали бажарилиши, уй-жой соҳасининг самарали ривожланишини қўллаб-қувватлаш, бюджет соҳаси ходимлари учун бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан идоравий уй-жойларнинг қурилиш ҳажмини кенгайтириш, бюджет соҳаси ходимлари томонидан уй-жой сотиб олиниши учун бошланғич маблағлар билан таъминлайдиган мақсадли субсидияларни жорий қилиш, уй-жой бозоридаги фирибгарликлар учун назорат ва жавобгарликни кучайтиришдан иборатдир.

Оилали. Тўрт нафар фарзанди бор.

## КОМПОЛЬШИК ЕЛЕНА АЛЕКСАНДРОВНА

### 57-Суғдиёна сайлов округи

**Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Елена Александровна 1966 йилда Самарқанд шаҳрида туғилган. Миллати – рус. Маълумоти – олий.

1989 йилда Самарқанд давлат университетини тугатган. "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 25 йил" кўкрак нишони билан тақдирланган.

Меҳнат фаолияти: 1989-1991 йилларда Самарқанд шаҳридаги 12-умумий ўрта таълим мактабида рус тили ўқитувчиси; 1991-1995 йилларда Самарқанд шаҳридаги 39-умумий ўрта таълим мактабида рус тили ўқитувчиси; 1995-2007 йилларда Самарқанд шаҳридаги 43-сонли умумий ўрта таълим мактабида рус тили ўқитувчиси; 2007-2010 йилларда Самарқанд шаҳридаги 43-сонли умумий ўрта таълим мактабида ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари; 2007 йилдан бошлаб, Самарқанд шаҳридаги 43-сонли умумий ўрта таълим мактаби директори лавозимида ишлаб келмоқда.

Елена Александровна талабчан раҳбар, ўз касбининг моҳир устаси. У нафақат яхши ўқитувчи, психолог, шунингдек, болалар ва уларнинг ота-оналари билан ҳам ҳамкорликда иш олиб боради.



Елена Александровна директор бўлиб тайинланганидан сўнг ўзини қатъиятли ва талабчан раҳбар сифатида намоён этди, ёш ўқитувчиларга услубий ёрдам кўрсатишга доимо тайёр. У тизимда ишлаётган ҳар бир ходим билан яхши муомалада бўлади. Уларни қийнаётган масалаларни ҳал этишда бор куч-ғайратини аямайди. Зеро, мутахассисларни қўллаб-қувватлаш ҳар бир раҳбарга хос зарур фазилатдир. Бу жамоанинг ютуқларини бойитиш билан бирга ишчанлик муҳитини юзага келтиришга ҳам хизмат қилади. Кўпчиликда ташаббускорликни оширади.

Е.А.Компольшик жамоадаги барча ўқитувчилар билан муомала маданиятини ўз ўрнига қўйган ҳолатда иш олиб боради. У фаол ўқитувчи, жамоатчи, талабчан раҳбардир. Мактаб директори сифатида кўплаб ёш ўқитувчиларга ўрнак бўла олади.

Е.А.Компольшик ўқитувчилар, ўқувчилар ва ота-оналар орасида ҳурматга сазовор. У ўзини тажрибали, ижодий ишлайдиган раҳбар сифатида намоён этмоқда. Шу жиҳатдан "Адолат" СДП ғояларида, Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси сифатли ва бепул умумий таълим олиш, яхши ҳақ тўланадиган муносиб иш топиш, яхши мутахассис бўлиш ва истаган пайтида ўз ишини ташкил этиш имкониятига эга бўлиши лозим, деб ҳисоблайди. Зеро, бугунги таълим – аввалгиларидан тубдан фарқ қилади. Янги авлод вакиллари қулай шароитларда муносиб таълим олмоқда.

Социал-демократиянинг шиорларидан бири – "Бирдамлик". Ўзбекистондаги турли фуқаролик институтлари, бир томондан, мамлакатимизнинг барқарор ривожланишига, иккинчи томондан эса барча ижтимоий гуруҳларнинг миллий жипслиги ва тотувлигига хизмат қилмоқда. Бизнинг мақсадимиз – уларнинг хилма-хиллигини муштарак ҳолда сақлаш ва ривожлантиришдан иборат, деб ҳисоблайди номзод.

Оилали. Бир нафар фарзанди бор.

## УМАРОВ РУСТАМ НИЯТҚОБИЛОВИЧ

### 58-Оқдарё сайлов округи

**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**



Умаров Рустам Ниятқобилович 1974 йилда Самарқанд вилояти, Оқдарё туманида туғилган. Миллати — ўзбек. Маълумоти — олий.

2000 йилда Самарқанд давлат университетини тугатган.

Меҳнат фаолияти: 1991-1992 йилларда Самарқанд педагогика билим юрти ходими, 1995-1999 йилларда "Зарафшон" қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш бирлашмасида ишчи, 2000-2009 йилларда Оқдарё тумани 29-мактаб ўқитувчиси, 2012-2016 йилларда Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Оқдарё туман кенгаши раиси, 2016-2017 йилларда Самарқанд вилояти Фермерлар Кенгаши раиси, 2017-2019 йилларда. "Оқдарё Элита Тортувли" фермер хўжалиги раиси лавозимларида фаолият юритган. 2019 йилдан бугунга қадар Самарқанд вилояти, Оқдарё туман ҳокимиятида қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи

Ўз меҳнат фаолияти давомида фаол жамоатчи, билимдон, замонавий дунёқараш эгаси, миллий қадриятларни яхши ўзлаштирган, масъулиятни чуқур ҳис қиладиган, мушкул вазиятларда доимо аниқ ва реал фикр юритиб, муаммони ҳал қилишда ўз лойиҳасини тақдим эта оладиган шахс бўлиб шаклланди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етказиб берадиган тузилмаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган сиёсатга кўмаклашиш, оддий қишлоқ меҳнаткашларини самарали ҳимоя қилиш, қишлоқда ижтимоий инфратузилмани ташкил этиш Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг устувор вазифасига айланган. Шу мақсадда партия ернинг ҳосилдорлигини ошириш, бунинг учун барча агротехник тадбирларни ўтказиш, замонавий агротехнологияларни жорий этиш, уруғчилик ва селекция ишларини ривожлантириш, ходимлар меҳнатини самарали ташкил этиш ва рағбатлантиришдек хайрли мақсадларни мўлжалламоқда. Бу ишда Рустам Ниятқобилович ҳам фаол иштирок этади. Унинг асосий мақсади қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етказиб берадиган тузилмаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган сиёсатга кўмаклашиш, қишлоқ меҳнаткашларини қўллаб-қувватлаш, ҳудудларда қишлоқ инфратузилмасини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшишдан иборат.

Шунингдек, номзод бу жараёнларда фаол иштирок этишни мўлжалламоқда. Партиянинг дастурий вазифаларини ҳаётга изчил татбиқ этишни кўзлаяпти. Шу билан бирга, Давлат бюджетининг ижтимоий йўналтирилганини сақлаб қолиш, ҳар бир минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларининг аниқ ва пухта бажарилишига эришишни мақсад қилмоқда. Бу орқали элга катта наф келтиришга ҳаракат қиляпти.

Оилали. Тўрт нафар фарзанди бор.

## АБСАМАТОВ ДАВРОН АБСАМАТОВИЧ

### 59-Булунғур сайлов округи

**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**



Даврон Абсаматович Абсаматов 1984 йилда Самарқанд вилояти Булунғур туманида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий.

2005 йилда Тошкент молия институтининг бухгалтерия ҳисоби ва аудит йўналиши бўйича бакалавр, 2007 йилда Бухгалтерия ҳисоби мутахассислиги бўйича магистр ва 2011 йилда Буюк Британиянинг University of Gloucestershireнинг (MBA in Finance) бизнес ва бошқарув мутахассислиги бўйича магистр даражасини олган. 2016 йилда «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 25 йил» кўкрак нишони билан тақдирланган.

Меҳнат фаолияти: 2006-2007 йилларда Тошкент вилояти Дори-дармон акциядорлик жамияти бухгалтери; 2007-2008 йилларда Тошкент вилояти Дори-дармон акциядорлик жамияти бош бухгалтери ўринбосари; 2008-2014 йилларда Тошкент вилояти Дори-дармон акциядорлик жамияти бош бухгалтери; 2014-2015 йилларда Жиззах вилояти "MEGA INVEST INDUSTRIAL" масъулияти чекланган жамияти бош бухгалтери. 2015 йилдан бошлаб Булунғур туманидаги "GREEN AGRO EXPORT" масъулияти чекланган жамияти директори лавозимида фаолият олиб бормоқда.

Меҳнат фаолияти давомида фаол жамоатчи, билимдон, замонавий дунёқараш эгаси, миллий қадриятларни яхши ўзлаштирган, иқтисодиётга оид билимларни пухта эгаллаган, масъулиятни чуқур ҳис қиладиган, мушкул вазиятларда доимо аниқ ва реал фикр юритиб, муаммони ҳал қилишда ўз лойиҳасини тақдим эта оладиган шахс бўлиб шаклланди. У ҳар бир масалага билимдонлик билан, чуқур мулоҳаза юритган ҳолда ёндашади ва аниқ хулосалар ёрдамида ижобий ечим топишга ҳаракат қилади. Меҳнат жамоасида ҳамкасблари унинг қатъияти ва тўғрисўзлиги, ташаббускорлиги, ҳар бир ходимда ишчанлик руҳини кучайтира олишини, инсоний фазилатларини беҳиёс қадрлашади.

Номзод дастуридан мамлакатни иқтисодий-сармоявий, ижтимоий, маданий жиҳатдан замонавийлаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилиш ва амалга оширишда жамоат ташкилотларини кенг жалб этиш каби муҳим масалалар ўрин олган.

Даврон Абсаматовичнинг асосий мақсади – аҳолига сифатли ижтимоий хизмат кўрсатиш тизимини янада ривожлантириб бориш, фуқароларнинг жамоат ташкилотларидаги иштирокини фаоллаштириш ҳамда шу орқали уларни жамият ижтимоий-иқтисодий муаммоларини бартараф этиш масаласига жалб қилишга қаратилган.

Оилали. Бир нафар фарзанди бор.

## ДЖУМАЕВА САЙЁРА ОРЗИЕВНА

### 60-Пайариқ сайлов округи

**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Сайёра Орзиевна Джумаева 1973 йилда Самарқанд вилояти Пайариқ туманида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий.

1995 йилда Жиззах давлат педагогика институти ва 2009 йилда Тошкент давлат иқтисодиёт университетини тугатган. Маълумотлари бўйича мутахассисликлари умумий техника фанлари ва меҳнат ўқитувчиси ҳамда иқтисодчи. «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 25 йил» кўкрак нишони билан тақдирланган.

Меҳнат фаолияти: 2001-2005 йилларда Самарқанд шаҳар 18-умумтаълим мактаби меҳнат таълими ўқитувчиси; 2005-2012 йилларда Давлат тижорат Халқ банки Самарқанд вилоят филиали мутахассиси; 2012-2014 йилларда Давлат тижорат Халқ банки Самарқанд вилояти филиали Ижрочилик интизоми ва фуқароларнинг мурожаатини кўриб чиқиш шўъбаси мудири; 2014-2017 йилларда Самарқанд вилояти ҳокимининг ўринбосари — хотин-қизлар қўмитаси раиси; 2017-2018 йилларда Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича вилоят кенгаши раисининг ёшлар ишлари бўйича ўринбосари; 2018 йилдан Самарқанд вилояти ҳокимининг ўринбосари — хотин-қизлар қўмитаси раиси котибияти мудири лавозимида хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, шунингдек, ёрдамга муҳтож бўлган ва оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, уларни оилавий ва хусусий тадбиркорлик, ҳунармандчиликка жалб этиш, улар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, оилаларни мустаҳкамлаш борасида самарали меҳнат қилиб келмоқда.

У юқори касбий маҳорат соҳиби, ўз меҳнат фаолияти давомида фаол жамоатчи, билимдон, замонавий дунёқараш эгаси, миллий қадриятларни яхши ўзлаштирган, масъулиятни чуқур ҳис этган, мушкул вазиятларда ўз фикри ва мулоҳазалари билан барчага тўғри йўл кўрсата оладиган шахс сифатида танилди. У қаерда фаолият кўрсатмасин, юксак ҳурмат ва эътиборга сазовор бўлиб келмоқда.

Номзоднинг дастурида фуқаролар, айниқса, хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда амалга оширишда жамоат ташкилотларини кенг жалб этиш, шунингдек, аҳоли саломатлиги ва фаровонлигига йўналтирилган қонунлар ижросига доир лойиҳаларни амалга ошириш, ҳудудни иқтисодий-ижтимоий, маданий жиҳатдан замонавийлаштириш, иқтисодий-ижтимоий ва бошқа масалаларга оид давлат дастурларининг ижроси юзасидан депутатлик ва жамоатчилик назоратини ташкил этиш каби муҳим масалалар ўрин олган.



Оилали. Икки нафар фарзанди бор.

## РАВШАНОВ ХУРШИД АРТИКОВИЧ

### 61-Қўшработ сайлов округи

**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Равшанов Хуршид Артикович 1984 йилда Самарқанд вилояти, Иштихон туманида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий.

2006 йилда Тошкент ахборот технологиялари университетини тугатган.

Меҳнат фаолияти: 2007-2012 йилларда "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси филиаллари ва бошқармаларида; 2012-2015 йилларда "BRENDTEL" маъсулияти чекланган жамияти техник директори; 2015-2016 йилларда "Ўзбектелеком" АК "Тошкент шаҳар телефон тармоғи" филиали бўлим бошлиғи; 2016-2019 йилларда "Ўзбектелекоми" АК Самарқанд филиали техник директори. 2019 йилдан бугунга қадар "Ўзбектелекоми" АК Самарқанд филиали директори лавозимида фаолият юритиб келмоқда.

Меҳнат фаолияти давомида фаол жамоатчи, билимдон, замонавий дунёқараш эгаси, миллий қадриятларни яхши ўзлаштирган, ҳуқуқий, сиёсатшуносликка оид билимларни пухта эгаллаган, масъулиятни чуқур ҳис қиладиган, мушкул вазиятларда доимо аниқ ва реал фикр юритиб, муаммони ҳал қилишда ўз лойиҳасини тақдим эта оладиган шахс сифатида шаклланган.

Номзоднинг дастуридан фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилиш ва амалга оширишда жамоат ташкилотларини кенг жалб этиш, шунингдек, коммунал хизматлар сифат даражасини ошириш каби муҳим масалалар ўрин олган.

Бугунги кунда телекоммуникация йўналишидаги замонавий хизматларнинг мамлакатимиз тараққиётидаги, ҳар биримизнинг кундалик ҳаётимиздаги ўрни нақадар беқиёс экани барчамизга аён. Ушбу соҳа мутахассисидан кучли билим ва юқори малака, замон билан ҳамнафаслик, балки ундан олдинроқда юриш талаб этилади. Номзод телекоммуникация йўналиши бўйича катта тажрибага эга етук мутахассис, у телекоммуникация йўналишида соҳа учун зарур техник норматив ҳужжатларни ишлаб чиқишни жаҳон андозаларига мос замонавий технологияларга мувофиқлаштиришда, республика телекоммуникация тармоғини ривожлантириш, инновацион ғояларнинг жорий этилиши, янги авлод тармоғи асосида хизматлар кўрсатишни амалга ошириш учун лойиҳаларни режалаштириш ва ишлаб



чиқишда ҳар доим фаол қатнашади.

Хуршид Артикович "Ўзбектелеком" АК телекоммуникация тармоғини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиб кемоқда. Мазкур компания жамоасининг яратувчан меҳнати ва унинг бевосита иштироки билан республика телефон тармоғи рақамлаштирилди ҳамда халқаро, шаҳарлараро ва маҳаллий телефон станциялари сиғимлари кенгайтирилди, кўрсатилаётган хизматлар сони кўпайтирилди.

Оилали. Икки нафар фарзанди бор.

# ЎЗБЕКИСТОН "АДОЛАТ" СДП НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

## ТУРДИЕВА НИГОРА МЎМИНОВНА

### 62-Иштихон сайлов округи

**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Турдиева Нигора Мўминовна 1972 йилда Самарқанд вилояти, Иштихон туманида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий.

1996 йилда Самарқанд давлат университетини тугатган. «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 25 йил» кўкрак нишони билан тақдирланган.

Меҳнат фаолияти: 1990-1993 йилларда Иштихон тумани Баҳрин қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежида ишлаб чиқариш таълим устаси; 1993-2005 йилларда Иштихон тумани 13-сонли болалар боғчаси тарбиячиси; 2005-2010 йилларда Иштихон тумани 41-мактаб ўқитувчиси, 2010-2012 йилларда ўқув-тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари, 2012-2017 йилларда 41-умумий ўрта таълим мактаби директори; 2017-2018 йилларда Иштихон тумани 19-умумий ўрта таълим мактаби директори. 2018 йилдан бугунги кунга қадар Иштихон тумани "Оила" илмий амалий тадқиқот маркази бўлими раҳбари сифатида фаолият юритиб келмоқда.



Меҳнат фаолияти давомида фаол жамоатчи, билимдон, замонавий дунёқараш эгаси, миллий қадриятларни яхши ўзлаштирган, ҳуқуқий, сиёсатшуносликка оид билимларни пухта эгаллаган, масъулиятни чуқур ҳис қиладиган, мушкул вазиятларда доимо аниқ ва реал фикр юритиб, муаммони ҳал қилишда ўз лойиҳасини тақдим эта оладиган шахс сифатида шаклланди.

Нигора Мўминовнанинг асосий мақсади – фуқароларнинг сиёсий фаоллигини ошириш ва уларнинг давлат бошқарувидаги иштирокини кенг таъминлаш бўйича амалий чора-тадбирларни қўллаш, фуқароларнинг, айниқса, хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини юксалтириш, ижтимоий муҳофазага муҳтож оилалар муаммоларини ўрганиб, уларга амалий ёрдам кўрсатишда фаол иштирок этишдан иборат. Шунингдек, таълим соҳасида дастурий маҳсулотларнинг миллий стандартларини ишлаб чиқиш, электрон ўқув-таълим дастурлари ва мультимедиа маҳсулотлари миқдори ва сифатини ошириш, қолаверса, оддий қишлоқ меҳнаткашларини самарали ҳимоя қилиш, қишлоқда ижтимоий инфратузилмани ташкил этиш масалаларини ҳал этишда ҳам бевосита иштирок этишдир.

Социал-демократиянинг шиорларидан бири – "Бирдамлик". Ўзбекистондаги турли фуқаролик институтлари, бир томондан, мамлакатимизнинг барқарор ривожланишига, иккинчи томондан эса барча ижтимоий гуруҳларнинг миллий жипслиги ва тотувлигига хизмат қилмоқда. "Бизнинг мақсадимиз – уларнинг хилма-хиллигини муштарак ҳолда сақлаш ва ривожлантиришдан иборат", – деб ҳисоблайди номзод.

Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

## ПРИМҚУЛОВ БОХАДИР АНДИКУЛОВИЧ

### 63-Каттақўрғон сайлов округи

**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Примқулов Бохадир Андикулович 1970 йилда Самарқанд вилояти Жомбой туманида туғилган. Миллати — ўзбек. Маълумоти — олий.

1993 йилда Самарқанд давлат архитектура қурилиш институтини тугатган.

Меҳнат фаолияти: 1987-1994 йилларда Самарқанд "Иссиқлик газ таъминоти манбаи" давлат унитар корхонаси Иссиқлик ва газ таъминоти ва шамоллатиш бўлими ходими; 1987-1993 йилларда Самарқанд давлат архитектура қурилиш институти талабаси; 1995-2001 йилларда Булунғур тумани "Газ таъминоти" корхонаси ходими; 2001-2005 йилларда Жомбой туманидаги "Қорамўйин" қишлоқ фуқаролар йиғини раиси; 2005-2008 йилларда Тошкент шаҳридаги "Сарвар газ сервис" масъулияти чекланган жамияти бош оператори; 2008-2018 йилларда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Саноатгеоконтехназорат" давлат лаборатория инспекцияси муҳандиси, 2018 йилдан бугунга қадар Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги "Elizabeth Industrial Safety" масъулияти чекланган жамияти бош муҳандиси лавозимида ишлаб келмоқда.



Меҳнат фаолияти давомида фаол жамоатчи, билимдон, замонавий дунёқараш эгаси, миллий қадриятларни яхши ўзлаштирган, ҳуқуқий, сиёсатшуносликка оид билимларни пухта эгаллаган, масъулиятни чуқур ҳис қиладиган, мушкул вазиятларда доимо аниқ ва реал фикр юритиб, муаммони ҳал қилишда ўз лойиҳасини тақдим эта оладиган шахс бўлиб шаклланди. Жумладан, бир қанча меҳрибонлик уйларида маънавий-маърифий тадбирлар ташкил қилишда, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларида, ёшларнинг тўй маросимларини ўтказишда, ўқувчиларни ўқув қуроллари билан таъминлашга беғараз ёрдам бериб келмоқда.

Бохадир Андикулович аҳолининг турмуш даражасини янада яхшилаш, яшаш шарт-шароитларида муҳим бўлган қулайликлар яратиш борасида ҳуқуқий-меъёрий асосларни янада мукаммаллаштиришни назарда тутади. "Адолат" СДПнинг Сайловолди дастури ҳамда амалий тажрибаларидан келиб чиқиб, мушоҳада юритади.

Бохадир Андикуловичнинг асосий мақсади — давлат бюджетининг ижтимоий йўналтирилганини сақлаб қолиш, ҳар бир минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг аниқ ва самарали бажарилиши, уй-жой соҳасининг самарали ривожланишини қўллаб-қувватлаш, бюджет соҳаси ходимлари учун бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан идоравий уй-жойлар қурилиш ҳажмини кенгайтириш, бюджет соҳаси ходимлари томонидан уй-жой сотиб олиш учун бошланғич маблағлар билан таъминлайдиган мақсадли субсидияларни жорий қилиш, уй-жой бозоридаги фирибгарликлар учун назорат ва жавобгарликни кучайтиришдан ибoратдир.

Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

## РЎЗИЕВ ШУХРАТ АШУРОВИЧ

### 64-Нарпай сайлов округи

***Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.***

Шухрат Ашурович Рўзиев 1972 йил 12 ноябрда Самарқанд вилояти Хатирчи туманида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий.



1995 йилда Самарқанд давлат университетини имтиёзли диплом билан тугатган. "Жисмоний тарбия ва спорт аълочиси" "Ўзбекистон мустақиллигига 25 йил", "Ўзбекистон конституциясига 25 йил" кўкрак нишонлари билан тақдирланган.

Меҳнат фаолияти: 1995-1999 йиллар Самарқанд вилояти ички ишлар бошқармаси эксперт-криминалистика бўлими эксперти, 1999-2000 йиллар Самарқанд вилояти ички ишлар бошқармаси эксперт-криминалистика бўлими криминалистика экспертиза ва ҳисобга олиш бўлинмаси катта эксперти, 2004-2006 йиллар Самарқанд туман ички ишлар бўлими бошлиғининг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўринбосари, 2006-2008 йиллар Самарқанд шаҳар ички ишлар бошқармаси бошлиғининг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўринбосари, бўлим бошлиғи, 2008-2009 йиллар Самарқанд вилоят ички ишлар бошқармаси шахсий таркиб билан ишлаш хизмати бошлиғининг биринчи ўринбосари, 2009-2017 йиллар Самарқанд вилояти ҳокимлиги Маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, оммавий спортни ривожлантириш ва спорт тадбирларини ташкил этиш бўлими бошлиғи, 2017 йилдан ҳозирги вақтга қадар Самарқанд вилояти Жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси бошлиғи лавозимида ишлаб келмоқда.

Ўз меҳнат фаолияти давомида вилоятда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, спорт турлари бўйича федерациялар ва спорт клублари фаолиятини янги босқичга олиб чиқиш, ёшларни оммавий спортга жалб қилиш борасида ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Ш.Рўзиевнинг самарали меҳнати натижасида вилоят спортчиларининг республика, Осиё ва Жаҳон мусобақаларида қўлга киритаётган ютуқлари сезиларли даражада ўсишга эришилди.

Ш.Рўзиев фаол жамоатчи, билимдон, замонавий дунёқараш эгаси, миллий қадриятларни яхши ўзлаштирган, ҳуқуқий, сиёсатшуносликка оид билимларни пухта эгаллаган, масъулиятни чуқур ҳис қиладиган, мушкул вазиятларда доимо аниқ ва реал фикр юритиб, муаммони ҳал қилишда ўз лойиҳасини тақдим эта оладиган шахс сифатида шаклланган.

Номзоднинг сайловолди дастурида иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда инновацион тараққиётни кучайтириш, яратилган моддий бойликларни адолатли тақсимлаш, қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига амал қилиш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг очиқлиги ва ҳисобдорлигининг фаол тарафдори бўлиш, ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуришга йўналтирилган кенг кўламли ислоҳотларни амалга ошириш, қонун устуворлигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат олиб бориш, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошириш каби муҳим масалалар ўрин олган.

Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

## ЮНУСОВ МАНСУРЖОН МАХМУДОВИЧ

### 65-Зиёвуддин сайлов округи

**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Мансуржон Махмудович Юнусов 1972 йилда Жиззах вилоятида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий.



1995 йилда Тошкент Молия институтини тугатган. Мутахассислиги – иқтисодчи.

Меҳнат фаолияти: 1989-1990 йилларда Жиззах вилояти Дўстлик тумани кооператив бирлашмаси статисти; 1995-2002 йилларда Самарқанд вилоят Иқтисодиёт ва статистика бош бошқармасида 1-тоифали мутахассис, етакчи мутахассис, иқтисод маслаҳатчиси, бўлим бошлиғи ўринбосари; 2002-2010 йилларда Самарқанд вилоят Иқтисодиёт бош бошқармаси бўлим бошлиғи; 2010-2018 йилларда "KAFOLAT sug'urta kompaniyasi" акционерлик жамияти Самарқанд филиали директори ўринбосари, 2018 йилдан бошлаб "KAFOLAT sug'urta kompaniyasi" акционерлик жамияти Самарқанд филиали директори.

Меҳнат фаолияти давомида фаол жамоатчи, билимдон, замонавий дунёқараш эгаси, миллий қадриятларни яхши ўзлаштирган, ҳуқуқий, сиёсатшуносликка оид билимларни пухта эгаллаган, масъулиятни чуқур ҳис қиладиган, мушкул вазиятларда доимо аниқ ва реал фикр юритиб, муаммони ҳал қилишда ўз лойиҳасини тақдим эта оладиган шахс бўлиб шаклланган.

Номзод дастуридаги асосий масалалар сифатида фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилиш ва амалга оширишда жамоат ташкилотларини кенг жалб этиш, Ўзбекистон "Адолат" СДП мамлакатимиз ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) юқори даражада жорий этилган илғор мамлакатлар қаторига кириши лозим, деб ҳисоблайди. Шу муносабат билан партия бундан кейин ҳам АКТни жорий этиш ва ривожлантириш соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш тарафдори бўлиб қолаверади. Шу билан бир қаторда партия фуқароларга интерфаол давлат хизмати кўрсатиш жараёнларига алоҳида эътибор қаратмоқда.

Мансуржон Махмудовичнинг асосий мақсади – модернизацияга асосланган янги иқтисодиёт ва янги технологиялар фуқароларга янги иш ўринларини топиш, янги касб-ҳунарларни ўргатиш, янги корхоналарни очиш ва кенгайтириш имкониятини беришни таъминлашдир. Замонавий иннновацион ва юқори технологияларни жорий этиш учун эса инновацион фаолиятнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш, шу жумладан, илмий фаолиятни ривожлантириш соҳасида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш зарур. Шу билан бир қаторда инновация ва инновацион инфратузилмаларнинг ягона ваколатли органини таъсис этиш ҳамда иқтисодиёт соҳаларида хусусий бизнес иштирокида унча катта бўлмаган ва қисқа муддатда ўзини оқлайдиган инновацион лойиҳаларни жорий этиш лозим. Мансуржон Юнусовнинг сайловолди дастуридан республикамизда ташкил этилган махсус индустриал зоналар фаолиятини кенгайтириш масаласини кун тартибига қўйиш ҳам ўрин олган.

Оилали. Тўрт нафар фарзанди бор.

## ПОЛВАНОВ ШУХРАТ ТАГАЙМУРАДОВИЧ

### 66-Нуробод сайлов округи

**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Шухрат Тагаймурадович Полванов 1977 йилда Самарқанд вилояти, Пастдарғом туманида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий.

2002 йилда Тошкент давлат юридик институтини тугатган. «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 15 йил», «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 25 йил» кўкрак нишонлари билан тақдирланган.

Меҳнат фаолияти: 1992-1996 йилларда Пастдарғом туманидаги "Машъал" жамоа хўжалигида ишчи, 1996-1997 йилларда Пастдарғом тумани Ички ишлар бўлими Қўриқлаш бўлинмаси ходими бўлиб ишлаган. Мутахассислиги бўйича фаолиятини 1997-1998 йилларда Олий хўжалик суди Суд қарорларини ижро этиш бўлими ЭҲМ оператори сифатида бошлаб, 1998-2001 йилларда Олий хўжалик судининг катта маслаҳатчиси-девонхона мудири, 2001-2004 йилларда Тошкент шаҳар хўжалик судининг катта маслаҳатчиси лавозимларида, 2004 йилда Олий хўжалик суди раисининг ёрдамчиси, махфий-режим бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчи, 2004-2005 йилларда республика Конституциявий суди раисининг ёрдамчиси, 2005-2009 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтининг ўриндошлик асосида етакчи илмий ходими, бош илмий ходими, 2005-2010 йилларда Марказий сайлов комиссияси раиси ёрдамчиси, Ташкилий-методик бўлими мудири лавозимларида ишлаб, 2010-2014 йилларда Тошкент шаҳар хўжалик судининг судьяси, 2014-2015 йилларда Олий хўжалик судининг судьяси лавозимларида фаолият юритган. 2015 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутати этиб сайланган.

Ўзининг қатъиятлилиги, камтарлиги билан меҳнат жамоаси орасида ҳурматга сазовор бўлган. Хизмат вазифаларига масъулият билан ёндашади, дунёқараши кенг. Фаолияти давомида чуқур ҳуқуқий билимга ва ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган ҳуқуқшунос сифатида шаклланди.

Номзоднинг дастуридан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни янада кучайтиришга йўналтирилган қонунлар ташаббускори бўлиш ва уларни қўллаб-қувватлаш, давлат бошқаруви органлари, назорат этувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмалар фаолиятида қонунчиликка риоя қилинишиши устидан назоратни кучайтириш, ёшларни иш билан таъминлаш борасидаги имтиёзларни янада мустаҳкамлаш бўйича қонунчиликни такомиллаштириш, аҳолининг кенг қатламларига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини ошириш каби муҳим масалалар ўрин олган.



Оилали. Тўрт нафар фарзанди бор.

## АБДИЕВА МУЗАФАРА

### 67-Пастдарғом сайлов округи

**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Абдиева Музафара 1957 йилда Самарқанд вилояти, Пастдарғом туманида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий. Мутахассислиги – ўқитувчи.

1979 йилда Тошкент давлат университетининг математика факультетини тамомлаган. "Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими аълочиси", "Мўътабар аёл" кўкрак нишони ҳамда "Шуҳрат" медали билан тақдирланган.

Меҳнат фаолиятини 1979 йилда ўзи таҳсил олган 28-сонли умумий ўрта таълим мактабида математика фани ўқитувчилигидан бошлаган. 1991-1996 йилларда мазкур мактабда ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари, 1996 йилдан эса мактаб директори вазифасида ишлаб келмоқда.

2008 йилда Музафара Абдиеванинг ташаббуси билан ўқувчиларни табақалаштириб ўқитиш, иқтидорли ўқувчиларнинг қобилиятларини янада ривожлантириш мақсадида у раҳбарлик қилаётган умумтаълим мактаби аниқ фанлар чуқурлаштириб ўқитиладиган мактаб-интернатига айлантирилди.

2013 йилда "Математика дарсларида ўқувчилар ижодий фаоллигини ошириш усуллари" мавзусидаги дарс ишланмаси, 2014 йилда "Ўқувчилар ижодий фаоллигини ошириш усуллари" мавзусидаги дарс ишланмаси вилоят миқёсида оммалаштирилган. Бугунги кунда унинг юз нафардан ортиқ шогирдлари турли соҳаларда раҳбар лавозимларида меҳнат қилмоқда.

Музафара Абдиеванинг бевосита ташаббуси билан мактабда «Соғлом муҳит – соғлом жамоа» тадбирлари доирасида педагог ходимлар ва ўқувчиларнинг фаоллигини таъминлайдиган ижодкорлик ва изланувчанлик ишлари давом этмоқда. У "Таълим тўғрисида"ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни теран англайди ва уни мактаб-интернат таълим-тарбия жараёнларига тадбиқ этишда фидойилик кўрсатиб келмоқда.



Номзод дастуридаги асосий мақсадни партиянинг Сайловолди дастурида илгари сурилган ғояларга мутаносиб равишда мамлакатимизнинг буюк келажаги ҳам, эртанги кунимиз, эркин ва фаровон ҳаётимиз ҳам, Ўзбекистоннинг XXI асрда жаҳон ҳамжамиятидан қандай ўрин эгаллаши ҳам – буларнинг барча-барчаси, авваламбор, янги авлод, униб-ўсиб келаётган фарзандларимиз қандай инсонлар бўлиб вояга етишига боғлиқ, деб ҳисоблайди. Шу сабабли Музафара Абдиеванинг мамлакатимиз таълим тизимида режалар фуқароларнинг комил шахслар бўлиб шаклланишига йўналтирилган, инсон омилини намоён этадиган, меҳнат бозори талабларига жавоб берадиган мутахассисларни етиштириб берадиган энг яхши анъаналарни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришдан иборат. Зеро, таълим замонавий демократик ва бағрикенг жамият тараққиётининг ҳал қилувчи омилидир. Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси сифатли ва бепул умумий таълим олиш, яхши ҳақ тўланадиган муносиб иш топиш, яхши мутахассис бўлиш ва истаган пайтида ўз ишини ташкил этиш имкониятига эга бўлиши лозим. Шу сабабли Музафара Абдиева давлат олий таълим тизимини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш тарафдори.

Оилали. Тўрт нафар фарзанди бор.

# ЎЗБЕКИСТОН "АДОЛАТ" СДП НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

## МУХАММАДИЕВ ДИЛШОД ТОШПУЛАТОВИЧ

### 68-Самарқанд сайлов округи

**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Мухаммадиев Дилшод Тошпулатович 1981 йили Самарқанд вилояти, Самарқанд туманида туғилган. Миллати — ўзбек. Маълумоти — олий.

2006 йилда Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтининг агроинжинерия факультети сиртқи бўлимини тамомлаган. Мутахассислиги — механизатор.

Меҳнат фаолиятини 2006 йилдан шу кунга қадар Самарқанд вилояти, Тойлоқ туманида «Акмал Тошпулотович» фермер хўжалиги раиси сифатида давом эттириб келмоқда. У раҳбарлик фаолияти давомида оддий фермер хўжалигини кўп тармоқли фермер хўжалигига айлантирди. Чорвачилик, ғаллачилик, боғдорчилик, сабзавотчилик, балиқчилик соҳаларида катта ютуқларга эришди. Фермер хўжалигига чет эл инвестицияси киритилиб, наслдор моллар келтирилди ва совуткич омбори, иссиқхона, замонавий молхона қурилди ҳамда 105 та янги иш ўрни яратилди.



Ўз меҳнат фаолияти давомида фаол жамоатчи, билимдон, замонавий дунёқараш эгаси, миллий қадриятларни яхши ўзлаштирган, ҳуқуқий, сиёсатшуносликка оид билимларни пухта эгаллаган, масъулиятни чуқур ҳис қиладиган, мушкул вазиятларда доимо аниқ ва реал фикр юритиб, муаммони ҳал қилишда ўз лойиҳасини тақдим эта оладиган шахс бўлиб шаклланди.

Номзоднинг дастуридан фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилиш ва амалга оширишда жамоат ташкилотларини кенг жалб этиш, шунингдек, мамлакат мавқеини янада кўтариш, коммунал хизматлар сифат даражасини ошириш, давлатни иқтисодий-сармоявий, ижтимоий, маданий жиҳатдан замонавийлаштириш, сиёсий фаол, республика бошқарувида бевосита иштирок этадиган, жамиятимизда демократлашув жараёнларини илгари сурадиган мамлакатлардан бири сифатида шакллантириш каби муҳим масалалар ўрин олган.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг устувор вазифаси — қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етказиб берадиган тузилмаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган сиёсатга кўмаклашиш, оддий қишлоқ меҳнаткашларини самарали ҳимоя қилиш, қишлоқда ижтимоий инфратузилмани ташкил этишга қаратилган. Шу мақсадда партия ўзининг Сайловолди дастурида ернинг ҳосилдорлигини ошириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, барча агротехник тадбирларни зарур даражада ўтказиш, замонавий агротехнологияларни жорий этиш, уруғчилик ва селекция ишларини ривожлантириш, ходимлар меҳнатини самарали ташкил этиш ва рағбатлантиришни таклиф этади. Бу масалалар Дилшод Мухаммадиев фаолиятининг ҳам асоси ҳисобланади.

Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

## АКРОМОВА НИЛУФАР ДЖАЛИЛОВНА

### 69-Тойлоқ сайлов округи

**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Акромова Нилуфар Джалиловна 1980 йилда Самарқанд вилояти, Самарқанд туманида туғилган. Миллати — ўзбек. Маълумоти — олий.

2012 йилда Самарқанд давлат қишлоқ хўжалик институтини тугатган.

Меҳнат фаолияти: 1999-2001 йилларда Тойлоқ тумани ҳокимлиги Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими бош мутахассиси; 2001-2006 йилларда Ўзбекистон Республикаси "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тойлоқ тумани бўлими Кенгаши бош ҳисобчиси; 2006-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тойлоқ туман бўлими Кенгаши бош мутахассиси; 2011-йилдан ҳозирги вақтга қадар Ўзбекистон "Адолат" СДП Тойлоқ тумани Кенгаши раиси сифатида ишлаб колмоқда.



Ўз меҳнат фаолияти давомида фаол жамоатчи, билимдон, замонавий дунёқараш эгаси, миллий қадриятларни яхши ўзлаштирган, ҳуқуқий, сиёсатшуносликка оид билимларни пухта эгаллаган, масъулиятни чуқур ҳис қиладиган, мушкул вазиятларда доимо аниқ ва реал фикр юритиб, муаммони ҳал қилишда ўз лойиҳасини тақдим эта оладиган шахс сифатида шаклланди.

Номзоднинг дастуридан фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларнинг хуқуқлари ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилиш ва амалга оширишда жамоат ташкилотларини кенг жалб этиш каби муҳим масалалар ўрин олган.

Нилуфар Джалиловнанинг сайловолди дастурида мазкур вазифалар тўла инъикосини топган. Чунончи, Н.Джалиловнанинг асосий мақсадларидан бири — соғлиқни сақлаш тизимида сифатли хизмат кўрсатишни янада ривожлантириш, қишлоқ ҳудудларида истиқомат қилувчи аҳоли учун ижтимоий хизматларни такомиллаштириш, ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлаб боришдир.

Нилуфар Акромова ўз саъй-ҳаракатларини бепул дастлабки тиббий хизмат кўрсатишни кафолатлайдиган қонунларни ҳаётга татбиқ этиш, давлат соғлиқни сақлаш секторини мустаҳкамлаш, фармакология хизматлари тармоғини шакллантириш устидан назорат қилиш, мактаб ва мактабгача таълим муассасалари доирасида болаларни тиббий хизматлар билан таъминлаш тизимини мустаҳкамлаш, болалар парвариши бўйича давлат томонидан ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштиришга йўналтирган. Шунингдек, у она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантириш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янги замонавий талаблар асосида олиб боришга алоҳида эътибор қаратади.

Оилали. Бир нафар фарзанди бор.

## ТУГАЛОВ БОТИР БАХРОМОВИЧ

### 70-Ургут сайлов округи

**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Тугалов Ботир Бахромович 1985 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Миллати — ўзбек. Маълумоти — олий.



2009 йилда Самарқанд давлат университетининг санъатшунослик факультети кундузги бўлимини тамомлаган. Мутахассислиги — санъатшунос.

2004-2006 йилларда Самарқанд вилоят телерадиокомпаниясининг (СТР) эфирга узатиш маркази раҳбари; 2006-2007 йилларда Самарқанд СТВ телевизион ижодий уюшмаси телетасвирчи, монтажчи, студия раҳбари; 2007-2009 йилларда Самарқанд СТВ телевизион ижодий уюшмаси "Мониторинг бўлими" сиёсий кўрсатувлар назоратчиси, бўлим бошлиғи, 2005-2009 йилларда Самарқанд давлат университети талабаси; 2009-2011 йилларда Самарқанд вилоят Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий методик маркази катта илмий ходими, бош мутахассиси, ижтимоий тадқиқот ва ахборот бўлими бошлиғи; 2011-2014 йилларда Самарқанд вилоят Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази директори ўринбосари; 2014-2015 йилларда Самарқанд вилояти ҳокимлиги Маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари; 2015-2017 йилларда Самарқанд вилояти махсус ахборот-ресурс маркази директори; 2017 йилдан ҳозирги вақтга қадар Самарқанд вилояти ҳокимлиги маданият бошқармаси бошлиғи биринчи ўринбосари лавозимида фаолият юритиб келмоқда.

Ташаббускор, талабчан, қатъиятли раҳбар. Партиянинг фаол аъзоларидан бири.

Ботир Бахромович Тугаловнинг қаламига мансуб маданият соҳасида олтита ва санъат соҳасини ривожлантириш бўйича учта ўқув-методик қўлланмалар чоп этилган бўлиб, бугунги кунда вилоят маданият ва санъат муассасаларида кенг фойдаланилиб келинмоқда.

Меҳнат фаолияти давомида фаол жамоатчи, билимдон, замонавий дунёқараш эгаси, миллий қадриятларни яхши ўзлаштирган, ҳуқуқий, сиёсатшуносликка оид билимларни пухта эгаллаган, масъулиятни чуқур қис қиладиган, мушкул вазиятларда доимо аниқ ва реал фикр юритиб, муаммони ҳал қилишда ўз лойиҳасини тақдим эта оладиган шахс сифатида шаклланган.

"Инсон ҳуқуқ ва манфаатлари — олий қадрият" тамойилига амал қилиш Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг бош ғояларидан биридир. Адолатлилик ғояси, барчанинг қонун олдида тенглиги, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, "Адолат — қонун устуворлигида" тамойилини амалиётга янада кенг жорий этиш "Адолат" СДП учун устувор йўналиш бўлиб қолаверади. Партия давлат бошқаруви органлари, назорат этувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмалар фаолиятида қонунчиликка амал қилиниши устидан назоратни кучайтириш, қонунчилик меъёрларини бузишга, уларни нотўғри ва эркин талқин этиш, тўрачилик, расмиятчилик, коррупцияга йўл қўймаслик тарафдори. Бу масалалар Ботир Тугаловнинг дастуридан ҳам ўрин олган.

Оилали. Икки нафар фарзанди бор.

## РАСУЛОВ УЛУҒБЕК АБДУСАМИЕВИЧ

### 71-Қоратепа сайлов округи

**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Улуғбек Абдусамиевич Расулов 1980 йилда Самарқанд вилояти, Ургут туманида туғилган. Миллати — ўзбек. Маълумоти — олий. Мутахассислиги — ҳуқуқшунос.



2004 йилда Тошкент давлат юридик институтини, 2011 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошидаги Олий бизнес мактабини тугатган. «Ўзбекистон конституциясига 25 йил» эсдалик нишони билан тақдирланган.

Меҳнат фаолияти: 2005 йилда Самарқанд вилояти хўжалик судида суд мажлиси котиби, 2007-2008 йилларда Самарқанд вилоят АТ «Пахтабанк» Жомбой филиали ҳуқуқшуноси, 2008-2009 йилларда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг Тошкент вилояти Минтақавий ахборот-таҳлил маркази илмий ходими, 2009-2010 йилларда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш ва ўрнини кучайтириш муаммоларини ўрганиш» лойиҳаси илмий ходими, 2010-2011 йилларда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг Тошкент шаҳар Минтақавий ахборот-таҳлил маркази илмий ходими, 2011-2013 йилларда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлинмаси катта ва етакчи мутахассиси, 2013-2018 йилларда Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши Марказий аппаратининг Давлат ҳокимиятининг вакиллик органларидаги депутатлик гуруҳлари билан ишлаш бўлими мудири лавозимларида фаолият юритган.

2018 йилдан Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши Марказий аппаратининг Ташкилий-партиявий ишлар бўлими мудири лавозимида ишлаб келмоқда.

У меҳнат фаолияти давомида фаол жамоатчи, билимдон, замонавий дунёқараш эгаси, миллий қадриятларни яхши ўзлаштирган, ҳуқуқий, сиёсатшуносликка оид билимларни пухта эгаллаган, масъулиятни чуқур ҳис қиладиган, мушкул вазиятларда доимо аниқ ва реал фикр юритиб, муаммони ҳал қилишда ўз лойиҳасини тақдим эта оладиган шахс сифатида шаклланди.

Номзоднинг дастуридан фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилишга жамоат ташкилотларини кенг жалб этиш, шунингдек, тўрачилик, расмиятчилик ва коррупцияга қарши кескин курашиш, аҳолини иш билан банд этиш, янги иш ўринлари яратиш, ишсизликка қарши курашиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш, аҳоли даромадини изчиллик билан кўпайтириш бўйича давлат томонидан амалга оширилаётган сиёсатни қўллаб-қувватлаш каби муҳим масалалар ўрин олган.

Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

# Сирдарё вилояти бўйича

## МАЛИКОВА МУКАДДАС КАРИМОВНА

### 72-Гулистон сайлов округи

**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Маликова Мукаддас Каримовна 1974 йилда Сирдарё вилояти Гулистон шаҳрида туғилган.

Миллати — тожик. Маълумоти — олий.

2002 йилда Гулистон давлат университетини тугатган. Мутахассислиги — педагог.

Меҳнат фаолияти: 1991-1994 йилларда Сирдарё вилояти Халқ таълими бошқармасида иш юритувчи-котиба, 1994-1999 йилларда Гулистон давлат университети Мутахассисларни тайёрлашни режалаштириш, тақсимлаш ва ташқи алоқалар бўлимида назоратчи, 1999-2000 йилларда Гулистон давлат университети Халқаро алоқалар бўлимида катта назоратчи, 2000-2006 йилларда Гулистон давлат университети Халқаро алоқалар бўлими бошлиғи, 2006 йилдан бошлаб, Сирдарё вилояти "Yurt istiqboli" ижтимоий-ахборот маркази директори бўлиб ишлаган. Ўзбекистон Ишбилармон ва тадбиркор аёллар уюшмасининг вилоятдаги филиалини очган, уюшма қошида вилоятда биринчи ташкил этилган "Барака" аёллар кредит иттифоқини тузишда ҳиссасини қўшган. Ўндан ортиқ давлатларда ўтказилган халқаро конференциялар ва ўқув семинарлар иштирокчиси, бир неча халқаро грантлар ғолиби.

У меҳнат фаолияти давомида фаол жамоатчи, билимдон, замонавий дунёқараш эгаси, миллий қадриятларни яхши ўзлаштирган, ҳуқуқий, сиёсатшуносликка оид билимларни пухта эгаллаган, масъулиятни чуқур ҳис қиладиган, мушкул вазиятларда доимо аниқ ва реал фикр юритиб, муаммони ҳал қилишда ўз лойиҳасини тақдим эта оладиган шахс сифатида шаклланган.

Мукаддас Каримовна ўз сайловолди дастурининг асосий йўналишларини фуқароларнинг сиёсий фаоллигини ошириш ва уларнинг давлат бошқарувидаги иштирокини кенг таъминлаш бўйича амалий чора-тадбирларни қўллаш, фуқароларнинг, айниқса, хотин-қизлар ва ёшларнинг ташаббусларини амалга оширишда кенг имкониятларни яратиб беришдан иборат, деб белгилаган. Айни пайтда М.Каримовна таълим соҳасида миллий стандартларини ишлаб чиқиш, электрон ўқув-таълим дастурлари ва мультимедиа маҳсулотлари миқдори ва сифатини ошириш ўта муҳим ва долзарб вазифа, деб ҳисоблайди. Зеро, кадрларга бўлган бугунги ва истиқболдаги заруратни ҳисобга олган ҳолда, ўрта махсус касб-ҳунар мутахассисликлари йўналишларини босқичма-босқич қайта кўриб чиқиш, мутахассислар эҳтиёжга нисбатан кўпроқ тайёрланаётган гуманитар таълим йўналишларини қисқартириб бориш ва шундан келиб чиққан ҳолда — хизмат кўрсатиш соҳаси, аграр сектор, ишлаб чиқариш соҳаси, уй-жой-коммунал хўжалиги учун мутахассислар тайёрлашни кенгайтириш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратган.



## АХМЕДОВ ҒАФУР ТУРСУНБОЕВИЧ

### 73-Сайхун сайлов округи

**Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Ахмедов Ғафур Турсунбоевич 1971 йилда Сирдарё туманида туғилган. Миллати — ўзбек. Маълумоти — олий.

1994 йилда Тошкент темир йўл транспорти муҳандислар институтини, 2009 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясини тугатган.

У "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 15 йил" ва "Ўзбекистон конституциясига 25 йил" эсдалик нишонлари билан тақдирланган.

Меҳнат фаолияти: 1994-1995 йилларда Сирдарё рефрижератор вагонлар депоси вагон ғилдиракларини таъмирлаш устахонаси чилангари; 1995-1996 йилларда Сирдарё рефрижератор вагонлар депоси вагон ғилдиракларини таъмирлаш устахонаси бригадири. 1996 йилда Сирдарё рефрижератор вагонлар депоси вагон ғилдиракларини таъмирлаш устахонасининг вагон қабул қилувчиси. 1996-1999 йилларда Сирдарё рефрижератор вагонлар депоси вагон ғилдиракларини таъмирлаш устахонасининг ғилдирак жуфтлигига техник хизмат кўрсатиш бўйича муҳандиси. 1999-2000 йилларда Сирдарё рефрижератор вагонлар депоси ҳаракатдаги рефрижератор таркиби бўйича захира базаси бошлиғи. 2000-2001 йилларда Сирдарё рефрижератор вагонлар депоси бошлиғининг ҳаракатдаги рефрижератор таркибини ишлатиш бўйича ўринбосари. 2001-2002 йилларда Сирдарё "ДорРефТранс" унитар корхонаси директорининг ҳаракатдаги рефрижератор таркибини ишлатиш бўйича ўринбосари. 2002-2010 йилларда Сирдарё «YO`LREFTRANS» очиқ турдаги акциядорлик жамияти бошқарув раисининг ҳаракатдаги рефрижератор таркибини ишлатиш бўйича биринчи ўринбосари. 2010-2014 йилларда Сирдарё туман ҳокимининг капитал қурилиш, коммуникациялар, коммунал хўжалиги ва ободонлаштириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари лавозимида фаолият юритган. 2014 йилда Сирдарё туманидаги «PENG-SHENG» Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонасининг бош директори ўринбосари вазифасида ишлаган. 2014-2015 йилларда Сирдарё туманидаги «Sirdarya Ceramic Production» МЧЖ бош директори. 2015 йилдан ҳозирги вақтга қадар Сирдарё туманидаги «Sirdarya Ceramic Production» МЧЖ бош директори ўринбосари лавозимида фаолият юритиб келмоқда.



У меҳнат фаолияти давомида фаол жамоатчи ва нафақат корхонанинг иқтисодий ривожланишида, балки "Сирдарё ЭИЗ" ҳудудида жойлашган "PENG-SHENG" комплексининг янги лойиҳаларини амалга оширишда, "Дўстлик" истироҳат боғининг қурилишида, жамоатчилик ишларида, шунингдек, комплекс ҳудудини ва Сирдарё туманида ободонлаштириш ишларида жонбозлик кўрсатиб, ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Замонавий дунёқараш эгаси, миллий қадриятларни яхши ўзлаштирган, ҳуқуқий, сиёсатшуносликка оид билимларни пухта эгаллаган, масъулиятни чуқур ҳис қиладиган, мушкул вазиятларда доимо аниқ ва реал фикр юритиб, муаммони ҳал қилишда ўз лойиҳасини тақдим эта оладиган шахс сифатида шаклланган.

Оилали. Тўрт нафар фарзанди бор.

# ЎЗБЕКИСТОН "АДОЛАТ" СДП НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

## ДЖАНИБЕКОВА НОДИРА АБДУСАЛОМОВНА

### 74-Янгиер сайлов округи

**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Джанибекова Нодира Абдусаломовна 1973 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Миллати — қирғиз. Маълумоти — олий.

1995 йилда Гулистон Давлат университетини тугатган. Мутахассислиги – тарих, жамиятшунослик, давлат ва ҳуқуқ асослари фанлари ўқитувчиси.

Меҳнат фаолияти давомида 1993-1994 йилларда "Гулшан" болалар ижодиёти маркази методисти, 1994-1996 йилларда Мирзаобод туманидаги 22-умумий ўрта таълим мактабида ўқитувчи, 1996-2001 йилларда Сирдарё вилоят педагог ходимларнинг малакасини ошириш институтида «Ижтимоий фанлар» кафедраси катта ўқитувчиси, 2001-2007 йилларда Гулистон давлат университетида «Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» кафедраси ўқитувчиси, 2007-2013 йилларда шу кафедранинг катта ўқитувчиси, 2013-2015 йилларда университетнинг "Миллий ғоя ва фалсафа" кафедраси катта ўқитувчиси бўлиб ишлаган.



У 2015 йилдан ҳозирги вақтга қадар "Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими" кафедраси катта ўқитувчиси лавозимида фаолият юритиб келмоқда.

У Республика Маънавият ва маърифат кенгаши "Маърифат" тарғиботчилар жамияти, университет ва вилоят тарғибот гуруҳларининг фаол аъзоси. Н.Джанибекова Ички Ишлар академияси фахрий ёрлиқлари, вилоят ҳокими ва университет ректори номидан ташаккурномалар билан тақдирланган. У 2018 йил "Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун" кўкрак нишони билан тақдирланди.

Меҳнат фаолияти давомида фаол жамоатчи, билимдон, замонавий дунёқараш эгаси, миллий қадриятларни яхши ўзлаштирган, ҳуқуқий, сиёсатшуносликка оид билимларни пухта эгаллаган, масъулиятни чуқур ҳис қиладиган, мушкул вазиятларда доимо аниқ ва реал фикр юритиб, муаммони ҳал қилишда ўз лойиҳасини тақдим эта оладиган шахс бўлиб шаклланди.

Номзоднинг дастуридан хотин-қизларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳамда тиббий саводхонлигини оширишга хизмат қилувчи марказларни ташкил этиш, олий ўқув юрти ҳамда ўрта махсус касб-ҳунар таълим муассасалари битирувчиларининг назарий билимларини амалиёт билан мустаҳкамлаш механизмини такомиллаштириш масалалари, шунингдек, Ўзбекистон ҳудудида яшаётган барча миллат ва элатларнинг умумий манфаатларига мос келадиган, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, бирдамлиги, конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланган, маънавий жипслашган жамиятни шакллантириш каби муҳим масалалар ўрин олган.

Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

## КУДРАТОВ ИНОМЖОН САТТАРҚУЛОВИЧ

### 75-Боёвут сайлов округи

**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Кудратов Иномжон Саттарқулович 1978 йилда Гулистон шаҳрида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий.

2000 йилда Ўзбекистон Миллий университетини, 2003 йил Ўзбекистон Миллий университетининг магистратурасини тугатган.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2019 йил 29 августдаги буйруғи билан махсус унвон – 2-даражали адлия маслаҳатчиси даражаси берилган.

У 1997-2000 йилларда Сирдарё вилояти Технологик жиҳозлаш бошқармасининг ҳуқуқшуноси, 2003 йилнинг декабрь ойига қадар Гулистон шаҳар "Нодирбек" хусусий корхонасининг ҳуқуқшуноси вазифасида фаолият юритган. 2003-2004 йилларда Сирдарё вилояти Мирзаобод тумани ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар билан ишлаш комиссиясининг масъул котиби, 2004 йилнинг август ойига қадар Сирдарё вилояти Мирзаобод тумани суд ижрочилар бўлинмасининг суд ижрочиси, 2004-2005 йилларда Гулистон шаҳар "Нодирбек" хусусий корхонасининг ҳуқуқшуноси, 2005-2006 йилларда Сирдарё вилояти Мирзаобод тумани суд ижрочилари бўлинмасининг суд ижрочиси, катта суд ижрочиси, 2006-2007 йилларда Гулистон шаҳар "М.Худайбердиева" нотариал идорасининг нотариус-стажёри, вазифаларида



ишлаган. Шнингдек, 2007-2009 йилларда Сирдарё вилояти адлия бошқармаси Нотариат, ФҲДЁ ва адвокатура бўлимининг етакчи маслаҳатчиси вазифасини бажарувчи, етакчи маслаҳатчиси, бўлим бошлиғи, 2009-2010 йилларда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Нотариат, ФҲДЁ ва адвокатура бошқармасининг етакчи маслаҳатчиси, бош маслаҳатчиси, 2010-2012 йилларда Сирдарё вилояти адлия бошқармаси Нотариат, ФҲДЁ ва адвокатура органлари бўлимининг бошлиғи, 2012-2015 йилларда Сирдарё вилояти адлия бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, 2015-2017 йилларда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Нотариат, адвокатура ва ФҲДЁ органлари бошқармаси бошлиғининг ўринбосари — адвокатура бўлими бошлиғи, 2017-2018 йилларда Сирдарё вилояти адлия бошқармаси бошлиғининг ўринбосари лавозимларида фаолият юритган, Номзод 2018 йилдан ҳозирги кунга қадар Сирдарё вилояти адлия бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари лавозимида фаолият юритиб келмоқда.

У ўзининг назарий ва амалий билим даражасини, касб маҳоратини ошириш устида доимо изланиб, билим савиясини ошириб боради.

Меҳнат фаолияти давомида фаол жамоатчи, билимдон, замонавий дунёқараш эгаси, миллий қадриятларни яхши ўзлаштирган, ҳуқуқий, сиёсатшуносликка оид билимларни пухта эгаллаган, масъулиятни чуқур ҳис қиладиган, мушкул вазиятларда доимо аниқ ва реал фикр юритиб, муаммони ҳал қилишда ўз лойиҳасини тақдим эта оладиган шахс бўлиб шаклланди.

Номзоднинг дастуридан — суд тизимини комплекс ривожлантириш, институционал, ташкилий-кадр ва процессуал жиҳатдан мустаҳкамлаш, судларнинг ижтимоий мақомини кўтариш, судлар томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг барқарорлигини таъминлаш, судлар фаолиятининг очиқ ва ошкоралиги, суд жараёнида томонларнинг тенглиги ва холис тортишув тамойилларини кучайтириш, судлар масъулиятини ошириш каби муҳим масалалар ўрин олган.

Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

# Сурхондарё вилояти бўйича

## МАМАТОВ МУХИДДИН БУРИЕВИЧ

### 76-Шеробод сайлов округи

**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Мухиддин Маматов 1983 йилда Сурхондарё вилояти, Бойсун туманида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий.



2008 йилда Тошкент автомобиль йўллари институтини тугатган. Мутахассислиги — иқтисодчи-маркетолог.

У меҳнат фаолиятини 2008 йилда Бойсун туманидаги «Жило Файз» хусусий фирмаси маркетологи вазифасидан бошлаган. 2009-2012 йилларда шу хусусий фирма менежери, 2012-2017 йилларда Бойсун туманидаги «GRAND WORK» оилавий корхонаси бош менежери, 2017 йилдан бошлаб «Файз Рамз» кўп тармоқли фермер хўжалиги бошлиғи вазифасида фаолият юритиб келмоқда.

М.Маматов кўплаб Европа ва Осиё давлатларига бориб, илғор хориж тажрибасидан андозалар олиб келиб, замонавий техник ва технологияларни ўз фермер хўжалиги фаолиятида татбиқ этган. У изланувчан, дунёвий билим ва тажрибаларни изчил ўзлаштирадиган, соҳага янгича ёндашувлар жорий этган, фаол жамоатчи, билимдон, замонавий дунёқараш эгаси, миллий қадриятларни яхши ўзлаштирган, ҳуқуқий, сиёсатшуносликка оид билимларни пухта эгаллаган, масъулиятни чуқур ҳис қиладиган, мушкул вазиятларда доимо аниқ ва реал фикр юритиб, муаммони ҳал қилишда ўз лойиҳасини тақдим эта оладиган шахс бўлиб шаклланган.

Номзоднинг дастуридан фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилиш ва амалга оширишда жамоат ташкилотларини кенг жалб этиш, шунингдек, давлат бюджетининг ижтимоий йўналтирилганини сақлаб қолиш, ҳар бир минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг аниқ ва самарали бажарилиши, уй-жой соҳасининг самарали ривожланишини қўллаб-қувватлаш, бюджет соҳаси ходимлари учун бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан идоравий уй-жойларнинг қурилиш ҳажмини кенгайтириш, бюджет соҳаси ходимлари томонидан уй-жой сотиб олиниши учун бошланғич маблағлар билан таъминлайдиган мақсадли субсидияларни жорий қилиш, уй-жой бозоридаги фирибгарликлар учун назорат ва жавобгарликни кучайтиришдан иборат масалалар ўрин олган. М.Маматовнинг мақсади нафақат Бойсун тумани, балки Сурхондарё вилоятининг ҳам мавқеини янада кўтариш, коммунал хизматлар сифат даражасини ошириш, ҳудудни иқтисодий-сармоявий, ижтимоий, маданий жиҳатдан замонавийлаштириш, жамиятимизда демократлашув жараёнларини илгари сурадиган ҳудудлардан бири сифатида шакллантиришдан иборат.

Оилали. Икки нафар фарзанди бор.

## РАХИМНАЗАРОВ ОЙБЕК БОЗОРОВИЧ

### 77-Ангор сайлов округи

**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Ойбек Рахимназаров 1984 йилда Сурхондарё вилояти, Қизириқ туманида туғилган. Миллати — ўзбек. Маълумоти — олий.



2005 йилда Термиз давлат университетининг иқтисодиёт факультетини тамомлаган. Мутахассислиги — молия.

У меҳнат фаолиятини 2006 йилда ДТ "Халқ банки" Сурхондарё вилоят филиалида бошлаган. 2006-2018 йиллар шу филиалда Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши кураш шўъбаси бош мутахассиси, Банк операциялар бўлими Кредитлаш ва иқтисодий таҳлил бўлими бошлиғи, Банк операциялар бўлими бошлиғи ўринбосари вазифасини бажарувчиси, "Ўзсаноатқурилишбанк" Сурхондарё минтақавий филиали Пул муомаласи ва нақд пул маблағларни мониторинг қилиш бўйича махсус сектор 1-тоифали мутахассиси, Пул муомаласи ва нақд пул маблағларни мониторинг қилиш бўйича махсус сектор мудири, хусусий мижозлар билан ишлаш бўлими бошлиғи, "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ Шарғун филиали бошқарувчи ўринбосари, "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ Сурхондарё минтақавий филиали Кредит операциялари бўлими бошлиғи, филиал бошлиғи ўринбосари, АТ "Алоқабанк" Сурхондарё филиали бошлиғи, Қизириқ тумани "BOYCHIBOR-HALQOBOD" хусусий корхонаси инженери лавозимларида ишлаган.

2018 йил июнь ойидан ҳозирги вақтга қадар АТ "Алоқабанк" Сурхондарё филиали бошлиғи лавозимида ишлаб келмоқда.

О.Рахимназаров банклар фаолиятига оид бўлган қонунлар, қарорлар ва турли меъёрий ҳужжатлар билан ўз вақтида танишиб боради. Ўз меҳнат фаолияти давомида фаол жамоатчи, билимдон, замонавий дунёқараш эгаси, миллий қадриятларни яхши ўзлаштирган, ҳуқуқий, сиёсатшуносликка оид билимларни пухта эгаллаган, масъулиятни чуқур ҳис қиладиган, мушкул вазиятларда доимо аниқ ва реал фикр юритиб, муаммони ҳал қилишда ўз лойиҳасини тақдим эта оладиган шахс бўлиб шаклланган.

Номзоднинг дастуридан фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилиш ва амалга оширишда жамоат ташкилотларини кенг жалб этиш, шунингдек, Сурхондарё вилояти мавқеини янада кўтариш, ҳудудни иқтисодий-сармоявий, ижтимоий, маданий жиҳатдан замонавийлаштириш, жамиятимизда демократлашув жараёнларини илгари сурадиган ҳудудлардан бири сифатида шакллантириш каби муҳим масалалар ўрин олган.

Оилали. Тўрт нафар фарзанди бор.

## НАЗАРОВА САЛОМАТ ХОЛЛИЕВНА

### 78-Термиз сайлов округи

**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Саломат Назарова 1972 йилда Сурхондарё вилоятининг Термиз туманида туғилган. Миллати — ўзбек. Маълумоти — олий. 1995 йилда Самарқанд давлат тиббиёт институтини тугатган.

С.Назарова 1995-1996 йилларда Сурхондарё вилояти болалар шифохонаси шифокор интернаси, 1997-1999 йилларда Термиз тумани марказий шифохонаси "Намуна" амбулаториясида участка педиатр шифокори, 1999-2001 йилларда Термиз туманидаги "Намуна" қишлоқ врачлик пунктида педиатр шифокор, 2001-2010 йилларда "Намуна" ҚВП мудири, 2010 йилда Термиз туманидаги "Мангузар" тез тиббий ёрдам шохобчаси навбатчи чақирув шифокори, Термиз туманидаги "Қаҳрамон" ҚВП умумий амалиёт шифокори, 2010-2012 йилларда "Намуна" ҚВП умумий амалиёт шифокори, 2012-2017 йилларда "Намуна" ҚВП мудири бўлиб ишлаган. 2017 йилдан Термиз туманидаги 71-сонли қишлоқ оилавий поликлиникаси мудири вазифасида фаолият юритиб келмоқда.

У меҳнат фаолияти давомида фаол жамоатчи, билимдон, замонавий дунёқараш эгаси, миллий қадриятларни яхши ўзлаштирган, ҳуқуқий, сиёсатшуносликка оид билимларни пухта эгаллаган, масъулиятни чуқур ҳис қиладиган, мушкул вазиятларда доимо аниқ ва реал фикр юритиб, муаммони ҳал қилишда ўз лойиҳасини тақдим эта оладиган шахс бўлиб шаклланган.

Номзод дастурида фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилиш ва амалга оширишда жамоат ташкилотларини кенг жалб этиш, соғлиқни сақлаш тизимида сифатли хизмат кўрсатишни янада ривожлантириб бориш, қишлоқ ҳудудларида истиқомат қилувчи аҳоли учун ижтимоий хизматларни такомиллаштириш, ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини кенг миқёсда тарғиб қилиш масалаларига алоҳида урғу берган. Шунингдек, тиббиёт муассасалари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, уларда васийлик кенгашларини ташкил этиш бўйича махсус дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда дори-дармонга муҳтож бўлганлар учун дори воситаларини олишдаги енгилликларга қаратилган давлат тизимини сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш масалаларига ўз эътиборини қаратган. Шунингдек, Сурхондарё вилоятининг мавқеини янада кўтариш, коммунал хизматлар сифат даражасини ошириш, ҳудудни иқтисодий-сармоявий, ижтимоий, маданий жиҳатдан замонавийлаштириш, сиёсий фаол, республика бошқарувида бевосита иштирок этадиган, жамиятимизда демократлашув жараёнларини илгари сурадиган ҳудудлардан бири сифатида шакллантириш каби муҳим масалалар ўрин олган.



Оилали. Бир нафар фарзанди бор.

## ИБРАГИМОВА ГУЛСАРА ХУДАЙБЕРДИЕВНА

### 79-Жарқўрғон сайлов округи

**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Гулсара Ибрагимова 1968 йилда Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон туманида туғилган. Миллати — ўзбек. Маълумоти — олий. 1989 йилда Тошкент халқ хўжалиги институтини тугатган.

У меҳнат фаолиятини 1989 йилда Жарқўрғон туманидаги "Жарқўрғоннефть" нефть ва газ қазиб чиқариш бошқармаси бухгалтери вазифасида бошлаган. 1990-2003 йилларда бошқарма режа-иқтисод бўлими II-даражали иқтисодчиси, 2003-2007 йилларда "Жарқўрғоннефть" очиқ акциядорлик жамияти бюджет масалалари бўйича бош ҳисобчи ёрдамчиси, 2007 йилдан ҳозиргача "Жарқўрғоннефть" акциядорлик жамияти иқтисодий таҳлил ва меҳнатни ташкил этиш бўлими бошлиғи вазифасида ишлаб келмоқда.

Номзод зиммасига юклатилган ҳар бир топшириқ ва вазифага масъулият билан чуқур ёндашгани, доимо янгиликка интилгани сабабли ўзи ишлаган жамоаларда ҳурмат-эътиборга сазовор бўлиб келаётган фидойи мутахассисдир.

Г.Ибрагимова Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг ҳамда Хусусийлаштириш, рақобат ва корпоратив бошқарувни ривожлантириш муаммоларини тадқиқ этиш марказининг сертификатлари соҳиби.

У меҳнат фаолияти давомида фаол жамоатчи, билимдон, замонавий дунёқараш эгаси, миллий қадриятларни яхши ўзлаштирган, ҳуқуқий, сиёсатшуносликка оид билимларни пухта эгаллаган, масъулиятни чуқур ҳис қиладиган, мушкул вазиятларда доимо аниқ ва реал фикр юритиб, муаммони ҳал қилишда ўз лойиҳасини тақдим эта оладиган шахс бўлиб шаклланган.

Номзоднинг дастурида фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилиш ва амалга оширишда жамоат ташкилотларини кенг жалб этиш, шунингдек, Сурхондарё вилоятининг мавқеини янада кўтариш, коммунал хизматлар сифат даражасини ошириш, қишлоқ меҳнаткашларини самарали ҳимоя қилиш, қишлоқда ижтимоий инфратузилмани ташкил этиш, шунингдек, уй-жой қуриш, ижтимоий ва коммунал объектларни бунёд этиш, қишлоқ жойларида коммуникацияни ривожлантириш, қишлоқ аҳлининг турмуш даражаси ва маданиятини ошириш бўйича ишларни давом эттириш ҳам устувор йўналишлардан ҳисобланади.



Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

# ЎЗБЕКИСТОН "АДОЛАТ" СДП НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

## МАМАДИЕВ ХУСНИДДИН НОРБОЕВИЧ

### 80-Қизириқ сайлов округи

**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**



Хусниддин Мамадиев 1984 йилда Сурхондарё вилоятида туғилган. Миллати — ўзбек. Маълумоти — олий. 2009 йилда Ўзбекистон Миллий университетини тугатган. 2012 йилда Тошкент давлат маданият институтида магистр илмий даражасига эга бўлган.

У 2006-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида тоифасиз мутахассис, кабинет мудири, бош методист, бўлим бошлиғи, 2015-2017 йилларда Тошкент давлат аграр университети кафедра ассистенти, 2017 йил март-декабрь ойларида Ўзбекистон Республикаси Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги "Автодарётранс-илм" ўқув маркази юристконсульти лавозимларида ишлаган. 2017 йилдан Республика Ёшлар маркази директори сифатида фаолият олиб бормоқда.

10 дан ортиқ илмий мақола, 15 га яқин тезис, 2 та ўқув қўлланма ва 5 та услубий қўлланма муаллифи ҳамда ҳаммуаллифи. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси мустақил тадқиқотчиси.

Х.Мамадиев илмий дунёқараши кенг, талабчан, ташаббускор, юксак маънавиятли, ҳуқуқий-сиёсий жиҳатдан етук, бошқарув услубларини пухта эгаллаган, масъулиятли, қийин вазиятларда аниқ ечим бера оладиган шахс бўлиб шаклланган.

Номзод ўз дастурида жамиятда қонун устуворлигига эришиш, аҳоли саломатлигига алоҳида эътибор қаратиш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашда ҳуқуқий кафолатларни кенг жорий қилиш ҳамда ёшларнинг жамиятдаги ижтимоий ва сиёсий жараёнлар ҳамда давлат ва жамият бошқарувида фаол иштирокини таъминлаш ҳамда чекка ҳудудлардаги қобилиятли ёшларни масъулиятли ва юқори лавозимларга тавсия қилиш ташаббусини илгари сурмоқда. Шунингдек, коррупцияга қарши курашишда ҳозирда қўлланилмаган механизмни давлат бошқарувида жорий қилиш тарафдори.

У "Адолат" СДПнинг фаол аъзоси сифатида партиянинг олий таълим тизимини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантиришдек мақсадини муносиб баҳолайди.

Номзоднинг сайловолди дастурида олий ўқув юртларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, қишлоқдаги мактаблар учун мутахассислар тайёрлаш сифатини мунтазам ошириб бориш, давлат ва хусусий сектор маблағлари эвазига таълим грантлари ажратилиши тизимини ривожлантириш, шунингдек, ўқув синфларида ва гуруҳларда таълим олаётган ўқувчилар сонини оптималлаштиришга ҳисса қўшиш мақсади устувор аҳамият касб этган.

Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

## АСТАНАҚУЛОВ АБДИКАХХОР ДЖУРАЕВИЧ

### 81-Қумқўрғон сайлов округи

**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**



Абдукаххор Астанақулов 1968 йилда Сурхондарё вилояти, Жарқўрғон туманида туғилган. Миллати — ўзбек. Маълумоти — олий. 1994 йилда Тошкент давлат тиббиёт институтини тугатган.

У меҳнат фаолиятини 1994 йилда Термиз шаҳар тез тиббий ёрдам шифохонаси шифокори вазифасидан бошлаган. 1996-1999 йилларда Саломатликни тиклаш илмий текшириш институти Термиз филиали физиотерапия бўлими шифокори, 1999-2004 йилларда шу филиал қабулхона бўлими бошлиғи, 2005-2011 йилларда Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази Термиз филиали неврология бўлими бошлиғи, 2011-2012 йилларда Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази Термиз филиали бўлим бошлиғи, 2012-2014 йилларда Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази Термиз филиали директори, 2014-2015 йилларда Сурхондарё вилояти Саломатликни тиклаш шифохонаси директори, 2015 йилдан бошлаб Сурхондарё вилоятидаги "Термиз марвариди" санаторияси масъулияти чекланган жамияти директори вазифасида фаолият юритиб келмоқда.

А.Астанақулов фаол жамоатчи, билимдон, замонавий дунёқараш эгаси, миллий қадриятларни яхши ўзлаштирган, ҳуқуқий, сиёсатшуносликка оид билимларни пухта эгаллаган, масъулиятни чуқур ҳис қиладиган, мушкул вазиятларда доимо аниқ ва реал фикр юритиб, муаммони ҳал қилишда ўз лойиҳасини тақдим эта оладиган шахс бўлиб шаклланган.

Номзод фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилиш ва амалга оширишда жамоат ташкилотларини кенг жалб этиш, шунингдек, Ўзбекистон "Адолат" СДП тиббиёт соҳасига ҳам янги ресурсларни, иқтисод қилувчи технологияларни жорий этиш тарафдори. Шу мақсадда қишлоқ врачлик пунктларида қуёш энергиясидан фойдаланиш ташаббуси илгари сурилди ва бу ташаббусни амалиётга жорий этиш механизми айнан партиядошларимиз тарафидан ишлаб чиқилди. Қолаверса, унинг дастуридан Қумқўрғон туманининг мавқеини янада кўтариш, коммунал хизматлар сифат даражасини ошириш, ҳудудни иқтисодий-сармоявий, ижтимоий, маданий жиҳатдан замонавийлаштириш, сиёсий фаол, республика бошқарувида бевосита иштирок этадиган, жамиятимизда демократлашув жараёнларини илгари сурадиган ҳудудлардан бири сифатида шакллантириш каби муҳим масалалар ҳам ўрин олган.

Оилали. Тўрт нафар фарзанди бор.

## УМАРОВ НАРИМАН МАДЖИТОВИЧ

### 82-Шўрчи сайлов округи

**Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Умаров Нариман Маджитович 1952 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Миллати — ўзбек. Маълумоти — олий.

1974 йилда Тошкент политехника институтини тугатган. Мутахассислиги — муҳандис-гидрогеолог, геология-минералогия фанлари номзоди.



2012 йили "Меҳнат шуҳрати" ордени билан тақдирланган.

Нариман Умаровнинг меҳнат фаолияти: 1974 йилдан "Гидроингео" илмий текшириш институти катта техниги, кичик илмий ходими, аспиранти, катта илмий ходими, лаборатория мудири, илмий ишлар бўйича директор ўринбосари, 1997 йилдан Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Аналитик назоратга ихтисослашган давлат инспекцияси бошлиғи, 2009 йилдан ҳозирга қадар "ЭКОСАН" экология ва саломатлик халқаро хайрия жамоат фонди бошқаруви раиси, 2009-2013 йилларда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси; 2013 йилдан ҳозирга қадар Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши раиси ва 2015 йилдан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари. Унинг 50 дан ортиқ илмий мақолалари, монографиялари чоп этилган, оммавий ахборот воситаларида 600 дан ортиқ сиёсий, ижтимоий соҳаларда мақолалари ва интервьюлари эълон қилинган.

Нариман Маджитович бошчилигида "Адолат" СДПниг ташкилий тузилиши мустаҳкамланди, марказда ва ҳудудларда етук ва шижоатли раҳбар кадрлар тайёрланди, партиянинг дастурий мақсадлари аниқ белгиланди, халқ орасидаги танилувчанлиги ошди ва сиёсий майдонда ўз ўрни шаклланди.

Унинг раҳбарлигида "Адолат" СДП фракция депутатлари 45 та қонун лойиҳаларига ташаббускор бўлдилар ва уларнинг Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинишига эришилди.

Нариман Умаров Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги "Адолат" СДП фракцияси раҳбари сифатида депутатларни доимо халқ билан мулоқот қилиш ва жойларда учраётган муаммолар ечими бўйича қонун ташаббускорлиги институтидан кенг фойдаланиш, мамлакатда амалга ошиpалаётган демократик ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш, қонунларни тўғридан-тўғри ишлашини таъминлаш масалаларига асосий эътибор қаратишга ундаб келмоқда.

У сиёсий жиҳатдан етук раҳбар, мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг фаол қатнашчиси, жаҳондаги сиёсий ва иқтисодий муаммоларни илмий таҳлил этишга қодир мутахассис сифатида танилган.

Номзод ўз дастурида қуйидаги вазифаларга устувор аҳамият қаратади: мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг тизимлилигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш орқали уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, коррупцияга қарши кескин чоралар кўриш, илм-фан ва таълимни ривожлантириш, соҳада инновацияларни жорий этиш орқали мамлакат иқтисодий ўсишига ҳисса қўшиш, ёшларни олий таълимга қамраб олиш даражасини кенгайтириш орқали уларнинг етук мутахассис бўлишига эришиш, аҳолининг тенг ва сифатли тиббий хизматлардан фойдаланишини таъминлаш;

- Ўзбекистоннинг эркинлик, имкониятлар тенглиги, адолатлилик, бирдамлик, ижтимоий ҳимоя ва масъулият тамойиллари ҳукмронлик қиладиган, инсонларнинг кескин табақаланишига йўл қўйилмайдиган кучли "ижтимоий давлат" сифатида, аҳолининг юқори турмуш даражасига эга ривожланган давлатлар қаторига қўшилишига эришиш;
- жамият ва мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланишини таъминлаш, жамиятимизнинг инновацион, интеллектуал салоҳияти ва инсон капиталини ривожлантириш.

Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

## ГАДАЙШАЕВ МАХМУД АБДУРАХМОНОВИЧ

### 83-Олтинсой сайлов округи

**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Махмуд Гадайшаев 1973 йилда Сурхондарё вилояти, Шўрчи туманида туғилган. Миллати — тожик. Маълумоти — олий.



1995 йилда Тожикистон аграр университетининг иқтисодиёт факультетини тугатган. Иқтисод фанлари номзоди, ТерДУ профессори.

У меҳнат фаолиятини 1995 йилда Термиз шаҳридаги «Кенжа» фирмаси иқтисодчиси лавозимида бошлаган. 1996-2017 йилларда Термиз давлат университетида ўқитувчи, катта ўқитувчи, декан ўринбосари, кафедра мудири, декан ва университет проректори лавозимларида фаолият юритган. 2017-2018 йилларда Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети Термиз филиалида молиявий-иқтисодий ишлар бўйича директор ўринбосари, 2018 йил 10 ноябрдан ҳозирги вақтга қадар Термиз давлат университети Иқтисодиёт ва туризм факультети декани лавозимида ишлаб келмоқда. 1 та монография, 4 та ўқув қўлланма, 120 дан ортиқ илмий-амалий мақолалар муаллифи.

М.Гадайшаевнинг илмий ишлари миллий иқтисодиётни модернизациялашда бозор мувозанатини таъминлашнинг устувор йўналишларига бағишланган. Унинг раҳбарлигида 45 дан ортиқ бакалавр, 15 дан ортиқ магистрлар тайёрланган.

Ўз меҳнат фаолияти давомида фаол жамоатчи, билимдон, замонавий дунёқараш эгаси, миллий қадриятларни яхши ўзлаштирган, иқтисодиётга оид билимларни пухта эгаллаган, масъулиятни чуқур ҳис қиладиган, мушкул вазиятларда доимо аниқ ва реал фикр юритиб, муаммони ҳал қилишда ўз лойиҳасини тақдим эта оладиган шахс бўлиб шаклланди.

Номзоднинг дастуридан аҳолининг даромади бўйича кескин табақаланишининг олдини олиш, таълим, илм-фан, тиббиёт соҳаси ходимлари ҳамда зиёлиларнинг ижтимоий нуфузи, мақомини ошириш ва уларни ҳимоя қилишнинг самарали механизмларини яратиш, иқтисодиётни илғор инновацион ғоялар ва билимлар асосида ривожлантириш чораларини кўриш, иқтисодиётда сунъий монополияга барҳам бериш, аҳолини иш билан банд этиш, янги иш ўринлари яратиш, ишсизликка қарши курашиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш, аҳоли даромадини изчиллик билан кўпайтириб бориш сиёсатини қўллаб-қувватлаш, мактабгача таълим муассасаларида овқатлантириш тизимини янги инновациялар асосида янгидан ташкил этиш, умумтаълим мактабларида ижтимоий адолат ва тенглик тамойилларининг қарор топишига эришиш, олий ўқув юртларига кириш квоталарини босқичма-босқич ошириб бориш, шунингдек, Олтинсой туманининг мавқеини янада кўтариш, ҳудудни иқтисодий-сармоявий, ижтимоий, маданий жиҳатдан замонавийлаштириш, сиёсий фаол, республика бошқарувида бевосита иштирок этадиган, жамиятимизда демократлашув жараёнларини илгари сурадиган ҳудудлардан бири сифатида шакллантириш каби муҳим масалалар ўрин олган.

Оилали. Тўрт нафар фарзанди бор.

## МУҚУМОВА ГУЛВАР ЖУМАЕВНА

### 84-Денов сайлов округи

**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Гулвар Муқумова 1968 йилда Сурхондарё вилояти, Термиз туманида туғилган. Миллати — ўзбек. Маълумоти — олий. 1993 йилда Ўзбекистон Миллий университетини тугатган. Мутахассислиги — ўқитувчи. Кимё фанлари номзоди, доцент.

У меҳнат фаолиятини 1993 йилда Термиз давлат университетида ўқитувчиликдан бошлаган. 1994-1998 йилларда Ўзбекистон Фанлар Академияси Кимё институти аспиранти, 1995-1999 йилларда катта ўқитувчи, 1999-2000 йилларда доцент вазифасини бажарувчи, "Анорганик ва аналитик кимё" кафедраси мудири, 2001-2005 йилларда кафедра доценти, 2005-2010 йилларда кафедра мудири, 2010-2018 йилларда "Умумий кимё" кафедраси доценти вазифаларида ишлаган. 2018 йилдан ҳозирга қадар Термиз давлат университети кимё ва технология факультети "Ноорганик ва аналитик кимё" кафедраси мудири вазифасида фаолият кўрсатиб келмоқда.

1999 йилда ЎзР ФА Умумий ва ноорганик кимё институти қошидаги Д.015.06.01 рақамли махсус кенгашда 02.00.01-«Ноорганик кимё» ихтисослиги бўйича «Баъзи 3d-металлар сукцинатларининг амидлар билан ҳосил қилган координацион бирикмаларининг синтези ва тадқиқоти» мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган.

Г.Муқумова 3d-металлар сукцинатларининг амидлар билан ҳосил қилган координацион бирикмаларининг синтези ва тадқиқоти бўйича бир қатор усулларни ишлаб чиққан таниқли олимадир. Унинг координацион бирикмалар синтези ва тадқиқотига бағишланган 245 дан ортиқ илмий ишлари чоп этилган бўлиб, шундан 4 та ўқув-методик қўлланмалар, 2 та монография бўлиб, у 18 та халқаро, МДҲ ва республика илмий анжуманларида ўз маърузалари билан иштирок этган.

Гулвар Муқумова мустақил республикамиз халқ хўжалиги учун замонавий талабларга жавоб берадиган кадрлар тайёрлашда доимо олдинги сафларда бормоқда. Меҳнат фаолияти давомида фаол жамоатчи, билимдон, замонавий дунёқараш эгаси, миллий қадриятларни яхши ўзлаштирган, ҳуқуқий, сиёсатшуносликка оид билимларни пухта эгаллаган, масъулиятни чуқур ҳис қиладиган, мушкул вазиятларда доимо аниқ ва реал фикр юритиб, муаммони ҳал қилишда ўз лойиҳасини тақдим эта оладиган шахс бўлиб шаклланган.

Номзоднинг дастуридан фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилиш ва амалга оширишда жамоат ташкилотларини кенг жалб этиш, шунингдек, Денов туманининг мавқеини янада кўтариш, коммунал хизматлар сифат даражасини ошириш, ҳудудни иқтисодий-сармоявий, ижтимоий, маданий жиҳатдан замонавийлаштириш, сиёсий фаол, республика бошқарувида бевосита иштирок этадиган, жамиятимизда демократлашув жараёнларини илгари сурадиган ҳудудлардан бири сифатида шакллантириш каби муҳим масалалар ўрин олган.



Оилали. Икки нафар фарзанди бор.

## ЯДГАРОВ ШЕРЗОД ХОЛМУРОТОВИЧ

### 85-Сариосиё сайлов округи

**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Шерзод Ядгаров 1985 йилда Сурхондарё вилояти, Сариосиё туманида туғилган. Миллати — ўзбек. Маълумоти — олий. 2007 йилда Самарқанд қишлоқ хўжалик институтини тугатган.

У меҳнат фаолиятини 2007 йилда Сариосиё тумани Бандликка кўмаклашиш марказининг "Сўфиён" ҚФЙда турғун пункт инспектори сифатида бошлаган, 2008-2011 йилларда Сариосиё туман Бандликка кўмаклашиш маркази директори ўринбосари, 2011-2012 йилларда марказ директори, 2013-2016 йилларда марказ директори ўринбосари, 2016-2018 йилларда Сурхондарё вилоят Бандлик бош бошқармаси Ҳудудий меҳнат бозори таҳлили, ҳудудий бандлик дастурларини шакллантириш ва мониторинг қилиш бўлими бошлиғи, бошқарма бошлиғи ўринбосари, 2018 йилда Сурхондарё вилоят "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази бошқармаси бош мутахассиси лавозимларида фаолият юритган. 2018 йил 17 августдан Сурхондарё вилояти Бандлик бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари вазифасида ишлаб келмоқда.

Ш.Ядгаров фаол жамоатчи, билимдон, замонавий дунёқараш эгаси, миллий қадриятларни яхши ўзлаштирган, ҳуқуқий, сиёсатшуносликка оид билимларни пухта эгаллаган, масъулиятни чуқур ҳис қиладиган, мушкул вазиятларда доимо аниқ ва реал фикр юритиб, муаммони ҳал қилишда ўз лойиҳасини тақдим эта оладиган шахс бўлиб шаклланган.

Номзоднинг дастуридан фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилиш ва амалга оширишда жамоат ташкилотларини кенг жалб этиш, шунингдек, вилоят аҳолиси бандлигини таъминлаш борасида муайян ижобий натижаларга эришиш ва ижтимоий ҳимоя қилиш йўналиши билан боғлиқ Президент фармонлари ҳамда ҳукумат қарорларини ҳаётга татбиқ қилиш каби муҳим масалалар ўрин олган.

Шерзод Холмуротович модернизацияга асосланган янги иқтисодиёт ва янги технологиялар фуқароларга янги иш ўринларини топиш, янги касб-ҳунарларни ўрганиш, янги корхоналарни очиш ва кенгайтириш имкониятини беришига алоҳида аҳамият қаратмоқда. Замонавий инновацион ва юқори технологияларни жорий этиш учун эса инновацион фаолиятнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш, шу жумладан, илмий фаолиятни ривожлантириш соҳасида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш зарур. Шу билан бир қаторда инновация ва инновацион инфратузилмаларнинг ягона ваколатли органини таъсис этиш ҳамда иқтисодиёт соҳаларида хусусий бизнес иштирокида унча катта бўлмаган ва қисқа муддатда ўзини оқлайдиган инновацион лойиҳаларни жорий этиш лозим, ҳисоблайди. Номзоднинг сайловолди дастуридан республикамизда ташкил этилган МИЗлар фаолиятини кенгайтириш масаласи ҳам ўрин олган.



Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

# ЎЗБЕКИСТОН "АДОЛАТ" СДП НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

## Тошкент вилояти бўйича

## ТУРСУНОВА САИДА ИСАКОВНА

### 86-Узун сайлов округи

**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Саида Турсунова 1970 йилда Сурхондарё вилояти Денов туманида туғилган. Миллати — ўзбек. Маълумоти — олий. Мутахассислиги — педагогика ва бошланғич таълим методикаси.

У педагоглик фаолиятини 1991 йилда Қумқўрғон туманидаги 18-умумтаълим мактабидан бошлаган, 2002 йилдан Термиз давлат санъат билим юртида давом эттирган, 2010-1016 йилларда билим юртида хотин-қизлар қўмитаси раиси, 2016 -2017 йилларда Термиз санъат коллежида ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари бўлиб ишлаган. 2017 йилдан шу коллежда маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари лавозимида ишлаб келмоқда.

2014 йили "Хотин-қизлар қўмитасининг энг намунали бошланғич ташкилоти" кўрик-танловининг республика босқичида ғолиб бўлган ва Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитасининг II даражали диплом билан тақдирланган. 2018 йили Термиз шаҳар ҳокимлиги томонидан ташкил этилган "FIDOKOR-2018" кўрик-танловида «Йилнинг энг яхши



маънавият тарғиботчиси» номинациясини қўлга киритган.

С.Турсунова фаол жамоатчи, билимдон, замонавий дунёқараш эгаси, миллий қадриятларни, таълим соҳасини яхши ўзлаштирган, масъулиятни чуқур ҳис қиладиган, доимо аниқ ва реал фикр юритиб, муаммони ҳал қилишда ўз лойиҳасини тақдим эта оладиган шахс бўлиб шаклланган. У болаларнинг тиббий кўригини ташкил этиш ва уларни соғломлаштириш масалаларига жиддий эътибор қаратиб келмоқда. Ёшлар ижодкорлигини шакллантириш, ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишда фаоллик кўрсатиб келади.

Номзоднинг дастуридан фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилиш ва амалга оширишда жамоат ташкилотларини кенг жалб этиш, шунингдек, Узун туманининг мавқеини янада кўтариш, коммунал хизматлар сифат даражасини ошириш, ҳудудни иқтисодий-сармоявий, ижтимоий, маданий жиҳатдан замонавийлаштириш, сиёсий фаол, республика бошқарувида бевосита иштирок этадиган, жамиятимизда демократлашув жараёнларини илгари сурадиган ҳудудлардан бири сифатида шакллантириш каби муҳим масалалар ўрин олган.

Саида Исаковна юқори малакали мутахассисларда, бюджет соҳаси ходимлари, педагоглар, шифокорлар, муҳандис-техник ва илм-фан вакилларида, хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари тимсолида социал-демократларга хос бўлган ижтимоий таянчни кўради. Уларга суянади. Уларнинг орасида ўзининг ҳам борлигидан қувонади. Тажрибали сафдошимиз бу улкан ишларга муносиб ҳисса қўшиш билан бирга аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, фуқароларнинг ижтимоий ташаббусларини қўллаб-қувватлаш йўлидан боради.

Оилали, икки нафар фарзанди бор.

## ЭРАЛИЕВА ЗАРИФА АШУРОВНА

### 87-Ангрен сайлов округи

**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Зарифа Ашуровна Эралиева 1962 йилда Тошкент вилояти, Оҳангарон туманида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий. 1990 йилда Ўзбекистон миллий университети, 1997 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясини тугатган. Мутахассислиги – журналист.

2019 йил "Шуҳрат" медали билан тақдирланган, "Мўътабар аёл" кўкрак нишони соҳибаси. Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши депутати.

Меҳнат фаолияти: 1980-1993 йилларда Оҳангарон тумани "Оҳангарон" газетаси корректори, мухбири, бўлим бошлиғи, 1993-1999 йилларда "Тошкент ҳақиқати" газетаси мухбири, бўлим мудири, 1999-2012 йилларда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Тошкент вилояти бўлими раҳбари ўринбосари, 2012 йилдан бошлаб, Ўзбекистон "Адолат" СДП Ангрен шаҳар Кенгаши раиси, 2012 йилдан бугунга қадар Тошкент вилояти ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқар-



маси бошлиғи бўлиб ишлаб келмоқда.

Зарифа Эралиева ижтимоий фаол ва қатъий фуқаролик позициясига эга журналист сифатида танилган. У миллий қадриятларни пухта ўзлаштирган, масъулиятни чуқур ҳис қиладиган, мушкул вазиятларда тезкорлик билан муаммони ҳал этиш бўйича таклиф ва лойиҳаларини тақдим эта оладиган, ташкилотчилик қобилиятига эга раҳбар ҳисобланади.

У ўзига юклатилган вазифани сидқидилдан, виждонан бажариши, қонунларни яхши билиши, камтарлиги, талабчан ва меҳнатсеварлиги, фидойилиги, маънавий ва ахлоқий фазилатлари билан кенг жамоатчилик ўртасида катта обрў-эътибор ва ҳурматга сазовор.

Номзод партия Сайловолди дастуридан келиб чиқиб, ахборот соҳасини янада демократлаштириш, сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш, босма оммавий ахборот воситалари маҳсулотларини тарқатиш соҳасида рақобатни кенгайтириш, оммавий ахборот воситалари ходимларининг, айниқса, журналист ва блогерларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришни муҳим вазифа, деб билади. Номзоднинг асосий мақсади – замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг илғор услубларини жорий этиш орқали фарзандларимизнинг замонавий билимларни чуқур эгаллашларига эътибор бериш, олий маълумотли мутахассислар сони бўйича мамлакат даражасини кўтариш мақсадида олий ўқув юртларига кириш квоталарини босқичма-босқич ошириб бориш бунда ўқув юртлари учун умумий қабул квоталарини белгилаш тажрибасидан воз кечиш, сиртқи, кечки ва масофавий таълим шаклини кенг жорий этиш чораларини амалга оширишга ҳисса қўшишдир.

Оилали.

## СУВАНОВА ЗОХИДА ТУЛЛИБЕКОВНА

### 88-Бекобод сайлов округи

**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Суванова Зохида Туллибековна 1964 йилда Тошкент вилояти, Бекобод туманида таваллуд топган. Миллати – ўзбек. Маълумоти — олий. 1985 йил Тошкент давлат университетини тугатган. Мутахассислиги – кимё фани ўқитувчиси.



2007 йилда Ўзбекистон Республикаси "Халқ таълими аълочиси" унвони, 2016 йилда "Шуҳрат" медали билан тақдирланган.

Меҳнат фаолияти: 1985-1991 йилларда Тошкент вилояти Бекобод педагогика билим юрти кимё фани ўқитувчиси; 1991-1998 йилларда Бекобод тумани 6-сонли умумий ўрта таълим мактаби тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари; 1998-2003 йилларда Тошкент вилояти Бекобод тумани "Болалар ижодий уйи" услубчиси, 2003-2011 йилларда Бекобод тумани Ўқувчилар ижодиёт маркази директори; 2011 йилдан ҳозирги кунга қадар Бекобод тумани "Баркамол авлод" болалар маркази директори лавозимида фаолият юритиб келмоқда.

Халқ депутатлари Бекобод тумани Кенгаши депутати сифатида ўзи сайланган 15-Зафар сайлов участкаси ҳудудида халқ билан мунтазам учрашувлар ташкил этиб келади. Аҳоли муаммоларини ҳал этиш учун халқ билан ҳар ҳафта мулоқот қилади. Муаммоларни ўз жойида ижобий ҳал этишга ҳаракат қилади. Жумладан, у ҳудуддаги ички йўлларни таъмирлашда, йўл белгилари ва ёритиш тизимларини ўрнатишда, аҳолини ичимлик суви билан таъминлашда, ишсизлик камайишида ўз ҳиссасини қўшиб келаётган фаол ва жонкуяр депутатлардан бири ҳисобланади.

Номзод партия Сайловолди дастуридан келиб чиқиб, мактабгача таълим муассасалари тизимини салмоқли кенгайтириш ва уларда болаларнинг интеллектуал, эстетик ва жисмоний ривожланиши учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш, болаларни мактабгача таълимга қамраб олишни сезиларли равишда ошириш борасидаги саъй-ҳаракатларни давом эттириш тарафдори. Шунингдек, номзод умумий ўрта таълим мактаблари ва мактабгача таълим муассасаларида болаларга тиббий хизмат кўрсатиш таъминоти тизимини мустаҳкамлаш, ҳар бир мактабда малакали тиббий хизматни жорий этиш, болаларга бепул стоматология хизмати кўрсатилишини ташкил этиш, болаларни бепул дори воситалари билан узлуксиз таъминлаш, ҳар бир болада сил касалини аниқлаш учун манту синамаси ўтказиш, болалар орасидаги юқумли касалликларга қарши эмлашларни амалга ошириш масалаларини кечиктириб бўлмас долзарб вазифа, деб ҳисоблайди.

Оилали. Икки нафар фарзанди бор.

## АБДУСАТТОРОВА ШОИРА КАХРАМОНОВНА

### 89-Бўка сайлов округи

**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Шоира Кахрамоновна Абдусатторова 1979 йилда Тошкент вилояти, Пискент туманида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий.



2009 йилда Тошкент педиатрия медицина институтини тугатган. Мутахассислиги – болалар юқумли касалликлари шифокори.

2019 йилда "Дўстлик" ордени билан тақдирланган.

Меҳнат фаолияти: 2005-2008 йилларда Тошкент шаҳар 12-оилавий поликлиника мактаб шифокори, юқумли касалликлар шифокори; 2008-2017 йилларда Тошкент шаҳар 50-оилавий поликлиника маҳалла шифокори, шифокор инфекционисти, бош шифокор муовини. 2017 йилдан бугунги кунга қадар Тошкент шаҳар 50-оилавий поликлиника бош шифокори сифатида фаолият юритиб келмоқда.

Шоира Абдусатторова фаол ташкилотчилик қобилиятига эга жамоатчи, билимдон, замонавий дунёқараш эгаси, миллий қадриятларни яхши ўзлаштирган, ҳуқуқий, сиёсатшуносликка оид билимларни пухта эгаллаган, масъулиятни чуқур ҳис қиладиган, нозик ва мушкул вазиятларда доимо аниқ ва реал фикр юритиб, муаммони ҳал қилишда ўз лойиҳасини тақдим эта оладиган раҳбар сифатида шаклланган.

Номзод партия Сайловолди дастуридан келиб чиқиб, мактабгача таълим муассасалари тизимини салмоқли кенгайтириш ва уларда болаларнинг интеллектуал, эстетик ва жисмоний ривожланиши учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш, болаларни мактабгача таълимга қамраб олишни сезиларли равишда ошириш борасидаги саъй-ҳаракатларни давом эттириш тарафдори. Шунингдек, у мактаблар ва мактабгача таълим муассасаларида болаларга тиббий хизмат кўрсатиш таъминоти тизимини мустаҳкамлаш, ҳар бир мактабда малакали тиббий хизматни жорий этиш, болаларга бепул стомотология хизмати кўрсатилишини таъминлаш, болаларни бепул дори воситалари билан узлуксиз таъминлаш масалаларини кечиктириб бўлмас долзарб вазифалар, деб ҳисоблайди.

Шоира Кахрамоновна тиббий хизматнинг янада самарали, сифатли бўлишига ишонч ҳосил қилиши учун етарли шароит яратишни мўлжаллаяпти. Партия бу борадаги ишларни изчил давом эттириб, миллат саломатлиги янада яхшиланишига хизмат қилаверади. Айниқса, фертил ёшидаги хотин-қизларнинг саломатлигини яхшилаш бўйича қабул қилинаётган давлат дастурларини астойдил қўллаб-қувватлайди. Хотин-қизларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳамда тиббий саводхонлигини оширишга хизмат қилувчи марказларни ташкил этиш, олий ўқув юртлари ҳамда ўрта махсус касб-ҳунар таълим муассасалари битирувчиларининг назарий билимларини амалиёт билан мустаҳкамлаш механизмини такомиллаштириш масалалари ҳаётда ва номзод дастурида ўзининг ижобий ечимини топади.

Оилали. 2 нафар фарзанди бор.

## ХУДАЙБЕРДИЕВА АРОФАТ ИСРАИЛОВНА

### 90-Бўстонлиқ сайлов округи

**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Худайбердиева Арофат Исраиловна 1970 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий. 1993 йилда Тошкент давлат университетини тугатган. Мутахассислиги – ўқитувчи. Педагогика фанлари номзоди, доцент.

Меҳнат фаолияти: 1990-1991 йилларда Ўзбекистон Савдо вазирлиги Тошкент шаҳар бўлими котибаси; 1995-2003 йилларда Ўзбекистон ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-текшириш институти илмий ходими; 2003-2012 йилларда Тошкент вилояти Қибрай молия-иқтисодиёт коллежи аниқ фанлар кафедраси физика фани ўқитувчиси, коллеж директорининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосари; 2012-2015 йилларда Тошкент кимё-технология институти қошидаги Чирчиқ академик лицейи директори. 2015 йилдан бугунги кунга қадар Тошкент кимё-технология институти физика ва электротехника кафедраси мудири лавозимида ишлаб келмоқда.

У кўп йиллик иш тажрибасига эга, юқори малакали ташаббускор мутахассис-раҳбар сифатида кимё маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёнида самарали меҳнат қилиб, соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Меҳнат фаолияти давомида тарбиялаган кўплаб шогирдлари мамлакатимиз кимё саноати корхоналарида ишламоқда.

Арофат Худайбердиева фаол ташкилотчилик қобилиятига эга жамоатчи, билимдон, замонавий дунёқараш эгаси, миллий қадриятларни яхши ўзлаштирган, ҳуқуқий билимларни пухта эгаллаган, масъулиятни чуқур ҳис қиладиган, нозик ва мушкул вазиятларда доимо аниқ ва реал фикр юритиб, муаммони ҳал қилишда ўз лойиҳасини тақдим эта оладиган шахс сифатида шаклланган.

У юртдошларимизнинг маънавиятини юксалтиришда, ёшларимизнинг онг-шуурини глобаллашув даврининг маънавий таҳдидлари, "оммавий маданият"нинг салбий таъсирларидан асраб-авайлашда кўплаб ибратли ишларни амалга оширган ташаббускор зиёлилардан биридир.

Номзод ўз олдига партия Сайловолди дастуридан келиб чиқиб, 2020 йилдан бошлаб олий таълим муассасаларига давлат буюртмаси асосида ўқишга қабул қилиш параметрларини белгилаш билан биргаликда, олий маълумотли кадрларни



кўпайтириш ва улар ўртасида рақобатни кучайтириш, олий маълумотлилар сони бўйича мамлакат даражасини кўтариш мақсадида олий ўқув юртларига кириш квоталарини босқичма-босқич ошириб бориш, бунда ўқув юртлари учун умумий қабул квоталарини белгилаш тажрибасидан воз кечиш, сиртқи, кечки ва масофавий таълим шаклини кенг жорий этиш чораларини амалга оширишни асосий мақсад сифатида белгилаб олган.

Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

## БЕРДИҚУЛОВА ДИЛРАБО ХОЛМЎМИНОВНА

### 91-Зангиота сайлов округи

**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Дилрабо Бердиқулова 1974 йилда Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳрида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий. 1997 йилда Самарқанд давлат университетини тамомлаган. Мутахассислиги – филолог, она тили ва адабиёт ўқитувчиси.

Меҳнат фаолиятини 1990 йилда Самарқанд территориал моддий техника бош бошқармаси кадрлар бўлими бошлиғи вазифасидан бошлаган. 1995-2013 йилларда Зангиота тумани 14-умумий ўрта таълим мактаби она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари, она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, ўқув-тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари, 2013-2015 йилларда Зангиота тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими ходимлар билан ишлаш бўлими бошлиғи, 2015-2017 йилларда Зангиота тумани 49-умумий ўрта таълим мактаби директори, 2017 йилда Тошкент тумани 2-умумтаълим мактаби директори вазифаларида фаолият юритган.

2017 йилдан буён Тошкент тумани ҳокими ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси лавозимида фаолият олиб бормоқда.

Дилрабо Холмўминовна Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг Дастурида илгари сурилган мақсадлардан келиб чиқиб, ўзининг сайловолди дастурида қуйидаги устувор вазифаларнинг амалга оширилишини муҳим деб ҳисоблайди:

— инсон, унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари давлат ва жамиятнинг энг юксак қадриятлари эканлигини тан олиб, жамият ва давлат ҳаётининг барча жабҳаларида ҳар бир инсоннинг фаровон ҳаёти учун зарур шарт-шароитлар яратиш, ижтимоий адолат ва қонун устуворлиги мезонларини таъминлаш;

— Ўзбекистоннинг эркинлик, имкониятлар тенглиги, адолатлилик, бирдамлик, ижтимоий ҳимоя ва масъулият тамойиллари ҳукмронлик қиладиган, инсонларнинг кескин табақаланишига йўл қўйилмайдиган кучли ижтимоий давлат сифатида, аҳолининг юқори турмуш даражасига эга ривожланган давлатлар қаторига қўшилишига эришиш;

— «Халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халққа хизмат қилмоғи керак» ғояси давлат сиёсатининг устувор йўналиши эканлигини таъкидлаб, халқ ҳокимиятининг тимсоли бўлмиш вакиллик демократияси институтининг роли ва аҳамиятини янада ошириш;

— мамлакат иқтисодиётининг бар-



қарор ривожланишини таъминлаш, жамиятнинг инновацион, интеллектуал салоҳияти ва инсон капиталини ривожлантириш.

Дилрабо Холмўминовна фуқароларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг давлат бошқарувидаги иштирокини кенг таъминлаш бўйича амалий чора-тадбирларни қўллаш, айниқса, хотин-қизлар ва ёшларнинг ташаббусларини амалга оширишда уларга кенг имкониятлар яратиб беришдек долзарб масалаларга ҳам катта эътибор қаратади.

Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

# ЎЗБЕКИСТОН "АДОЛАТ" СДП НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

## ШУКУРУЛЛАЕВ АСАТИЛЛА ХАМИДУЛЛА ЎҒЛИ

### 92-Олмалиқ сайлов округи

**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Асатилла Хамидулла ўғли Шукуруллаев 1992 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий. 2014 йилда Тошкент давлат юридик университетини тугатган. Мутахассислиги – ҳуқуқшунос.

Меҳнат фаолияти: 2014-2016 йилларда Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти судида суд мажлиси котиби; 2016-2018 йилларда Тошкент вилояти Адлия бошқармаси Жамоат, нодавлат нотижорат ва диний ташкилотлар бўлими катта маслаҳатчиси — 1-тоифали мутахассиси, етакчи маслаҳатчиси, бўлим бошлиғи. 2018 йилдан бугунги кунга қадар Тошкент вилояти Адлия бошқармаси Нодавлат нотижорат ташкилотлар бўлими бошлиғи.



У меҳнат фаолияти давомида фаол ташкилотчилик қобилиятига эга жамоатчи, билимдон, замонавий дунёқараш эгаси, миллий қадриятларни яхши ўзлаштирган, ҳуқуқий, сиёсатшуносликка оид билимларни пухта эгаллаган, масъулиятни чуқур ҳис қиладиган, нозик ва мушкул вазиятларда доимо аниқ ва реал фикр юритиб, муаммони ҳал қилишда ўз лойиҳасини тақдим эта оладиган шахс сифатида шаклланган.

Номзод партия Сайловолди дастуридан келиб чиқиб, адвокатларнинг мақомини янада кўтариш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш механизмларини кучайтириш, фуқароларга малакали ҳуқуқий хизмат кўрсатишини таъминлаш, бу борада амалдаги қонунларни такомиллаштириш ва ижроси устидан самарали назорат ўрнатиш, суд жараёнида адвокат ва прокурорнинг тенглик принципини таъминлаш учун курашишни мақсад қилиб олган.

У бошқарувда ошкоралик, очиқлик ва ҳисобот бериб бориш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жалб этиш тарафдори.

Номзоднинг асосий мақсади – давлат бошқаруви органлари, назорат этувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмалар фаолиятида қонунчиликка амал қилиш устидан назоратни кучайтириш, қонунчилик меъёрларини бузишга, уларни нотўғри ва эркин талқин этишга, тўрачилик, расмиятчилик, коррупцияга йўл қўймасликдан иборат.

— Бугунги парламент аъзоси қонунларни ишлаб чиқиш, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш билан биргаликда, жойларда сайловчилар билан учрашган чоғда қонунчиликдаги мавжуд бўшлиқни аниқлай билиши, амалдаги қонунларнинг ижросини самарали назорат қила олиши муҳим аҳамиятга эга. — дейди у. — Шу боис депутат бўлсам, айнан шу мезон ва омилларга эътибор қаратиш ниятим бор.

Ёш бўлишига қарамай, мустақил ва мустаҳкам фуқаролик позициясига эгалиги, билимдонлиги билан жамоада ва маҳалласида ҳурмат-эътиборга сазовор бўлиб келмоқда.

Оилали. Икки нафар фарзанди бор.

## ИБРОҲИМОВ БАХТИЁР ИБРОҲИМОВИЧ

### 93-Паркент сайлов округи

**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Бахтиёр Иброҳимович Иброҳимов 1958 йилда Тошкент вилояти, Ангрен шаҳрида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий. 1981 йилда Тошкент давлат университетини тугатган. Мутахассислиги – ҳуқуқшунос, 1-даражали адлия маслаҳатчиси.

Меҳнат фаолияти: 1981-1995 йилларда Сирдарё вилояти Гулистон тумани прокурори ёрдамчиси, терговчиси, Янгийўл шаҳар, Ангрен шаҳар прокуратураси катта терговчиси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчиси, Оҳангарон туман прокурори ўринбосари; 1995-1996 йилларда Адлия вазирлиги Жамоат бирлашмалари бошқармаси етакчи маслаҳатчиси, бўлим бошлиғи; 1996-1998 йилларда Тошкент вилояти Адлия бошқармаси бошлиғи ўринбосари; 1998-2003 йилларда Тошкент вилоят ҳокимияти Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, ҳарбий сафарбарлик ва фавқулодда вазиятлар масалалари бўйича гуруҳ раҳбари, вилоят ҳокими ёрдамчиси; 2003-2008 йилларда Тошкент вилояти Адлия бошқармаси бошлиғи; 2009-2018 йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий суди катта консультанти лавозимларида ишлаган. 2018 йилдан Ўзбекистон "Адолат" СДП Марказий аппарати юрисконсульти вазифасида фаолият юритиб келмоқда.



Б.Иброҳимов ўзига юклатилган вазифани сидқидилдан, виждонан бажариши, қонунларни яхши билиши, камтарлиги, талабчан ва меҳнатсеварлиги, фидойилиги, маънавий ва ахлоқий фазилатлари билан кенг жамоатчилик ўртасида катта обрў-эътибор ва ҳурматга сазовор бўлиб келаётган ҳуқуқшунослардан биридир.

Номзод партия Сайловолди дастуридан келиб чиқиб, амалдаги "Судлар тўғрисида"ги қонунни такомиллаштириш орқали туманлараро судларни тугатиш, фуқаролик, жиноий, иқтисодий ва маъмурий ишлар бўйича судларни бирлаштириш таклифини илгари суради. Шунингдек, у адвокатларнинг мақомини янада кўтариш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш механизмларини кучайтириш, фуқароларга малакали ҳуқуқий хизмат кўрсатишини таъминлаш, бу борада амалдаги қонунларни такомиллаштириш ва ижроси устидан самарали назорат ўрнатиш, суд жараёнида адвокат ва прокурорнинг тенглик принципини таъминлаш тарафдори.

Шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг судлар фаолиятига бўлган ишончини мустаҳкамлаш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, суд ҳокимиятининг обрўсини оширишда ибратли фаолият кўрсатиб келмоқда. Қонунларни, ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни янада такомиллаштиришда фойдали таклифлари, фикр-мулоҳазалари билан фаол қатнашиб келмоқда.

Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

## САИПОВ ЖАМШИД АКБАРОВИЧ

### 94-Нурафшон сайлов округи

**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Жамшид Акбарович Саипов 1979 йилда Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ туманида туғилган. Миллати — ўзбек.



Маълумоти – олий. 2001 йилда Тошкент давлат юридик институтини, 2008 йилда Тошкент молия институтини тамомлаган. Мутахассислиги — ҳуқуқшунос, молия ва кредит.

Меҳнат фаолиятини 2001 йилда Тошкент транспорт прокуратураси иш ўрганувчиси, прокурор ёрдамчилигидан бошлаган. 2004-2009 йилларда Акциядорлик тижорат «Пахта банк» банки Юридик бошқармаси юридик хизмати бўлими етакчи мутахассиси, бош мутахассиси, бўлими бошлиғи, 2009-2013 йилларда «Агробанк» очиқ акциядорлик тижорат банки Юридик бошқармаси бошлиғи ўринбосари, бошлиғи вазифасини бажарувчиси, 2013-2015 йилларда «Агробанк» очиқ акциядорлик тижорат банки Юридик хизмат департаменти шартномавий-ҳуқуқий муносабатлар бошқармаси бошлиғи, Юридик хизмат департаменти бошлиғи лавозимларида фаолият юритган.

2017 йилдан буён «Агробанк» акциядорлик тижорат банки Юридик департамент директори лавозимида фаолият олиб бормоқда.

Жамшид Саипов Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сайловолди Дастурида илгари сурилган мақсадлардан келиб чиқиб, ўзининг дастурида:

— инсон, унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари давлат ва жамиятнинг энг юксак қадриятлари эканлигини эътироф этиб, жамият ва давлат ҳаётининг барча жабҳаларида ҳар бир инсоннинг фаровон ҳаёти учун зарур шарт-шароитлар яратиш, ижтимоий адолат ва қонун устуворлиги мезонларини таъминлаш;

— Ўзбекистоннинг эркинлик, имкониятлар тенглиги, адолатлилик, бирдамлик, ижтимоий ҳимоя ва масъулият тамойиллари ҳукмронлик қиладиган, инсонларнинг кескин табақаланишига йўл қўйилмайдиган «кучли ижтимоий давлат» сифатида, аҳолининг юқори турмуш даражасига эга ривожланган давлатлар қаторига қўшилишига эришиш;

— «Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилмоғи керак», ғояси давлат сиёсатининг устувор йўналиши эканлигини таъкидлаб, халқ ҳокимиятининг тимсоли бўлмиш вакиллик демократияси институтининг роли ва аҳамиятини янада ошириш;

— мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланишини таъминлаш, жамиятнинг инновацион, интеллектуал салоҳияти ва инсон капиталини ривожлантириш каби устувор вазифаларнинг амалга оширилишини муҳим, деб ҳисоблайди.

Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

## АХМЕДОВ УМИД КОМИЛЖОНОВИЧ

### 95-Чиноз сайлов округи

**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Умид Комилжонович Ахмедов 1978 йилда Тошкент вилояти, Янгийўл туманида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий.



2001 йилда Москва давлат сервис университетини тугатган. Мутахассислиги – иқтисодчи-менеджер.

Меҳнат фаолияти: 1997-2003 йилларда Янгийўл тумани молия бўлими 1-тоифали иқтисодчиси, бош мутахассиси; 2003-2008 йилларда Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Янгийўл тумани жамияти раиси; 2008-2009 йилларда Янгийўл тумани бўйича Ғазначилик бўлинмаси бошлиғи, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги ғазначилик операцияларини назорат қилиш бўлими бош мутахассиси, 2009-2011 йилларда Янгийўл тумани Ғазначилик бўлинмаси бошлиғи; 2011-2014 йилларда Янгийўл тумани "MODERN DOOR PRESTIJ" масъулияти чекланган жамияти раҳбари. 2014 йилдан бугунга қадар Янгийўл тумани "LYUKS DVERI" масъулияти чекланган жамияти раҳбари сифатида фаолият юритиб келмоқда.

Умид Ахмедов ишлаб чиқариш жараёнида фаол, жамоатчи, билимдон, замонавий дунёқараш эгаси, миллий қадриятларни яхши ўзлаштирган, давлат ва жамият қурилиши соҳасига оид билимларни пухта эгаллаган, масъулиятни чуқур ҳис қиладиган, нозик ва мушкул вазиятларда доимо аниқ ва реал фикр юритадиган, ҳар қандай муаммо ечимига оид таклиф бера оладиган раҳбар сифатида шаклланган.

Номзод партия Сайловолди дастуридан келиб чиқиб, 2020 йилдан олий таълим муассасаларига давлат буюртмаси асосида ўқишга қабул қилиш параметрларини белгилаш билан бирга, олий маълумотли кадрларни кўпайтириш ва улар ўртасида рақобатни кучайтириш, олий маълумотлилар сони бўйича мамлакат даражасини кўтариш мақсадида олий ўқув юртларига кириш квоталарини босқичма-босқич ошириб бориш бунда ўқув юртлари учун умумий қабул квоталарини белгилаш тажрибасидан воз кечиш, сиртқи, кечки ва масофавий таълим шаклини кенг жорий этиш чораларини амалга оширишни мақсад қилиб олган. Шунингдек, у давлат томонидан тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг энг самарали шакллари сифатида, "солиқ таътили" ва солиқ кредитлари, "давлат субсидиялари ва грантлари", кичик корхоналарга солиққа тортилмайдиган тўғридан-тўғри бюджетдан маблағ ёки бошқа турдаги моддий ресурслар ажратиш каби солиқ воситаларидан кенг фойдаланиш, инновацион корхоналар, компаниялар ва бошқа тадбиркорлик субъектларига давлат грантларини ажратишга эътибор қаратиш тарафдори.

Оилали. Икки нафар фарзанди бор.

## ШЕРМАТОВ ДИЛШОД БАХТИЯРОВИЧ

### 96-Чирчиқ сайлов округи

**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Дилшод Бахтиярович Шерматов 1971 йилда Тошкент вилояти, Янгийўл туманида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий.

1995 йилда Тошкент давлат иқтисодиёт университети, 2003 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошидаги Олий бизнес мактабини тугатган. Мутахассислиги – иқтисодчи, бизнес бошқаруви.

Меҳнат фаолияти: 1993-2000 йилларда Зангиота тумани "Ўзгўштсутсаноат" уюшмасига қарашли "Барокат" давлат хўжалиги статисти, бош иқтисодчиси, бош ҳисобчиси, 2000-2003 йилларда Тошкент вилояти Иқтисодиёт ва статистика бош бошқармаси Қишлоқ хўжалиги статистикаси бўлими бошлиғи, бошқарма бошлиғи ўринбосари, Қишлоқ хўжалиги статистикаси бўлими бошлиғи, 2003-2004 йилларда Тошкент вилояти Статистика бошқармаси бошлиғи ўринбосари, 2004-2017 йилларда Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси Қишлоқ хўжалиги ва экология статистикаси бошқармаси бошлиғи, 2017 йилдан ҳозирга вақтга қадар Тошкент шаҳар Статистика бошқармаси бошлиғи сифатида фаолият юритиб келмоқда.

Номзод партия Сайловолди дастуридан келиб чиқиб, "Пропискадан ўтиш" тизимига янгича ёндашиш, фуқароларнинг ўз хоҳиш-истакларидан келиб чиқиб, доимий яшаш жойини ўзи белгилаш ҳуқуқини таъминловчи ҳуқуқий асосни босқичма-босқич такомиллаштириб бориш, шу билан биргаликда, жиноятчиликка қарши курашиш ва жамоат тартибини сақлаш бўйича ички ишлар тизимининг фаолиятини тубдан такомиллаштириш ва аҳолининг хоҳиш-истакларини рўёбга чиқариш мақсадида ички ишлар ходимларининг сонини мақбуллаштириш ҳамда уларга "халқ полицияси", деб ном бериш тарафдори. Шунингдек, у Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимларининг сонини оптималлаштириш ва инспекторларни чинакам "халқ ёрдамчилари" га айлантириш таклифини илгари суради.



Дилшод Бахтиярович иқтисодиётнинг барқарор суръатларда ривожланиши аҳоли турмуш фаровонлиги кафолати эканлиги, иқтисодий ўсиш натижалари аҳолининг турли ижтимоий гуруҳ ва қатламларининг турмуш сифати ва даражасини оширишга хизмат қилиши лозимлигидан келиб чиққан ҳолда Давлат бюджетининг ижтимоий йўналтирилганини сақлаб қолиш, ҳар бир минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг аниқ ва самарали бажарилишини таъминлаш, аҳоли учун, биринчи навбатда, ёшлар учун янги иш ўринлари яратишдан иборат деб ҳисоблайди. Шунингдек, номзод ўрта ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган умумдавлат иқтисодий дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш, яъни ижтимоий йўналтирилган иқтисодий лойиҳа ва дастурларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши тарафдоридир.

Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

## ҚУРБОНОВ МАХАМАДЖОН МАМУРЖОН ЎҒЛИ

### 97-Қибрай сайлов округи

**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Курбонов Махамаджон Мамуржон ўғли 1982 йилда Тошкент вилояти, Қибрай туманида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий.

2003 йилда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетини тугатган. Мутахассислиги – ҳуқуқшунос.

Меҳнат фаолияти: 2003-2006 йилларда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши кураш департаментининг Бўка туман бўлими суриштирувчиси; 2006-2007 йилларда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши кураш департаментининг Тошкент вилоят бошқармаси ходимлар бўлими инспектори; суриштирув бўлими катта суриштирувчиси; 2007-2010 йилларда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши кураш департаментининг суриштирув бўлими катта суриштирувчиси; 2010-2012 йилларда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши кураш департамент бошлиғининг ёрдамчиси; 2012-2014 йилларда Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳар «LUKBO TEKSTIL» масъулияти чекланган жамият шаклидаги хорижий корхонаси ходимлар бўлими бошлиғи, умумий масалалар бўйича Бош директор ўринбосари. 2014 йилдан бугунга қадар Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳар «LUKBO TEKSTIL» МЧЖ хорижий корхонаси Бош директори лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда.

У фаол ташкилотчилик қобилиятига эга жамоатчи, билимдон, замонавий дунёқараш эгаси, миллий қадриятларни яхши ўзлаштирган, ҳуқуқий, сиёсатшуносликка оид билимларни пухта эгаллаган, масъулиятни чуқур ҳис қиладиган, нозик ва мушкул вазиятларда доимо аниқ ва реал фикр юритиб, ҳар қандай муаммони ҳал қилишда ўз лойиҳасини тақдим эта оладиган раҳбар сифатида шаклланган.



Номзод партия Сайловолди дастуридан келиб чиқиб, амалдаги "Судлар тўғрисида"ги қонунни такомиллаштириш орқали туманлараро судларни тугатиш, фуқаролик, жиноий, иқтисодий ва маъмурий ишлар бўйича судларни бирлаштириш таклифини илгари суради. Шунингдек, у адвокатларнинг мақомини янада кўтариш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш механизмларини кучайтириш, фуқароларга малакали ҳуқуқий хизмат кўрсатишини таъминлаш, бу борада амалдаги қонунларни такомиллаштириш ва ижроси устидан самарали назорат ўрнатиш, суд жараёнида адвокат ва прокурорнинг тенглик принципини таъминлаш тарафдоридир.

Оилали. Икки нафар фарзанди бор.

# ЎЗБЕКИСТОН "АДОЛАТ" СДП НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

## ХАЛБАЕВА ДИЛРАБО ДЖУРАБЕКОВНА

### 98-Янгийўл сайлов округи

**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Дилрабо Джурабековна Халбаева 1979 йилда Тошкент вилояти, Тошкент туманида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий. 2012 йилда Москва давлат университетини тугатган. Мутахассислиги – менежмент.

Меҳнат фаолияти: 2006-2016 йилларда Тошкент тумани "Дилшод Файз Барака" фермер хўжалиги ҳисобчиси; 2007-2019 йилларда Ўзбекистон Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси раиси ўринбосари. 2016-2019 йилларда "Раджапбой Файз Мурувват" фермер хўжалиги раҳбари, 2019 йилдан бугунги кунга қадар Ўзбекистон Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси раиси сифатида фаолият юритиб келмоқда.

Дилрабо Халбаева фаол ташкилотчилик қобилиятига эга жамоатчи, билимдон, замонавий дунёқараш эгаси, миллий қадриятларни яхши ўзлаштирган, ҳуқуқий билимларни пухта эгаллаган, масъулиятни чуқур ҳис қиладиган, нозик ва мушкул вазиятларда доимо аниқ ва реал фикр юритиб муаммони ҳал қилишнинг ўз лойиҳасини тақдим эта оладиган шахс сифатида шаклланган.



Номзод партия Сайловолди дастуридан келиб чиқиб, "пропискадан ўтиш" тизимига янгича ёндашиш, фуқароларнинг ўз хоҳиш-истакларидан келиб чиқиб, доимий яшаш жойини ўзи белгилаш ҳуқуқини таъминловчи ҳуқуқий асосни босқичма-босқич такомиллаштириб бориш, шу билан биргаликда, жиноятчиликка қарши курашиш ва жамоат тартибини сақлаш бўйича ички ишлар тизимининг фаолиятини тубдан такомиллаштириш ва аҳолининг хоҳиш-истакларини рўёбга чиқариш мақсадида ички ишлар ходимларининг сонини мақбуллаштириш ҳамда уларга "халқ полицияси", деб ном бериш тарафдори. Шунингдек, у адвокатларнинг мақомини янада кўтариш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш механизмларини кучайтириш, фуқароларга малакали ҳуқуқий хизмат кўрсатишини таъминлаш, бу борада амалдаги қонунларни такомиллаштириш ва ижроси устидан самарали назорат ўрнатиш, суд жараёнида адвокат ва прокурорнинг тенглик принципини таъминлашни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйган.

Дилрабо Джурабековна дастурида ягона архитектура-шаҳарсозлик сиёсати амалга оширилишини, ваколатли давлат органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан шаҳарсозлик фаолияти соҳасида уларга юкланган вазифалар бажарилиши таъминланишини, аҳоли пунктларини комплекс ривожлантириш юзасидан қабул қилинаётган лойиҳа ечимлари даражаси ва сифатини, шунингдек, қурилиш ишлари сифати устидан зарур назорат ўрнатилишини таъминловчи салоҳиятли кадрларни танлаш ва уларнинг малакасини оширишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиш ниятини билдирган.

Оилали. Тўрт нафар фарзанди бор.

## АЛИБОЕВ ҒОФУР БУРИБОЕВИЧ

### 99-Дўстобод сайлов округи

**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Алибоев Ғофур Бурибоевич 1965 йилда Тошкент вилояти, Оққўрғон туманида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий. 1988 йилда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институтини, 1999 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясини тугатган. Мутахассислиги – муҳандис-механик.

Меҳнат фаолияти: 1988-1994 йилларда Оққўрғон тумани "Қаҳрамон" жамоа хўжалиги техника хавфсизлиги муҳандиси, ёшлар қўмитаси котиби, бош муҳандиси; 1994-1998 йилларда Оққўрғон тумани "Қаҳрамон" жамоа хўжалиги бошқарув раисининг ўринбосари, жамоа хўжалиги раиси; 1999-2000 йилларда Оққўрғон тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси "Механизация" бўлими бошлиғи; 2000-2004 йилларда Оққўрғон тумани ҳокимлиги Ташкилий ишлар ва кадрлар масалалари бўйича гуруҳи раҳбари; 2004-2005 йилларда Оққўрғон тумани Машина трактор парки бошқаруви раиси; 2005-2006 йилларда Пискент тумани Қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи; 2006-2010 йилларда Оққўрғон туман ҳокимлиги Ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари; 2010-2015 йилларда Оққўрғон ва Пискент туманлари Қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи; 2016-2018 йилларда "Бошоқли дон экинлари уруғчилиги" Республика маркази Тошкент вилояти бўлими бошлиғи; 2018-2019 йилларда "Уруғчиликни ривожлантириш маркази" ДУК Тошкент вилояти худудий бошқармаси дон, дукакли-дон, сабзавот, полиз ва бошқа экинлар уруғчилиги бўлими бошлиғи. 2019 йилдан бугунги кунга қадар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуини назорат қилиш Тошкент вилояти бошқармаси бошлиғининг ўринбосари сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда.



У меҳнат фаолияти давомида ўзини фаол, жамоатчи, билимдон, замонавий дунёқараш эгаси, миллий қадриятларни яхши ўзлаштирган, давлат ва жамият қурилиши соҳасига оид билимларни пухта эгаллаган, масъулиятни чуқур ҳис қиладиган, нозик ва мушкул вазиятларда доимо аниқ ва реал фикр юритадиган раҳбар сифатида намоён этиб келмоқда

Номзод ўз дастурининг устувор йўналишларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етказиб берадиган тузилмаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган сиёсатга кўмаклашиш, қишлоқ меҳнаткашларини самарали ҳимоя қилиш, қишлоқда ижтимоий инфратузилмани ташкил этиш ҳамда қишлоқ ҳудудларини ижтимоий ободонлаштириш, йўл инфратузилмасини, айниқса, маҳаллалар ичидаги кўчаларни таъмирлаш ва реконструкция қилиш, мавжудларини модернизациялаш ва янги ижтимоий объектлар қуриш бўйича ишларни давом эттиришдан иборат, деб белгилаган.

Оилали. Беш нафар фарзанди бор.

## Фарғона вилояти бўйича

## ОБИДОВ ЗАФАР ОРТИҚОВИЧ

### 100-Бешариқ сайлов округи

**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатиси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**



Зафар Обидов 1961 йилда Фарғона вилояти, Бешариқ туманида туғилган. Миллати — ўзбек. Маълумоти — олий. 1983 йилда Қўқон давлат педагогика институтини тугатган. Мутахассислиги – она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси.

У 1983-2005 йилларда Бешариқ туманидаги 10-умумтаълим мактаби ўқитувчиси, директор ўринбосари, 2010-2011 йилларда Тошкент Банк коллежи директори, 2005-2017 йилларда Бешариқ туманидаги 10-умумтаълим мактаби директори лавозимда ишлаган. 2017 йилдан Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Бешариқ тумани кенгаш раисининг биринчи ўринбосари сифатида фаолият юритиб келмоқда.

З.Обидовнинг бевосита раҳбарлигида тумандаги мелиоратив ҳолати оғир 2 гектар ерда «Маҳалла» боғи барпо этилиб, мевали ва манзарали кўчатлар етиштирилиб, улар соғлиқни сақлаш ва таълим муассасаларига бепул етказиб берилмоқда. Кейинги икки йилда 2 мингдан ортиқ манзарали ва мевали дарахт кўчатлари ҳам бепул тарқатилган. Шунингдек, сўнгги икки йилда 3 марта ўтказилган бўш иш ўринлари ярмаркасида 1652 нафар фуқаро иштирок этган, улардан 75 нафари иш билан таъминланган, 13 корхона ва ташкилотларда 39 та касаначилик асосида иш ўринлари яратилган. Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи вакиллари билан ҳамкорликда 50 дан зиёд якка-ёлғиз пенсионерларнинг уй-жойлари ҳомийлар ёрдамида таъмирлаб берилган. Шу билан биргаликда, Бешариқ туманида ёшларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида, "Ёшлар келажагимиз" Давлат дастури доирасида имтиёзли кредитлар ажратилишида кўмаклашган.

Зафар Обидов фаолияти давомида маҳалла ва оила институтларини уйғун ривожлантириш, аҳолининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ўзаро ҳурмат, ҳамжиҳатлик ва аҳиллик муҳитини барқарорлаштириш борасидаги кўп йиллик хизматлари билан эл-юрт ҳурматини қозонган.

Номзод партия Сайловолди дастуридан келиб чиқиб, қишлоқ қиёфасини бутунлай янгилаш, қишлоқ жойларида янги уй-жойлар қуриш, ижтимоий ва коммунал объектларни бунёд этиш, коммуникацияни ривожлантириш, йўл инфратузилмасини таъмирлаш ва реконструкция қилиш, қишлоқ аҳлининг турмуш даражаси ва маданиятини ошириш бўйича ишларни давом эттириш ниятида. Келгуси 5 йиллик пировард мақсади – қишлоқ аҳолисини иш билан банд қилиш ва ижтимоий мухофазасини таъминлаш мақсадида фермерлар қўл остида ишловчиларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини яратиш, иш берувчи сифатида фермерларнинг ва уларга ёлланиб ишловчиларнинг ўзаро муносабатларини тартибга солувчи ҳамда ҳар икки томоннинг манфаатларини ҳимоя қилувчи қонунларни ишлаб чиқишдир.

Оилали. Беш нафар фарзанди бор.

## САНГИНОВ АБДУМАННОН НУМОНОВИЧ

### 101-Данғара сайлов округи

**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатиси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**



Абдуманнон Сангинов 1980 йилда Фарғона вилояти, Қўқон шаҳрида туғилган. Миллати — ўзбек. Маълумоти — олий. 2002 йилда Қирғиз-ўзбек университети, 2015 йилда Тошкент молия институтини тугатган. Мутахассислиги – жаҳон молия бозорлари, инвестицияларни бошқариш, молия ва кредит, монетар сиёсат.

У 1998-2000 йилларда Қўқон шаҳридаги «Чеҳра-бону» кичик корхонасида иқтисодчи, 2002-2005 йилларда Акционерлик тижорат "Пахта банки" Фарғона вилояти Қўқон бўлими Иқтисодий бўлим мутахассиси, 1-тоифали мутахассиси, 2005-2008 йилларда АТ «Пахта банк» Қўқон филиали бошқарувчи ўринбосари, 2008-2018 йилларда «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ Фарғона минтақавий филиали бошлиқ ўринбосари, Киргули филиали бошқарувчиси лавозимларида ишлаган. 2018 йилдан «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ Фарғона минтақавий филиали бошлиғи вазифасини бажариб келмоқда.

А.Сангинов масъуллигида сўнгги 3 йил давомида қишлоқ ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда жойларда учрашувлар ташкил этилиб келинмоқда. У бошчилигида банк ходимлари ҳар бир хонадонга бориб, аҳолининг тадбиркорлик билан шуғулланиш бўйича имконият ва шароитларини ўрганмоқдалар. Фуқароларнинг тадбиркорликка қизиқишини орттириш ҳамда жараёнлардан хабардорлигини янада ошириш мақсадида махсус буклет шаклидаги намунавий бизнес лойиҳалар тарқатилмоқда.

Абдуманнон Сангинов фаолияти давомида маҳалла ва оила институтларини уйғун ривожлантириш, аҳолининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ўзаро ҳурмат, ҳамжиҳатлик ва аҳиллик муҳитини барқарорлаштириш борасидаги кўп йиллик хизматлари билан эл-юрт ҳурматини қозонган.

Номзоднинг дастуридан Фарғона вилоятида ишлаб чиқаришда рақобатбардошликни узоқ муддатда истиқболли таъминлашнинг муҳим омили сифатида Бешариқ тумани салоҳиятини кучайтириш, ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда илм-фаннинг ролини ошириш, инновацион иқтисодиётга ўтиш, илм-фан ва ишлаб чиқариш ҳамкорлигини мустаҳкамлашга кенг эътибор қаратиш ўрин олган.

Номзод меҳнат фаолияти давомида юртимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг амалга оширилишида жонкуярлик, фидокорлик кўрсатиб, юртимиз иқтисодиёти равнақига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Шунингдек, ўз меҳнат фаолиятида Ўзбекистон Республикаси қонунлари, фармон ва қарорларини фуқаролар орасида кенг тарғиб-ташвиқ этишда, мазмун-моҳиятини етказишда фаоллик кўрсатиб келаяпти. Ташаббускорлиги, ишчи-ходимлар ҳамда фуқаролар билан эркин муомалага киришa олиши, ҳар бир ишга масъулият билан ёндашиши натижасида кишиларда яхши таассурот уйғотади.

Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

## ДЖУРАЕВ МАЪРУФЖОН РАСУЛОВИЧ

### 102-Яйпан сайлов округи

**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Маъруфжон Джураев 1976 йилда Фарғона вилояти, Ўзбекистон туманида туғилган. Миллати — ўзбек. Маълумоти — олий. 1998 йилда Фарғона политехника институтини тугатган. Мутахассислиги – муҳандис-иқтисодчи.

У 1998-2009 йилларда Ўзбекистон тумани ҳокимлиги умумий бўлим мутахассиси, ҳоким ёрдамчиси, девонхона мудири, иш юритиш бўлинмаси мудири, 2009-2016 йилларда Ўзбекистон тумани ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси бошлиғи, 2016-2017 йилларда Ўзбекистон тумани ҳокимлиги ҳузуридаги "Ягона дарча" маркази директори, 2017-2018 йилларда Ўзбекистон тумани Тадбиркорлик субъектларига «Ягона дарча» тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона маркази директори лавозимида ишлаган. 2018 йилдан Ўзбекистон туман Давлат хизматлари маркази директори вазифасида фаолият олиб бормоқда.

М.Джураев раҳбарлик қилаётган Давлат хизматлари маркази томонидан 100 дан ортиқ хизмат турлари кўрсатилиб, сўнгги 3 йилда 3972 та тадбиркорлик субъектлари давлат рўйхатидан ўтказилган. "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилмоғи керак" деган тамойил асосида жами 92 170 та хизматлар кўрсатилишига эришилган.

Маъруфжон Джураев фаол, ташаббускор, ўз ишининг билимдон мутахассиси сифатида Адлия вазирлиги томонидан "3-даражали юрист" унвони ва Давлат хизматлари агентлигининг "Фахрий ёрлиғи" билан тақдирланган.



Номзод партия дастуридан келиб чиқиб, адвокатларнинг мақомини янада кўтариш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш механизмларини кучайтириш, ҳар бир адвокат малакали ҳуқуқий хизмат кўрсатиши учун зарур чораларни кўриши, бу борадаги амалдаги қонунлар ижроси юзасидан кучли ва самарали назорат ўрнатиш, суд жараёнида адвокатура ва прокуратура ҳуқуқлари тенглик принципини таъминлаш учун курашади. Яъни, адвокатлар мақомини прокурор мақоми билан тенглаштириш, бу орқали фуқаролар ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш тарафдори.

Номзод фикрича, қонун давлат ва жамиятни бошқаришда асосий восита бўлиши лозим. У суд жараёнида томонларнинг тенглиги ва холис тортишув тамойилларини кучайтириш, судлар масъулиятини ошириш, суд фаолиятига доир маълумотларга эга бўлишнинг аниқ механизмини белгилашни илгари суришни, амалдаги қонунчиликни янада мустаҳкамлаш, такомиллаштириш борасида ўз фикр-мулоҳазалари билан мунтазам иштирок этишни мақсад қилган. "Қонунларнинг юқори сифати ва барқарорлигига эришиш, уларни ҳаётга татбиқ этишнинг ишончли механизмини яратиш, қонун ижодкорлиги жараёнида адолат ва ҳақиқат ғоялари қонунчилик фаолиятининг асосий мезони бўлиб қолади", дейди у.

Оилали. Тўрт нафар фарзанди бор.

## ВАЛИЕВ МУХАММАД ШЕРАЛИЕВИЧ

### 103-Қўқон сайлов округи

**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Мухаммад Валиев 1986 йилда Фарғона вилояти, Қўқон шаҳрида туғилган. Миллати — ўзбек. Маълумоти — олий. 2008 йилда Петербург давлат темир йўл университети тугатган. Техника фанлари номзоди, доцент.

У талабалик даврида Россия Федерация Олий аттестация комиссияси томонидан эътироф этилган журналларда 5 та илмий мақоласи чоп этилган ва ўндан ортиқ анжуманларда қатнашган. Номзодлик диссертациясини эса 2011 йили Петербург давлат темир йўл университети ҳузуридаги ихтисослашган Илмий кенгашда "Повышение эффективности работы тепловозов средствами бортовых систем диагностирования" мавзусида "Темир йўлларнинг ҳаракатланувчи таркиби, поездларни тортиш ва электрлаштириш" ихтисослиги бўйича ҳимоя қилган.

М.Валиев 2008-2012 йилларда Тошкент темир йўл муҳандислари институти стажер-тадқиқотчиси, Петербург давлат темир йўл университети аспиранти, 2012-2013 йилларда Тошкент темир йўл муҳандислари институти локомотивлар кафедраси ассистенти, 2013-2014 йилларда шу институтда локомотивлар ва локомотив хўжалиги кафедраси ассистенти, кафедра катта ўқитувчиси, кафедра доценти лавозимларида ишлаган. 2018 йилдан Тошкент темир йўл муҳандислари институти "Электромеханика" факультети декан муовини вазифасида фаолият олиб бораяпти.

Мухаммад Валиев институтда анъанавий тарзда ўтказилиб келинаётган илмий-техника ва илмий-амалий конференцияларда мунтазам иштирок этиб, соҳага оид долзарб муаммоларни ижобий ҳал этишда ўз илмий қарашларини баён этмоқда. Шунингдек, халқаро илмий-амалий ва республика миқёсида ўтказиб келинаётган илмий конференцияларда ҳам фаол иштирок этиб келмоқда. 2010 йилдан буён машинасозлик муаммолари соҳасида фаолият юритаётган "Союз машиностроителей России" бирлашмасининг аъзоси ҳисобланади.



У институтда ўқиш ва ишлаш жараёнида ўз интизоми, зийраклиги билан муҳим ва долзарб масалаларни мустақил тадқиқ қилувчи педагог, етук мутахассис ва илмий ходим эканлигини кўрсатган. Ўқув машғулотларига жиддий ёндашади ва қунт билан талабаларга билим ва сабоқ беради. Таълим жараёнига янги педагогик ва ахборот технологияларини киритишда фаоллик кўрсатмоқда.

Номзод партия Сайловолди дастуридан келиб чиқиб, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликда 2020 йилдан ҳар бир олий таълим муассасаларига давлат буюртмаси асосида ўқишга қабул қилиш параметрларини белгилаш билан бирга, олий маълумотли кадрларни кўпайтириш ва улар ўртасида рақобатни кучайтириш, олий маълумотлилар сони бўйича мамлакат даражасини кўтариш мақсадида олий ўқув юртларига кириш квоталарини босқичма-босқич ошириб бориш бунда ўқув юртлари учун умумий қабул квоталарини белгилаш тажрибасидан воз кечиш, сиртқи, кечки ва масофавий таълим шаклини кенг жорий этиш чораларини амалга ошириш тарафдори.

# ЎЗБЕКИСТОН "АДОЛАТ" СДП НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

## УСМОНОВ ЛАЗИЗЖОН ОДИЛОВИЧ

### 104-Учкўприк сайлов округи

**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Лазизжон Усмонов 1985 йилда Фарғона вилояти, Учкўприк туманида туғилган. Миллати — ўзбек. Маълумоти — олий. 2008 йилда Наманган муҳандислик педагогика институтини тугатган. Мутахассислиги – транспорт воситаларини ишлатиш ва таъмирлаш.

У 2009-2013 йилларда Бувайда қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи касбий таълим ишлари бўйича директор ўринбосари, ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари, 2013-2016 йилларда Учкўприк агросаноат касб-ҳунар коллежи ўқув ишлари бўйича директори ўринбосари лавозимида ишлаган.

2016 йилдан Учкўприк агросаноат ва сервис касб-ҳунар коллежи директори вазифасида фаолият олиб бораяпти.

Л.Усмонов раҳбарлигида коллеж ўқитувчиларининг сифат кўрсаткичи 48 фоизга ошди (29 нафар педагогдан 12 таси катта ўқитувчи, 2 нафари етакчи ўқитувчи). 1229 нафар битирувчилардан 437 нафари турли ОТМларга ўқишга киришга муваффақ бўлди. Ҳар йили таълим муассасалари ўртасида ўтказиладиган фан олимпиадаларида коллеж ўқувчилари мунтазам қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллаб келишади.



Лазизжон Усмонов меҳнат фаолияти давомида жамоатчи, билимдон, замонавий дунёқараш эгаси, миллий қадриятларни яхши ўзлаштирган, давлат ва жамият қурилиши соҳасига оид билимларни пухта эгаллаган, масъулиятни чуқур ҳис қиладиган, нозик ва мушкул вазиятларда доимо аниқ ва реал фикр юритадиган шахс бўлиб шаклланган.

Номзод партия Сайловолди дастуридан келиб чиқиб, Олий таълим вазирлиги билан ҳамкорликда 2020 йилдан ҳар бир олий таълим муассасаларига давлат буюртмаси асосида ўқишга қабул қилиш параметрларини белгилаш билан бирга, олий маълумотли кадрларни кўпайтириш ва улар ўртасида рақобатни кучайтириш, олий маълумотлилар сони бўйича мамлакат даражасини кўтариш мақсадида олий ўқув юртларига кириш квоталарини босқичма-босқич ошириб бориш, бунда ўқув юртлари учун умумий қабул квоталарини белгилаш тажрибасидан воз кечиш, сиртқи, кечки ва масофавий таълим шаклини кенг жорий этиш чораларини амалга ошириш тарафдори. Шу билан биргаликда, ўқитувчилар ҳуқуқий мақомини янада кўтариш, уларнинг иш ҳақи ва ижтимоий мавқеини оширишга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни амалга ошириш ва шу мақсадда "Ўқитувчи мақоми тўғрисида" алоҳида қонун қабул қилиш ғоясини ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Шунингдек, ёшларнинг сифатли таълим олиши учун тенг имкониятлар яратиб берадиган йўналишларда қўшимча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва мақсадли дастурлар ишлаб чиқишни ҳамда бу дастурларни қабул қилишни, илмий тадқиқот ишлари, мутахассисларни тайёрлаш даражаси ва сифатини оширишни, олий ўқув юртларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашни мақсад қилган.

Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

## АРСЛАНОВ ИСЛОМ КИМСАНОВИЧ

### 105-Бувайда сайлов округи

**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Ислом Арсланов 1975 йилда Фарғона вилояти, Фарғона шаҳрида туғилган. Миллати — ўзбек. Маълумоти — олий. 1998 йилда Фарғона политехника институти ҳамда 2008 йилда Тошкент архитектура қурилиш институтларини тамомлаган. Мутахассислиги – муҳандис-қурувчи, иқтисодчи. Техника фанлари номзоди. 2005 йилда "Қурилиш материаллари ва буюмлари" мутахассислиги бўйича номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

У 1998-1999 йилларда Фарғона политехника институти "Гидравлика ва иссиқлик техникаси" кафедраси тадқиқотчиси, илмий бўлим муҳандиси, 2003-2016 йилларда Тошкент архитектура қурилиш институти "Қурилиш материаллари ва гидравлика" кафедраси ассистенти, "Қурилиш материаллари ва кимё" кафедраси катта ўқитувчиси, ректор ёрдамчиси, муҳандислик-сервис факультети декани ўринбосари, "Шаҳар қурилиши ва хўжалиги" кафедраси доценти, "Ўзқурилишматериаллари" акциядорлик компанияси бош мутахассиси, бўлим бошлиғи, 2016-2017 йилларда "КВАРЦ" акциядорлик жамиятининг инвестиция жалб қилиш ва инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш бўлими бошлиғи, "Ўзқурилишматериаллари" акциядорлик жамияти сектор бошлиғи, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг коммунал соҳа, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси департаментининг қурилиш индустриясини ривожлантириш бўйича бош мутахассиси, Ўзбекистон Республикаси Ислом тараққиёти банки иштирокидаги "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини ривожлантириш" лойиҳасини амалга ошириш гуруҳи инженери лавозимларида ишлаган. 2018 йилдан Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги қурилишни ривожлантириш бўлими бошлиғи вазифасида фаолият олиб бораяпти.



И.Арсланов масъуллигида 2018-2019 йиллар давомида Ўзбекистон Республикасида «Ақлли шаҳар» технологияларини жорий этиш концепцияси, кўп қаватли турар-жойларни махсус технологиялар асосида санациялаш лойиҳаси, қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар асосидаги уй-жойлар қурилишида энергия тежамкор инновацион технологиялардан фойдаланиш усуллари ишлаб чиқилган. Шу билан бирга, унинг масъуллигида «Республикада энергия тежамкор, импорт ўрнини босувчи замонавий қурилиш материалларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича" ҳукумат қарори лойиҳаси яратилган.

Ислом Арсланов меҳнат фаолиятида ўзини фаол, жамоатчи, билимдон, замонавий дунёқараш эгаси, миллий қадриятларни яхши ўзлаштирган, давлат ва жамият қурилиши соҳасига оид билимларни пухта эгаллаган, масъулиятни чуқур ҳис қиладиган, нозик ва мушкул вазиятларда доимо аниқ ва реал фикр юритадиган раҳбар-ходим сифатида намоён этган.

Номзод партия Сайловолди дастуридан келиб чиқиб, мамлакатимиз тараққиётини узоқ муддатда истиқболли таъминлашнинг муҳим омили сифатида мамлакат илмий салоҳиятини кучайтириш, ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда илм-фаннинг ролини ошириш, инновацион иқтисодиётга ўтиш, илм-фан ва ишлаб чиқариш ҳамкорлигини мустаҳкамлашга кенг эътибор қаратмоқда. Олимларни, айниқса, ёш олимларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чораларини кўриш тарафдори.

Оилали. Икки нафар фарзанди бор.

## САЙДГАНИЕВА ГУЛБАХОР ШАРАБИДИНОВНА

### 106-Бағдод сайлов округи

**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Гулбахор Сайдганиева 1969 йилда Фарғона вилояти, Фарғона туманида туғилган. Миллати — ўзбек. Маълумоти — олий. 1991 йилда Қўқон давлат педагогика институтини тугатган.



Филология фанлари номзоди, доцент. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси. Олима, шоира, педагог, журналист, таржимон.

Г.Сайдганиева "Ёввойи ушшоқ", "Барибир бахтлиман", "Қўшиғимни кутмоқда дунё", "Ой йўли" каби 4 та шеърий тўплам муаллифидир. Немис ёзувчиси Патрик Зюскинднинг "Ифор" романи ва Айседора Дункан хотираларини, Марина Цветаева, Ф.Тютчев ва бошқаларнинг туркум шеърларини рус тилидан ўзбек тилига таржима қилган.

Бундан ташқари, Нобель мукофоти олган жаҳон шоиралари ижодидан таржималари, озарбайжон тилидан Бахтиёр Ваҳобзода, Наби Ҳазрий ва бошқа шоирлар ижодидан қилган таржималари ўз ўқувчиларини топган.

Илмий-методик йўналишда ҳам фаолият кўрсатиб, 2011 йилда "Истиқлол даври лирикасида строфика ва ритмнинг поэтик образ яратишдаги ўрни" мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлаган. Унинг "Адабиёт назарияси" услубий тўплами, "Жаҳон адабиёти"(МДҲ халқлари адабиёти) ўқув қўлланмаси, "Ҳабибулло Саид Ғани ҳаёти ва ижоди" монографияси чоп этилган.

У 1991-1996 йилларда Қўқон шаҳридаги 2-умумтаълим мактаби ўзбек тили ўқитувчиси, 1996-2017 йилларда Қўқон давлат педагогика институти ўзбек адабиёти кафедраси ўқитувчиси, катта ўқитувчиси, кафедра доценти, 2017-2019 йилларда Фарғона вилояти ҳокимлиги муассислигидаги "Ферганская правда" газетаси бош муҳаррири, 2019 йилда Фарғона вилояти ҳокимининг матбуот котиби, ахборот хизмати раҳбари лавозимида ишлаган. 2019 йилдан "Фарғона ҳақиқати" — "Ферганская правда" газеталари бирлашган таҳририяти бош муҳаррири.

Г.Сайдганиева таҳририятнинг www.ferpravda.uz электрон сайти яратилиши ва унинг мунтазам ишлаши устида ҳам жонбозлик кўрсатди. "Фарғона ҳақиқати"-"Ферганская правда" сайти (www.ferpravda.uz) ҳозирги кунда рейтинг кўрсаткичи кун сайин ошиб бораётган электрон ахборот манбаидир. Бундан ташқари, facebook.com, ok.ru ижтимоий тармоқларида, телеграм каналида газетанинг расмий саҳифалари юритилади.Ушбу тармоқлар орқали ўқувчилар билан мулоқот қилиб, уларнинг муаммоларини ўрганиш, газета ва сайтда уларни ёритиш тизими йўлга қўйилган. Таҳририятга ўқувчилардан миннатдорлик мактублари кўплаб келади.

Сайдганиева Гулбахор меҳнат фаолиятида фаол, жамоатчи, билимдон, замонавий дунёқараш эгаси, миллий қадриятларни яхши ўзлаштирган, давлат ва жамият қурилиши соҳасига оид билимларни пухта эгаллаган, масъулиятни чуқур ҳис қиладиган, нозик ва мушкул вазиятларда доимо аниқ ва реал фикр юритадиган замонавий ўзбек аёлидир.

Номзод партия Сайловолди дастуридан келиб чиқиб, ахборот соҳасини янада демократлаштириш, сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш, босма оммавий ахборот воситалари маҳсулотларини тарқатиш соҳасида рақобатни кенгайтириш, оммавий ахборот воситалари ходимларининг, айниқса, журналист ва блогерларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришни муҳим вазифа, деб билади.

Оилали. Икки нафар фарзанди бор.

## ЖЎРАЕВ ХАЙРУЛЛО АБДУЛЛАЖОНОВИЧ

### 107-Риштон сайлов округи

**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Хайрулло Жўраев 1976 йилда Фарғона вилояти, Риштон туманида туғилган. Миллати — ўзбек. Маълумоти — олий. 1998 йилда Фарғона политехника институтини тугатган. Мутахассислиги – муҳандис-технолог.



У 1998-2004 йилларда "Фарғона ёғ-мой" заводининг экстракция цехи иш ўрганувчиси, рафинация цехи рафинация аппаратчиси, 2008-2019 йилларда "Саноатгеоконтехназорат" давлат инспекциясининг Фарғона минтақавий инспекцияси етакчи мутахассиси, бош мутахассиси, инспекция бошлиғи муовини вазифаларида ишлаган. 2019 йилдан Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси Фарғона худудий бошқармаси бошлиғи лавозимида фаолият олиб бораяпти.

Х.Жўраев касбий маҳоратини, ишбилармонлигини кўрсатиб, 20 дан ортиқ норматив-техник ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда иштирок этган. Қатъийлик, топқирлик каби ижобий хусусиятлари ишлаб чиқаришга оид муаммоларни ҳал этишда алоҳида ўрин тутади. У корхона раҳбарлари билан доимо ҳамкорликда ишлаб, меҳнат шароитларини яхшилашга, хавфсиз ишлаш усулларини тарғиб қилишга ҳаракат қилади.

Номзод партия Сайловолди дастуридан келиб чиқиб, Ўзбекистонда "ақлли бино, ақлли шаҳар" концепциясини ҳаётга кенг жорий этишни асосий мақсад қилиб қўйган. Ушбу концепция энергетик ва моддий ресурсларни истеъмол қилиш даражасини тушириш, қурилишнинг инсонлар саломатлиги ва атроф-муҳитга бўлган салбий таъсирини камайтириш, шаҳарларнинг "яшил белбоғлари"ни кенгайтириш ва ҳимоя қилиш, тоза чучук сув манбаларини муҳофаза қилиш, шаҳарни режалаштириш ишларига ёндашувни тубдан ўзгартириш, табиатнинг саноат корхоналари томонидан ифлосланишини камайтириш, чанг ва заҳарли моддаларни кўп ютувчи дов-дарахтлар кўлами ва турини ошириш, шаҳарлар ва саноат корхоналари атрофида яшил майдонлар барпо этишни талаб этади.

Шунингдек, номзоднинг асосий мақсади замонавий иннновацион ва юқори технологияларни жорий этиш, илмий фаолиятни ривожлантириш соҳасида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишда фаол иштирок этишдан иборат.

Бундан ташқари, муқобил энергия манбалари, хусусан, қуёш энергиясидан фойдаланишни ривожлантириш бўйича қонунчилик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, соҳадаги зарур стандарт ва меъёрларни тасдиқлаш, уй-жой-коммунал соҳаси ва кундалик турмушда қуёш энергиясидан ҳамда бошқа қайта тикланувчи энергия манбаларидан кенг фойдаланишни тарғиб-ташвиқ қилишни ўзининг устувор вазифаси, деб билади.

Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

## ШАМШИЕВА ФЕРУЗАХОН ОЛИМОВНА

### 108-Олтиариқ сайлов округи

**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Ферузахон Шамшиева 1974 йилда Фарғона вилояти, Фарғона шаҳрида туғилган. Миллати — ўзбек. Маълумоти — олий. 1997 йилда Фарғона политехника институтини тугатган. Мутахассислиги – муҳандис-технолог.

У 1991-2002 йилларда "Азот" ишлаб чиқариш бирлашмаси марказий кимё лабораторияси лаборанти, муҳандиси, 2002-2012 йилларда "Азот" ишлаб чиқариш бирлашмаси оқава сувларни тозалаш ва нейтраллаш сектори етакчи муҳандиси, марказий кимё лабораторияси етакчи муҳандиси, санитар лабораторияси бошлиғи бўлиб ишлаган. 2012 йилдан "Фарғонаазот" акциядорлик жамияти атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўлимига бўйсунувчи санитар лабораторияси бошлиғи лавозимида ишлаб келмоқда.

Ф.Шамшиева кўп йиллик иш тажрибасига эга, юқори малакали ташаббускор мутахассис-раҳбар сифатида кимё маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёнида самарали меҳнат қилиб, соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшмоқда. Технологик жараённи оптималлаштириш, хомашёни тежашга оид рационализаторлик таклифлари ишлаб чиқаришга жорий қилинган.

Республикамиздаги йирик кимё саноати корхоналаридан бири бўлган «Фарғонаазот» АЖда асосан қишлоқ хўжалиги учун минерал ўғитлар (азот, фосфор, калий) ва дефолиантлар, тўқимачилик саноатида ишлатиладиган мураккаб эфирлар целлюлозаси (ацетат тола, шойи ва бахмал матолар хом ашёси), ойна ишлаб чиқаришда асосий хом ашё ҳисобланган натрий нитрати, халқ хўжалиги молларидан водоэмульсия бўёғи, бикарбонат натрий (озуқа содаси) каби маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. У раҳбарлик қилаётган лобараторияда 30 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. «Корхона-коллеж» ҳамкорлиги доирасида ҳар йили санитар лабораториясида амалиёт ўтаётган касб-ҳунар коллежи ўқувчиларига соҳа сирларини ўргатиб, меҳнат муҳофазаси бўйича амалий машғулотлар ўтказмоқда.

Номзод партия Сайловолди дастуридан келиб чиқиб, мактабгача таълим муассасалари тизимини салмоқли кенгайтириш ва уларда болаларнинг интеллектуал, эстетик ва жисмоний ривожланиши учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш, болаларни мактабгача таълимга қамраб олишни сезиларли равишда ошириш борасидаги саъй-ҳаракатларни давом эттириш тарафдори. Номзоднинг келгуси 5 йиллик пировард мақсади – болаларни мактабгача таълим муассасаларига қамраб олиш даражасини икки баробарга кўтаришдир. Шу билан биргаликда, номзод мактаблар ва мактабгача таълим муассасаларида болаларга тиббий хизмат кўрсатиш таъминоти тизимини мустаҳкамлаш, ҳар бир мактабда малакали тиббий хизматни жорий этиш, болаларга бепул стомотология хизмати кўрсатилишини таъминлаш, болаларни бепул дори воситалари билан узлуксиз таъминлаш, ҳар бир болада сил касалини аниқлаш учун манту синамаси ўтказиш, болалар орасида юқумли касалликларга қарши эмлашлар ўтказиш масалаларини кечиктириб бўлмас долзарб вазифалар деб ҳисоблайди.



Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

## ХАМИДОВ АНВАРЖОН МУХАММАДЖОНОВИЧ

### 109-Қўштепа сайлов округи

**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Анваржон Хамидов 1976 йилда Фарғона вилояти, Фарғона туманида туғилган. Миллати — ўзбек. Маълумоти — олий. 1999 йилда Тошкент давлат юридик институтини тамомлаган. Мутахассислиги – ҳуқуқшунос.

У 1999-2001 йилларда "Қўқонтўқимаш" акциядорлик жамияти ҳуқуқшуноси, юридик бўлими бошлиғи, 2001-2008 йилларда Фарғона вилояти адлия бошқармаси "Хўжалик юритувчи субьектлар томонидан шартнома мажбуриятларини бажарилишини назорат қилиш" бўлими етакчи маслаҳатчиси, катта маслаҳатчиси, бош маслаҳатчиси, кадрлар бўйича бош маслаҳатчиси, 2008-2014 йилларда Фарғона вилоят хўжалик суди судьяси, суд раиси ўринбосари, 2014-2018 йилларда "Фарғона автотрансхизмат" масъулияти чекланган жамияти ҳуқуқшуноси лавозимларида ишлаган. 2018 йилдан Қўштепа туман адлия бўлими бошлиғи вазифасида фаолият олиб бораяпти.

А.Хамидов раҳбарлик қилиб келаётган адлия бўлими томонидан фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари борасида 300дан ортиқ мурожаатлар кўрилиб, ижобий ҳал этилган. Фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасида қабул қилинган қонун ҳужжатларини жойларга чиқиш орқали тарғиб қилиш, қонунийликни таъминлаш мақсадида судларга даъво аризалар, давлат органларига ва ташкилотларга тақдимнома, огоҳномалар киритилиб, фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши чоралари кўриб келинмоқда.

Анваржон Хамидов меҳнат фаолиятида ўзини фаол, жамоатчи, билимдон, замонавий дунёқараш эгаси, миллий қадриятларни яхши ўзлаштирган, давлат ва жамият қурилиши соҳасига оид билимларни пухта эгаллаган, масъулиятни чуқур ҳис қиладиган, нозик ва мушкул вазиятларда доимо аниқ ва реал фикр юритадиган шахс сифатида намоён этган.

Номзод партия Сайловолди дастуридан келиб чиқиб, амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ суд қарорларини ижро қилиш ваколати прокуратура ва ички ишлар органларига берилган бўлиб, бу ҳолат халқаро талабларга жавоб бермайди, деб ҳисоблайди. Қолаверса, жазо ўтаётган шахслар таъқиб қилувчи органлар қўлида бўлмаслиги лозим. Шу муносабат



билан, номзод ижро билан боғлиқ барча ваколатларни ва жазони ижро этиш муассасаларини суриштирув ҳамда тергов ваколатига эга бўлмаган, холис орган – адлия идоралари бошқарувига беришни мақсадга мувофиқ, деб билади. Шунда суриштирув ва терговдан норозиликлар барҳам топади, ҳар қандай ноқонуний хатти-ҳаракатларнинг, қийноқ ва тазйиқларнинг олди олинади, ижро жараёнида инсон ҳуқуқлари таъминланади, деб ҳисоблайди.

Оилали. Тўрт нафар фарзанди бор.

# ЎЗБЕКИСТОН "АДОЛАТ" СДП НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

## ТУЙЧИЕВ МИРЗААНВАР ТУЛҚИНОВИЧ

### 110-Марғилон сайлов округи

**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Мирзаанвар Туйчиев 1978 йилда Фарғона вилояти, Марғилон шаҳрида туғилган. Миллати — ўзбек. Маълумоти — олий. 1999 йилда Фарғона политехника институтини тугатган. Мутахассислиги – иқтисодчи.

У 2000-2007 йилларда Марғилон шаҳар халқ таълими бўлими ҳисобчиси, бош ҳисобчи ўринбосари, бош ҳисобчиси, 2007-2011 йилларда Марғилон шаҳар ҳокимлиги молия бўлими мудир ўринбосари, халқ таълими муассасаларини молиялаштириш бўлими бошлиғи, 2011-2014 йилларда Марғилон шаҳар ҳокимлиги молия бўлими мудир ўринбосари, халқ таълими муассасаларини молиялаштириш бўлими бошлиғи, 2014-2017 йилларда Қувасой шаҳар ҳокимлиги молия бўлими мудири, Қувасой шаҳар ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари, 2017-2019 йилларда Фарғона вилояти Мактабгача таълим бошқармаси бошлиғи ўринбосари лавозимида ишлаган. 2019 йилдан Марғилон шаҳар ҳокимининг иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича биринчи ўринбосари вазифасида ишлаб келмоқда.

М.Туйчиев 2016-2019 йиллар давомида мактабгача таълим ёшидаги болаларни мактабгача таълим муассаса-



саларига қамраб олиш кўрсаткичларини ошириш мақсадида бир қатор ижобий натижаларга эришган. Хусусан, вилоятда фаолият кўрсатаётган мактабгача таълим муассасалари сони 642 тадан 1105 тага ортишига, шунингдек, муассасаларга қамраб олинган болалар сони 91 минг нафардан 118.8 минг нафарга етиб, қамров даражаси 33.5 фоиздан 44 фоизга кўтарилишига эришишга ўз ҳиссасини қўшиб келаётган етук раҳбардир.

Мирзаанвар Туйчиев меҳнат фаолиятида ўзини фаол, жамоатчи, билимдон, замонавий дунёқараш эгаси, миллий қадриятларни яхши ўзлаштирган, давлат ва жамият қурилиши соҳасига оид билимларни пухта эгаллаган, масъулиятни чуқур ҳис қиладиган, нозик ва мушкул вазиятларда доимо аниқ ва реал фикр юритадиган шахс сифатида намоён этган.

Номзод партия Сайловолди дастуридан келиб чиқиб, мактабгача таълим муассасалари тизимини салмоқли кенгайтириш ва уларда болаларнинг интеллектуал, эстетик ва жисмоний ривожланиши учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш, болаларни мактабгача таълимга қамраб олишни сезиларли равишда ошириш борасидаги саъй-ҳаракатларни давом эттириш тарафдори. Номзоднинг келгуси 5 йиллик пировард мақсади – болаларни мактабгача таълим муассасаларига қамраб олиш даражасини икки баробарга кўтаришдир. Шу билан биргаликда, М.Туйчиев мактаблар ва мактабгача таълим муассасаларида болаларга тиббий хизмат кўрсатиш таъминоти тизимини мустаҳкамлаш, ҳар бир мактабда малакали тиббий хизматни жорий этиш, болаларга бепул стоматология хизмати кўрсатилишини таъминлаш, болаларни бепул дори воситалари билан узлуксиз таъминлаш, ҳар бир болада сил касалини аниқлаш учун манту синамаси ўтказиш, болалар орасидаги юқумли касалликларга қарши эмлашлар ўтказиш масалаларини кечиктириб бўлмас долзарб вазифалар, деб ҳисоблайди.

Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

## ҒАНИЕВА ШАХНОЗА МАЪМИРОВНА

### 111-Фарғона сайлов округи

**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Шахноза Ғаниева 1985 йилда Фарғона вилояти, Фарғона шаҳрида туғилган. Миллати — ўзбек. Маълумоти — олий.

2015 йилда Фарғона давлат университетини тугатган. Мутахассислиги – тарихчи. "Йил аёли – 2017" танлови ғолиби.

Ш.Ғаниева 2003-2004 йилларда "Машҳура" фирмасида ўқитувчи вазифасида ишлаган. 2005 йилдан Фарғона шаҳридаги "Ибратли Бегим" нодавлат таълим муассасаси раҳбари сифатида фаолият олиб бормоқда.

У республикамизда яратилган кенг кўламдаги имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда йигирма бир ёшида тадбиркор сифатида иш бошлаган. Аниқроғи, йиллар мобайнида ўзи шуғулланиб келган пазандалик ҳунарини хотин-қизларимизга, уй бекаларига ўргатиш ва уларнинг малакасини ошириш мақсадида Фарғона шаҳрида "Ибратли Бегим" нодавлат таълим муассасасини ташкил қилган. Айни пайтда Фарғона аёллари – опа-сингилларимиз чеварчилик, пазандачилик,



оила ҳамшираси, жаҳон таомлари, сартарошлик, карвинг – мева-сабзавотлардан гул ясаш каби 20 дан ортиқ йўналишлардаги ўқув курсларида таҳсил олиш имкониятига эгалар. Энг эътиборлиси, хотин-қизлар бу ерда ўқиш баробарида оилавий ҳаётга ҳам пухта тайёрланиб келмоқдалар.

Ташаббускор, талабчан ва фаол номзод яқин 5 йилдан буён Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг Фарғона вилоят кенгашида "Аёллар қаноти" етакчиси сифатида ҳам ишлаб келмоқда. Ушбу қанот тизимида опа-сингилларимизнинг сиёсий, ҳуқуқий дунёқарашини юксалтиришга қаратилган тадбирлар, турли кўрик-танловлар, давра суҳбатлари ва семинарларни мунтазам равишда ташкил этиб бормоқда. Фарғона вилоятидаги "RUXSOR" телеканали орқали эфирга узатилаётган муаллифлик кўрсатуви бўлган "Бекажон" ҳам аёлларни ташаббускорлик ва меҳнатсеварликка даъват этиб, адолатчи аёллар сафини кенгайтирмоқда.

Номзод партия Сайловолди дастуридан келиб чиқиб, барқарор иқтисодий ўсиш ва халқимиз даромадини изчил оширишнинг муҳим омили сифатида кичик бизнесни давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш зарур, деб ҳисоблайди. Давлат томонидан тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг энг самарали шакллари сифатида, "солиқ таътили" ва солиқ кредитлари, "давлат субсидиялари ва грантлари" кичик корхоналарга солиққа тортилмайдиган тўғридан-тўғри бюджетдан маблағ ёки бошқа турдаги моддий ресурслар ажратиш каби солиқ воситаларидан кенг фойдаланиш, инновацион корхоналар, компаниялар ва бошқа тадбиркорлик субъектларига давлат грантларини ажратишга эътибор қаратиш тарафдори.

Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

## СОБИРОВ АЗИЗЖОН НЕЪМАТОВИЧ

### 112-Водил сайлов округи

**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Азизжон Собиров 1985 йилда Фарғона вилояти, Фарғона туманида туғилган. Миллати — ўзбек. Маълумоти — олий. 2007 йилда Фарғона давлат университетини тугатган. Мутахассислиги – иқтисодчи.



У 2007-2008 йилларда Фарғона тумани 13-умумтаълим мактаби бош ҳисобчиси, 2008-2010 йилларда Фарғона туман ҳокимлиги молия бўлими мутахассиси, 2010-2012 йилларда халқ таълими муассасаларини молиялаштириш бўлими бошлиғи ўринбосари, бош иқтисодчиси, 2012-2015 йилларда Фарғона туман ҳокимлиги молия бўлими мудири ўринбосари, бюджет бўлими бошлиғи вазифасида ишлаган. 2015 йилдан Фарғона тумани Ғазначилик бўлинмаси бошлиғи лавозимида фаолият олиб бораяпти.

Республикамизнинг саноат марказларидан бири бўлган Фарғона вилоятининг иқтисодий тармоқларини энг замонавий технологиялар асосида, жаҳон талаблари даражасида тараққий эттиришга, ушбу соҳада дунёнинг илғор давлатларидаги бир қатор нуфузли корпорациялар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

А.Собиров меҳнат фаолиятида ўзини фаол, жамоатчи, билимдон, замонавий дунёқараш эгаси, миллий қадриятларни яхши ўзлаштирган, давлат ва жамият қурилиши соҳасига оид билимларни пухта эгаллаган, масъулиятни чуқур ҳис қиладиган шахс сифатида намоён этиб, ҳурмат-эътиборган сазовор бўлган.

Номзод партия Сайловолди дастуридан келиб чиқиб, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти тарафдори сифатида юксак технологияли маҳсулот, маълумотлар жадал алмашинуви технологияси ва виртуал молиявий хизматларга таянган рақамли иқтисодиётнинг ялпи ички маҳсулот таркибидаги улушини 2025 йилга қадар 45 фоизга етказишни муҳим вазифа, деб билади.

"Адолат" СДПнинг Сайловолди дастуридан келиб чиқиб, ўз дастурида қайд этишича, партиямизнинг бозор иқтисодиётининг ижтимоий йўналтирилиши, иқтисодий ўсиш натижалари аҳолининг турли ижтимоий гуруҳ ва қатламларининг турмуш сифати ва даражасини оширишга хизмат қилиши, шу мақсадда ўрта ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган умумдавлат иқтисодий дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш, яъни ижтимоий йўналтирилган иқтисодий лойиҳа ва дастурлар давлат томонидан қўллаб-қувватланиши лозим, деб ҳисоблайди. Шу билан бирга, аралаш иқтисодиёт доирасида давлат мулкини ҳимоя қилиш, катта ижтимоий аҳамиятга эга бўлган стратегик жиҳатдан муҳим иқтисодий объектларнинг давлат тасарруфида қолдиришни ҳамда иқтисодиётга янги, энергия ресурсларини тежайдиган технологияларни кенг жорий этишни ният қилган. Айни пайтда инновацион фаолиятнинг норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, шу жумладан, "Инновациялар ва инновацион фаолият тўғрисида"ги қонунни қабул қилиш тарафдори.

Оилали. Бир нафар фарзанди бор.

## НОРМАТОВА ШАХНОЗА АНВАРОВНА

### 113-Тошлоқ сайлов округи

**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Шахноза Норматова 1976 йилда Фарғона вилояти, Фарғона шаҳрида туғилган. Миллати — ўзбек. Маълумоти — олий.



1999 йилда 2-Тошкент давлат тиббиёт институти Фарғона филиалини тугатган. Тиббиёт фанлари номзоди, доцент.

Ш.Норматова 1999-2013 йилларда 2-Тошкент давлат тиббиёт институти Фарғона филиали 1-гигиена кафедраси ассистенти, гигиена ва жамоат соғлиғини сақлаш кафедраси катта ўқитувчиси, 2013-2018 йилларда Тошкент тиббиёт академияси Фарғона филиали гигиена ва жамоат соғлиғини сақлаш кафедраси мудири, Тошкент тиббиёт академияси Фарғона филиали декани лавозимида ишлаган. 2018 йилдан Тошкент тиббиёт академияси Фарғона филиали илмий ишлар ва инновациялар бўйича директор ўринбосари вазифасида ишлаб келмоқда.

У вилоятдаги таълим муассасалари фаолиятини яқиндан ўрганиб, педагог кадрларнинг тизимли равишда малакасини ошириш ҳамда қайта тайёрлаш масалалари бўйича, шунингдек, коллеж ва университет битирувчиларининг бандлигини таъминлаш юзасидан ўзининг амалий таклифларини бериб келмоқда.

2017 йилда Шахноза Норматова "Аҳоли овқатланишида сут маҳсулотларининг ўрнини ва уларни ишлаб чиқаришда хавфсизлигини баҳолаш" мавзусидаги докторлик диссертациясини ҳимоя қилиб, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олган. Илмий йўналиш бўйича ҳозирги кунгача 1 та дарслик "Соғлом овқатланиш саломатлик мезони", 1 та услубий тавсия, 12 та мақоласи, шундан 3 таси нуфузли хорижий журналларда ҳамда 50 дан ортиқ тезислари чоп этилган. 2016 йилда "Сут ва сут маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги муаммолари" мавзусидаги монографияси чоп этилган. Илмий ишларда фаол бўлиб, республика ва хорижда ўтказилган қатор илмий-амалий анжуманларда ўзининг маърузалари билан иштирок этган ва сертификатларни қўлга киритган.

Номзод партия Сайловолди дастуридан келиб чиқиб, 2020 йилдан ҳар бир олий таълим муассасаларига давлат буюртмаси асосида ўқишга қабул қилиш параметрларини белгилаш билан бирга, олий маълумотли кадрларни кўпайтириш ва улар ўртасида рақобатни кучайтириш, олий маълумотлилар сони бўйича мамлакат даражасини кўтариш мақсадида олий ўқув юртларига кириш квоталарини босқичма-босқич ошириб бориш бунда ўқув юртлари учун умумий қабул квоталарини белгилаш тажрибасидан воз кечиш, сиртқи, кечки ва масофавий таълим шаклини кенг жорий этиш чораларини амалга оширишни асосий мақсад қилиб белгилаган.

Оилали. Бир нафар фарзанди бор.

## МЕЛИБАЕВ МАХАМАТСОЛИ СОБИРОВИЧ

### 114-Қува сайлов округи

**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлии Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Махаматсоли Мелибаев 1967 йилда Фарғона вилояти, Қува туманида туғилган. Миллати — ўзбек. Маълумоти — олий. 1996 йилда Андижон давлат тиббиёт институтини тугатган. Мутахассислиги – жарроҳ.

М.Мелибаев 1996-1997 йилларда Андижон клиникаси интернатураси, 1997-2000 йилларда Қува туман соғлиқни сақлаш бўлими шифокори, 2000-2006 йилларда "Собиржон" хусусий савдо фирмаси таминотчиси вазифасида ишлаган. 2006 йилдан Қува туманида «Махамматсоли Мелибоев» фермер хўжалиги раҳбари сифатида фаолият олиб бораяпти.

Махаматсоли Мелибаев вилоятдаги илғор, ташаббускор ва тажрибали фермерлардан бири бўлиб, мелиоратив ҳолати оғир ва тупроқ унумдорлиги паст ҳудудда пахта ва ғалладан юқори ҳосил олиб, шартнома режаларини ортиғи билан бажариб келмоқда. 2017-2019 йилларда 200 тоннадан зиёд пахта хом ашёси ва 284 тонна буғдой етиштириб, шартнома мажбуриятларини пахтачиликда 100-115 фоизга, ғаллачиликда 106-115 фоизга бажарган. Пиллачиликда ҳам юқори самарадорликка эришиб, сўнгги икки йилда 984 кг пилла топшириб, режани 100-105 фоизга бажарган.

Бундан ташқари, 6000 бош парранда боқиб, аҳолини тухум ҳамда гўшт маҳсулотлари билан таъминлаб келмоқда. У тадбиркорликнинг шу йўналишига қизиқаётган фуқароларга йўл-йўриқ ва маслаҳатлар бериб келмоқда. Соҳани янада ривожлантириш мақсадида хўжаликка "Инкубатор-1056" ускунаси олиб келиб ўрнатилган.

Мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий ислоҳотларнинг фаол тарғиботчиси сифатида йиғилиш ва давра суҳбатларида қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислоҳотларнинг моҳияти, фермерлик ҳаракатининг афзалликлари тўғрисида ғурурланиб сўзлайди.

Юқори малакали агроном, тажрибали фермер, элпарвар инсон сифатида вилоят фаоллари ва аҳолиси орасида ҳурматга сазовор бўлган.

Номзод партия Сайловолди дастуридан келиб чиқиб, қишлоқ қиёфасини бутунлай янгилаш, қишлоқ жойларида янги уй-жойлар қуриш, ижтимоий ва коммунал объектларни бунёд этиш, коммуникацияни ривожлантириш, йўл инфратузилмасини таъмирлаш ва реконструкция қилиш, қишлоқ аҳлининг турмуш даражаси ва маданиятини ошириш бўйича ишларни давом эттиришни ўз олдига мақсад



қилиб қўйган. Номзоднинг келгуси 5 йиллик пировард режаси – Қишлоқ аҳолисини иш билан банд қилиш ва ижтимоий мухофазасини таъминлаш мақсадида фермерлар қўл остида ишловчиларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини яратиш, иш берувчи сифатида фермерларнинг ва уларга ёлланиб ишловчиларнинг ўзаро муносабатларини тартибга солувчи ҳамда ҳар икки томоннинг манфаатларини ҳимоя қилувчи қонунларни ишлаб чиқишдир.

Оилали. Икки нафар фарзанди бор.

## МУСТАЕВ АЛЬБЕРТ ФАИЛОВИЧ

### 115-Қувасой сайлов округи

**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Алберт Мустаев 1967 йилда Фарғона вилояти, Қува шаҳрида туғилган. Миллати — татар. Маълумоти — олий. 1993 йилда Тошкент педиатрия медицина институтини тугатган. Мутахассислиги – педиатрия иши.

А.Мустаев 1993-1994 йилларда Фарғона вилоят шифохонаси шифокор-интерни, 1994-1998 йилларда Қува тумани 1-сонли поликлиника хирурги, 1998-2001 йилларда Қува тумани тез тиббий ёрдам бўлими мудири, 2001-2008 йилларда Фарғона вилояти «Она ва бола» реабилитация шифохонаси бош шифокори лавозимларида ишлаган. 2008 йилдан Фарғона вилояти қон қуйиш станцияси бош шифокори вазифасида ишлаб келмоқда.

У раҳбарлик қилаётган станциянинг йиллик режасига биноан 12 минг донордан 5000 литр қон ва қон маҳсулотлари тайёрланиши белгиланган. Ушбу тайёрланаётган қон ва қон маҳсулотлари тиббиёт муассасаларида даволанаётган беморларга, туғиш ёшидаги аёлларнинг соғлиғини сақлашга, жонлантириш бўлимида даволанаётган болаларнинг ҳаётини сақлаш учун хизмат қилиб келмоқда. Йиллик ўртача ҳисобда 15 мингга яқин беморлар қон ва қон маҳсулотларини қўллаш орқали ҳаёти сақлаб қолинмоқда.

Бундан ташқари, Фарғона вилояти қон қуйиш станциясида тромбоконцентрат, креопреципитат, ювилган эритроцит, альбумин маҳсулотлари тайёрланиб гемотологик касалликка чалинган болалар ва ушбу маҳсулотларга эҳтиёжи бўлган беморларга яқиндан ёрдам бериб келинади.

Альберт Мустаев ўз ҳамкасблари билан доимий равишда тажриба алмашиб, ёш мутахассисларга касб маҳорати сирларини ўргатишга катта эътибор қаратади, ҳозирда унинг кўплаб шогирдлари олий тоифали шифокорлар ҳисобланади. Унинг ташаббуси билан ҳар йили тиббиёт коллежининг ўқувчилари шошилинч тиббий ёрдам бўлимида амалиёт ўташи ташкиллаштирилган.

Номзод партия Сайловолди дастуридан келиб чиқиб, соғлиқни сақлашнинг давлат секторини мустаҳкамлаш, соҳада юқори малакали хорижий мутахассислар сонини ошириш ва хорижий инвестицияларни кенгайтириш, кадрлар малакасини ошириш ва тайёрлашнинг самарали тизимини шакллантириш, тиббий



хизматлар экспортини ривожлантиришга кенг эътибор қаратишни мақсад қилган. Номзоднинг келгуси 5 йиллик пировард режаси – соғлиқни сақлаш бўйича давлат харажатларини умумий давлат харажатларига нисбатан 15,4 фоиздан 17 фоизга ҳамда ҳар 1000 кишига хизмат кўрсатувчи шифокорлар сонини 2.45 нафардан 5 нафарга, шифохона муассасалари сонини эса 1135 тадан 1250 тага оширишдан иборат.

Оилали. Икки нафар фарзанди бор.

# ЎЗБЕКИСТОН "АДОЛАТ" СДП НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

## Хоразм вилояти бўйича

## ОТАЖОНОВ НАРИМОНЖОН ЖЎРАЕВИЧ

### 116-Навбаҳор сайлов округи

**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Наримонжон Отажонов 1969 йилда Фарғона вилояти, Фурқат туманида туғилган. Миллати — ўзбек. Маълумоти — олий. 1996 йилда Андижон давлат тиббиёт институтини тугатган. Мутахассислиги – даволаш иши.

Н.Отажонов 1997-2008 йилларда Фурқат туманидаги "Капа" қишлоқ врачлик пункти шифокори, мудири, 2008-2009 йилларда Фарғона шаҳридаги 5-сонли оилавий поликлиника терапевт шифокори, 2009-2010 йилларда Республика шошилинч тиббий ёрдам маркази Фарғона филиали қабул-диагностика бўлими шифокори, 2010-2016 йилларда Фарғона шаҳридаги 5-сонли оилавий поликлиника терапия хизмати мудири, 2-сонли оилавий поликлиника бош шифокори вазифасида ишлаган. 2016 йилдан Фарғона вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғининг Иқтисодий ва умумий масалалар бўйича ўринбосари лавозимида фаолият олиб бораяпти.

Унинг ташаббуси билан ҳар йили тиббиёт коллежи ўқувчилари шошилинч тиббий ёрдам бўлимида амалиёт ўташи ташкиллаштирилмоқда. Жамоат ишларида фаол. Мустақиллик йилларида соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида



кенг тарғиб қилиб келмоқда. Халқимизнинг тиббий маданиятини юксалтириш, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни тарбиялаш ишларида фаол қатнашади.

Наримонжон Отажонов меҳнат фаолиятида ўзини фаол, жамоатчи, билимдон, замонавий дунёқараш эгаси, миллий қадриятларни яхши ўзлаштирган, давлат ва жамият қурилиши соҳасига оид билимларни пухта эгаллаган, масъулиятни чуқур ҳис қиладиган, нозик ва мушкул вазиятларда доимо аниқ ва реал фикр юритадиган етук шахс сифатида намоён этган.

Номзод партия Сайловолди дастуридан келиб чиқиб, соғлиқни сақлашнинг давлат секторини мустаҳкамлаш, соҳада юқори малакали хорижий мутахассислар сонини ошириш ва хорижий инвестицияларни кенгайтириш, кадрлар малакасини ошириш ва тайёрлашнинг самарали тизимини шакллантириш, тиббий хизматлар экспортини ривожлантиришга кенг эътибор қаратмоқда. Номзоднинг келгуси 5 йиллик пировард мақсади – соғлиқни сақлаш бўйича давлат харажатларини умумий давлат харажатларига нисбатан 15,4 фоиздан 17 фоизга ҳамда ҳар 1000 кишига хизмат кўрсатувчи шифокорлар сонини 2.45 нафардан 5 нафарга, шифохона муассасалари сонини эса 1135 тадан 1250 тага оширишдан иборат.

Шунингдек, у дастурида қишлоқ ҳудудларини ободонлаштириш, йўл инфратузилмасини, айниқса, маҳаллалар ичидаги кўчаларни таъмирлаш ва реконструкция қилиш, мавжудларини модернизациялаш ва янги ижтимоий объектлар қуриш бўйича ишларни давом эттириш, қишлоқ қиёфасини бутунлай янгилаш ва қайта қуриш, уй-жой қуриш, ижтимоий ва коммунал объектларни бунёд этиш, қишлоқ жойларда коммуникацияни ривожлантириш, қишлоқ аҳлининг турмуш даражаси ва маданиятини ошириш бўйича ишларни давом эттиришга доир ташаббусларни илгари сурмоқда.

Оилали. Икки нафар фарзанди бор.

## ИСКАНДАРОВ МУХАММАД МУРАТОВИЧ

### 117-Урганч сайлов округи

**Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

1974 йилда Хоразм вилояти, Урганч шаҳрида туғилган. Миллати — ўзбек. Маълумоти — олий.

1998 йилда Урганч давлат университетини, 1999 йилда Ўзбекистон Республикаси Банк молия академиясини тамомлаган. Мутахассислиги иқтисодчи-бошқарувчи ва молия магистри.

Меҳнат фаолиятини 1995 йилда Урганч шаҳридаги 14-сон умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчилигидан бошлаган. 1996-1997 йилларда Хоразм вилояти ҳокимлигининг молия бошқармаси "Ижтимоий соҳалар ва аҳолини ижтимоий ҳимоялашни молиялаштириш" бўлими тафтишчиси, 1997-2000 йилларда Иқтисодий валюта операциялари бўйича иқтисодчиси, 2000 йилда Иқтисодий валюта операциялари бўйича бош мутахасси, 2000-2001 йилларда "Ижтимоий соҳалар ва бошқарув органларини молиялаштириш" бўлими бош мутахассиси, 2001-2003 йилларда "Соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳаларни молиялаштириш" сектори мудири, 2003-2004 йилларда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг бошқарув органларини молиялаш-



тириш бошқармаси бош иқтисодчиси, 2004-2005 йилларда Хоразм вилояти ҳокимлигининг молия бошқармасининг бошқарув органларини молиялаштириш бўлими бошлиғи, 2005-2007 йилларда молия инспекторлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи бош иқтисодчи, 2007-2008 йилларда "Ижтимоий соҳалар ва аҳолини ижтимоий ҳимоялашни молиялаштириш" бўлими бошлиғи, 2008-2010 йилларда Хоразм вилояти Янгиариқ туман ҳокимлигининг молия бўлими мудири, 2010-2017 йилларда Хоразм вилояти Урганч туман ҳокимлигининг молия бўлими мудири, 2017-2018 йилларда Хоразм вилояти Урганч шаҳар ҳокимлигининг молия бўлими мудири, 2018-2019 йилларда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Хоразм вилояти бошқармаси бошлиғи лавозимларида ишлаган.

2019 йилнинг 29 январида Хоразм вилояти ҳокимлигининг молия бош бошқармаси бошлиғи лавозимига тайинланди.

Номзод меҳнат фаолияти давомида интизомли, ўзига ва бошқаларга талабчан, ташкилотчи раҳбарлик фазилатларини кўрсатган. Барча топшириқларни ўз муддатида, сифатли бажаради. Ўзининг касбий ва сиёсий билимларини оширишга, иқтисодий ислоҳотларнинг моҳиятини меҳнат жамоаларида тарғиб қилишга интилади. Бюджет-солиқ сиёсатидаги ўзгаришларни ҳаётга татбиқ қилиш, даромадлар тушумини кенгайтириш қўшимча даромад захираларини аниқлаш ва харажатларни ижтимоий соҳага, аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш билан боғлиқ харажатларга ҳамда инфратузилмани яхшилашга кўпроқ жалб қилиш Муҳаммад Искандаровнинг энг асосий мақсадлари ҳисобланади.

Оилали. Тўрт нафар фарзанди бор.

## МАТЁҚУБОВ БАХТИЁР ИБРАХИМОВИЧ

### 118-Боғот сайлов округи

**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

1978 йилда Хоразм вилоят Боғот туманида туғилган. Миллати — ўзбек. Маълумоти — олий.

2000 йилда Тошкент молия институтини битирган. Ихтисослиги – халқаро валюта муносабатлари.



Меҳнат фаолиятини 1995 йилда якка тартибдаги тадбиркор сифатида бошлаган. 2000-2012 йилларда якка тартибдаги тадбиркор, 2012 йилдан бугунги кунга қадар Боғот тумани "Бахт ҳаракат меваси" масъулияти чекланган жамияти раҳбари сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда. Тартиб-интизомни хуш кўрадиган, ташаббускор, интилувчан раҳбар.

У Корея Республикасининг «Myung Sung Placon LTD» компанияси билан Бешариқ қишлоғи «Ашхобод» маҳалласи ҳудудида замонавий лойиҳалар асосида 4 гектар майдонда иссиқхона қуриб, ишга туширди ва бунинг эвазига мавсум давомида ҳар бир гектаридан 200 тонна экспортбоп сабзавот экинларини етиштиришни йўлга қўйди. 18 нафар маҳалла ёшлари ва аёллари иш билан таъминланди.

У сўнгги уч йилда корхона томонидан 49 миллион сўмлик ҳомийлик ишларини амалга оширди.

Номзод меҳнатсеварлиги, камтарлиги ва эл-юрт манфаати йўлида ўз куч-ғайратини аямайдиган жонкуяр тадбиркор сифатида вилоят ва туман фаолларининг ҳурматини қозониб келмоқда.

Бахтиёр Матёқубов 2015 йилдан халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгаши депутати сифатида фаолият олиб бормоқда. У халқ дарди билан яшаб, сайловчилар томонидан кўтарилган муаммоларга ечим топиб, тегишли давлат органларига депутатлик сўровлари билан тез-тез мурожаат қилиб келади. Депутат ўз фаолияти давомида оммавий ахборот воситалари орқали чиқишлар қилиб, жамиятимиздаги бўлаётган ўзгаришларга тезкорлик билан ўз муносабатини билдириб келмоқда. Янгиариқ туманидаги «Шайх сўвган» қабристонига борувчи йўлнинг 200 метр қисмига асфальт қилиб берган ва 100 метр пиёдалар учун йўлакчага тош ётқизиб 7,6 млн. сўмлик иш бажарган. Хазорасп туманидаги «Дарвеш бобо» қабристонига борувчи 50 метр йўл ва 100 метр пиёдалар йўлакчаларини таъмирлаш учун жами 8,2 млн. сўмлик ишлар амалга оширилди.

Шунингдек, номзод давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, ташқи иқтисодий фаолият соҳасида ягона давлат сиёсати ўтказилишини, экспортни рағбатлантиришни, хорижий инвестицияларни жалб этишни, ташқи савдони эркинлаштиришни, ташқи савдо алоқаларини кенгайтириш ва мустаҳкамлашни таъминлашга доир қонунчиликни такомиллаштиришга ўз ҳиссасини қўшишни мақсад қилиб белгилаган.

Оилали. Тўрт нафар фарзанди бор.

## БАБАЖАНОВА НУРХОН РУСТАМОВНА

### 119-Гурлан сайлов округи

**Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

1978 йилда Хоразм вилоят Гурлан туманида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти олий.



2000 йилда Урганч давлат университетини тамомлаган. Мутахассислиги – биология фани ўқитувчиси.

Меҳнат фаолиятини 1995 йилда Хоразм вилоят Гурлан туманидаги 4-сон умумий ўрта таълим мактабининг ёшлар етакчиси вазифасидан бошлаган. 1997-2012 йилларда Гурлан туманидаги 4-сон умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси вазифасида, 2012-2018 йилларда Гурлан туманидаги 4-сон умумий ўрта таълим мактабининг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари, 2018 йилдан бугунга қадар Хоразм вилоят Гурлан туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси в.в.б бўлиб ишлаб келмоқда.

Партия лойиҳалари доирасида Хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётдаги фаол иштирокини таъминлаш борасида ибратли ишларни амалга ошириб келмоқда.

Меҳнат фаолияти давомида зиммасидаги вазифага масъулият билан ёндашиши, топширилган ҳар бир вазифани сифатли бажариши, ўзининг мустақил фикрини дадил баён қила олиши, ташкилотчилик қобилияти, одамлар билан муносабатда хушмуомалалиги, фуқароларни ўзига эргаштира олиши, жамоат ишларида фаол иштирок этиши билан вилоят фаоллари орасида катта ҳурмат ва эътибор қозонган.

Номзоднинг ташаббуси билан ҳомийлар ёрдамида тумандаги қабристонлар ободонлаштирилди, мактаб ва болалар боғчалари, маҳалла фуқаролар йиғини бинолари жорий таъмирланди.

Н.Бабажанова 2018-2019 йиллар давомида туман марказидаги кўча ва хиёбонларда, ўзи истиқомат қилаётган маҳаллада 20 минг тупдан ортиқ мевали, манзарали дарахт кўчатлари экиш ҳамда гулзорлар яратиш ишларига бош-қош бўлган. Шу билан бир қаторда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, аҳолининг манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишда депутатларнинг ваколатларини кенгайтириш, коррупцияга қарши кураш соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш, тиббий хизмат сифат даражасини ошириш каби масалалар фаолиятимнинг асосий йўналишлари бўлиб қолади. Қолаверса, ННТларнинг фаолияти учун янада қулай шарт-шароит яратиш, ҳомийликни кенгайтириш, фуқароларнинг ижтимоий аҳамиятга молик ташаббусларини рўёбга чиқариш, демократик давлатнинг катта аҳамиятга молик институтларидан бири бўлган жамоатчилик назорати жамият билан давлатнинг самарали мулоқотини таъминлашдир.

Н.Бабажанова билимдон, етук мутахассис, ташкилотчи, изланувчан, ташаббускор, меҳнатсевар, софдил ходим сифатида ҳамкасблари орасида катта обрў қозонган.

Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

## ИБАДУЛЛАЕВ ҚАХРАМОН МАДАМИНОВИЧ

### 120-Ҳазорасп сайлов округи

**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

1971 йилда Хоразм вилояти, Боғот туманида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий.

1994 йилда Тошкент давлат университетини тугатган. Мутахассислиги – математика фани ўқитувчиси. Физика-математика фанлари номзоди. «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 25 йил» кўкрак нишони билан тақдирланган.

Меҳнат фаолиятини 1994 йилда Урганч давлат университетининг физика-математика факультетида ассисент вазифасидан бошлаган. 1996-1999 йилларда Тошкент давлат университети физика-математика факультети ассистенти ва стажёр-тадқиқотчиси, 2000- 2004 йилларда ЎзМУ қошидаги С.Раҳимов номли академик лицейда математика ўқитувчиси, 2004-2019 йилларда ЎзМУ қошидаги С.Х.Сирожиддинов номли академик лицей директори, 2019 йилда ЎзМУ Ўзбек-Исроил қўшма "Юқори технологиялар ва мухандислик математикаси" факультети декани, 2019 йилдан бугунги кунга қадар Тошкент шаҳар Мактабгача таълим бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари сифатида ишлаб келмоқда.

Ўз меҳнат фаолияти давомида фаол жамоатчи, билимдон, замонавий дунёқараш эгаси, миллий қадриятларни яхши ўзлаштирган, ҳуқуқий, сиёсатшуносликка оид билимларни пухта эгаллаган, масъулиятни чуқур ҳис қиладиган, мушкул вазиятларда доимо аниқ ва реал фикр юритиб, муаммони ҳал қилишда ўз лойиҳасини тақдим эта оладиган шахс бўлиб шаклланди.

Номзоднинг дастуридан фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилиш ва амалга оширишда жамоат ташкилотларини кенг жалб этиш каби муҳим масалалар ўрин олган.

Номзод сўнгги уч йилда шахсий ҳисобидан 49 млн. сўмлик ҳомийлик ишларини бажарган, жумладан, тумандаги кам таъминланган оилаларга жами 10 млн. сўмлик маблағлар ажратган. Боғот туманидаги 1-сон ўрта таълим мактаб ўқувчиларидан 40 нафарига спорт кийимлари, 18 млн. сўмлик озиқ-овқат ва кийим-кечаклар, 200 нафар кексаларга ҳамда ногиронларга, кам таъминланган оилаларга хайрия ишларини амалга оширган.

Номзоднинг дастуридан фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларнинг хуқуқлари ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилиш ва амал-



га оширишда жамоат ташкилотларини кенг жалб этиш, шунингдек, ўзи сайланадиган ҳудудда тиббий хизматлар сифат даражасини ошириш, ҳудудни иқтисодий-сармоявий, ижтимоий, маданий жиҳатдан замонавийлаштириш, сиёсий фаол, республика бошкарувида бевосита иштирок этадиган, жамиятимизда демократлашув жараёнларини илгари сурадиган худудлардан бири сифатида шакллантириш каби муҳим масалалар ўрин олган.

Оилали. Тўрт нафар фарзанди бор.

## КУРБАНБАЕВ МАҚСУДБЕК КОМУЛОВИЧ

### 121-Хонқа сайлов округи

**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Мақсудбек Курбанбаев 1973 йилда Хоразм вилояти Қўшкўпир туманида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий. 1997 йил Тошкент давлат аграр университетини тугатган. Мутахассислиги – иқтисодчи.

Меҳнат фаолиятини 1991-1997 йилларда Қўшкўпир тумани Марказий шифохонаси ҳисобчиси вазифасидан бошлаган. 1997-1999 йилларда Қўшкўпир тумани ҳокимлиги молия бўлими бюджет инспекцияси иқтисодчиси, 1999-2000 йилларда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Хоразм вилоятидаги назорат-тафтиш бошқармаси назоратчи-тафтишчиси, 2000-2004 йилларда Қўшкўпир тумани ҳокимлиги молия бўлими бюджет инспекцияси бошлиғи, 2004-2006 йилларда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Хоразм вилоятидаги назоратчи-тафтиш бошқармаси бюджет интизомига риоя этилишини назорат қилиш бўлими бошлиғи ўринбосари, 2006-2012 йилларда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Хоразм вилоятидаги назоратчи-тафтиш бошқармаси бошлиғи, 2012-2014 йилларда Хоразм вилоят ҳокимлиги молия бошқармаси бошлиғи, 2015 йилдан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси аъзоси сифатида фаолият юритиб келмоқда.

М.Курбанбаев мамлакатимизда давлат ва жамият қурилишининг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларни қўллаб-қувватлайди, уларни амалга оширишда ва кенг аҳоли қатламлари орасида тарғиб қилишда фаол иштирок этиб келмоқда.

У депутатлик фаолияти давомида малакали, етарли ҳаётий тажрибага эга мутахассис сифатида мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятини ривожлантириш, ташқи сиёсат, бюджет ва иқтисодиёт соҳасидаги миллий қонунчиликни такомиллаштириш, юридик ва жисмоний шахсларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий саводхонлигини оширишга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Номзод, шунингдек, Ўзбекистонда ташкил этилган махсус индустриал зоналар фаолиятини кенгайтириш, аралаш иқтисодиёт доирасида давлат мулкини ҳимоя қилиш, катта ижтимоий аҳамиятига эга бўлган стратегик жиҳатдан муҳим иқтисодий объектлар давлат тасарруфида қолдирилиши, корхоналарга уларнинг социал ва ижтимоий жиҳатдан фойдали



эканидан келиб чиқиб, солиқ имтиёзлари бериш зарурлиги тарафдори эканини ва бундай мақсадларни амалга ошириш вазифалари ўз сайловолди дастурида илгари сурилганини қайд этиб ўтади.

Номзод Ўзбекистон Республикасининг парламент делегациялари таркибида Хитой Халқ Республикаси ва Германия давлатларида бўлиб, мамлакатимизнинг парламентлараро алоқаларини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга ҳам муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

# ЎЗБЕКИСТОН "АДОЛАТ" СДП НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

## МАШАРИПОВ ҚАХРАМОН БЕКЧАНОВИЧ

### 122-Хива сайлов округи

**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Қахрамон Машарипов 1971 йилда Хоразм вилоятида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий. 1995 йил Тошкент давлат юридик институтини тугатган. Мутахассислиги – ҳуқуқшунос.

Меҳнат фаолиятини 1994 йилда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази референти сифатида бошлаган. 2014 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига асосан "Содиқ хизматлари учун" ордени билан тақдирланган.

1995-1999 йилларда "Хоразмтурист" туристик ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳуқуқшуноси, 1997 йилда "Хоразмпилласаноатчилик" ширкатлар уюшмаси ҳуқуқшуноси, 1999-2000 йилларда Урганч шаҳар судининг суд ижрочиси, катта суд ижрочиси, 2000-2003 йилларда Хоразм вилоят адлия бошқармасининг Кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш бўлими бош маслаҳатчиси, 2003-2005 йилларда Хоразм вилоят адлия бошқармасининг Хорижий инвестициялар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи, 2005-2011 йилларда Хоразм вилоят адлия бошқармасининг Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи, 2011-2014 йилларда Адлия вазирлиги Қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш бош бошқармаси Хоразм вилоят ҳудудий бўлими бошлиғи, 2014-2018 йиллада Хоразм вилоят адлия бошқармасининг Нотариат, адвокатура ва ФҲДЁ органлари бўлими бошлиғи ловозимларида ишлаган. 2018 йилдан Хоразм вилоят адлия бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари лавозимида фаолият юритиб келмоқда.



Унинг асосий мақсадларидан бири – Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг асосий мақсади – ҳуқуқий демократик давлат, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган кучли адолатли фуқаролик жамиятни барпо этишда, шунингдек, барча миллат ва элатлар манфаатларига мос келадиган, маънавий жиҳатдан бирлашган жамиятни шакллантиришда фаол қатнашиш ҳамда Ўзбекистон ҳудудида яшовчи фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, уларнинг бирлиги, конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда фаол иштирок этишдир.

Қахрамон Машарипов ўз сайловолди дастурида Ўзбекистонни жаҳон ҳамжамиятидан мустаҳкам ўрин эгаллашига қаратилган муҳим вазифа сифатида қонун устиворлигини таъминлаш, деб билади.

Номзоднинг дастурига инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, ижтимоий ва иқтисодий ҳуқуқлар тўғрисидаги қонунлар, дастурлар ва лойиҳаларни амалга оширишда фаол иштирок этиш, қулай инвестиция муҳитини яратиш орқали иқтисодиётда хусусий инвестицияларни оширишни таъминлаш каби бир қатор муҳим масалалар киритилган.

Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

## МАШАРИПОВА МУЯССАР АБДИРИМОВНА

### 123-Шовот сайлов округи

**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

1968 йилда Хоразм вилоят Урганч туманида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий. Мутахассислиги – ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси.

1991 йилда Хоразм давлат педагогика институтини битирган. 2017 йилда "Ўзбекистон конституциясининг 25 йиллиги" кўкрак нишони билан тақдирланган.

Меҳнат фаолиятини 1991 йилда Урганч шаҳар 18-сонли умумий ўрта таълим мактабида она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси вазифасидан бошлаган. 2002-2014 йилларда Урганч давлат университети қошидаги 1-сонли академик лицей директорининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосари, 2014-2015 йилларда вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармасида "Таълим муассасаларига методик кўмаклашиш бўйича маслаҳатчи методистлар хизмати" бош услубчи маслаҳатчиси, 2015 йилдан Хоразм вилоят ҳокими ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси котибият мудири вазифасида ишлаб келмоқда.



Муяссар Машарипова партия фаоли сифатида маҳалла ва оила институтларини уйғун ривожлантириш, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётдаги фаол иштирокини таъминлаш, вилоятдаги иш билан банд бўлмаган хотин-қизларни тадбиркорликка жалб этиш, уларнинг бандлигини таъминлаш борасида ибратли ишларни амалга ошириши натижасида жамоатчилик орасида ва партия фаоллари ўртасида ҳам ҳурмат-эътибор қозонган.

Номзод хотин-қизларни сиёсий фаоллигини ошириш, оғир турмуш шароитидаги хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, хотин-қизларни тадбиркорликка жалб этиш мақсадида жамоатчилик назорати гуруҳини ташкил қилган ва хотин-қизлар ҳаётидаги муаммоларни ўрганмоқда.

Ўрганиш давомида аниқланган ишсиз аёлларнинг муаммолари ҳал этилиб, кўтарилган масалаларни ижобий ҳал этишга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

М.Машарипова вилоятда ишсиз, тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш истагидаги хотин-қизларнинг бандлигини таъминлашга, тижорат банклари томонидан ажратилган имтиёзли кредитларни ўз вақтида олишларига амалий ёрдам бериб келмоқда. Унинг саъй-ҳаракатлари билан вилоятдаги кўпгина оилалар ўртасида ажримларнинг олди олинган. У мактабгача таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича тегишли қонунчилик, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларига таклифлар тайёрлаш, тиббиёт муассасалари фаолияти устидан жамоат назоратини амалга ошириш, уларда васийлик кенгашларини ташкил этиш бўйича таклифларни тайёрлаш, дори-дармонга муҳтож бўлганлар учун дориларни олишдаги енгилликларга қаратилган давлат тизимини сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш тарфдори.

Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

## РЎЗМЕТОВ РУСЛАН ХАИТБОЕВИЧ

### 124-Қўшкўпир сайлов округи

**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

1983 йилда Хоразм вилояти Урганч шаҳрида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий. 2004 йил Урганч давлат университети(кундузги, бакалавр), 2008 йил Урганч давлат университети(сиртқи, бакалавр)ни, 2011 йил Тошкент автомобил ва йўллар институти(магистратура)ни тугатган.



2015 йил Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиш бошқарув академиси(қайта тайёрлаш)ни битирган. Мутахассислиги – транспорт воситаларидан фойдаланиш (автомобиль транспорти) ва транспорт логистикаси, давлат бошқаруви.

Меҳнат фаолиятини 2004-2006 йилларда Хоразм вилояти кўприкларни таъмирлаш-фойдаланиш корхонаси механиги вазифасидан бошлаган. 2006-2010 йилларда Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги Хоразм вилояти бўлими етакчи эксперти, сектор мудири, 2010-2012 йилларда SOS "Болалар маҳаллалари Ўзбекистон" уюшмасининг Хоразм филиали директори ассистенти, 2012-2016 йилларда Хоразм вилоят троллейбус бошқармаси директори, 2016-2017 йилларда Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агетлиги Хоразм вилоят бўлим бошлиғи, 2017-2018 йилларда Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги Хоразм вилоят бошқарма бошлиғи, 2018-2019 йилларда Ўзбекистон автомобиль транспорти агетлиги Автомобил ташувлари хавфсизлигини таъминлаш юзасидан назорат қилиш бошқармаси бошлиғи вазифаларида фаолият олиб борган. 2019 йилдан Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг Автомобиль ва дарё транспортини ривожлантириш Департаменти бошлиғи вазифасида ишлаб келмоқда.

Номзод фаолияти давомида жамиятда юксак ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий онгни ривожлантириш, ёшларда қонунларга ҳурмат ҳамда дахлдорлик туйғуларини шакллантириш борасида амалга ошириб келинаётганислоҳотларда фаол иштирок этиб келмоқда. 2014-2017 йилларда Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати сифатида фаолият кўрсатган.

2017 йил давомида Р.Рўзметов ташаббуси билан Хоразм вилоятининг Янгиариқ ва Қўшкўпир туманларида қатновчи йўловчиларга қулайликлар яратиш мақсадида 2 та автостанция янгидан қуриб, фойдаланишга топширилди.

Номзод ташаббускор, талабчан, қатъиятли кадр. У ўз фаолияти давомида соҳасининг мақсад ва вазифалари, унинг мафкурасини кенг халқ оммасига тарғиб қилишга, халқнинг фаравон турмушини янада яхшилашга хизмат қилмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон "Адолат" СДП ташаббуси билан амалиётга жорий қилинган "Жамоатчилик назорати – қонун устуворлигининг гарови", "Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият" лойиҳаларини ҳаётга татбиқ этишда муносиб ўрни бор, жамият ҳаётида актив иштирок этади, юқори нотиқлик қобилияти, ўз фикрини аудиторияга аниқ ва оддий қилиб етказиш қобилияти кучли, унинг характерида фидойилик, талабчанлик, масъулият акс этган.

Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

## Қашқадарё вилояти бўйича

## АЗИЗОВА НАСИБА БАХРИТДИНОВНА

### 125-Қарши сайлов округидан

**Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Насиба Азизова 1969 йилда Қарши шаҳрида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий. 1991 йилда Украина Республикаси Луганск давлат педагогика институтини тамомлаган. Мутахассислиги – рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси.



Н.Азизова 1991-1994 йилларда Қарши давлат педагогика институти "Рус тилшунослиги" кафедраси ўқитувчиси, 1994-2002 йилларда Қарши давлат университети "Маънавият асослари" кафедраси ўқитувчиси, 2002-2014 йилларда "Маънавият асослари" кафедраси катта ўқитувчиси, 2006-2013 йилларда Халқаро алоқалар бўлими услубчиси бўлиб ишлаган. 2014 йилдан Қарши давлат университети Халқаро алоқалар бўлими бошлиғи лавозимида ишлаб келмоқда.

У фаол жамоатчи, билимдон, замонавий дунёқараш эгаси, миллий қадриятларни яхши ўзлаштирган, ҳуқуқий, сиёсатшуносликка оид билимларни пухта эгаллаган, масъулиятни чуқур ҳис қиладиган, мушкул вазиятларда доимо аниқ ва реал фикр юритиб, муаммони ижобий ҳал қилишда ўз лойиҳасини тақдим эта оладиган шахс бўлиб шаклланган.

Номзоднинг дастуридан партиянинг Сайловолди дастурига мос равишда шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар, иқтисодий-ижтимоий ҳуқуқларга оид қонунлар, дастур ва лойиҳалар ижросида фаол иштирок этиш, ҳудуднинг ичимлик суви таъминотини яхшилаш учун вазирликлар доирасида хорижий ташкилотлар томонидан амалга ошириладиган йирик инвестицион лойиҳаларни дастурга киритиш, ёшларнинг хорижий ОТМларда таълим олиши имкониятларини кенгайтириш, Россиянинг нуфузли ОТМлари филиалларини очиш масаласини давлат дастурига киритиш ва амалга ошириш, Қарши давлат университетини республика ОТМлари 10 талик рейтингига, босқичма-босқич жаҳоннинг нуфузли 1000 талик рўйхатига киритиш бўйича ишларни ташкил этиш, лойиҳа ва инвестицияларни жалб этиш, шаҳар мактабгача таълим ва ўрта мактабларига хорижий ташкилотларнинг беғараз кўмаги ёрдамида хорижий мутахассисларни жалб этиш орқали хорижий инвестицияларни киритиш, кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг ижтимоий аҳволини яхшилашга ҳисса қўшиш, аҳоли саломатлиги ва фаровонлигига йўналтирилган қонунлар ижросига доир лойиҳаларни ишлаб чиқишда фаол иштирок этиш, амалга ошириш, сайловчиларга ҳуқуқий маслаҳатлар бериш каби муҳим масалалар ўрин олган.

Шунингдек, фуқароларнинг сиёсий фаоллигини ошириш ва уларнинг давлат бошқарувидаги иштирокини кенг таъминлаш бўйича амалий чора-тадбирларни қўллаш, фуқароларнинг, айниқса, хотин-қизлар ва ёшларнинг ташаббусларини амалга ошириш ва қарор қабул қилиш жараёнидаги иштирокини кафолатлаш, ҳаётга татбиқ этиш мақсадларини илгари сурган.

Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

## РАУПОВ СИРОЖИДДИН ПУЛАТОВИЧ

### 126-Бешкент сайлов округи

**Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Сирожиддин Раупов 1967 йилда Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳрида туғилган. Миллати — Ўзбек. Маълумоти – олий. 1992 йилда Тошкент давлат университетини, 2002 йилда Тошкент давлат юридик институтини тамомлаган. Мутахассислиги – журналист, ҳуқуқшунос.

С.Раупов меҳнат фаолиятини 1984 йилда "Қашқадарё ҳақиқати" вилоят газетасида мусаҳҳиҳликдан бошлаган. 1992-1996 йилларда "Туркистон" газетасида, 1996-1998 йилларда "Тафакур" журналида, 1998-2002 йилларда "Ҳаёт ва қонун" юридик журнали ҳамда "Инсон ва қонун" ҳуқуқий газетаси бирлашган таҳририяти бош муҳаррири ўринбосари, бош муҳаррир вазифасини бажарувчи, 2002-2004 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти девони етакчи консультанти, 2004 йилда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги оммавий ахборот воситалари мониторинг маркази раҳбари, 2004-2009 йилларда Республика юристлар малакасини ошириш маркази катта ўқитувчиси, 2005-2006 йилларда "Mulkdor" – "Биржа" иқтисодий газетаси бош муҳаррири, 2006-2014 йилларда "Жамият" ижтимоий-сиёсий газетаси бош муҳаррири, 2014-2015 йилларда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси маъсул котиби лавозимларида фаолият олиб борган. 2015 йилдан "Шарқ юлдузи" ва "Звезда Востока" журналлари бош муҳаррири лавозимида ишлаб келмоқда.

Ташаббускор, талабчан, қатъиятли инсон. 2000 йилда "Шуҳрат" медали билан тақдирланган. Қатор кўрик-танловлар совриндори, хусусан, "Олтин қалам" журналистика соҳасидаги миллий мукофот (2007 йил), "Эътироф – 2007" танловлари ғолиби. Журналист-ҳуқуқшуноснинг суд-ҳуқуқ ислоҳотлари тарғибот-ташвиқотига доир, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришга, ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган кўплаб чиқишлари эл назарига тушган.

"Йиғлаётган ой", "Кўк гумбаз", "Сиз менга кераксиз", "Ташриф", шунингдек, "Муаллақ чексизлик" каби китоб ва тўпламлар муаллифи.

Номзоднинг дастури партиянинг Сайловолди дастурида илгари сурилган халқчил ғояларга ҳамоҳангдир.



Ундан инсоний қадр-қиммат ва адолат барча учун тамойили асосида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилишда жамоат ташкилотларини кенг жалб этиш, аҳоли саломатлиги ва фаровонлигига йўналтирилган қонунлар ижросига доир лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга жорий этишда фаол қатнашиш, кўнгиллилик институтини кенг тарғиб қилиш, сайловчиларга ҳуқуқий маслаҳатлар бериш каби муҳим масалалар ўрин олган.

Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

## ХУШВАҚТОВА ДИЛАФРУЗ УРАҚОВНА

### 127-Қамаши сайлов округидан

**Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Дилафруз Хушвақтова 1972 йилда Қарши шаҳрида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий. 1995 йили Қарши давлат университетини тамомлаган. Мутахассислиги – ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси.

У меҳнат фаолиятини 1993 йилда Яккабоғ туманидаги 9-умумтаълим мактаби ўқитувчиси вазифасидан бошлаган. 2010-2011 йилларда Яккабоғ иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси, 2011-2018 йилларда Яккабоғ туманидаги 25-сонли мактабгача таълим муассасаси мудири лавозимларида фаолият олиб борган. 2018 йилдан Республика "Маънавият ва маърифат" маркази Яккабоғ тумани бўлими раҳбари вазифасида фаолият олиб бормоқда.

Д.Хушвақтова фаол жамоатчи, билимдон, замонавий дунёқараш эгаси, миллий қадриятларни яхши ўзлаштирган, ҳуқуқий, сиёсатшуносликка оид билимларни пухта эгаллаган, масъулиятни чуқур ҳис қиладиган, мушкул вазиятларда доимо аниқ ва реал фикр юритиб, муаммони ижобий ҳал қилишда ўз лойиҳасини тақдим эта оладиган шахс бўлиб шаклланган.

Номзоднинг дастури партиянинг Сайловолди дастурида илгари сурилган ғояларга ҳамоҳанг. Ундан иқтисодий-ижтимоий ва бошқа масалаларга оид давлат дастурларининг ҳудуд кесимидаги ижроси юзасидан депутатлик ва жамоатчилик назоратини ташкил этиш, аҳолининг ижтимоий аҳволини яхшилаш, ҳудуднинг ичимлик суви таъминотини яхшилаш учун вазирликлар доирасида хорижий ташкилотлар томонидан амалга ошириладиган йирик инвестицион лойиҳалари дастурига киритиш, ёшларнинг хорижий ОТМларда таълим олиши имкониятларини кенгайтириш, лойиҳа ва инвестицияларни жалб этиш, мактабгача таълим ва ўрта мактабларга хорижий ташкилотларнинг беғараз кўмаги ёрдамида хорижий мутахассисларни жалб этиш орқали хорижий инвестицияларни киритиш, кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг ижтимоий аҳволини яхшилашга ҳисса қўшиш, аҳоли саломатлиги ва фаровонлигига йўналтирилган қонунлар ижросига доир лойиҳаларни ишлаб чиқишда фаол иштирок этиш, амалга ошириш, сайловчиларга ҳуқуқий маслаҳатлар бериш каби муҳим масалалар ўрин олган.

Шунингдек, коммунал хизматлардан фойдаланишда муқобил энергия манбалари, хусусан, қуёш энергиясидан фойдаланишни ривожлантириш бўйича қонунчилик ҳужжатларини амалиётга жорий этиш, соҳадаги зарур стандарт ва меъёрларни янада такомиллаштириш, кундалик турмушда қайта тикланувчи энергия манбаларидан кенг фойдаланиш орқали аҳолининг электр энергиясига бўлган эҳтиёжини таъминлаш ва турмуш сифатини оширишга доир таклифларни ишлаб чиқиш ва унинг самарали бажарилишини таъминлашни ўзининг устувор вазифаларидан, деб билади.



Оилали. Тўрт нафар фарзанди бор.

# ЎЗБЕКИСТОН "АДОЛАТ" СДП НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

## УМИРОВ АБДУҒАНИ ЭРГАШЕВИЧ

### 128-Нишон сайлов округи

**Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**



Абдуғани Умиров 1964 йилда Қашқадарё вилоятида туғилган. Миллати — ўзбек. Маълумоти — олий. 1989 йили Тошкент халқ хўжалиги институтининг иқтисодиёт факультетини тамомлаган.

Меҳнат фаолиятини 1981 йилда Қашқадарё вилояти 19-трестда ҳисобчи лавозимидан бошлаган. 1990-2000 йилларда Қашқадарё вилояти У.Юсупов тумани Молия бўлими солиқчи-тафтишчи инспектори, катта солиқчи-тафтишчи инспектори, Молия бўлимида тафтишчи-назоратчи, Молия бўлими мудири ўринбосари, Бюджет бўлими бошлиғи вазифаларида ишлаган. 2000-2004 йилларда Муборак тумани Молия бўлими мудири, 2004-2009 йилларда Қашқадарё вилояти Молия бошқармаси бошлиғи ўринбосари, 2009-2015 йилларда Қашқадарё вилояти Иқтисодиёт бош бошқармаси бошлиғи лавозимларида ишлаган.

2015 йилдан ҳозирги кунга қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати – Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси аъзоси сифатида фаолият юритиб келмоқда.

А.Умиров Қонунчилик палатасида қабул қилинган 14 та қонун лойиҳаларини тайёрлашда ишчи гуруҳи аъзоси сифатида бевосита иштирок этиб, қонун нормаларини такомиллаштириш бўйича асослантирилган амалий таклифлар киритилишига эришди. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси, Солиқ кодекси, Божхона кодекси, Иқтисодий процессуал кодекси, Фуқаролик кодекси нормаларини ҳамда "Рақобат тўғрисида"ги, "Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида"ги, "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги, "Банкротлик тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида"ги "Валютани тартибга солиш тўғрисида"ги қонунлари нормаларини янада такомиллаштиришда А.Умировнинг кўплаб асосли таклифлари муносиб ўрин топди.

У парламентнинг назорат-таҳлил фаолиятида ҳам фаол иштирок этиб келмоқда. Жумладан, қонунларнинг ижро этилиши ҳолати бўйича 7 та назорат-таҳлил тадбирларини тайёрлаш ва ўтказишда бевосита иштирок этди ва натижалари асосида қўмита ва палата эшитувлари ўтказилишига эришилди.Шунингдек, жамоатчилик билан алоқалар масаласига алоҳида эътибор қаратади. Хусусан, у ўтган давр давомида марказий ва маҳаллий телевидениеда 120 дан ортиқ, радиода 60 дан ортиқ чиқишлар қилди. Марказий ва маҳаллий босма нашрларда ҳамда электрон сайтларда 130 дан ортиқ мақолалари чоп этилган.

Номзоднинг дастуридан рақамли технологияларга асосланган инновацион миллий иқтисодиётни барпо этиш, "Фаровон давлат" қуриш, аҳолининг турмуш даражасини янада юксалтириш, тадбиркорликни ҳар бир фуқаронинг ўзига хос қобилияти ва имкониятини инобатга олган ҳолда ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш ва унинг олдига ғов бўлаётган бюрократик тўсиқларни бартараф этиш орқали мамлакатнинг иқтисодий қудратини мустаҳкамлаш, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг тарафдори сифатида юксак технологияли маҳсулот, маълумотлар алмашинуви жадал технологияси ва виртуал молиявий хизматларга таянган рақамли иқтисодиёт улушини ялпи ички маҳсулот таркибида 2025 йилга қадар 45 фоизга етказиш, иқтисодий соҳада республикамизда олиб борилаётган макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш, иқтисодий ўсиш суръатларини давом эттириш, бюджет ҳамда миллий валютамиз барқарорлигини таъминлаш, банк ва суғурта тизимларини янада мустаҳкамлаш каби муҳим масалалар ўрин олган.

Оилали. Тўрт нафар фарзанди бор.

## ТАШЕВА ОРАСТА АЗАМАТОВНА

### 129-Косон сайлов округи

**Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**



Ораста Ташева 1972 йилда Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳрида туғилган. Миллати — ўзбек. Маълумоти – олий. 1996 йилда Қарши давлат университети "Ўзбек тили ва адабиёти" факультетини тамомлаган. Мутахассислиги – филолог.

У меҳнат фаолиятини 1991 йилда Қарши педагогика билим юрти талабалар касаба уюшмаси мутахассиси вазифасидан бошлаган. 1995-2000 йилларда Қарши педагогика коллежи "Ўзбек тили ва адабиёти" кафедраси ўқитувчиси, 2000-2013 йилларда "Ўзбек тили ва адабиёти" кафедраси мудири, 2013-2014 йилларда Қарши шаҳридаги 21-умумтаълим мактаби директори, 2014-2017 йилларда Қарши шаҳар ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси, 2017 йил Қарши шаҳар ҳокимлиги ижтимоий соҳа бош мутахассиси, 2017 йилдан Қарши шаҳар мактабгача таълим бўлими мудири вазифасида ишлаб келмоқда.

О.Ташева "Ахборот технологиялари – адабий таълим самарадорлигини оширишнинг муҳим омили", "Улуғ шоҳ ва нозиктаъб шоир", "Муҳаммад Юсуф шеърларида маънавият масалалари", "Бобурнома"да жой номлари таърифи", "Абдулла Орипов ижодида маънавият масалалари", "Ўйлашни ўргатган адиб", "Ўткир Ҳошимов асарларида миллий қадриятлар талқини" каби ўнлаб илмий мақолалар муаллифи.

У хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, 3-7 ёшли болаларни мактабгача таълимга қамраш борасидаги "Фарзандингиз мактабга тайёрми?", "Фарзандингизни мактабгача таълим ташкилотига қўймоқчимисиз?", "Сиз хусусий мактабгача таълим ташкилоти очиб, ўз тадбиркорлигингизни бошламоқчимисиз?", "Бир болага ўн китоб", "Беш ташаббус – беш имконият – мактабгача тарбия ёшидаги болалар истеъдодлари ривожланишидаги муҳим омил", "Энг яхши дидактик ўйинчоқ" каби мавзулардаги тарғибот материаллари, кўрик-танлов ва лойиҳалар ташаббускори. Шунингдек, мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлоднинг интеллектуал эҳтиёжларини қондиришга, маданий-маърифий қадриятларни сақлашга қаратилган мутлақо янги, замонавий кўринишда яратилаётган ахборот-кутубхона тизимидан унумли фойдаланишга, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини ахборот-кутубхона, мактабгача таълим масканларига кенг жорий этишда самарага эришишни ўзи учун устувор вазифа, деб билади.

Номзоднинг дастуридан партиянинг Сайловолди дастурида илгари сурилган ғояларга ҳамоҳанг ҳолда, шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар, иқтисодий-ижтимоий ҳуқуқларга оид қонунлар, дастур ва лойиҳалар ижросида фаол иштирок этиш, ҳудуднинг мавқеини янада кўтариш, коммунал хизматлар сифат даражасини ошириш, аҳоли саломатлиги ва турмуши фаровонлигига, таълим сифатини оширишга йўналтирилган қонунлар ижросига доир лойиҳаларни амалга ошириш каби масалалар ўрин олган.

Оилали. Икки нафар фарзанди бор.

## БОБОҚУЛОВ ШОХНАЗАР ОЧИЛОВИЧ

### 130-Касби сайлов округи

**Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Шохназар Бобоқулов 1971 йилда Қашқадарё вилояти, Касби туманида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий. 1993 йилда Тошкент давлат университети кундузги бўлимини, 2002 йилда Ўзбекистон миллий университети сиртқи бўлимини тамомлаган.



Мутахассислиги – математика фани ўқитувчиси, ҳуқуқшунос. Учинчи даражали адлия маслаҳатчиси, юридик фанлар номзоди, ўрта махсус касб-ҳунар таълими аълочиси.

Ш.Бобоқулов 1993-1998 йилларда Ўзбекистон Фанлар академияси Кибернетика институти муҳандиси, кичик илмий ходими вазифасида фаолият олиб борган. 1998-2000 йилларда Тошкент давлат юридик институти ўқитувчиси, 2000-2002 йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди катта суд ижрочиси, Тошкент шаҳар хўжалик суди катта суд ижрочиси, катта суд маслаҳатчиси лавозимларида, 2002-2005 йилларда Тошкент давлат юридик институти тайёрлов таълим маркази директори, 2005-2007 йилларда Ўзбекистон Миллий университети ҳуқуқшунослик факультети декани муовини, 2007-2008 йилларда Тошкент давлат юридик институти ҳузуридаги академик лицейи директори вазифаси бажарувчиси лавозимларида ишлаган. 2008 йилдан Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги академик лицей директори лавозимида фаолият олиб бормоқда.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги таълим муассасаларини ахборот-методик таъминлаш хизмати ҳузуридаги "Ўқув методик бирлашмаси" ижтимоий-гуманитар фанлар йўналиши бўйича ташкил этилган кенгаш раиси ўринбосари сифатида таълим тизимида давлат таълим стандартлари, намунавий ҳамда таянч ўқув режаларини ишлаб чиқиш ва амалда қўллашда ҳам самарали фаолият юритиб келмоқда.

Ш.Бобоқулов томонидан 2 та монография, 2 та ўқув-услубий қўлланма, 60 дан ортиқ илмий мақолалар эълон қилинган.

У меҳнат фаолияти давомида фаол жамоатчи, билимдон, миллий қадриятларни яхши ўзлаштирган, ҳуқуқий ҳамда сиёсатшуносликка оид билимларни пухта эгаллаган, масъулиятни чуқур ҳис қиладиган, мушкул вазиятларда доимо аниқ ва реал фикр юритиб, муаммони ҳал қилишда ўз лойиҳасини тақдим эта оладиган шахс бўлиб шаклланган.

Номзоднинг дастуридан партиянинг Сайловолди дастурида илгари сурилган ғояларга таянган ҳолда, шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар, иқтисодий-ижтимоий ҳуқуқларга оид қонунлар, дастур ва лойиҳалар ижросида фаол иштирок этиш, аҳоли саломатлиги ва фаровонлигига йўналтирилган қонунлар ижросига доир лойиҳаларни амалга ошириш, кўнгиллилик институтини кенг тарғиб қилиш, сайловчиларга ҳуқуқий маслаҳатлар бериш каби муҳим масалалар ўрин олган.

Оилали. Тўрт нафар фарзанди бор.

## ЧОРШАНБИЕВ АКТАМ ЗИЯДУЛЛАЕВИЧ

### 131-Китоб сайлов округи

**Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Актам Чоршанбиев 1981 йилда Қашқадарё вилояти, Китоб туманида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий. 2002 йили Тошкент архитектура қурилиш институтини тамомлаган. Мутахассислиги – архитектор.



У 2002-2003 йилларда Тошкент шаҳридаги "Альянс ривож" масъулияти чекланган жамияти мутахассиси, 2003-2004 йилларда "Тоштемирйўллойиҳа" очиқ акциядорлик жамияти архитектори, 2004-2007 йилларда "Тошкентбошплан" лойиҳалаш илмий текшириш институти 1-тоифали архитектори, 2007-2010 йилларда "Нефтегазсаноатлойиҳа" масъулияти чекланган жамияти 2-тоифали архитектори, 2010-2016 йилларда Юқори Чирчиқ тумани бош меъмори, 2016-2018 йилларда Тошкент вилояти бош архитектори лавозимларида фаолият олиб борган. 2018 йилдан Тошкент вилояти Архитектура ва қурилиш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари – вилоят бош архитектори лавозимида ишлаб келмоқда.

А.Чоршанбиев меҳнат фаолияти давомида фаол жамоатчи, билимдон, замонавий дунёқараш эгаси, миллий қадриятларни яхши ўзлаштирган, масъулиятни чуқур хис қиладиган, мушкул вазиятларда доимо аниқ ва реал фикр юритиб, муаммони ҳал қилишда ўз лойиҳасини тақдим эта оладиган шахс бўлиб шаклланган.

Номзоднинг дастуридан рақамли технологияларга асосланган инновацион миллий иқтисодиётни барпо этиш, "Фаровон давлат" қуриш, аҳолининг турмуш даражасини янада юксалтириш, тадбиркорликни ҳар бир фуқаронинг ўзига хос қобилияти ва имкониятини инобатга олган ҳолда ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш ва унинг олдига ғов бўлаётган бюрократик тўсиқларни бартараф этиш орқали мамлакатнинг иқтисодий қудратини мустаҳкамлаш, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг тарафдори сифатида юксак технологияли маҳсулот, маълумотлар алмашинуви жадал технологияси ва виртуал молиявий хизматларга таянган рақамли иқтисодиёт улушини ялпи ички маҳсулот таркибида 2025 йилга қадар 45 фоизга етказиш, иқтисодий соҳада республикамизда олиб борилаётган макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш, иқтисодий ўсиш суръатларини давом эттириш, бюджет ҳамда миллий валютамиз барқарорлигини таъминлаш, банк ва суғурта тизимларини янада мустаҳкамлаш каби муҳим масалалар ўрин олган. Шунингдек, номзод ҳудудларда мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиш, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари томонидан ҳудудий дастурлар ижросини бажариш устидан мунтазам назорат ўрнатиш, нафақат муайян ҳудуд, балки мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишига таъсир кўрсатиш, таклифлар бериш, шу орқали юрт тараққиёти, фаровонлигига ҳисса қўшишни ўзига устувор вазифа сифатида белгилаб олган.

Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

## АБРАЕВА НАЗИРА ҚУРБОНАЛИЕВНА

### 132-Чироқчи сайлов округи

**Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Назира Абраева 1967 йилда Қашқадарё вилояти, Чироқчи туманида туғилган. Маълумоти – олий. Миллати — ўзбек. 1993 йилда Қарши давлат университети филология факультетини тамомлаган. Мутахассислиги – ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси. Халқ таълими аълочиси.

У меҳнат фаолиятини 1984-1986 йилларда Чироқчи тумани болалар поликлиникаси регистратори вазифасидан бошлаган. 1986-2003 йилларда Чироқчи туманидаги 1-умумтаълим мактаби ўқитувчиси, 2005-2012 йилларда шу мактаб директори лавозимларида ишлаган. 2012 йилдан Чироқчи тумани халқ таълими бўлими мудири лавозимида ишлаб келмоқда.

Н.Абраева иш фаолияти давомида туманда умум таълим мактабларида таълим-тарбия ишлари самарадорлигини оширишда тизимли ишлар қилинмоқда. Бевосита унинг раҳбарлиги остида кейинги йилларда ўнлаб ўқув-семинарлар, очиқ дарслар ташкил этилиб, ўқувчилар ўрганиши лозим бўлган ўқув фанлари ва шу фанлар учун ажратилган ўқув соатлари ўрганилди. Натижада таълим-тарбия сифатини оширишда аниқ мақсадларга йўналтирилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалиётга тақдим этилди. Ҳозирги кунда таълим сифатини яхшилаш ва ўқитувчилар касбий маҳоратини ошириш юзасидан домий ҳаракатдаги ўқув-семинар ташкил этилган.

Унинг раҳбарлигида мониторинг натижаларига кўра, ўқувчилар билими нисбатан юқори деб топилган мактаблар негизида уларнинг фаолиятини ўрганиш, оммалаштириш мақсадида таълим сифатини оширишга қаратилган амалий семинарлар ўтказиш ҳамда жойларда "Маҳорат мактаби", "Дарс — муқаддас" ва "Ўрган-ўргат" тадбирлари ташкил этилмоқда.



Н.Абраева давлат бошқарувининг демократик усули бугунги кунда Ўзбекистонда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, авваламбор, халқ билан мулоқот принципини жуда яхши тушунади ва ўзи ҳам бу борада фаол иштирок этиб келмоқда.

Номзоднинг дастуридан партиянинг Сайловолди дастурида илгари сурилган ғояларга содиқ қолиб, шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар, иқтисодий-ижтимоий ҳуқуқларга оид қонунлар ва бошқа масалаларга оид давлат дастурларининг туман кесимидаги ижроси юзасидан депутатлик ва жамоатчилик назоратини ташкил этиш, аҳоли саломатлиги ва фаровонлигига, таълим сифатини оширишга, битирувчиларни ҳаётга тайёрлаш, сайловчиларга ҳуқуқий маслаҳатлар бериш, шунингдек, мамлакатимизда таълим тизимини янада ислоҳ қилиш, меҳнат бозори талабларига жавоб берадиган, сифатли таълим олиши учун тенг имкониятлар яратиб берадиган йўналишларда қўшимча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва мақсадли дастурлар ишлаб чиқиш каби муҳим масалалар ўрин олган.

Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

## МУСТАФОЕВА МАСТУРА АКРАМОВНА

### 133-Шаҳрисабз сайлов округи

**Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Мастура Мустафоева 1968 йилда Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз шаҳрида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий. 1991 йилда Самарқанд давлат тиббиёт институти даволаш факультетини тамомлаган. Мутахассислиги – эндокринолог.

Меҳнат фаолиятини 1991 йилда Шаҳрисабз шаҳар шифохонасида бир йиллик интернатурадан бошлаган. 1992-1998 йилларда Шаҳрисабз шаҳар поликлиникаси маҳалла терапевти, 1998-2002 йилларда туман поликлиникасида эндокринолог шифокор, 2002-2018 йилларда Шаҳрисабз тумани тиббиёт бирлашмаси эндокринология бўлими бошлиғи лавозимларида фаолият олиб борган. 2018 йилдан Шаҳрисабз шаҳар тиббиёт бирлашмаси эндокринология бўлими бошлиғи лавозимида ишлаб келмоқда.

М.Мустафоеванинг республика, вилоят, туман газеталари ва журналларида"Қандли диабет – ҳаёт тарзи", "Йод етишмаслик синдроми", "Эндокрин касалликлари профилактикаси", "Эндимик буқоқ ва унинг олдини олиш" каби 20 дан ортиқ мақолалари чоп этилган.

У аҳоли орасида эндокрин касалликларининг олдини олиш ва эрта аниқлаш мақсадида Тошкент Эндокринология илмий текшириш институти профессор-ўқитувчилари ҳамда "Умид" хайрия жамғармаси ҳомийлигида бир неча лойиҳаларни амалга ошириб, меҳнат фаолияти давомида кўп маротаба вилоят, туман, шаҳар тиббиёт бирлашмаларининг Фахрий ёрлиқлари билан тақдирланган.

Фаол жамоатчи, билимдон, замонавий дунёқараш эгаси, миллий қадриятларни яхши ўзлаштирган, мулоҳазали, эркин фикрлайдиган, масъулиятни чуқур ҳис қиладиган, мушкул вазиятларда доимо аниқ ва реал фикр юритиб, муаммони ҳал қилишда ўз лойиҳасини тақдим эта оладиган шахс.



Номзоднинг дастуридан тиббий хизмат сифатини ошириш, замонавий тиббий текширув аппаратларини олиб кириш, "Ақлли тиббиёт" лойиҳасини амалга татбиқ қилиш, аҳоли орасида тиббий маданиятни ривожлантириш, оналар ва болалар саломатлигини асраш, аҳолини арзон ва хавфсиз дори-дармон билан таъминлаш, таълим сифат даражасини ошириш каби муҳим масалалар ўрин олган. Шунингдек, у ўз дастури бюджет соҳаси ходимлари учун бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан идоравий уй-жойлар қурилиши ҳажмини кенгайтириш, бюджет соҳаси ходимлари томонидан уй-жой сотиб олиниши учун бошланғич маблағлар билан таъминлайдиган мақсадли субсидияларни жорий қилиш ҳамда соҳага доир қонунларнинг ижросини назорат қилишга ўз ҳиссасини қўшишни устувор вазифалар сифатида белгилаган.

Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

# ЎЗБЕКИСТОН "АДОЛАТ" СДП НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

## ХУДОЙҚУЛОВ ДИЛМУРАТ АБДИАЗИМОВИЧ

### 134-Яккабоғ сайлов округи

**Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Дилмурат Худойқулов 1986 йилда Қашқадарё вилояти, Яккабоғ туманида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий. 2009 йилда Тошкент давлат юридик институтини тамомлаган. Мутахассислиги – ҳуқуқшунос.

Д.Худойқулов 2009 йилда Қашқадарё вилояти адлия бошқармаси Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими катта маслаҳатчиси лавозимида ишлаган. 2009-2011 йилларда Қашқадарё вилояти адлия бошқармаси Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими катта маслаҳатчиси, 2011-2012 йилларда Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими бош маслаҳатчиси, 2012-2015 йилларда хорижий инвестициялар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи, 2015-2017 йилларда Ҳуқуқий экспертиза ва қонун ҳужжатларини туркумлаш шўъбаси мудири, 2017-2018 йилларда Юридик хизматларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва методик таъминлаш шўъбаси мудири,



ҳуқуқий экспертиза ва юридик хизматлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи лавозимларида фаолият олиб борган. 2018 йилдан Қашқадарё вилояти адлия бошқармаси Ҳуқуқий хизмат кўрсатишни давлат томонидан тартибга солиш бўлими бошлиғи вазифасида ишлаб келмоқда. Учинчи даражали адлия маслаҳатчиси.

У меҳнат фаолияти давомида фаол жамоатчи, билимдон, замонавий дунёқараш эгаси, миллий қадриятларни яхши ўзлаштирган, мамлакатимизда барча соҳаларда кенг кўламда олиб борилаётган ислоҳотларда фаол ва ташаббускорлик билан иштирок этиб, янги қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари, уларга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларни манзилли тарғиб қилиб, кўплаб аҳоли қатламларига уларнинг мазмун-моҳиятини халқчил, содда ва равон тилда етказиб келмоқда. Мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлашда бевосита ўз ҳиссасини қўшмоқда, масъулиятни чуқур ҳис қиладиган, мушкул вазиятларда доимо аниқ ва реал фикр юритиб, муаммони ҳал қилишда ўз лойиҳасини тақдим эта оладиган шахс бўлиб шаклланган.

Номзоднинг дастурида шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар, иқтисодий-ижтимоий ҳуқуқларга оид қонунлар, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган, яъни ногиронлиги бор бўлган аҳолининг яшаш шароитини, дори-дармонга бўлган эҳтиёжини яхшилашда қонун даражасида ечимини топиш, тиббий хизматни такомиллаштириш, ёшлар ва хотин-қизлар ўртасида жиноятчиликнинг ва ишсизликнинг олдини олиш, ҳудуд мавқеини янада кўтариш, коммунал хизматлар сифати даражасини ошириш каби муҳим масалалар ўрин олган.

Оилали, 4 нафар фарзанди бор.

## ХАМЗАЕВ ДИЛШОД БАЙМУРОДОВИЧ

### 135-Ғузор сайлов округи

**Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Дилшод Хамзаев 1969 йилда Қашқадарё вилояти, Ғузор туманида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий. 1993 йили Тошкент давлат университетини, 1998 йили Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясини тамомлаган. Мутахассислиги — иқтисодиёт.

Д.Хамзаев 1993-2000 йилларда Қашқадарё вилояти Давлат солиқ бошқармаси инспектори, катта инспектори, бош инспектори, 1999-2000 йилларда Миробод тумани Давлат солиқ инспекцияси гуруҳ раҳбари, 2000-2005 йилларда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Илмий-изланиш институти етакчи илмий ходими, бўлим мудири, директор ўринбосари, 2005-2006 йилларда Солиқ-бюджет сиёсатини такомиллаштириш тадқиқотчилар гуруҳи раҳбари, 2006-2007 йилларда "Умумтаълим мактабларига Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш" лойиҳаси раҳбари, лойиҳани амалга ошириш гуруҳи менежери ўринбосари, 2007-2010 йилларда "Умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув адабиётларини нашр этиш тизимини такомиллаштириш" лойиҳаси 2-босқич менежери, 2011 йилда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Молия органлари ходимлари ва бюджет ташкилотлари молия-ҳисоб бўлинмалари ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ўқув маркази Таълим дастури ва илмий тадқиқот ишланмалари сектори мудири, 2011-2017 йилларда Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотлар бошқармаси нархларни шакллантиришни ва иқтисодий нормалашни таҳлил қилиш бўлими бошлиғи, бошқарма бошлиғи ўринбосари, бошқарма бошлиғи, 2017-2018 йилларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати Коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси масалалари Ахборот-таҳлил департаменти бош инспектори, 2018-2019 йилларда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги бош бошқармаси бошлиғи лавозимларида фаолият кўрсатган. 2019 йилдан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги Маъмурий ва хўжалик фаолияти бошқармаси бошлиғи лавозимида ишлаб келмоқда.



Номзоднинг дастуридан фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари, иқтисодий-ижтимоий ҳуқуқларга оид қонунлар, дастур ва лойиҳалар ижросида фаол иштирок этиш; иқтисодий-ижтимоий ва бошқа масалаларга оид давлат дастурларининг ҳудудлар кесимидаги ижроси юзасидан депутатлик ва жамоатчилик назоратини ташкил этиш, аҳолининг ижтимоий аҳволини яхшилаш, ҳудудларда ичимлик суви таъминотини яхшилаш мақсадида, вазирликлар доирасида хорижий ташкилотлар томонидан амалга ошириладиган йирик инвестицион лойиҳаларни дастурга киритиш, ёшларни хорижий ОТМларда таълим олиши имкониятларини кенгайтириш, янги йўналишлар ва мутахассисликларни киритиш ва амалга ошириш; мактабгача таълим муассасалари ҳамда ўрта мактабларида хорижий ташкилотларнинг беғараз кўмаги ёрдамида хорижий мутахассисларни жалб этиш, мактабгача таълим ва ўрта таълим тизимига инвестициялар киритиш ишларини йўлга қўйиш, кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг ижтимоий аҳволини яхшилашга ҳисса қўшиш каби муҳим масалалар ўрин олган.

Оилали. Икки нафар фарзанди бор.

## ХАМРАЕВ НОДИРБЕК РАВШАНОВИЧ

### 136-Деҳқонобод сайлов округи

**Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Нодирбек Хамраев 1984 йилда Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳрида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий. 2005 йилда Қарши давлат университетини, 2011 йилда Тошкент молия институтини тамомлаган. Мутахассислиги – тарих, молия.



Н.Хамраев меҳнат фаолиятини 2005 йилда Қашқадарё вилояти Статистика бошқармаси Ташқи иқтисодий алоқалар статистикаси бўлими 1-тоифали мутахассиси вазифасидан бошлаган. 2005-2007 йилларда Кадрлар ва махсус ишлар бўлими мутахассиси, 2007-2009 йилларда Хўжалик юритувчи субъектлар молия статистикаси бўлими етакчи мутахассиси, бош мутахассиси, 2009-2010 йилларда Статистика фаолиятини ташкил этиш ва йиғма ишлар бўлими бошлиғи ўринбосари, 2010-2011 йилларда Статистика фаолиятини ташкил этиш ва йиғма ишлар бўлими бошлиғи, 2011-2013 йилларда бошқарма бошлиғи ўринбосари вазифасини бажарувчи, 2013-2016 йилларда бошқарма бошлиғи ўринбосари, 2016 йилда бошқарма бошлиғининг биринчи ўринбосари, 2016-2017 йилларда Қашқадарё вилояти ҳокимлиги Ҳудудларни комплекс ривожлантириш йиғма бошқармаси Йиғма бўлими бошлиғи — бошқарма бошлиғи ўринбосари, 2017-2019 йилларда Қашқадарё вилояти Иқтисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари лавозимларида фаолият олиб борган. 2019 йилдан Қашқадарё вилояти иқтисодиёт ва саноат бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари лавозимида ишлаб келмоқда. Шунингдек, 2019 йилнинг сентябрь ойидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси тингловчиси.

Н.Хамраев меҳнат фаолияти давомида фаол жамоатчи, билимдон, замонавий дунёқараш эгаси, миллий қадриятларни яхши ўзлаштирган, ҳуқуқий, иқтисодиёт,сиёсатга оид билимларни пухта эгаллаган, масъулиятни чуқур ҳис қиладиган, муаммони ижобий ҳал қилишда ўз лойиҳасини тақдим эта оладиган шахс бўлиб шаклланган.

Номзоднинг дастуридан фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларнинг хуқуқлари ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, ҳудуднинг мавқеини янада кўтариш, ҳудудни иқтисодий-сармоявий, маданий жиҳатдан замонавийлаштириш, ижтимоий-иқтисодий дастурларни амалга оширишда, гуманитар муаммоларни ҳал этишда, аҳоли турли қатламларининг ҳуқуқи ва эркинликлари ҳамда манфаатларини ҳимоя қилишда фуқаролик жамияти институтларининг давлат тузилмалари билан ҳамкорлигининг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини изчил равишда такомиллаштириб бориш каби масалалар ўрин олган.

Оилали. Бир нафар фарзанди бор.

## ХУШВАҚТОВА МАХФУРАТ ДЖАББАРОВНА

### 137-Муборак сайлов округи

**Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Махфурат Хушвақтова 1973 йилда Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳрида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий. 1997 йилда Самарқанд давлат тиббиёт институтини тамомлаган. Мутахассислиги — гинеколог-шифокор.



У 1997-1998 йилларда Қашқадарё вилояти туғруқхонасида интернатура, 1998-2004 йилларда Қарши шаҳридаги 2-сонли поликлиникаси акушер гинеколог шифокори, 2004-2009 йилларда Қарши шаҳридаги 2-сонли поликлиника оила ва никоҳ бўлими бошлиғи, 2009-2012 йилларда Қарши шаҳар Тиббиёт бирлашмаси Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича бошлиқ ўринбосари, 2012-2017 йилларда Қашқадарё вилояти Тиббиёт диагностика маркази гинекология бўлими бошлиғи ва акушер гинеколог шифокори вазифаларида фаолият олиб борган. 2017 йилдан Қашқадарё вилояти она ва бола скрининг маркази бош шифокори лавозимида ишлаб келмоқда.

М.Хушвақтова меҳнат фаолияти давомида фаол жамоатчи, билимдон, замонавий дунёқараш эгаси, миллий қадриятларни яхши ўзлаштирган, хотин-қизларда учрайдиган касалликларнинг олдини олиш ва даволашга оид билимларни пухта эгаллаган, масъулиятни чуқур ҳис қиладиган, мушкул вазиятларда доимо аниқ ва реал фикр юритиб, муаммони ҳал қилишда ўз лойиҳасини тақдим эта оладиган шахс бўлиб шаклланган.

У мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар халқимиз томонидан қўллаб-қувватланаётганлигини, бу ўзгаришларнинг дастлабки натижалари аҳолимиз ҳаёти ва кундалик турмушида ўзининг яққол ифодасини топаётганлиги, халқимизнинг ижтимоий фаоллиги, эртанги кунга ишончи ўсиб бораётганлигини жуда яхши тушунади ва ўзи ҳам бу борада фаол иштирок этиб келмоқда.

Номзоднинг дастуридан аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, оналар ва болалар саломатлигини асраш, шунингдек, соғлом авлодни шакллантириш мақсадида болалар орасида кўп учрайдиган юқумли касалликларни бартараф этиш, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган яъни, ногиронлиги бор бўлган аҳолининг яшаш шароитини, дори-дармонга бўлган эҳтиёжини имкон қадар яхшилашнинг, қонун доирасида ечимини топиш ҳамда давлат томонидан уларнинг ҳуқуқлари ҳимояланишини, тиббий хизматни такомиллаштириш, халқ табобати ривожланишига алоҳида эътибор қаратиш, аёллар тиббий маслаҳатхоналари, скрининг ва пренатал марказлари, туғруқ комплекслари, гинекологик ва патронаж хизматлари фаолиятини доимий яхшилаб бориш, таълим сифат даражасини ошириш, иқтидорли ёшлар учун ҳудудда шарт-шароитлар яратиш, ҳудудни иқтисодий, ижтимоий-маданий жиҳатдан замонавийлаштириш каби муҳим масалалар ўрин олган.

Оилали, 3 нафар фарзанди бор.

## ХУШИМОВ ШЕРЗОД ШОИМОВИЧ

### 138-Кўкдала сайлов округи

**Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Шерзод Хушимов 1984 йилда Қашқадарё вилояти, Китоб туманида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий. 2005 йилда Тошкент ахборот технологиялари университетини информатика ва ахборот технологиялари, 2015 йилда компьютер инжиниринги мутахассислиги бўйича тамомлаган.

Ш.Хушимов 2005-2008 йилларда "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси "ЎзМобайл" филиали Қашқадарё боғламаси муҳандиси, 2008-2012 йилларда Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Қашқадарё вилояти ҳудудий бошқармаси мутахассиси, 2012-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси Қашқадарё вилояти ҳудудий бошқармаси етакчи мутахассиси, 2015-2018 йилларда Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Қашқадарё вилояти ҳудудий бошқармаси етакчи мутахассиси, бош мутахассиси, бўлим бошлиғи лавозимларида фаолият олиб борган. 2018 йилдан Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Қашқадарё вилояти ҳудудий бошқармаси Телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш бўлим бошлиғи — бошлиқ ўринбосари лавозимида фаолият олиб бормоқда.

Ш.Хушимов Қашқадарё вилоятида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини ривожлантиришга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишида, ҳудудда "Электрон ҳукумат" тизимини жорий этиш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш, телекоммуникация тармоқларини модернизациялаш ва такомиллаштириш, соҳа ташкилотлари билан таълим муассасалари ҳамкорлигини йўлга қўйиш ҳамда иқтисодиёт тармоқларида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ишларини мувофиқлаштиришда фаол иштирок этиб келмоқда.



Номзоднинг дастуридан биринчи галда фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги, ишлаб чиқариш ва саноатда замонавий технологияларни қўллаш, давлат хизматларини автоматлаштириш орқали бошқарув жараёнларининг шаффофлигини ошириш, юқори тезликдаги интернет хизматларини жорий этиш орқали, меҳнат ва бандлик, ижтимоий хавфсизлик ва меҳнат муҳофазаси, соғлиқни сақлаш, қулай турмуш шарт-шароитларини яратиш, Ягона портал, I-Banking (Интернет банкинг), E-bog'cha (Электронбоғча), E-maktab (Электрон мактаб) ва масофавий таълим тизимларини қўллаш, ота-оналар томонидан мактаб ўқувчилари, боғча тарбияланувчилари таълим жараёнларини онлайн кузатиш, экологик соф истеъмол товарларини ишлаб чиқаришни умумдавлат сиёсати даражасига олиб чиқиш ва у билан боғлиқ фуқаролар саломатлигини ҳимоя қилишни қонун асосида кучайтириш ўрин олган.

Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

## Тошкент шаҳри бўйича

## АЮБДЖАНОВ АКРОМ АББАСОВИЧ

### 139-Оқтепа сайлов округи

**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Акром Аюбджанов 1982 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий. 2003 йили Тошкент давлат иқтисодиёт университетини тамомлаган.

Акром Аюбджанов 2003-2005 йилларда Акциядорлик тижорат банк "Ҳамкорбанк" кредит бўлими етакчи мутахассиси, 2005-2006 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони 2-тоифали иш юритувчиси, 2006-2012 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институтининг Минтақавий тадқиқотлар маркази илмий ходими, катта илмий ходими, лойиҳа раҳбари в.б., 2012-2017 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти девони Олий Мажлис, сиёсий ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш хизмати етакчи консультанти, 2017-2018 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти девони Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш хизмати бош инспектори лавозимларида фаолият юритган. 2018 йилдан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти Ички муаммолар ва барқарор ривожланишни тадқиқ этиш маркази бош илмий ходими лавозимида фаолият олиб бормоқда.

Аюбджанов Акром Аббасовичнинг сайловолди дастуридан қонун устуворлигини таъминлаш, барчага миллати, ёши, ижтимоий ва иқтисодий мавқеидан қатъий назар тенг имкониятлар яратиш

бошқарувда шаффофлик, ошкоралик ва ҳисобдорлик тамойилларини таъминлаш, жамият ҳаётига таалуқли муҳим қарорлар қабул қилиш жараёнида жамоатчиликнинг фаол иштирокини таъминлаш

қонуности ҳужжатларнинг ҳажмини камайтириш

суд ҳокимияти мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, суд жараёни иштирокчиларининг тенглигини таъминлаш, адвокатура институтининг ҳуқуқ ва ваколатларини янада кенгайтириш

аҳолининг даромади бўйича кескин табақаланишининг олдини олиш ва шу орқали ижтимоий муносабатларда барқарорлик ва уйғунликни таъминлаш

умумтаълим мактабларнинг бошланғич синфларида узайтирилган кун гуруҳларини жорий қилиш ва ўқувчиларни соғлом овқатлантиришни тизимли йўлга қўйиш

олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини яхшилаш

илм-фаннинг ролини ошириш. Олимларни, айниқса, ёш олимларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш

соғлиқни сақлашнинг давлат секторини мустаҳкамлаш, соҳага хорижий инвестицияларни жалб этиш, тиббий хизматлар экспортини ривожлантириш

аҳолини юқори хавфсиз дори-дармон ва тиббий воситалар билан арзон нархларда таъминлаш, дорилар рекламасини чеклаш



ахборот соҳасини янада демократлаштириш, оммавий ахборот воситалари ходимларининг, айниқса, журналист ва блогерларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш

макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш, бюджет ҳамда миллий валюта барқарорлигини таъминлаш, банк тизимини янада мустаҳкамлаш

замонавий бизнес муҳитни ташкил этиш, иқтисодиётда сунъий монополияларга барҳам бериш ва мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган рақобатни қўллаб-қувватлаш

ташқи сиёсатда миллий манфаатлар устуворлигини таъминлаш

Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

# ЎЗБЕКИСТОН "АДОЛАТ" СДП НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

## РАХИМОВА ЗУЛАЙХО ТУЛКИНОВНА

### 140-Дархон сайлов округи

**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Зулайхо Рахимова 1980 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий. 2005 йилда Тошкент педиатрия тиббиёт институтини тугатган.

Зулайхо Рахимова 2008-2010 йилларда Тошкент педиатрия тиббиёт институти тери таносил касалликлари кафедрасида клиник ординатор, 2010-2011 йилларда Мирзо Улуғбек тумани 3-сон тери таносил касалликлари диспансери врач дерматовенеролог, 2011-2014 йилларда Мирзо Улуғбек тумани 3-сон тери таносил касалликлари диспансери бош шифокори ўринбосари, 2014-2018 йилларда Мирзо Улуғбек тумани тиббиёт бирлашмаси бош шифокори ўринбосари лавозимларида ишлаган. 2018 йилдан Мирзо Улуғбек тумани тиббиёт бирлашмаси шифокори сифатида фаолият олиб бораяпти.



У фаол жамоатчи, билимдон, замонавий дунёқараш эгаси, миллий қадриятларни яхши ўзлаштирган, ҳуқуқий, сиёсатшуносликка оид билимларни пухта эгаллаган, масъулиятни чуқур ҳис қиладиган, мушкул вазиятларда доимо аниқ ва реал фикр юритиб, муаммони ҳал қилишда ўз лойиҳасини тақдим эта оладиган шахс бўлиб шаклланган.

Номзоднинг дастуридан фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилиш ва амалга оширишда жамоат ташкилотларини кенг жалб этиш, шунингдек, соғлиқни сақлаш соҳасининг хусусий секторини барқарор ривожланишнинг муҳим омилларидан бири сифатида тан олиш, соғлиқни сақлашнинг давлат секторини мустаҳкамлаш, соғлиқни сақлаш соҳасида юқори малакали хорижий мутахассислар сонини ошириш ва хорижий инвестицияларни кенгайтириш, кадрлар малакасини ошириш ва тайёрлаш самарали тизимини шакллантириш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш ва ушбу соҳада тизимли ишларни кучайтириш каби масалалар ўрин олган. Шу билан бирга, у ўз сайловолди дастурида халқнинг ишончли вакили сифатида давлат дорихона муассасалари тармоғини кенгайтириш ҳамда соғлом рақобат муҳитини яратиш ва дори-дармонлар нархини пасайтириш омили сифатида улар учун чекланган рентабеллик даражасини ўрнатиш, шунингдек, аҳолини давлат дорихоналари муассасалари орқали эҳтиёжни қоплайдиган ҳажмда дори воситалари билан таъминлаш масалалари устидан назорат ўрнатишни ҳам устувор вазифа сифатида белгилаган. Тошкент шаҳрининг мавқеини янада кўтариш, коммунал хизматлар сифат даражасини ошириш, ҳудудни иқтисодий-сармоявий, ижтимоий, маданий жиҳатдан замонавийлаштириш, сиёсий фаол, республика бошқарувида бевосита иштирок этадиган, жамиятимизда демократлашув жараёнларини илгари сурадиган ҳудудлардан бири сифатида шакллантириш каби муҳим масалалар ўрин олган.

Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

## АБДУЛЛАЕВА ОЙДИН УТАМУРОДОВНА

### 141-Темирйўлчи сайлов округи

**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Ойдин Абдуллаева 1976 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий. 1999 йилда Тошкент давлат консерваториясини тугатган. Консерватория профессори. 2000 йилда «Зулфия» номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланган. 3 та дарслик, 3 та қўлланма, республика ва кўплаб хориж журналларида чоп этилган илмий мақолалар муаллифи. 9 нафар шогирди халқаро, республика танловлари совриндори бўлган. Мусиқий асарлари АҚШ, Россия, Европа мамлакатларида муваффақиятли ижро этилган.



О.Абдуллаева 1999 йилда Тошкент давлат консерваторияси ўқитувчиси, 1999-2001 йилларда Тошкент давлат консерваторияси ассистент-стажёри, 2001-2002 йилларда "Мусиқа назарияси" кафедраси ўқитувчиси, 2002-2004 йилларда "Мусиқа назарияси" кафедраси ўқитувчиси, 2004-2007 йилларда Ўзбекистон давлат консерваторияси "Бастакорлик ва чолғулаштириш" кафедраси катта ўқитувчиси, 2007-2009 йилларда "Бастакорлик ва чолғулаштириш" кафедраси доценти вазифасини бажарувчи, 2009-2011 йилларда "Бастакорлик ва чолғулаштириш" кафедраси доценти, 2011-2016 йилларда "Бастакорлик ва чолғулаштириш" кафедраси мудири вазифасини бажарувчи лавозимида фаолият олиб борган. 2016 йилдан Ўзбекистон давлат консерваторияси "Бастакорлик ва чолғулаштириш" кафедраси мудири лавозимида ишлаб келмоқда.

У фаол жамоатчи, билимдон, замонавий дунёқараш эгаси, миллий қадриятларни яхши ўзлаштирган, ҳуқуқий, сиёсатшуносликка оид билимларни пухта эгаллаган, масъулиятни чуқур ҳис қиладиган, мушкул вазиятларда доимо аниқ ва реал фикр юритиб, муаммони ҳал қилишда ўз лойиҳасини тақдим эта оладиган шахс бўлиб шаклланган.

Номзоднинг дастуридан фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилиш ва амалга оширишда жамоат ташкилотларини кенг жалб этиш, шунингдек, синфлардаги ўқувчилар сонини оптималлаштириш, электрон ўқув-таълим дастурлари ва мультимедиа маҳсулотлари миқдори ва сифатини ошириш, касб-ҳунар таълимининг меҳнат бозори билан алоқасини янада мустаҳкамлаш, мутахассисларни мақсадли тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, ўқитувчилар ҳуқуқий мақомини янада кўтариш, уларнинг иш ҳақи ва ижтимоий мавқеини оширишга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни амалга ошириш, олий маълумотлилар сони бўйича мамлакат даражасини кўтариш мақсадида олий ўқув юртларига кириш квоталарини босқичма-босқич ошириб бориш, меҳнатга ҳақ тўлаш билан фуқароларнинг яшаш минимуми харажатлари ўртасидаги тавофутларни кескин қисқартириш, энг кам иш ҳақи, пенсия ва энг зарур "яшаш минимуми" ҳамда "истеъмол савати"нинг ўзаро мутаносиблигига эришиш ва минимал иш ҳақини бозордаги нарх-навога мутаносиб равишда ошириш каби муҳим масалалар ўрин олган.

## ИШАНКУЛОВ ФАРХОД ПАРМАНОВИЧ

### 142-Қорақамиш сайлов округи

**Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Фарход Ишанкулов 1986 йилда Тошкент вилоятида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий. 2010 йили Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг фалсафа факультетининг социология йўналишини тамомлаган. Мутахассислиги – социолог.



2017 йилдан бошлаб халқ депутатлари Миробод тумани Кенгаши депутати. 2011 йилда "Ўзбекистон Республикаси мутақиллигига 20 йил", 2017 йилда "Ўзбекистон конституциясига 25 йил" эсдалик нишонлари билан тақдирланган.

Меҳнат фаолиятини 2010-2013 йилларда Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Тошкент шаҳар кенгаши мутахассиси, етакчи мутахассиси, Учтепа туман кенгаши раиси лавозимларидан бошлаган. 2013-2015 йилларда Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Тошкент шаҳар кенгаши раисининг мафкуравий ишлар бўйича ўринбосари бўлиб ишлаган. 2015-2016 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг Бошқарув кадрларини қайта тайёрлаш курси тингловчиси ҳамда Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати Ташкилий ва ахборот-таҳлил сектори мудири, 2016-2018 йилларда Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати Ташкилий-партиявий ишлар бўлими мудири лавозимида фаолият олиб борган. 2018 йилдан Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаш раисининг Ташкилий-партиявий ишлар бўйича ўринбосари лаозимида фаолият юритиб келмоқда.

Фарход Ишанкулов фаол, жамоатчи, билимдон, замонавий дунёқараш эгаси, миллий қадриятларни яхши ўзлаштирган, давлат ва жамият қурилиши соҳасига оид билимларни пухта эгаллаган, масъулиятни чуқур ҳис қиладиган, нозик ва мушкул вазиятларда доимо аниқ ва реал фикр юритадиган шахс сифатида шаклланган.

Номзод фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилиш ва амалга оширишда жамоат ташкилотларини кенг жалб этиш, шунингдек, кучли, эркин ва адолатли фуқаролик жамияти қуриш, "халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилмоғи керак" деган ғоя асосида халқ ҳокимияти тамойилини изчил амалга ошириш, парламентаризмни ривожлантириш, парламент демократиясининг замонавий институтларини қўллаб-қувватлаш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимида вакиллик органларининг ролини кучайтириш – мамлакатни демократик янгилашнинг муҳим йўналиши, деб ҳисоблайди. Номзоднинг дастуридан, шунингдек, мамлакатда конституция ва қонунлар устувор бўлиши, қонунларнинг халқчиллиги, ҳаётийлиги ва тўғридан-тўғри амал қилиши устидан парламент ва жамоатчилик назорати ўрнатилиши, бу борада вакиллик органлари демократиянинг ҳақиқий мактабига, ислоҳотларни амалга оширишда ташаббускор ва ҳал қилувчи кучга айланиши каби муҳим масалалар ўрин олган.

Оилали. Икки нафар фарзанди бор.

## АБДУЛЛАЕВА МУАТТАРХОН ИЛЬЁСОВНА

### 143-Саноат сайлов округи

**Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Муаттархон Абдуллаева 1972 йилда Тошкент вилоятида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий. 1997 йилда 1-Тошкент давлат тиббиёт институтини тугатган.



М.Абдуллаева 1987-1991 йилларда Олмалиқ шаҳар юқумли касалликлар шифохонаси жонлаштириш бўлими кичик ҳамшираси, 1997-2000 йилларда Ангрен шаҳар шифохонасида врач-интерна, врач-терапевт, 2000-2014 йилларда 9-оилавий поликлиника маҳалла терапевти, шифокори, бош шифокор ўринбосари, 2014-2017 йилларда Миробод туманидаги 3-Оилавий поликлиника бош шифокори лавозимида фаолият юритган. 2017 йилдан Яшнобод туман тиббиёт бирлашмаси бош шифокори вазифасини бажариб келаяпти.

У меҳнат фаолияти давомида фаол жамоатчи, билимдон, замонавий дунёқараш эгаси, миллий қадриятларни яхши ўзлаштирган, ҳуқуқий, сиёсатшуносликка оид билимларни пухта эгаллаган, масъулиятни чуқур ҳис қиладиган, мушкул вазиятларда доимо аниқ ва реал фикр юритиб, муаммони ҳал қилишда ўз лойиҳасини тақдим эта оладиган шахс бўлиб шаклланган.

Номзоднинг дастуридан фуқароларнинг тиббий, ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда амалга оширишда жамоат ташкилотларини кенг жалб этиш, шунингдек, коммунал хизматлар сифат даражасини ошириш каби муҳим масалалар ўрин олган. Шунингдек, соғлиқни сақлашнинг давлат секторини мустаҳкамлаш, соҳада юқори малакали хорижий мутахассислар сонини ошириш ва хорижий инвестицияларни кенгайтириш, кадрлар малакасини ошириш ва тайёрлашнинг самарали тизимини шакллантириш, тиббий хизматлар экспортини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Унинг асосий мақсади аҳолининг кенг қатламларига тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини оширишга қаратилган бўлиб, агар у депутат этиб сайланса, бу борада ўз саъй-ҳаракатларини соғлиқни сақлашнинг давлат секторини мустаҳкамлаш, мактаб ва мактабгача таълим муассасалари доирасида болаларни тиббий хизматлар билан таъминлаш тизимини кучайтиришга йўналтиради. Қолаверса, скрининг ва перинатал марказлари, аёллар тиббий маслаҳатхоналари, туғруқ мажмуалари, гинекология ва патронаж хизматлари фаолиятини доимий такомиллаштириб бориш каби вазифалар ижросида ўз ҳиссасини қўшишга бел боғлаган.

Оилали. Икки нафар фарзанди бор.

## ШУКУРОВ ЖАСУР НУРИЛЛАЕВИЧ

### 144-Дўмбиробод сайлов округи

**Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлилига номзод этиб кўрсатилган.**

Жасур Шукуров 1975 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Миллати — ўзбек. Маълумоти — олий. 1998 йилда Тошкент давлат шарқшунослик институтини, 2012 йилда Тошкент молия институтини тамомлаган.

У меҳнат фаолиятини 1998 йилда "Ватан Диёри" очиқ акциядорлик жамиятида бошлаган, 2001 йилда "Асака" банки кредитлаш бош бошқармаси мулкни баҳолаш ва қуриладиган объектларга берилган кредитни назорат қилиш бўлими мутахассиси, 2003 йилда "Асака" банки кредит маъмурияти бош бошқармаси гаров таъминотини баҳолаш бўлими етакчи мутахассиси, 2006 йилда "Асака" банки кредитлаш департаменти имтиёзли кредитлаш махсус жамғармаси бюджет ва бюджетдан ташқари жамғарма ҳисобидан кредитлашни ташкил этиш бўлими бошлиғи, 2008 йилда "Асака" банки Юнусобод филиали бошқарувчиси ўринбосари, 2010 йилда "Асака" банки Автотранспорт филиали бошқарувчиси ўринбосари, 2013 йилда "Асака" банки Корпоратив мижозлар департаменти ҳудудий хизмат кўрсатиш бўлими бошлиғи, 2014 йилда "Асака" банки Муаммоли активлар билан ишлаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари, ундирилган мол-мулк билан ишлаш бўлими бошлиғи, 2015 йилда "Асака" банки Кредит хатарларини бошқариш департаменти бошлиғи ўринбосари, 2017 йида Кредитлаш департементи уй-жойларни молиялаштириш бошқармаси бошлиғи лавозимларида фаолият олиб борган. 2019 йилдан "Асака" АТБ Автотранспорт филиали бошқарувчиси ўринбосари лавозимида фаолиятини давом эттирмоқда.

Ж.Шукуров фаол жамоатчи, билимдон ва замонавий дунёқараш эгаси, миллий қадриятларни яхши ўзлаштирган, соҳага оид билимларни пухта эгаллаган, масъулиятли ҳамда ўз устида мунтазам ишлайдиган мутахассис ҳисобланади. Мақсади давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятида адолатлиликни таъминлаш, аҳолининг манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишда депутатларнинг ваколатларини кенгайтириш, банк хизматининг сифат даражасини оширишдан иборат. Шунингдек:

- тўрачилик, расмиятчилик ва коррупцияга қарши курашиш;
- Ўзбекистонда инновацион ёндашувли рақамли иқтисодиётга ўтишни ташкил этиш;
- инновацион фаолиятнинг норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш;
- иқтисодиётда сунъий монополияга барҳам бериш;
- аҳолини иш билан банд этиш, янги иш ўринлари яратиш, ишсизликка қарши курашиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш;



- аҳоли даромадини изчиллик билан кўпайтириш бўйича давлат томонидан амалга оширилаётган сиёсатни қўллаб-қувватлаш;
- интеллектуал мулк объектлари (муаллифлик ҳуқуқи, турдош ҳуқуқлар, ихтирога бўлган ҳуқуқлар ва бошқа) ҳуқуқлари бузилишига нисбатан давлат ва жамоатчилик назоратини кучайтириш;
- Тошкент шаҳри мавқеини янада кўтариш ва жамиятимизда демократлашув жараёнларини илгари сурадиган ҳудудлардан бири сифатида шакллантириш номзод учун устувор аҳамият касб этади.

Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

## ЯКУБДЖАНОВА ШАХНОЗА АГЗАМБЕКОВНА

### 145-Бодомзор сайлов округи

**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Шахноза Якубджанова 1969 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий. 1995 йилда Тошкент давлат юридик институтини тугатган. 1-даражали адлия маслаҳатчиси.

Ш.Якубджанова 1986-1996 йиллар Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман судининг суд мажлиси котиби, 1996-2002 йилларда Тошкент шаҳар ҳокимияти адлия бошқармасининг катта инспектори, етакчи мутахассиси, бош мутахассиси, бўлим бошлиғи, бошқарма бошлиғи ўринбосари, 2003 йилда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Идоравий меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармасининг бош маслаҳатчиси, 2003-2007 йилларда Адлия вазирлиги Маъмурий ва ижтимоий қонунчилик бошқармасининг бўлим бошлиғи, 2007-2018 йилларда Адлия вазирлиги Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, 2018 йилда Адлия вазирлиги Нодавлат нотижорат ташкилотлар бошқармасининг бўлим бошлиғи лавозимида фаолият юритган. 2018 йилдан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ННТ бошқармаси бошлиғи ўринбосари — бўлим бошлиғи вазифасини бажариб келмоқда.

Шахноза Якубджанова фаол жамоатчи, билимдон, замонавий дунёқараш эгаси, миллий қадриятларни яхши ўзлаштирган, ҳуқуқий, сиёсатшуносликка оид билимларни пухта эгаллаган, масъулиятни чуқур ҳис қиладиган, мушкул вазиятларда доимо аниқ ва реал фикр юритиб, муаммони ҳал қилишда ўз лойиҳасини тақдим эта оладиган шахс бўлиб шаклланган.

Номзоднинг дастуридан фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилиш ва амалга оширишда жамоат ташкилотларини кенг жалб этиш, шунингдек, коммунал хизматлар сифат даражасини ошириш, Тошкент шаҳрини иқтисодий-сармоявий, ижтимоий, маданий жиҳатдан замонавийлаштириш, сиёсий фаол, республика бошқарувида бевосита иштирок этадиган, жамиятимизда демократлашув жараёнларини илгари сурадиган ҳудудлардан бири сифатида шакллантириш каби муҳим масалалар ўрин олган.

У аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш билан бирга, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, маҳаллаларда янги иш ўринларини ташкил этиш билан аҳоли бандлигини таъминлаш орқали фукороларнинг турмуш шароитини яхшилаш, шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, аҳолининг манфаатлари ва ҳуқуқларини кенг ҳимоя қилишга эътибор қаратган.



— Сайловчилар ишончига эришиш йўлида муҳим синовга кирар эканман, бу йўлда фақат билим ва салоҳиятнинг ўзи камлик қилишини, бунда ҳаётий тажриба ҳам керак бўлишини яхши ҳис қилиб турибман, — дейди у. — Шунга қарамай, мустақиллик йилларида камолга етган ўзбек ёшлари сафида ушбу сиёсий майдонда рақобатга киришар эканман, депутат этиб сайлансам, менга билдирилган ишончни тўлақонли оқлашга, сайловчиларимизнинг манфаати ва миллий қонунчилигимизни янада такомиллаштириш йўлида бор имкониятимни ишга солишга ваъда бераман.

Оилали. Бир нафар фарзанди бор.

# ЎЗБЕКИСТОН "АДОЛАТ" СДП НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

## АКАЙДИНОВ ВОРИСХОН БОРИЕВИЧ

### 146-Астробод сайлов округи

**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Ворисхон Акайдинов 1979 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий. 2004 йилда Тошкент ирригация ва мелиорация институти, 2011 йилда Тошкент давлат иқтисодиёт университетини тугатган.

В.Акайдинов 2004-2005 йилларда Яккасарой туманидаги "Уй-жойларни хусусийлаштиришга кўмаклашиш ва хусусий гаражларни рўйхатга олиш корхонаси" инспектори, 2005 йилда Чилонзор тумани "Савдо саноат" палатаси қошидаги "Чилонзор ахборот-маслаҳат хизмати" унитар корхонаси етакчи мутахассиси, 2005-2006 йилларда Ўзбекистон "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Чилонзор туман бўлими кенгаши мутахассиси, 2006-2007 йилларда Чилонзор тумани истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти ижрочи директори, 2007-2008 йилларда Ўзбекистон "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Чилонзор туман бўлими кенгаши раиси, 2008-2010 йилларда Чилонзор тумани ҳокимлиги ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари, 2010-2012 йилларда Ўзбекистон "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими кенгаши раиси ўринбосари, 2012-2018 йилларда Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари фаолиятини ташкил этиш ва уларга қабул қилиш режасини шакллантириш бўлими бошлиғи, бошқарма бошлиғи ўринбосари лавозимларида ишлаган. 2018 йилдан Яккасарой тумани мактабгача таълим бўлими мудири лавозимида фаолият олиб бормоқда.



У фаол жамоатчи, билимдон, замонавий дунёқараш эгаси, миллий қадриятларни яхши ўзлаштирган, ҳуқуқий, сиёсатшуносликка оид билимларни пухта эгаллаган, масъулиятни чуқур ҳис қиладиган, мушкул вазиятларда доимо аниқ ва реал фикр юритиб, муаммони ҳал қилишда ўз лойиҳасини тақдим эта оладиган шахс бўлиб шаклланган.

Номзоднинг дастуридан фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилиш ва амалга оширишда жамоат ташкилотларини кенг жалб этиш, шунингдек, мактабгача таълим муассасаларида овқатлантириш тизимини инновациялар асосида янгидан ташкил этиш, бунда калорияли овқатлар ҳамда мия фаолиятини яхши ишлашида керак бўладиган витаминларга бой озиқ-овқат маҳсулотлари ўрин олишига алоҳида эътибор бериш, ўқитувчилар ҳуқуқий мақомини янада кўтариш, уларнинг иш ҳақи ва ижтимоий мавқеини оширишга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни амалга ошириш, олий маълумотлилар сони бўйича мамлакат даражасини кўтариш мақсадида олий ўқув юртларига кириш квоталарини босқичма-босқич ошириб бориш, меҳнатга ҳақ тўлаш билан фуқароларнинг яшаш минимуми харажатлари ўртасидаги тавофутларни кескин қисқартириш каби муҳим масалалар ўрин олган.

Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

## БОРИСОВА ЕЛЕНА МИХАЙЛОВНА

### 147-Тўқимачи сайлов округи

**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Елена Борисова 1955 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Миллати – рус. Маълумоти – олий. 1978 йили Тошкент давлат тиббиёт институтини тугатган. 1997 йили II-даражали "Соғлом авлод учун" ордени, 2007 йили "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими" фахрий унвони билан тақдирланган. 2010 йилдан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси.

Е.Борисова 1978-1979 йилларда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги 1-клиник шифохонаси шифокор-интерни, 1979-1982 йилларда 1-клиник шифохонаси шифокори, 1982-1984 йилларда 1-клиник шифохонаси бўлим мудири, 1984-1999 йилларда 1-клиник шифохонаси даволаш ишлари бўйича бош шифокор ўринбосари лавозимларида ишлаган. 1999 йилдан Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази бош директорининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари лавозимида фаолият олиб бораяпти.



У фаол жамоатчи, билимдон, замонавий дунёқараш эгаси, миллий қадриятларни яхши ўзлаштирган, ҳуқуқий, сиёсатшуносликка оид билимларни пухта эгаллаган, масъулиятни чуқур ҳис қилади. Мушкул вазиятларда доимо аниқ ва реал фикр юритиб, муаммони ҳал қилади.

Номзоднинг дастуридан туғиш ва туғиш ёшидаги хотин-қизларнинг бепул тиббий кўригини сифатли таъминлашга ҳисса қўшиш, аҳоли саломатлиги ва фаровонлигига йўналтирилган қонунлар ижросига доир лойиҳаларни ишлаб чиқишда фаол иштирок этиш, амалга ошириш, кўнгиллилик институтини кенг тарғиб қилиш, сайловчиларга ҳуқуқий маслаҳатлар бериш фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилиш ва амалга оширишда жамоат ташкилотларини кенг жалб этиш, шунингдек, соғлиқни сақлаш соҳасининг хусусий секторини барқарор ривожланишнинг муҳим омилларидан бири сифатида тан олиш, соғлиқни сақлашнинг давлат секторини мустаҳкамлаш;

соғлиқни сақлаш соҳасида юқори малакали хорижий мутахассислар сонини ошириш ва хорижий инвестицияларни кенгайтириш, кадрлар малакасини ошириш ва тайёрлаш самарали тизимини шакллантириш;

аҳолининг тиббий маданиятини ошириш ва ушбу соҳада тизимли ишларни кучайтириш каби муҳим масалалар ўрин олган.

Оилали. Бир нафар фарзанди бор.

## БАРАТОВ ДИЛШОД ХАМИДУЛЛАЕВИЧ

### 148-Кўкча сайлов округи

**Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Дилшод Баратов 1983 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий. 2006 йили Тошкент темир йўл муҳандислари институтини тугатган. Техника фанлари номзоди.



Д.Баратов 2006-2007 йилларда Тошкент темир йўл муҳандислари институти стажёр-тадқиқодчиси, темир йўл транспортида автоматика ва телемеханика кафедраси ассистенти, 2007-2010 йиллар Санкт-Петербург давлат темир йўл университети аспиранти, 2011-2012 йилларда Тошкент темир йўл муҳандислари институти темир йўл транспортида автоматика ва телемеханика кафедраси ассистенти, 2012 йилда темир йўл транспортида автоматика ва телемеханика кафедраси катта ўқитувчиси, 2012-2015 йилларда ташишни ташкил этиш ва транспорт логистикаси факультети декани ўринбосари лавозимларида ишлаган. 2015 йилдан Тошкент темир йўл муҳандислари институти маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори лавозимида фаолият юртиб келмоқда

У меҳнат фаолияти давомида фаол жамоатчи, билимдон, замонавий дунёқараш эгаси, миллий қадриятларни яхши ўзлаштирган, ҳуқуқий, сиёсатшуносликка оид билимларни пухта эгаллаган, масъулиятни чуқур ҳис қиладиган, мушкул вазиятларда доимо аниқ ва реал фикр юритиб, муаммони ҳал қилишда ўз лойиҳасини тақдим эта оладиган шахс бўлиб шаклланган.

Номзоднинг дастуридан фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилиш ва амалга оширишда жамоат ташкилотларини кенг жалб этиш, шунингдек, мактабгача таълим муассасаларида овқатлантириш тизимини янги инновациялар асосида янгидан ташкил этиш, синфлардаги ўқувчилар сонини оптималлаштириш, электрон ўқув-таълим дастурлари ва мультимедиа маҳсулотлари миқдори ва сифатини ошириш, касб-ҳунар таълимининг меҳнат бозори билан алоқасини янада мустаҳкамлаш, мутахассисларни мақсадли тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, ўқитувчилар ҳуқуқий мақомини янада кўтариш, уларнинг иш ҳақи ва ижтимоий мавқеини оширишга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни амалга ошириш, олий маълумотлилар сони бўйича мамлакат даражасини кўтариш мақсадида олий ўқув юртларига кириш квоталарини босқичма-босқич ошириб бориш, меҳнатга ҳақ тўлаш билан фуқароларнинг яшаш минимуми харажатлари ўртасидаги тавофутларни кескин қисқартириш каби муҳим масалалар ўрин олган.

Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

## АГЗАМОВА ГУЛЬРУХ АНВАРОВНА

### 149-Қўйлиқ сайлов округи

**Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Гульрух Агзамова 1968 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий. 1990 йилда Москва давлат университетини, 2004 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясини тамомлаган.



Мутахассислиги – файласуф, ижтимоий-сиёсий фанлар ўқитувчиси, бошқарув магистри, фалсафа фанлари номзоди. 2017 йилдан бошлаб халқ депутатлари Бектемир тумани Кенгаши депутати.

Г.Агзамова 1990 йилда Тошкент политехника институти ассистенти ҳамда аспиранти сифатида иш бошлаган. 1997-2001 йилларда Тошкент шаҳар ҳокимияти ахборот-таҳлил гуруҳи етакчи мутахассиси, ҳокимиятнинг Оналик ва болаликни ижтимоий ҳимоя қилиш котибияти мудири, 1999-2003 йилларда Тошкент давлат шарқшунослик институтида "Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти" кафедраси ўқитувчиси, 2001-2003 йилларда Тошкент шаҳар Яшнобод тумани ҳокими ўринбосари — туман хотин-қизлар қўмитаси раиси, 2003-2004 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси бўлган. 2004-2006 йилларда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасида Нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ишлаш бўлими етакчи мутахассиси, 2006-2010 йиллар мобайнида Ўзбекистон "Камолот" ёшлар ижтимой ҳаракати Марказий кенгаши раисининг 1-ўринбосари, 2010-2012 йилда Муниципал иқтисодиёти ва инжиниринг маркази бош директори, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасида 1-тоифали мутахассис, 2012-2018 йилларда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти масъул котиби, ахборот-ресурс сектори жамоатчилик билан алоқалар бўйича мутахассиси ҳамда халқ билан мулоқотни ривожлантириш ва давлат органлари фаолиятининг очиқлигини мониторинг қилиш шўъба раҳбари сифатида фаолият кўрсатган. 2018 йилдан ҳозирги кунга қадар Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати бўлим мудири лавозимида ишлаб келмоқда.

Номзоднинг дастури партия Сайловолди дастурида илгари сурилган ғояларга ҳамоҳанг бўлиб, шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар, иқтисодий-ижтимоий ҳуқуқларга оид қонунлар, дастур ва лойиҳалар ижросида фаол иштирок этиш, иқтисодий-ижтимоий ва бошқа масалаларга оид давлат дастурларининг Тошкент шаҳри кесимидаги ижроси юзасидан депутатлик ва жамоатчилик назоратини ташкил этиш, аҳолининг ижтимоий аҳволини яхшилаш, ўқитувчилар ҳуқуқий мақомини янада кўтариш, уларнинг иш ҳақи ва ижтимоий мавқеини оширишга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида "Ўқитувчининг мақоми тўғрисида" алоҳида қонун ишлаб чиқилишида ташаббус кўрсатиш, "Таълим тўғрисидаги кодекс"ни қабул қилишда фаол иштирок этиш, давлат ва нодавлат олий таълим муассасалари сони ва самарадорлигини ошириш ҳисобига олий таълим билан қамров даражасини 2030 йилга қадар 50 фоиздан ошириш, олий ўқув юртларига кириш квоталарини босқичма-босқич ошириб бориш, бунда ўқув юртлари учун умумий қабул квоталарини белгилаш тажрибасидан воз кечиш, сиртқи, кечки ва масофавий таълим шаклини кенг жорий этиш, кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг ижтимоий аҳволини яхшилашга ҳисса қўшиш, туғиш ёшидаги хотин-қизларнинг бепул тиббий кўригини сифатли таъминлашга ҳисса қўшиш каби муҳим масалалар ўрин олган.

Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

## КАСИМОВА ФЕРУЗА ЭРГАШЕВНА

### 150-Шайхонтоҳур сайлов округи

**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.**

Феруза Касимова 1969 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий. 2007 йилда Тошкент давлат шарқшунослик институтини тугатган.

Ф.Касимова 1988-1994 йилларда АОПКХОК "Чевар"да тикувчи, 1994-1997 йилларда ММП "Сайёра"да тикувчи, 1998-1999 йилларда 1-МЎИЧК ўқитувчи, 1999-2002 йилларда Тошкент давлат шарқшунослик институти бирлашган касаба қўмитасида иш юритувчи, 2002-2004 йилларда Тошкент давлат шарқшунослик институти илмий тадқиқот гуруҳида кичик илмий ходим, 2004-2005 йилларда институтнинг қурилиш таъмирлаш бўлимида иш юритувчи, 2005-2006 йилларда меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими муҳандиси, 2006-2011 йилларда Тошкент архитектура қурилиш институти бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси бош ҳисобчиси, 2011-2012 йилларда институт касаба уюшмаси қўмитаси мутахассиси, 2012-2018 йилларда институт касаба уюшмаси бош ҳисобчиси лавозимиларида фаолият юритган. 2018 йилдан Тошкент архитектура қурилиш институти бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси раиси вазифасида ишлаб келмоқда.

У фаол жамоатчи, билимдон, замонавий дунёқараш эгаси, миллий қадриятларни яхши ўзлаштирган, ҳуқуқий, сиёсатшуносликка оид билимларни пухта эгаллаган, масъулиятни чуқур ҳис қиладиган, мушкул вазиятларда доимо аниқ ва реал фикр юритиб, муаммони ҳал қилишда ўз лойиҳасини тақдим эта оладиган шахс бўлиб шаклланган.

Номзоднинг дастуридан фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилиш ва амалга оширишда жамоат ташкилотларини кенг жалб этиш, шунингдек, синфлардаги ўқувчилар сонини оптималлаштириш, электрон ўқув-таълим дастурлари ва мультимедиа маҳсулотлари миқдори ва сифатини ошириш, касб-ҳунар таълимининг меҳнат бозори билан алоқасини янада мустаҳкамлаш, мутахассисларни мақсадли тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, ўқитувчилар ҳуқуқий мақомини янада кўтариш, уларнинг иш ҳақи ва ижтимоий мавқеини оширишга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни амалга ошириш, олий маълумотлилар сони бўйича мамлакат даражасини кўтариш



мақсадида олий ўқув юртларига кириш квоталарини босқичма-босқич ошириб бориш, меҳнатга ҳақ тўлаш билан фуқароларнинг яшаш минимуми харажатлари ўртасидаги тавофутларни кескин қисқартириш, энг кам иш ҳақи, пенсия ва энг зарур "яшаш минимуми" ҳамда "истеъмол савати"нинг ўзаро мутаносиблигига эришиш ва минимал иш ҳақини бозордаги нарх-навога мутаносиб равишда ошириш каби муҳим масалалар ўрин олган.

Оилали. Икки нафар фарзанди бор.

"Адолат" СДП ўз олдига мана шундай олижаноб ва эзгу мақсад-вазифаларни белгилаб олмоқда. Сизнинг сайловлардаги фаол иштирокингиз ва хоҳиш-истагингиз билан биз мамлакатимиз бўйлаб кучли депутатлик корпусларини шакллантира оламиз ва кейинги 5 йил мобайнида уларни ҳаётга татбиқ эта оламиз.

Сайловларда энг кўп ўрин эгаллаб, янги ҳукуматни шакллантиришда фаол иштирок этамиз ҳамда бугунги ҳукумат томонидан йўл қўйилаётган барча хато ва камчиликларни бартараф этамиз.

Биз халқ номидан, халқ учун ишлаймиз, унинг муаммоларини ҳал қиламиз. Агар сайловларда бизни танласангиз ва партиямиз кўрсатган номзодларни қўллаб-қувватласангиз, биз Сиз — азиз юртдошларимизнинг тинч ва фаровон ҳаёти учун курашамиз!

Ўзбекистон — бизнинг умумий уйимиз. Шундай экан, унинг ҳар бир аъзоси эркин, адолатли, тинч ва фаровон яшашга ҳақлидир!

Адолат ҳаётимизнинг бош мезонига айланиши даркор!

САЙЛОВ — 2019

Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига номзодларнинг гувоҳномалари намунаси тасдиқланди.

# Депутатликка номзодларнинг гувоҳномалари қандай кўринишда бўлади?

Сайлов кодексининг 40-моддасига кўра Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинади, маҳаллий Кенгашлар депутатлигига номзодларни рўйхатга олишни эса тегишли вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссияси амалга оширади.

Номзод этиб рўйхатга олинган шахсга рўйхатга олинганлик гувоҳномаси берилади. Номзодларни рўйхатга олиш сайловга ўттиз беш кун қолганида тугалланади.

Номзодлар рўйхатга олинганидан кейин беш кунлик муддатда тегишли сайлов комиссияси рўйхатга олинганлик тўғрисидаги хабарни номзоднинг фамилиясини, исмини, отасининг исмини, туғилган йилини, партияга мансублигини, эгаллаб турган лавозимини (машғулотининг турини), иш ва яшаш жойини, шунингдек, уни номзод этиб кўрсатган сиёсий партияни кўрсатган ҳолда эълон қилади.

Шундан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларнинг гувоҳнома намунаси комиссия тасдиғига киритилди.

Хўш, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзоднинг гувоҳномаси қандай кўринишда бўлади?

Юқори чап томонига давлат герби жойлаштирилади. Юқори ўнг қисмида сайлов округи номери кўрсатилган бўлади. Депутатликка номзоднинг фамилияси, исми ва отасининг исми ёзилиши учун уч қатор жой ажратилган бўлади.

Пастки ўнг бурчагига депутатликка номзоднинг 3x4 ҳажмдаги расми жойлаштирилади. Гувоҳнома Марказий сайлов комиссияси раиси томонидан имзоланади ва муҳрланади. Ушбу гувоҳнома шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатгандагина ҳақиқий ҳисобланади. 115x92 мм. ўлчамдаги гувоҳнома бир тарафли, ўзбек тилида намунавий бланкда расмийлаштирилади.

Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига номзодларнинг гувоҳномалари намунаси ҳам тасдиқланди.

Унга кўра, гувоҳноманинг юқори чап томонига давлат герби жойлаштирилади. Юқори ўнг томонида депутатликка номзоднинг қайси округ ва қайси кенгашга номзодлиги ёзилади. Сўнгра депутатликка номзоднинг фамилияси, исми ва отасининг исми ёзилиши учун уч қатор жой ажратилган бўлади.

Пастки чап томонига депутатликка номзоднинг 3x4 ҳажмдаги расми жойлаштирилади. Вилоят, туман/шаҳар сайлов комиссияси раиси томонидан имзоланиб муҳрланади. Ушбу гувоҳнома шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатгандагина ҳақиқий ҳисобланади. 115x92 мм. ўлчамдаги гувоҳнома бир тарафли, ўзбек тилида намунавий бланкда расмийлаштирилади.

Гувоҳноманинг орқа томонига сайлов кодексидан қуйидаги кўчирма босилади:

Депутатликка номзодлар сайлов округи доирасида давлат йўловчилар транспортининг барча турларида (бундан шаҳар йўловчи транспорти, такси ва бошқа транспорт турларининг буюртма йўналишлари мустасно) текинга юриш ҳуқуқига эга. Сайлов округидан ташқарида яшовчи депутатликка номзод сайлов округига бориш ва яшаш жойига қайтиш учун уларда текинга юриш ҳуқуқидан фойдаланади.

**ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ________ ВИЛОЯТ/ТУМАН/ШАҲАР ДЕПУТАТЛИГИГА НОМЗОДНИНГ ГУВОҲНОМАСИ**

________________ сайлов округи бўйича
Халқ депутатлари ________ вилоят/туман/шаҳар
депутатлигига номзоднинг

**ГУВОҲНОМАСИ**

________________
*(фамилия)*

________________
*(исми)*

________________
*(отасининг исми)*

Расм

**Вилоят/туман/шаҳар сайлов комиссияси Раиси** *М.Ў.* ________ *(имзо)*

20__ йил «______» ________________
(рўйхатга олинган сана)

Шахсни тасдиқловчи ҳужжат кўрсатилгандагина ҳақиқий ҳисобланади.

**ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛИГИГА НОМЗОДНИНГ ГУВОҲНОМАСИ**

________________ сайлов округи бўйича
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг
Қонунчилик палатаси депутатлигига номзоднинг

**ГУВОҲНОМАСИ**

________________
*(фамилия)*

________________
*(исми)*

________________
*(отасининг исми)*

Расм

**Марказий сайлов комиссияси Раиси** *М.Ў.* ________ *(имзо)*

20__ йил «______» ________________
(рўйхатга олинган сана)

Шахсни тасдиқловчи ҳужжат кўрсатилгандагина ҳақиқий ҳисобланади.

## БИЗНИНГ ШИОРЛАР:

**Куч — адолатда!**

**Адолат — ҳар бир инсон учун!**

**Адолат бор жойда тараққиёт бор!**

**Адолат — ҳаётимизнинг бош мезони!**

**Биз квоталарсиз олий таълим тарафдоримиз!**

**Биз қалбаки ва сифатсиз дори воситалари айланмасига қаршимиз!**

**Биз малакали ва бепул тиббий хизмат тарафдоримиз!**

**Коррупцияни таг-томири билан қуритамиз!**

**Коррупция — тараққиёт кушандаси!**

**Эркинлик, адолатлилик ва бирдамлик учун!**

## 22 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига САЙЛОВ КУНИ

O'ZBEKISTON ADOLAT SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

# NOMZODLARIMIZGA OVOZ BERING!

# ADOLAT - HAR BIR INSON UCHUN!

# ЎЗБЕКИСТОН “АДОЛАТ” СДП НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!




# Сайловолди ташвиқотига доир муҳим масалалар

**Сайловолди ташвиқоти нима?**

Сайловолди ташвиқоти — сайлов кампанияси даврида амалга ошириладиган ва сайловчиларни номзодни ёки сиёсий партияни ёқлаб овоз беришга ундашга қаратилган фаолиятдир.

**Ташвиқот қачондан бошланади ва қачон тугайди?**

Сайловолди ташвиқоти номзодларни рўйхатга олиш учун белгиланган охирги куннинг эртасидан бошланади.

Сайлов куни ва овоз беришга бир кун қолганида ташвиқотга йўл қўйилмайди.

**Ташвиқот вақтида нималар тақиқланади?**

Ташвиқотни сайловчиларга бепул ёки имтиёзли шартларда товарлар бериш, хизматлар кўрсатиш (ахборот хизматларидан ташқари), шунингдек, пул маблағлари тўлаш билан қўшиб олиб бориш тақиқланади.

**Ташвиқот қандай шакл ва усулларда олиб борилади?**

Ташвиқот омма олдида очиқ мунозаралар, баҳслар, матбуот конференциялари, фуқароларнинг йиғилишлари, интервьюлар, оммавий ахборот воситаларида чиқишлар, роликларни жойлаштириш шаклида олиб борилиши мумкин.

Ташвиқот:

- оммавий ахборот воситалари, телекоммуникация тармоқлари, шунингдек Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали;
- босма, кўргазмали, аудиовизуал ва бошқа ташвиқот материалларини (плакатлар, варақалар ва бошқа материалларни) чиқариш ҳамда тарқатиш орқали;
- сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш орқали амалга оширилади.

Ташвиқот ишлари олиб боришда Сайлов кодексида тақиқланмаган бошқа усуллардан ҳам фойдаланиш мумкин.

**Сайловолди ташвиқотида имкониятлар тенглиги қандай тартибда таъминланади?**

Ташвиқот олиб борилаётганда давлат оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда ҳажмига кўра бир хил бўлган эфир вақтини ва нашр майдонини бепул бериш йўли билан тенг шароитлар таъминланади.

Давлат оммавий ахборот воситаларида ҳақ эвазига ҳам эфир вақти ёки нашр майдони ажратилиши мумкин.

Нодавлат оммавий ахборот воситаларида қонун ҳужжатларига мувофиқ эфир вақти ёки нашр майдони ажратилиши мумкин.

Оммавий ахборот воситалари томонидан эфир вақти, нашр майдони учун белгиланадиган ҳақ тўлаш шартлари ҳамда бошқа талаблар барча учун тенг ва бир хил бўлиши керак.

**Ташвиқот материаллари учун қандай талаблар бор?**

Ташвиқот материаллари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тайёрланиши керак.

Босма, кўргазмали, аудиовизуал ва бошқа ташвиқот материалларида:

- ташвиқот материалларини тайёрлаган юридик шахснинг номи (жисмоний шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми), жойлашган ери (почта манзили) ва у ҳақдаги бошқа маълумотлар;
- ташвиқот материалларига буюртма берган юридик шахснинг номи (жисмоний шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми);
- ташвиқот материалларининг адади, чиқарилган санаси тўғрисидаги ахборот кўрсатилган бўлиши керак.

**Сайловчилар билан учрашувлар қандай ташкил этилиши керак?**

Сайловчилар билан учрашувларни ўтказиш жойи ва вақти ҳақида округ ёки участка комиссиясига маълум қилинади, мазкур комиссиялар бу ҳақда сайловчиларни олдиндан хабардор қилади.

Тегишли ташкилотлар учрашувлар ўтказиш учун жиҳозланган хоналарни бепул ажратиши, зарур маълумот ва ахборот материалларини олишда ёрдам кўрсатиши шарт.

**Бир номзод бошқа бир номзод томонидан ташкил этилган сайловчилар билан учрашувларда иштирок этиши мумкинми?**

Ҳа, мумкин. Номзод ёки унинг ишончли вакили бошқа номзод ёки унинг ишончли вакили билан биргаликда сайловчилар билан учрашувлар ўтказишга ёхуд бошқа номзод томонидан ташкил этилган сайловчилар билан учрашувларда иштирок этишга ҳақли.

**Ташвиқот олиб бориш шартлари ва тартибини бузганлик учун қандай жавобгарлик бор?**

Сайловолди ташвиқотини олиб бориш шартлари ва тартиби номзод, ишончли вакил, сиёсий партия вакили ёки мансабдор шахс томонидан бузилиши 1 миллион 561 минг сўмдан 2 миллион 230 минг сўмгача жарима солишга сабаб бўлади.

**Эслатма:** *ташвиқот давомида нотўғри ахборотни, шунингдек, номзодларнинг шаъни ва қадр-қимматига путур етказадиган маълумотларни тарқатиш тақиқланади.*

МУАССИС:
Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

Бош муҳаррир: Ислом ҲАМРОЕВ

Таҳрир ҳайъати:
Наримон УМАРОВ
Муҳаммад АЛИ
Гавҳар АЛИМОВА
Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА
Қодир ЖЎРАЕВ
Тошпўлат МАТИБАЕВ
Талъат МУРОДОВ
Абдукамол РАҲМОНОВ
Собир ТУРСУНОВ
Алишер ШОДМОНОВ
Шуҳрат ЯКУБОВ

Бўлимлар:
Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 71 288-46-54 (149); Котибият — 71 288-42-14 (144); Ахборот, ҳуқуқ ва хатлар бўлими — 71 288-42-12 (132); Қабулхона — 71 288-42-12 (141) факс; Реклама бўлими — 71 288-42-14 (132); 90 900-72-15

Навбатчи муҳаррир — Камол Матёқубов
Навбатчи — Фуркат Тожиев

*Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми — 14 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г — 1100.*

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили:
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Адади — 15 000
Босишга топшириш вақти — 12.00
Босишга топширилди — 13.00
*Баҳоси келишилган нархда*

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

Таҳририят манзили: 100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани «Шарқ тонги» кўчаси, 23-уй.

info@adolatgzt.uz adolatgz-95@mail.ru

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100
ISSN 2091-5217
1 2 3 4 5